



Ж У Р Н А Л И С Т И К А

ҲУҚУҚИ
ВА
ЭТИКАСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
АДМИНИСТРАЦИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
АХБОРОТ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР
АГЕНТЛИГИ

ЖУРНАЛИСТИКА ҲУҚУҚИ ВА ЭТИКАСИ

**(ОАВ ҚОНУНЧИЛИГИ, ҚОНУНЛАРГА
ШАРҲЛАР, КАСБ ЭТИКАСИ)**

II жилд

ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2019

УЎК 070.11

КБК 76.01

87.75

Ж 91

Муаллифлар:

Хуршид ДУСТМУХАММАД, ф.ф.д.

Назира ТОШПЎЛАТОВА, ф.ф.н.;

Карим БАХРИЕВ;

Фирдавс САИДОВ

Ж 91

Журналистика ҳукуки ва этикаси [Матн] Ж.2: ОАВ конунчилиги, конунларга шарҳлар, касб этикаси. Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019. – 240 б.

ISBN 978-9943-25-920-1

Демократлашаётган фукаролик жамиятида барча муносабатлар ҳукукий меъёрларга асосланади. Хусусан, журналистика ва оммавий ахборот воситалари соҳасида конун, ҳуқуқ талаблари соҳа фаолиятини жамият манфаатларига йўналтиришда жиддий аҳамият касб этади. Шунингдек, журналистнинг касб одоби, яъни этикаси меъёрлари оммалашувининг аҳамияти ҳуқуқ талаблари аҳамиятидан оз эмас. Бир сўз билан айтганда, ушбу жилддан ўрин олган мақолалар, шарҳлар, гаҳлилар ва мулоҳазалар соҳа учун нихоятда муҳим ва долзарб бўлган мазкур икки йўналишга доир масалаларга қаратилган.

УЎК 070.11

КБК 76.01

87.75

ISBN 978-9943-25-920-1

© Х. Дўстмуҳаммад ва бошқ., 2019

© «O'ZBEKISTON», НМИУ 2019

НАЗИРА ТОШПУЛАТОВА,
ФИРДАВС САИДОВ

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ҲУҚУҚ

Жамиятда демократик тараққиёт йўлига ўтишнинг бош шартларидан бири ҳаётнинг барча жабҳалари муайян қонунлар асосига қурилганида кўринади. Ҳар бир соҳадаги муносабатлар қатор қонунларга кўра ҳуқуқий мақомга эга бўлади. Жумладан, оммавий ахборот воситалари тизими жамиятнинг муҳим ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тармоғи ҳисобланади. Журналистиканинг бошқа ҳеч қайси соҳага ўхшамайдиган ўзига хослиги шундан иборатки, у жамиятнинг барча қатламларини қамраб олади, ҳар қандай катта-кичик воқеа-ҳодиса ҳақида жамоатчиликни мунтазам ҳабардор қилади. Жамиятни ахборотлашган жамият мақомига олиб чиқади. Истайдими-йўқми, кенг омма онгининг шаклланишига таъсир кўрсатади, ғоявий йўналтирувчилик вазифасини ўтайди. Муайян муҳит, қайфият яратади. Шу аснода мисли кўрилмаган муносабатлар, ҳамкорликлар, мулоқотлар, мунозаралардан иборат серқатлам, серқирра жараёнлар кечади. Мазкур жараёнларни тўғри, ҳолис ҳамда шахс, жамият ва давлат манфаатларига путур етказмаган ҳолда ташкил этиш барча муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини яратишни, уни мустаҳкамлашни тақозо этади.

Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) фаолиятини ташкил этиш соҳада қабул қилинган халқаро ва миллий қонунчилик тизими асосида тартибга солинади. Оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги турли ижтимоий институтлар билан ҳуқуқий муносабатлари, ахборот соҳасида бошқарувни ташкил этиш, ахборотга эгаллик қилишнинг қонуний тартиби алоҳида мавзу кўламинан иборат.

Журналистика табиати ҳақида гап кетганда, ҳамиша унга ижодий соҳа сифатида нисбат берилади. Бу кўпроқ журналистик материални тайёрлаш билан боғлиқ ижодий жараёнга тааллуқли, аслида. Аммо жамиятда содир бўлган, бўлаётган воқеа-ходисаларни ёритиш жараёнида журналистлар жуда кўп савол ва муаммоларга дуч келадики, уларга жавоб топиш, ечимини кўрсатиб беришда ижодий маҳоратнинг ўзи кифоя қилмайди. Шу маънода ҳам журналистлик фаолияти муайян тартиб-қоидалар, қонуний меъёрлар асосида ташкил этилади. Оддий ахборот олишдан тортиб, уни оммага етказишгача бўлган жараёнда журналист амал қилиши лозим бўлган меъёрлар, мажбуриятлар бор. Бунинг учун журналист касбий ҳукуки, ахборот манбаси, журналистик асар қаҳрамони, аудиторияси (ўқувчи, тингловчи, томошабин), ишлайдиган тахририяти, муассисининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини билмоғи ва уни амалда тўғри қўллай олмоғи зарур. Умуман, оммавий ахборот воситалари соҳасига тааллуқли қонунчилик тизими, унинг ўзига хослиги, уларни журналистика соҳасида қўллаш механизмларини билиш, эгаллаш журналист фаолиятини ҳар жиҳатдан енгиллаштиради. Қолаверса, журналистнинг қонун доирасидаги фаолияти қонунга мувофиқ ҳимоя этилади. Қонунларнинг самарали натижа бериши эса қабул қилинган қонунларнинг ҳаётийлиги ва уларни амалда тағбиқ этадиган журналистларнинг ҳуқуқий билимларига боғлиқ.

Ўзбекистонда матбуот ва ОАВ соҳасига доир қонунлар қабул қилиш тарихи мустақиллик йилларидан бошланди. Ўтган чорак асрдан ортиқроқ вақт мобайнида бу борала қонунчилик шаклланди, катта тажриба тўпланди.

Оммавий ахборот воситалари ҳуқуқининг конституциявий қафолати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ўндан ортиқ қонун, элликдан ортиқ қонуности ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар журналист фаолиятига алоқадор бўлган ҳуқуқий базани ташкил қилмоқда. Улар ахборот ва сўз эркинлигининг ҳуқуқий ҳимоялангани, ОАВ фаолиятининг қонуний ташкил этилиши, муассис, тахририят, тарқатувчи сингари субъектларнинг ҳуқуқий муносабатлари-

ни, ахборот билан ишлашнинг қонуний тартиби, ахборотнинг ҳимоялангани, журналист мақоми, мажбурияти ва масъулияти, ОАВда муаллифлик ҳуқуқи масалалари, давлатнинг ОАВ фаолиятини халқаро миқёсда таъкил этишдаги иштироки билан боғлиқ бутун соҳани қамраб олади.

Жамият ҳаётида юз бераётган воқеалар, амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда замон ўзгаришлари билан боғлиқ равишда кузатилаётган янгиликлар мавжуд қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади, албатта. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот олиш қафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларга киритилган ўзгартиришлар ана шулар жумласидандир.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Парламенти томонидан қабул қилинган ҳар бир қонун халқаро ҳуқуқий меъёрларга амал қилади, яъни Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқий меъёрлар устуворлигини тан олади. Зеро, мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти, эрки, ор-номуси, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқларини олий қадрият ҳисоблайдиган умумий тамойилларга асосланади. Ушбу меъёр Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ўз аксини топган. *«Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади»* (13-модда)¹.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ОАВ ва уларда фаолият кўрсатаётган ижодкорларнинг эркин, кенг қамровли, ошқора фаолият кўрсатишлари учун шароитлар яхшиланиб бормоқда.

Мамлакатимизда ОАВ соҳасида қонунчилик базаси шаклланишига қарамай, журналистларнинг амалий фаолиятида негатив ҳолатлар учраб туради. Бу воқеаларни бир томонла-

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <http://www.lex.uz/acts/20596>.

ма ёритиш, холисликнинг етишмаслиги, фактларнинг жўн ва саёзлиги, шарҳловчилик борасидаги нўноклик, таҳлилнинг заифлиги ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатларда кўзга ташланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 3 август куни ижодкор зиёлилар билан бўлиб ўтган учрашувда айтишга ушбу масалалар юзасидан алоҳида тўхталиб ўтди. Жумладан, Президент ўз маърузасида ахборот соҳасида янги-янги ижодий ғоя ва ташаббуслар билан яшаш, изланиш руҳи етишмаётгани, енгил-елпи китоблар, саёз, олди-қочди газета-журналлар, теле-радиостанциялар кўпайиб бораётгани ва айтишга, бундай ҳолатларга принципиал баҳо берилмаётгани, уларни бартараф этиш бўйича ҳар томонлама асосланган амалий таклифлар ўртага қўйилмаётганини кескин ва асосли танқид қилди. Маърузада, шунингдек, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, соҳани янги сифат босқичига кўтариш, фуқароларнинг ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини ҳал этиш, айтишга, оммавий ахборот воситаларининг фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш бўйича қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат органларининг аҳоли билан очиқ, тўғридан-тўғри мулоқотини кучайтириш борасида устувор вазифалар белгилаб берилди.¹

ЎЗБЕКИСТОНДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ТААЛЛУҚЛИ ҚОНУНЛАР

Журналистика жамиятдаги деярли барча соҳалар билан муносабатга киришар экан, уларнинг табиати, қонуниятлари билан тўқнаш ҳам келади. Бундай шароитда журналистиканинг фаолият тартиби қандай кечиши, журналистнинг ахборот билан ишлашда қайси мезонларга амал қилиши, соҳа фаолиятининг тартибга солиниши ахборот самарадорлигига қандай таъсир кўрсатиши, умуман, дунё журналистлари қандай мезонлар асосида ишлаши лозимлиги билан боғлиқ қатор ма-

¹ *Мирзиёев III*. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш халқимиз маънавий олами юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. <http://uza.uz/oz/>. 03.08.2017, 23:05.

салаларга ойдинлик киритиш зарурати туғилади. Қолаверса, ХХI асрда ахборот узатиш турлари ва воситаларининг кўпайиши улар ўртасидаги муайян ҳукукий муносабатларни юзага келтирдик, уларни қонуний тартибга солиш, амал қилиш лозим бўлган муайян мезонларни белгилаб беришни даврнинг ўзи такозо этмоқда.

Миллий оммавий ахборот воситалари фаолиятига тааллуқли амалдаги қонунлар қуйидагилардан иборат:

1. «Алоқа тўғрисида» (1992 йил 13 январь);
2. «Ахборотлаштириш тўғрисида» (дастлаб 1993 йилда, янги таҳрирдагиси – 2003 йил 13 декабрь);
3. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» (1996 йил 26 апрелда қабул қилинган);
4. «Ноширлик фаолияти тўғрисида» (1996 йил 30 август);
5. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» (1997 йил 26 декабрь, янги таҳрирдагиси – 2007 йил 15 январь);
6. «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида» (1997 йил 24 апрель);
7. «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» (1997 йил 24 апрель);
8. «Реклама тўғрисида» (1998 йил 25 декабрь);
9. «Радиочастота спектри тўғрисида» (1998 йил 25 декабрь);
10. «Телекоммуникациялар тўғрисида» (1999 йил 20 август);
11. «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида» (2002 йил 12 декабрь);
12. «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида» (2006 йил 20 июль);
13. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида» (2014 йил 5 май);
14. «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида» (2017 йил 8 сентябрь);
15. «Жамоатчилик назорати тўғрисида» (2018 йил 29 март).

Оммавий ахборот воситалари конунчилигини ўрганиш учун, аввало, «юриспруденция» тушунчаси ва унинг асосий тамойилларини, шунингдек, ҳуқуқ манбалари ва уларнинг ривожланиш қонуниятларини билиб олишга тўғри келади. Чунинчи:

- ҳуқуқ ва қонун тушунчаси;

- «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси», «Фуқаролик ҳуқуқи ва сиёсий ҳуқуқлар халқаро Пакти» «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар тўғрисида» Европа Конвенцияси сингари ва бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар;

- Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари ҳуқуқий асослари, амалдаги қонунлар ва қонуности ҳужжатлари, уларнинг халқаро ҳуқуқий меъёрларга мослиги ва уларни амалиётда қўллаш зарурати;

- сўз ва матбуот эркинлигининг халқаро ҳуқуқий меъёрларда мустаҳкамланиши, сўз ва матбуот эркинлигининг глобаллашув шароитидаги аҳамияти;

- халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ахборот олиш, қайта ишлаш ва тарқатишнинг қонуний қафолатланиши, ахборотнинг халқаро ҳуқуқий ҳимоя қилиниши ва унинг миллий қонунчиликдаги ўзига хослиги;

- ОАВни ташкил этишнинг ҳуқуқий тартиби, муассиса мақоми, унинг таҳририят ва тарқатувчи билан ўзаро муносабатларининг қонуний меъёрлари, муассислик шартномаси, унда томонларнинг мажбуриятлари;

- ОАВда фаолият кўрсатадиган журналистнинг ҳуқуқий мақоми, субъектив ҳуқуқлари ва юридик мажбуриятлари;

- Ўзбекистон Республикаси қўшилган (ҳукуматлараро) халқаро ҳуқуқий шартномаларнинг ОАВ фаолиятидаги аҳамияти, хорижда ишлайдиган журналистлар фаолиятининг ҳимоя қилиниши;

- медиакорпорацияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши, уларнинг халқаро ҳуқуқий субъектлар (давлатлар,

ҳалқаро ташкилотлар) билан муносабатлари, ҳалқаро ахборот алмашишдаги иштироки;

– ОАВ фаолиятида юзага келадиган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва бартараф этишда журналист мажбуриятлари, ОАВ фаолияти билан боғлиқ низоларни суд орқали ҳамда ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатлар асосида бартараф этиш;

– журналистга нисбатан таҳдид ва уни бартараф этиш йўллари, экстремал ҳолатларда журналист иштирокининг қонуний таъминланиши;

– давлат органларининг ОАВ фаолиятини ҳалқаро доирада ташкил этишдаги мажбуриятлари, журналистларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокига тааллуқли ҳалқаро шартномаларни изохлаш, шарҳлаш малакаси.

Шу ўринда «ҳуқуқ» тушунчаси ҳақида қисқача тўхталиш лозим. Ҳуқуқ халқ орасида кўпроқ қадрият сифатида идрок этилади. Шахснинг ҳуқуқий онги эса ана шу қадриятларни, меъёрларни билиш орқали шаклланади. Ҳуқуқнинг ҳолислиги у ёки бу шахснинг ёки ҳуқуқшунослар сўзи билан айтганда, субъектнинг мустақиллигини англатади.

Ҳуқуқий саводхонлик деганда эса мамлакатнинг мавжуд қадриятлари, давлатнинг қонунчилик органлари томонидан ишлаб чиқилган ҳуқуқий меъёрларни яхши билиш ва улардан тўғри фойдаланиш назарда тутилади. Айниқса, ҳуқуқий жамиятда ўз ифодасини топган инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятлари чегарасини фарқлай олиши муҳимдир.

Ҳуқуқий билимлар ёки ҳуқуқий онг деганда инсоннинг шахсий ва ижтимоий муносабатлардаги меъёрларни тўғри англаши назарда тутилади.

«**Ҳуқуқ**»нинг энг оддий ва соф юридик талқиндаги маъноси шундан иборатки, у ҳар бир инсоннинг муайян гарзда ҳаракат қилиш ёки қилмаслигини белгилаб берувчи ўзига хос ижтимоий асос, белги, сифатдир. **Ҳуқуқ тушунчаси** – оддий қилиб айтганда, руҳсат, изн, эғалик, эркинлик, имконият деган маъноларни англатади. Шунингдек, масъулият, мажбурият, бурч деган тушунчалар ҳам бевосита ҳуқуқ билан боғлиқ. Нимагадир эғалик қилиш, қандайдир фаолият билан шуғулланиш

ваколати, имконияти деганидир. У инсонга табиат ва жамият томонидан берилади.

Юридик фанлари доктори, академик А.Саидов ва бошқа муаллифлар томонидан яратилган «Давлат ва ҳуқук асослари» дарслигида ҳуқук тушунчасига шундай таъриф берилади: «**Ҳуқук** – бу ижтимоий тузумнинг моҳиятидан келиб чиқадиган ва давлат томонидан мустаҳкамланадиган, ижро этилиши барча учун мажбурий бўлган нормалар, ҳуқ-атвор қоидалари мажмуаси. Ҳуқук – давлат томонидан ўрнатилган ёки маъқулланган ва унинг кучи билан ҳимоя қилинадиган умуммажбурий ҳуқ-атвор қоидаларининг тизими».¹

Россиялик олимлар Н.С. Лавуш ва А.С. Пуюларнинг ҳуқуққа берган таърифи юқоридаги таърифдан фарқ қилади.

«**Ҳуқуқ** – узоқ давом этган тарихий ривожланиш йўлида инсоният томонидан кашф этилган энг ноёб ижтимоий ихтиролардан бири. Замонавий ҳуқуқий адабиётларда «ҳуқуқ» тушунчаси бир неча маъноларда қўлланади: 1) ҳуқуқий меъёрлар тизими сифатида; 2) барча ҳуқуқий ҳодисаларнинг (ҳуқуқий тизим) мажмуи сифатида; 3) давлат ва фуқароларнинг ихтиёридаги расмий тан олинган имкониятлар сифатида».² Уларнинг замонавий илмда ҳуқуқнинг умумэътироф этган тугал таърифи мавжуд эмаслигини таъкидлаган ҳолда, **ҳуқуқ** – давлат кучи ёрдамида расмий қафолатланадиган ва мажбурий таъминланадиган муайян ҳуқ қоидалари, билимлар мажмуи ҳақидаги тушунча эканини эътироф этадилар.³

Ҳуқуқнинг муҳим жиҳати, қадрият ва анъаналардан фарқли равишда, унинг меъёрлари ҳар доим қонун ёки бошқа расмий ҳужжатларда ёзилиши билан белгиланади. Бу ҳужжатлар халқаро шартномалар, фармон, фармойиш, қарор, буйруқ ёки бошқа ҳужжатлар кўринишида ваколатли давлат

¹ Саидов А., Таджиханов У., Одиқориев Х. Давлат ва ҳуқук асослари. – Т.: Шарқ. 2002.

² Лавуш Н.С., Пую А.С. Международное гуманитарное право: журналистика и прав человека. Уч.пос. – Санкт-Петербург. 2012. – С. 8.

³ Ўша манба.

органлари томонидан нашр этилиши ва зарур соҳаларга жорий этилиши лозим. Бу ҳужжатлар ҳуқуқ манбалари деб аталади.

Ҳуқуқий меъёрлар жамият аъзолари учун умуммажбурий характерга эга бўлиб, барча амал қилиши қатъий белгиланган расмий ҳужжатларда аниқ қайд этилган бўлиши зарур. Унинг бажарилишини давлат органлари таъминлайди. Давлат ҳуқуқлари амалдаги бошқа (масалан, ахлокий, сиёсий, диний, жамоавий) ҳуққ қоидаларидан фарқ қилса-да, улар билан боғлиқдир.

Ҳуқуқ жамият ва фуқаролар ҳаётида муайян функцияларни бажаради. Ҳуқуқнинг функцияси деганда, ижтимоий муносабатларга таъсир этиш, уларни тартибга солишнинг асосий йуналишлари тушунилади.

Ҳуқуқ *тартибга солишчи, қўриқловчи ва тарбиявий* функцияларга эга.

Тартибга солиш функцияси – тегишли ижтимоий алоқалар ҳамда муносабатларни ва у ёки бу субъект фаол ҳуққ-атворининг мезонини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан иборат.

Қўриқлаш функцияси – ҳуқуқий муҳофаза ва юридик жавобгарлик чораларини белгилаш, уларни қўллаш ва жавобгарликни ўташ тартибини ўрнатишдан иборат.

Тарбиявий функция – турмушда нималарни қилиш мумкин, нималар тақиқланади, у ёки бу вазиятда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини белгилашдан иборат. Бунда ҳуқуқ ишонтириш методига таянади, зарур бўлганда мажбурлаш методи, ҳатто жазолашни ҳам назарда тутди.

Ҳуқуқ ва унинг турлари

Шиддатли ва мураккаб даврда яшайпмиз. Унинг мураккаблиги кўп жиҳатдан ахборотга бўлган талабнинг ортиши билан ҳам белгиланмоқда. Содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг тури, хили, тоифаси кўп. Саноғи йўқ ҳисоби. Уларнинг орасидан шахс, жамият ва давлат учун аҳамиятлиларини танлаб олиш, улар хусусида оммага ҳолис ва ҳаққоний ахборотни ўз вақтида етказиш ОАВнинг бирламчи вазифасидир. Бу вазифа-

ни бажариш жараёнида ОАВ омма билан ҳокимият ўртасида ўзига хос алоқа воситаси, ошкоралик кўзгуси, ҳақиқат жарчиси вазифасини ўтайди. Худди шу ўринда кутилмаган муаммолар келиб чиқади, муносабатлар «чангалзор»идаги чалкашликларга адолат ва холислик нуктаи назаридан ойдинлик киритиш, қонуний жиҳатдан мурса йўлини танлаш зарурати туғилади.

Тўғри, бундай ҳолатларнинг юзага келиш сабаблари кўп. Уларнинг ОАВга тааллуқли энг муҳимларидан бири бу – журналистлар ва матбуот ходимларида ҳуқуқий билимларнинг етишмаслигидир. Бугунги кунда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий асослари яратилганига қарамай, ҳамоно бу борадаги билимларни ўзлаштиришда камчиликлар кўзга ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Конституциясининг 25 йиллиги муносабати билан сўзлаган маърузасида шундай дейди: «Оммавий ахборот воситалари аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳокимият идораларига етказишнинг муҳим ва таъсирчан воситасига, **халқнинг энг яқин кўмакчиси ва ҳамдардига, демократия кўзгусига** айланиши зарур. Ҳокимият ва бошқарув органлари фаолиятига танкидий ва холис баҳо бериш, турли соҳалардаги камчиликлар, долзарб муаммоларни дадил қўтариб чиқиш улар фаолиятида асосий мезон бўлиши керак».¹ Бундай талаб даражасида фаолият юритиш учун, биринчи навбатда, журналистларнинг ҳуқуқий билимлари ва ҳуқуқий саводхонлигини муттасил ошира бориш зарурдир.

Ҳуқуқий билим ёки ҳуқуқий саводхонлик ҳуқуқ ва қонун тушунчаларини ўзлаштиришдан бошланади.

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.<http://uza.uz/uz/politics/konstitutsiya-erkin-va-farovon-ayetimiz-mamlakatimizni-yanad-08-12-2017>.

Ҳукукшунослар томонидан «ҳукук» ибораси икки маънода қўлланилади.

Объектив ҳуқуқ – умуммажбурий ҳуқ-автор қоидаларининг йиғиндиси. Бу нормалар у ёки бу инсоннинг, субъектнинг иродаси ҳамда хоҳиш-истагидан қатъи назар мавжуд бўлади.

Субъектив ҳуқуқ – муайян жисмоний ёки юридик шахсга тегишли бўлган ҳуқуқ. Масалан, фуқаро Давлатовнинг маълум нарсага, айтайлик, иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи. Субъектив ҳуқуқ юридик жиҳатдан шахс эркинлигини таъминлайди, унга мустақиллик беради ва ташаббус кўрсатишига имкон яратади. Субъектив ҳуқуқ объектив ҳуқуққа асосланади, объектив ҳуқуқ бўлмаса, субъектив ҳуқуқ ҳам бўлмайди. Субъектив ҳуқуқ инсондан (ёки ташкилотдан), яъни ҳуқуқдор шахсдан ажралмаган ҳолда мавжуд бўлади.

Умуман, инсонга хос бўлган тушунча сифатида ҳуқуқнинг икки хил кўриниши бор. Булар:

1) дахлсиз ҳуқуқлар;

2) фуқаролик ҳуқуқлари.

Дахлсиз ҳуқуқлар ҳеч қандай меъёрлар билан чегараланмайдиган, қонунлар ёки кўрсатмаларга тааллуқли бўлмаган ҳуқуқлардир. Масалан, яшаш, орзу қилиш, ҳаёл суриш, ҳаракат қилиш ва ҳ.к. Буни АҚШнинг етакчи сиёсий арбобларидан бири бўлган Б. Франклин: «Инсоннинг туғилиши, яшаши ва бахтга интилиши – бу ҳуқуқлар инсон туғилгандан Яратган томонидан берилган табиий ҳуқуқлар бўлиб, фуқаролар жамияти барпо этилиши билан барбод бўлмайди, на жамият ва на ҳукумат уларни тортиб ололмайди» – деб таърифлайди.

Фуқаролик ҳуқуқлари эса жамият меъёрлари асосида берилади ва қанолатланади, яъни ҳимоя қилинади. Масалан, ўқиш, ишлаш, дам олиш, гапириш, ижтимоий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқлари ва ҳ.к.

Ҳуқуқни тартибга солишни белгиловчи меъёрлар соҳа тилида *ҳуқуқий меъёрлар* деб юритилади. *Ҳуқуқий меъёрлар* – давлатнинг жамоатчилик муносабатларини тартибга солишга хизмат киладиган ҳуққ қоидалари муайян шаклидир.¹

Соҳага тааллуқли бўлган оммавий ахборот ҳуқуқи – бу бошқа ҳуқуқларга нисбатан ёш. Айрим ҳуқуқшуносларнинг фикрича, оммавий ахборот воситаларига алоқадор махсус ҳуқуқнинг бўлишига зарурат йўқ, бинобарин, ОАВ ва журналистлар бошқалар амал қилаётган қонунлар асосида яшашлари ва фаолият юритишлари керак. Бундай ёндашувга зид қарашлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, бир қатор россиялик мутахассислар (М.А. Федотов, В.Н. Монахов, М.Л. Кудрявцев) 1990 йилга қадар Россияда ҳатто ОАВга доир қонунчилик мавжуд бўлмаган эса-да, эндиликда оммавий ахборот ўзининг фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлди, деб ҳисоблайдилар. Оммавий ахборотни тўплаш, ишлаб чиқариш ва тарқатишга бўлган ижтимоий аҳамиятнинг ортгани, «тўртинчи ҳокимият» концепциясининг шаклланиши унинг бошқа тармоқлар, масалан, экологик ёки божхона ҳуқуқларидан ўз ҳуқуқ предметини ажратиб олишга асос бўлганини таъкидлайдилар. Далил сифатида Россия Федерациясининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунини келтирадилар.²

Шуни қайд этиш лозимки, оммавий ахборот ҳуқуқи билан ахборот ҳуқуқи ўртасидаги чегарани аниқлаб олиш зарур. Яъни ахборот ҳуқуқи бу ҳуқуқшунослик соҳасига тегишлидир. Бу сўз кенг маънода субъект ҳуқуқи сифатида ахборот муносабатларига тегишли бўлиб, ахборот технологиялари ва ресурсларини яратиш ва улардан фойдаланиш масалаларини тартибга солиди. Бу ҳуқуқ амалиётда ахборотга тегишли бўлган бошқа – Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни орқали татбиқ этилади.

¹ Лавуш Н.С., Пуш А.С. Международное гуманитарное право: журналистика и прав человека. Уч.пос. – Санкт-Петербург. 2012. – С. 10.

² Рихтер А.Г. Правовые основы журналистики. Учебник. – Москва. 2002. – С.17.

«Қонун» тушунчаси ва унинг турлари

Қонун – бу жамиятни бошқаришга хизмат қилиб, унинг барча фуқароларига бирдай тааллуқли ва сўзсиз амал қилиниши шарт бўлган меъёрлар мажмуасидир.

Қонун тушунчаси иккига бўлинади:

1) Табиат қонунлари;

2) Жамиятга тааллуқли қонунлар.

Табиат қонунлари инсонга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд. Масалан, коинотнинг ҳаракати, турли хил табиий ҳодисаларни табиат қонунлари бошқаради. Жамият қонунлари эса унинг барча аъзоларига тааллуқли бўлган қоидалар йиғиндиси. Фақат табиат қонунлари ҳеч қаерда ёзилмайди ва у умуминсониятга дахлдор.

Жамият қонунлари эса муайян бир давлатнинг бошқарув меъёрларини белгилайди. Ўзбекистонда қонун чиқарувчи қуйи палата – Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинади, юқори палата – Сенат томонидан маъқулланади ва мамлакат Президенти томонидан тасдиқланади.

Инсоннинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкам ҳимоя этишнинг зарур қафолатлари мамлакатимиз Конституциясида ўзининг яққол ифодасини топган. Асосий қонунимиз жамиятдаги барча ижтимоий манфаатлар замирида, аввало, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ётажагини белгилаб берувчи бирламчи ва муҳим сиёсий ҳужжат, ҳуқуқий манбадир.

Маълумки, муайян бир давлатнинг қонун чиқарувчилик фаолияти ҳуқуқий меъёрларда халқнинг турли анъаналар ва диний ақидалар, урф-одатларида ижтимоий ривожланишининг ифодаланиши орқали акс этади. Шу маънода журнал-листлар, қонунчилик меъёрларини, касбий фаолияти давомида амал қилиши лозим бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билишлари зарур. Бунинг учун, албатта, **халқаро ва миллий қонунчиликни нима эканлигини фарқлаб олишлари керак.**

Халқаро ва миллий ҳуқуқлар

Халқаро ҳуқуқлар деганда, икки ёки ундан ортиқ мамлакатга тааллуқли бўлган меъёрлар ва қадриятлар тушунилса, **миллий ҳуқуқлар** деганда эса муайян давлатнинг конституцион, фуқаролик, оила, жиноий, хусусий, меҳнат ҳуқуқлари, яъни ижтимоий муносабатларини мувофиқлаштирувчи объектлар билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлар тушунилади.

Журналистика ижтимоий соҳа ҳисобланади. ОАВ жамиятда ва дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ёритади. Шу маънода у умуминсоний қадриятлар, умуминсоний меъёрлар ва, шунингдек, муайян давлатларнинг ички қадриятлари, ҳуқуқий тизими билан ҳар қадамда тўқнаш келади. Уларга амал қилиш, улар билан ҳисоблашиш ОАВда фаолият олиб борадиган журналистлар учун жуда муҳимдир.

ЎЗБЕКИСТОНДА ОММОВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБИ

«Ахборот» тушунчаси ва унинг турлари

Инсониятнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи, унга муносабати, ахборотни олиш, қабул қилиш, қайта ишлаш ва тарқатишнинг тарихий усуллари ҳали матбуот пайдо бўлмаган даврда ҳам мавжуд бўлган.

Ахборот – жамият ва одамлар учун ҳаётий зарурат. Кишилар ўзаро кундалик мулоқотда ахборот алмашадилар. Маълум муддатда ўзлари кўрмаган, шохиди бўлмаган воқеадан хабардор бўладилар. Шунингдек, ўзлари кўрган, гувоҳи бўлган воқеа-ҳодисалар ҳақида ахборот берадилар. Бу – ахборотнинг энг содда кўриниши. Жамиятга тааллуқли бўлган ахборотлар унда яшовчи фуқаролар, турли ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, ижтимоий институтларнинг кизикишлари ва манфаатларига тегишли бўлади. Ахборот алмашиши, айланиши туфайли жамият ҳаракатланади. Ахборот ижтимоий онгининг

бир кўриниши сифатида, жамият бошқарувида ҳамда инсон билан жамиятни боғлаб туришда асосий хизматни бажаради.

Демак, ҳар қандай соҳанинг ривожланишига туртки бўладиган асос – ахборотдир.

Ахборотни жамиятга, одамларга ким отказиб беради? Бу саволга, аввало, жамиятнинг ўзи, деб жавоб бериш тўғрироқ, бизнингча. Чунки жамият мавжуд экан, унинг мазмунини ўзаро алоқа (коммуникация), ўзаро муносабатлар ташкил қилади. Ана шу жараёнларда ахборот алмашинади. Аммо бундай ахборотлар стихияли характерга эга бўлиб, унда алоқага киришган томонларгина манфаатдор бўлади. Ҳаммага тааллуқли бўлган ахборотни эса у билан махсус шуғулланувчи кишилар журналистлар тайёрлайди ва оммавий ахборот воситалари орқали оммага, аудиторияга отказиб беради.

Ҳозирги даврда ахборот узатиш воситалари хилма-хил ва беҳисоб. Бу ахборот технологияларининг ривожланиши билан боғлиқ жараён. Аммо шу ахборот узатувчи воситалар ҳам ўз аудиторияси, ўз миқозларига тегишли бўлган ахборотни етказди. ОАВ эса умумжамят, умумжамоа, яъни жамиятнинг барча фуқароларини ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш йўлида хизмат қилади.

Бирок ахборот олиш ўз-ўзидан амалга ошмайди. Ҳамма ҳам ахборотни журналистга осонликча беравермайди. Ваҳоланки, ахборот излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи фақат журналистнинг эмас, балки жамиятнинг ҳар бир аъзосининг ҳуқуқидир.

Ахборот олиш ва узатишнинг қонуний қафолатлари

Ахборот олиш ҳуқуқи инсоннинг фақат фуқаровий ҳуқуқигина эмас, балки дахлсиз ҳуқуқи ҳамдир. Бунинг қонуний қафолатлари қуйидаги меъёрларда ўз аксини топган:

✓ **«Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси» «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Халқаро Пакт, «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар тўғрисида» Европа Конвенцияси** каби халқаро ҳуқуқий меъёрларда ахборот ва ғояларни ҳар қандай восита билан дав-

лат чегараларидан қатъи назар излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги кафолатланади дейилган.

✓ **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддаси:** «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътикод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий гузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин».¹

✓ **Ўзбекистон Республикаси «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси:** «Ҳар бир фуқаронинг ахборот олиш ҳуқуқи кафолатланади. Ҳар кимнинг ахборот излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқи давлат томонидан ҳимоя қилинади».²

Ўзбекистон Республикаси «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси: «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар ким ахборотни монеликсиз излаш, олиш, текишириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳуқуқига эга. Ахборот олиш фақат қонунга мувофиқ ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, конституциявий тузум асослари, жамиятнинг ахлоқий қадриятлари, мамлакатнинг маънавий, маданий ва илмий салоҳиятини муҳофаза қилиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чекланиши мумкин».³

Шунингдек, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонуни ҳам фуқаролар ва ОАВ ходимларининг ахборотларни монеликсиз эркин олишини кафолатлайдиган ҳужжатлардан биридир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <http://constitution.uz/uz/clause/index#section2>

² «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. <http://www.lex.uz/docs/1319>

³ «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. <http://lex.uz/acts/52268>

Давлат органларидан ахборотни излаш ва олиш ҳукуки инсоннинг яшаш, фикрини эркин ифода этиш, овоз бериш ёки сайлаш сингари ҳуқуқларига нисбатан бирмунча янги ҳуқуқ бўлиб, у қадар қадимий ва қимматли ҳуқуқ саналмайди.

Ахборот олиш ҳукуки ХХ асрнинг ўрталарига келиб қатъий талаб сифатида ўртага чиқди.¹ Бу ҳуқуқ ғарблик файласуфлар томонидан илгари сурилган бўлиб, демократик жамиятнинг талабларига биноан икки-уч йилда ўтказилган сайлов жараёнларини шаффофлигини таъминлаш ва у билан боғлиқ ахборотларни давлат органларидан монесиз олишга бўлган ҳуқуқнинг таъминланишини назарда тутган. Шундан кейин давлат органлари тўғрисидаги ахборот фуқароларнинг эркин овоз бериш ва сайлов ҳуқуқини ўзлари анилаган ҳолда амалга ошириш учун фавқулодда муҳим аҳамият касб этди.²

Ахборот борасида Ўзбекистон қонунчилигида ахборот излаш, олиш ва тарқатиш ҳукуки «ҳар қимга» берилгани билан ахборотнинг манбаи ва унинг муаллифи қимлиги ҳамда ана шу олинган ахборотнинг тарқатилиши, яъни эълон қилиниши муаллифнинг розилигисиз амалга оширилмайди. Шу билан бирга, эълон қилинаётган ахборотнинг тўғрилиги учун жавобгарлик оммавий ахборот воситалари зиммасига юкланади. Жавобгарлик бор жойда, албатта, бурч, масъулият сингари ҳуқуқий меъёрлар билан боғлиқ тушунчалар ҳам бўладики, бу бевосита шу жараёнда ҳуқуқий мезонларнинг ҳимоячиси бўлмиш қонунга бўлган эҳтиёжни қелтириб чиқаради.

Ахборот олиш тартиби. Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ахборот олиш қуйидаги шаклларда амалга оширилади.

1. Ёзма
2. Оғзаки
3. Электрон

Ёзма сўровга, шу жумладан, электрон ҳужжат тарзида юборилган сўровга имкон қадар қисқа муддатда, агар қонун

¹ Рихтер А.Г. Правовые основы журналистики. Учебник. – Москва. 2002. – 93-б.

² Ўша манба.

хужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, сўров олинган санадан эътиборан **ўн беш кундан** кечиктирмай, оғзаки сўровга эса имкониятга қараб, дарҳол жавоб берилиши шартлиги кафолатланган (**9-модда**).¹

Агар сўралган ахборотни ушбу муддат ичида бериш имконияти мавжуд бўлмаса, маълумот тақдим этиш кечиктирилганлиги тўғрисидаги хабар ахборот сўраб мурожаат этган шахсга сўров олинган санадан эътиборан бир ҳафта муддат ичида юборилиши лозим. Бироқ сўралган ахборотни муддати икки ойдан кечиктирилишига йўл қўйилмайди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига оид ахборотларни олиш тартиби «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Қонун доирасида мувофиқлаштирилади. Унга кўра, *«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўров ахборотдан фойдаланувчининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш ҳақида ушбу органларга ва (ёки) уларнинг мансабдор шахсларига йўлланадиган оғзаки ёки ёзма шаклдаги (шу жумладан, электрон ҳужжат шаклидаги) талабидир»* (18-модда).²

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятига оид ахборотларни олиш учун юборилган сўровлар кўпи билан **ўн беш кун** муддатда кўриб чиқилиши лозим. Агар ахборотдан фойдаланувчининг сўровини кўриб чиқиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ваколатларига кирмаса, сўров сўралаётган ахборотни тақдим этиш ваколатига киритилган органга рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан **уч иш кун** ичида юборилади, ахборотдан фойдаланувчи эса бу ҳақда хабардор қилинади. Яъни бунда сўралган ахборот ташкилот ва-

¹ «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. <http://lex.uz/acts/52268>

² «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. [http:// http://www.lex.uz/docs/2381133](http://http://www.lex.uz/docs/2381133)

колатига кирмаса ёки бу маълумот уларда мавжуд бўлмаса, бу ҳақда сўровчига маълум қилинади.¹

Оммавий ахборот воситасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир, шунингдек, мансабдор шахсларнинг интервьюсини ташкил этиш тўғрисидаги сўрови кўпи билан **етти кунлик** муддатда кўриб чиқилади.²

Ушбу қонунга асосан оммавий ахборот воситалари вакилларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлаш кафолатланади.

Шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг ахборотни узатишдаги мажбуриятлардан бири – бу тарқатилаётган ахборотнинг тўғрилиги ва ишончлилиги учун белгиланган тартибда жавобгарликдир. Яъни оммавий ахборот воситалари тарқатаётган ахборот аниқ ва тўғри бўлиши шарт. Бирок амалиётда баъзи журналистларнинг фаолиятида юқорида қайд этилган қонун меъёрларининг бузилиш ҳолатлари учрайди ва натижада, кўпинча хато ва ноаниқ маълумотлар тарқатилади.

Маълумотларига кўра, ОАВ амалиётида ахборот билан ишлашда уч қонун меъёрлари бузилиши кузатилади. Булар: «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва эркинликлари» деб номланган қонунлар. Бу каби ахборотлар ўқувчиларни чалғитади. (Нимага?!) Мисол учун:

«Зарафшон» газетасининг 2017 йил 15 апрелдаги 47-сонидан чоп этилган «Даволаш Германияда давом этади» сарлавҳали материалда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси номланиши икки ўринда «Соғлом авлод учун» *халқаро хайрия жамоат фонди* ҳамда «Соғлом авлод учун» *жамғармаси* тарзида икки хил қайд этилган.

¹ Ўша манба.

² Ўша манба.

Мазкур газетанинг 2015 йил 3 декабрдаги 152-сонидан чоп этилган «Осуда ҳаёт – тараккиёт ва барқарорлик кафолати» сарлавҳали материалда *«Жорий йилда ҳам Президентимиз фармонлари билан Ватанимиз мустакиллигининг 23 йиллиги арафасида...»* деган нотўғри маълумот келтирилган. Ваҳоланки, 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат мустакиллигининг 24 йиллиги нишонлаган эди (63-бет).

Ўзбекистон Республикаси **«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига** мувофиқ, оммавий ахборот воситалари тарқатилаётган ахборотнинг ҳолислиги ва ишончлилиги учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади.¹ **«Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига** мувофиқ, оммавий ахборот воситалари эълон қилинаётган ахборотни текшириб кўришлари шарт ва улар ахборот берувчи билан биргаликда унинг тўғрилиги учун қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда жавобгарликлари қайд этилган.² Шунингдек, жаҳон журналистика амалиётида ҳам узатилаётган ахборот камида иккита манбадан текшириб кўрилиши асосий қоидалардан бирига айланган. Аммо миллий журналистика амалиётида ахборотни битта манбадан текшириш билан қиёяланидилар ёки айрим ҳолларда ахборот текширилмайди ҳам. Натижада, юқоридаги сингари қонунбузарликлар содир бўлади.

Ўзбекистон Республикаси **«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси** талабига кўра, оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсини таҳқирлаш, шахсий ҳаётига аралашини тақиқланади. Бироқ амалиётда фаолият олиб бораётган журналистлар бунга ҳар доим ҳам амал қилавермайдилар. Қуйида келтирилган ҳолатда ушбу қонун талаблари бузилган.

«Зарафшон газетасининг 2017 йил 30 мартдаги 40-сонидан чоп этилган «Тармоққа ноқонуний уланиш» сарлавҳали мате-

¹ «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни <http://lex.uz/docs/1106870>

² «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни <http://lex.uz/docs/1319>

риалда Насрдарғом туманида истикомат килувчи истеъмолчининг фойдаланган табиий газдан бўлган қарздорлик ҳолатлари ҳақида сўз юритилиб, унда фуқаронинг исми-шарифи, манзили, қарз миқдори келтириб ўтилган.

Ахборот билан ишлашда журналист ҳуқуқи ва мажбуриятлари

Аввало, ахборот эркинлиги ким учун берилади? Журналистика қонунчилиги билан боғлиқ манбаларда, ахборот олиш ҳуқуқини шакллантириш жараёнида муҳим дилемма мавжуд. Унга кўра агар давлат органлари ўзларига тегишли ахборотни тарқатишга, ундан фуқароларни огоҳ этишга тайёр бўлсалар, уни кимга тақдим этиши керак – исталган фуқарогами ёки аввало долзарблигига кўра, ОАВ орқали уни жамоатчиликка ўз навбатида етказадиган журналистларгами, деган саволлар кўндаланг бўлади.

Агар ОАВга беришни лозим деб ҳисобласа, унда давлат органлари «ҳар қандай чегаралар» дан ўтиб, ОАВга ишониши ва фаолиятига тааллуқли ахборотдан хабардор этишлари керак. Жуда жиддий муносабатни талаб қиладиган бу дилемма турли давлатларда бир хил ечим топмаган. Аслида ҳам, уни ечими осон эмас. Чунки ҳар бир давлатнинг ўзига хос бошқарув тизими, давлатчилик анъаналари, кадриятлари мавжуд.

Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, *АҚШ қонунчилигида ахборот олиш ҳамманинг бирдай ҳуқуқи бўлиб, уни олиш учун журналистларда қўшимча ҳуқуқ йўқ.*

Ғарбий Европанинг Австрия, Голландия, Швеция сингари давлатлар конституциясида ҳар бир фуқаронинг ахборот олиш ҳуқуқи қифолланган. Австрия ва Швецияда барча давлат ҳужжатлари жамоатчилик учун очиқ бўлиб, сўзсиз айрим қондалар бундан мустасно. Шунинг учун бу мамлакатларда агар мурожаат этганлар «мустасно» бўлган ҳужжатлар ҳақидаги маълумотни сўраган бўлсалар ҳам, ҳокимият давлат манфаатлари ва мурожаат этган шахснинг талаб-

ридан келиб чиқиб адолатли қарор қабул қилишни муҳим деб ҳисоблайдилар.

Голландияда эса: мамлакат яхлитлигини сақлаш, давлат хавфсизлиги ва персонал ахборотни беришга нисбатан давлатнинг аниқ чеклов ҳуқуқи бор. Ҳатто персонал ахборот ҳам ҳокимият вакиллари томонидан сир тутилиши шарти билан берилади.

Бошқа давлатларда аксинча, бу борада ОАВ таҳририятлари ва журналистларга ахборот олиш имкониятлари бор. Барча фуқаролар ахборотни излаш ва олиш ҳуқуқини ОАВ орқали амалга оширадilar. Масалан, бу Германия ва Испания конституцияларининг 5-моддасида қайд қилинган. Шў сабабли Германия ва Испания журналистларининг «касбий сир»ни сақлаш ҳуқуқи бўйича шифокорлар ва адвокатлар билан тенг туриши, тасодиф эмас, албатта.

Россия қонунчилигига кўра, журналистларининг давлат органларидан ахборот олиш ҳуқуқлари оддий фуқароларникидан фарқ қилади. Бу ҳуқуқ бевосита қонун билан мустақкамлаб қўйилган. Россия Федерациясининг «ОАВ тўғрисида»ги қонунининг 38-моддаси «Ахборот олиш ҳуқуқи» деб номланиб, унга кўра «фуқаролар давлат органлари ва ташиқлотлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар фаолиятига тааллуқли ишончли ахборотни ОАВ орқали тезкор равишда олиш ҳуқуқига эга»лиги қайд этилган. Бошқача қилиб айтганда, фуқаролар ахборот олиш «ҳуқуқ эга», аммо – оммавий ахборот воситалари орқали.¹

Бизда ахборот олиш ҳуқуқи қандай? Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бе-

¹ Рихтер А.Г. Правовые основы журналистики. Учебник. – Москва. 2002. 95-б.

риши лозим»¹лиги кайд этилган. Демак, фукаролар ўзларига тегишли (тегишлими ёки исталган ахборотними?) бўлган ахборотни давлат органларидан олиш ҳукукига эга.

Ахборотнинг тўғрилиги учун масъул бўлган оммавий ахборот воситалари давлат бошқаруви органлари, конун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти фаолияти устидан назорат олиб боради. Жамиятдан ахборот олиб, унинг ўзига етказди. Бу фаолиятнинг эркинлиги таъминлангани билан, унга таъсир кўрсатувчи ёки тазйик ўтказувчи кучларнинг ҳам маълум меъёрлар доирасида, яъни конун доирасида фаолият кўрсатиши белгилаб қўйилган.

Журналистнинг ахборот олиш ҳукуки «Журналистик фаолиятни химоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида белгилаб қўйилган. Унга кўра журналист касбий фаолиятни амалга ошириш чоғида ахборот олиш, қайта ишлаш ва узатиш билан шуғулланади. Ахборот билан ишлаш журналистнинг касбий ҳукукидир. Қолаверса, журналист тайёрлайдиган материалнинг хом ашёси ҳам ахборотдир.

Журналист оладиган ахборотнинг ҳам ўз тартиби бор. Фаолият жараёнида журналист ана шу тартибга амал қилиши зарур. Ахборотнинг олиниши, қўлга киритилиши билан иш битмайди, у қайта ишланишни тақозо этади. Қайта ишлаш олинган ахборотнинг тўғрилигини текширишдан бошланади. Агар журналист шу ишни бажармаса, кейинги жараён, яъни ахборотни узатишда хатога йўл қўйиши, яъни текширилмаган ахбороти нотўғри ёки ёлғон бўлиши мумкин. Бундай ҳолатлар амалиётда кўп учрайди. Турли сабабларга кўра журналистлар олган ахборотларни ҳар доим ҳам текширавермайдилар. Шунинг учун ахборот билан ишлаш журналист зиммасига жиддий масъулият юклайди. Журналист касбини танлаган ҳар бир киши учун тўғри ахборот етказиш ҳаёт-мамонт масаласига айланмоғи керак. Чунки халқ журналистлардан тўғри ахборотни кутади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <http://www.lex.uz/acts/20596>

Олинишига кўра ахборот турлари

Ахборот тушунчаси, мазмун-моҳияти, мақсадга кўра турлари, ахборот билан ишлаш тартиби унинг ниҳоятда мураккаблигидан далolat беради. Ахборот олишдаги мураккаблиkning бир чеккаси ушбу омилга боғлиқ.

Ахборот олиш имкониятига кўра икки турга бўлинади. Булар – очик ахборотлар ва олиниши чегараланган, конун билан ҳимоя қилинадиган ахборотлардир.

Очик ахборотлар. Бундай ахборотлар унинг ошкоралиги, ҳамма олиши мумкинлиги, очиклиги ва ҳақиқийлиги билан белгиланади. Бу ахборот олиш эркинлигининг асосий тамойили ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддасида, «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонуннинг 4- ва 7- моддасида, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 6- ва 8- моддаларида айнан шундай ахборотлар назарда тутилади.

Жумладан, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасида очик ахборотларга қуйидагича таъриф берилган:

«Ахборот очик ва ошкора бўлиши керак, махфий ахборот бундан мустасно.

Махфий ахборотга қуйидагилар қирмайди:

– фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларни рўёбга чиқариш тартиби тўғрисидаги, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг, ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа подавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи қонун ҳужжатлари;

– экологик, метеорологик, демографик, санитария-эпидемиологик, фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги маълумотлар ҳамда аҳолининг, аҳоли пунктларининг, ишлаб чиқариш объеклари ва коммуникацияларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа ахборотлар;

– ахборот-кўтубхона муассасаларининг, архивларнинг, идоравий архивларнинг ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган юридик шахсларга тегишли ахборот тизимларининг очик фондларидаги мавжуд маълумотлар;

– Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат номижорат ташкилотлари жамият манфаатларига тааллуқли воқеалар, фактлар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига хабар бериши шарт».¹

Бундай ахборотни бериш давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса, ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг ҳукуки эмас, балки мажбуриятидир. Амалиётда ушбу қонуннинг юқорида келтирилган моддаси тўлиқ ишламайди. Масалан, юқоридаги модданинг тўртинчи хатбошисида қайд этилган «...экологик, метеорологик, демографик, санитария-эпидемиологик, фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги маълумотлар ҳамда аҳолининг, аҳоли пунктларининг, ишлаб чиқариш объектлари ва коммуникацияларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа ахборотлар...» ичида энг кўп санитария-эпидемиологик мавзудаги ахборот оммага ошқор қилинади. Масалан, 2018 йил ёз ойида Андижонда музқаймоқдан оммавий захарланиш, ноябрь ойида Тошкент шаҳрида ис газидан захарланиш туфайли бир оиланинг 3 нафар фарзанди вафот этганлиги, 2018 йил 30 ноябрдан 1 декабрга ўтар кечаси кучли шамол туфайли Андижон вилояти Шаҳрихон туманида 100 га яқин киши ис газидан захарланганлиги ҳақидаги хабарлар деярли барча етакчи ОАВда берилди. Аммо қолган турдаги очик ахборотлар ҳамма олиши мумкин бўлишига қарамасдан, шу соҳага тегишли бўлган ташкилот ва уларнинг мутасаддилари томонидан берилмайди. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгар-

¹ «Ахборот эркинлиги принциплари ва каофлатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. <http://lex.uz/acts/52268>

лик тўғрисида» ги Кодекснинг 44-моддасига биноан агар очик ахборотлар берилмаса ёки асоссиз равишда рад этилса, мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида» ги Кодекснинг 44-моддасига кўра «Фуқарога унинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини беришни асоссиз равишда рад этиш – мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».¹

Олиши чегараланган, қонун билан ҳимоя қилинадиган ахборотлар

Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» ги Қонунининг 6-моддасида айтилишича, оммавий ахборот воситаларидан Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш, миллий, иркий ва диний адоватни тарғиб этиш, давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ошкор этиш, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўйилмайди. Бу дегани, фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.² Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» ги Қонуннинг 9-моддасида ҳам «Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа ахборотларни бериши мумкин эмас»³ дейилган.

¹ «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Кодекси // <http://www.lex.uz/acts/97664>

² «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни <http://lex.uz/docs/1106870>

³ «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни <http://lex.uz/docs/1319>

Давлат сири ёки конун билан қўриқланадиган ахборотлар турларига нималар киради ва уларнинг тоифалари нималардан иборат?

Ўзбекистон Республикаси «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддасида келтирилишича, «Давлат томонидан қўриқланадиган ва махсус рўйхатлар билан чегаралаб қўйиладиган алоҳида аҳамиятли, мутлақо махфий ва махфий ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва ўзга хил маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг давлат сирлари ҳисобланади.»¹ Ушбу маълумотлар ОАВ ходимларига берилмайди. Сабаби шундаки, бу каби ахборотларни оммага ошкор қилиниши давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий қудратига катта зарар келтириши мумкин. Бирок бугунги кунда қўпгина ташкилотлар томонидан, аслида, давлат сирига кирмайдиган ахборотларни ҳам давлат сири туридаги ахборот сифатида журналистларга бермаслик ҳолатлари учрайди. Шу сабабли, аслида, қандай ахборотлар давлат сирларига киришини аниқлаб олиш зарур. Қонуннинг 3-моддасида айнан давлат сирлари категориялари келтириб ўтилади:

«Ўзбекистон Республикасининг давлат сирлари – **давлат, ҳарбий ва хизмат** сирларини қамраб олади.

Ошкор этилиши республика ҳарбий-иқтисодий имкониятларининг сифат ҳолатига салбий таъсир этиши ёки Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилияти, давлат хавфсизлиги, иқтисодий ва сиёсий манфаатлари учун бошқа оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган маълумотлар **давлат сирини** ташкил этади.

Ошкор этилиши Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилияти, давлат хавфсизлиги ва Қўролли Кучлари учун оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳарбий ҳусусиятга эга маълумотлар **ҳарбий сирини** ташкил этади.

Ошкор этилиши Ўзбекистон Республикаси манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган фан, техника, ишлаб

¹ «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни// <http://lex.uz/acts/98850>

*чиқариш ва бошқарув соҳасига доир маълумотлар хизмат си-
рини ташкил этади»¹.*

Демак, юқорида келтирилган конунчилик меъёрлари оли-
ниши чегаралаган, конун билан ҳимоя қилинадиган ахборот-
ларнинг ҳуқуқий мақомини белгилайди.

Юқоридаги моддада давлат, ҳарбий ёки хизмат сири тар-
кибига кирувчи маълумотлар, назаримизда, биров мавҳум.
Ана шу мавҳумлик бу соҳага тааллуқли бўлган очик ахбо-
ротларни олишга ҳам чегара қўяди. Масалан, давлатнинг му-
дофаа қобилияти ёки хавфсизлигига доир давлат сирларини
тушунса бўлади, чунки улар стратегик аҳамиятга эга. Аммо
давлатнинг иқтисодий ва сиёсий манфаатлари учун бошқа
оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган маълу-
мотлар турига нималар киради? Бунга, назаримизда, аниқлик
киритиш зарур. Чунки журналистлар иқтисодий, ишлаб
чиқариш мавзуларини мунтазам ёритади. Айниқса, хорижий
инвестицияни жалб қилишга катта имконият берилаётган
ҳозирги шароитда журналистлар бундай сирларнинг турини
билишлари жуда муҳим.

Ҳарбий соҳага тааллуқли бўлган барча маълумотлар
ҳарбий сир сифатида талкин этилади ва аксарият ҳолларда
ҳарбий соҳадаги оддий маълумотлар ҳам ҳарбий сирнинг тар-
киби аниқ бўлмаганлиги учун берилмайди.

Ёки фан, техника, ишлаб чиқариш ва бошқарув соҳасига
доир маълумотларнинг мавҳумлиги хизмат сири турига кирув-
чи ахборотлар таркибини кенгайтириб юборган. Ҳар қандай
ташкилот, корхона ёки муассаса беришга малакаси етмаган
ахборотни «хизмат сири» пардаси остида тақдим этишдан воз
кечади.

Шунга қарамай, оммавий ахборот воситаларига доир
конунчилигимизда ахборот олишни чеклаш меъёрлари, кўп
жиҳатдан халқаро меъёрларга мос келиши қайд этилган.
Халқаро ҳуқуқ меъёрларига кўра, бу чеклашлар конун билан
белгиланиши ва қуйидагилар учун зарур бўлиши лозим:

¹ «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси
Қонуни// <http://lex.uz/acts/98850>

а) бегона шахсларнинг ҳуқуқлари ва обрӯ-эътиборини ҳурмат қилиш учун;

б) давлат хавфсизлигини, жамоа тартибини, аҳоли саломатлигини ёки ахлоқини муҳофаза қилиш учун («Фуқаролик ҳуқуқи ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро Пактнинг 19-моддаси 3-қисми).

Персонал (шахсга тегишли бўлган) ахборотлар – фуқаронинг шахсини айнанлаштириш имконини берадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли бўлган ҳодисалар ва ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлардир. Ўзбекистон Конституциясининг 25-моддасида, ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсиз ҳуқуққа эгаллиги зикр этилган.

Ўзбекистон Республикаси «**Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида**»ги Қонуннинг 13-моддасига кўра «...*Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, ҳудди шунингдек, шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно*»¹.

Персонал (шахсга тегишли бўлган) маълумотларга доир қонунчилик журналистдан ўта эҳтиёткорликни талаб этади. Чунки у фаолият олиб борадиган оммавий ахборот воситасининг маълум тури жамиятдаги ижтимоий вазифани бажарар экан, ҳар қадамда шахсий маълумотларга тўкнаш келади. Шу боис, журналист инсоннинг дахлсиз ҳуқуқларини ҳурмат қилиши ҳамда бу масалада ўзининг жамият олдидаги бурчларини яхши билиши керак.

Журналист қонуний йўللар билан ахборот йиғиши ва уни сақлаши мумкин эмас. Бу қонунда таъкиқланади (**Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 141-144-моддалари**). Журналист фуқаронинг шахсий ҳаётига доир маълумотларга эга бўлишда ва йиғишда унинг розилигини олиши

¹ «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни// <http://lex.uz/acts/52268>

керак. Худди шунингдек, ундан фойдаланишда ҳам ахборот манбасининг ёки ахборот берувчининг розилиги билан бу ахборотлар қўлланилади ва таркатилади. Ахборот эгаси атайин нотўғри, чала ёки муддатини бузиб ахборот берганлиги учун фойдаланувчи олдида жавобгар бўлади. Шу туфайли фойдаланувчига етказилган зарар қонунга мувофиқ тўланади. Ўз ваколатларига мувофиқ ахборотга эгалик қилиш, уни қайта ишлаш ҳамда улардан фойдаланиш амалдаги қонунларга зид келмайдиган тартиби ва қоидаларини белгилайди. Ахборот эгаси ундан фойдаланиш шартларини белгилайди ёки ўз ҳуқуқини шартнома асосида юридик ёки жисмоний шахсга беради.

ОАВга тегишли бўлган ҳуқуқни шархлаган ҳуқуқшунос журналист К.Баҳриевнинг фикрича, одамнинг ўз уйидаги фаолияти унинг шахсий ҳаёти ҳисобланади, агар у кўчага чикса, омманинг ичида бўлса, бу унинг шахсий ҳаётига доир воқеа бўлмайди, балки ижтимоий воқеа бўлади. Мисол учун, машина ҳайдаб кетаётган кишини суратга олиш учун унинг розилиги керак, агар у автоҳалокат содир этса, бу энди унинг шахсий ҳаётига доир ҳодиса эмас. У шахсий ҳаёт чегарасидан ўтди – қонунбузарликка йўл қўйди. Бу ижтимоий ҳодиса – ижтимоий ахборотдир. Бундай ҳолатда ўша кишидан сурат олиш учун рухсат сўралмайди.

Қонунда назарда тутилган шахсий ҳаёт дейилганда, инсоннинг фақат уйидаги ҳаётига дахл қилиш назарда тутилмайди, балки кўчада, жамоат жойларида ҳатти-ҳаракатлари ҳам назарда тутилади. Қонуннинг айнан шу бандини нотўғри тушуниш турли мунозараларни келтириб чиқаради. Масалан, жамиятдаги ахлоқсизлик ҳолатлар акс этган лавҳа сифатида яширин камера орқали истироҳат боғида йигит ва қизнинг ножониз ҳатти-ҳаракатлари тасвирга тушурилиб «Мening yurtim» каналида эфирга берилади. Бу лавҳа жамоатчилик ўртасида қизгин муҳокамага сабаб бўлди. Журналистнинг бу ишини қўпчилик шахсий ҳаётга аралашув деб ёкламади. Аслида-чи? Аслида, журналист тўғри иш қилдими? Журналист юкоридаги қонунни қўпол бузди. Чунки биринчидан, у шахсий ахборотни ахборот манбасининг рухсатсиз тарқатди; иккинчидан, журналист касбий вазифасини амалга ошириш пайтида улар-

га бориб танбех берди ва бу ҳаракати билан уларнинг шахсий ҳаётига аралашди; **учинчидан**, ушбу воқеа долзарб бўлганига қарамай, миллий хусусиятлар инобатга олинмади. Ваҳоланки, шу лавҳа эфирга кетгандан кейин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Mening yurtim» телеканалига норозилик хати йўллади. Демак, журналистнинг ҳаракати қонуний жиҳатдан ҳам нотўғри эди.

Ахборот олишда яна бир тамойил мавжудки, жамиятда муайян ҳаракатларни содир этиш эркинлиги бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қилмайдиган даражадагина мумкиндир. Шунинг учун ҳам оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва кадр-қиммати таҳқирлаш, уларнинг шахсий ҳаётига аралаштиш таъқиқланади.

Ахборотнинг мулк сифатида ҳимоя қилиниши

Ҳар қандай ахборот давлат органларининг ёки юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусий мулки бўлиши мумкин. Бу қонун томонидан ҳам қайд этилган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «**Ахборотлаштириш тўғрисида**»ги Қонунида ахборотларга нисбатан мулкчилик ҳуқуқининг моҳияти очиқ берилган. Юридик ва жисмоний шахсларнинг, ахборот технологиялари ва тизимларини қўллаган ҳолда, ахборот ресурсларидан фойдаланиш механизмларини белгилаб берган янги таҳрирдаги «**Ахборотлаштириш тўғрисида**»ги Қонуннинг қабул қилиниши оммавий ахборот воситаларини модернизация қилишни жадал ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Қонунга мувофиқ, ахборот эгаси ўз мулкининг объектига нисбатан ҳар қандай қонуний ҳатти-ҳаракатлар содир этиши (яъни сотиб олиши, эълон қилиши, қайта ишлаши) мумкин, шунингдек, ахборотга эгалик қилувчи, ундан фойдаланувчи ёки уни тасарруф этувчи шахсни тайинлаши мумкин.¹ Шу ўринда нималар ахборотга нисбатан мулк эгаси ҳуқуқини пайдо қилади, деган савол туғилади.

¹ «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // <http://lex.uz/acts/83472>

Ўз кучи билан ва ўз ҳисобидан ахборот яратиш; ахборот яратишга доир шартнома; ахборот бошқа шахсга мулк сифатида ўтказиш шартини ақс эттирган олди-сотди шартномаси, етказиб беришга доир шартнома ёки бошқа келишув шартномаси; меросга олиш ёки тортиқ қилиш билан боғлиқ (васият, совға тарикасидаги мулк ордери, ҳужжатлар) ҳатти-ҳаракатлар ахборотга нисбатан мулкдорлик ҳуқуқини беради (9-модда). Ахборотга нисбатан мулк эгаси ҳуқуқи амалдаги муаллифлик ҳуқуқига доир қонунларда ҳам ўз ифодасини топган.

Ахборотга нисбатан мулк ҳуқуқи давлат органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотларни тўплаш, жамғариш, қайта ишлаш, узатиш, қўллаш ва рухсат этилмаган танишувдан саклашдир. Демак, унда ахборот тизимларини, маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотларни қайта ишлаш ва узатишнинг бошқа тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларига нисбатан татбиқ этилади (10-модда). Фақат булар «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ва бошқа қонунларнинг таъсири остидаги ахборотга, ҳужжатлаштирилмаган ахборотга, шунингдек, муаллифлик ва патент ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинадиган муносабатларга тааллуқли эмас.

Ҳужжатлаштирилган ахборот мулк объекти сифатида алоҳида ҳужжат ёки ҳужжатлар тўплами шаклида (кутубхона, архив, фонд, билимлар базаси ва бошқа шаклларда) бўлади. Улардан фойдаланиш ва уларни қайта ишлашга давлат мулки ҳисобланган ахборотга ҳимоя сертификатига эга бўлган тизимлардагина рухсат этилади (8-модда).

Ахборот ресурслари, шу жумладан, автоматлаштирилган ахборот тизимларида ахборот ресурсларини тўплаш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқларини юридик жиҳатдан ҳимоя қилиш, гайриқонуний ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, қонунбузарларни жавобгарликка тортиш, субъектларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мақсадида амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБИ

Ўзбекистонда ОАВга доир қонунчилик меъёрларининг тузилиши

Оммавий ахборот воситалари – жамиятнинг барча аъзоларини ҳолис ва ҳаққоний ахборот билан таъминловчи асосий воситадир. Сўнгги пайтда «оммавий ахборот воситалари» атамасидан кўра кўпроқ «оммавий коммуникация воситалари» атамаси қўлланилмоқда. Бу бежизга эмас, албатта. Авваллари оммага тааллуқли бўлган ахборот фақат бир томонлама, яъни оммавий ахборот воситаларидан аудиторияга узатилган бўлса, эндиликда компьютер технологияларнинг ривожланиши туфайли, омманинг ўзи ҳам ахборот алмашиш жараёнларида бевосита иштирок этапти. Бу дегани коммуникация воситалари туфайли жамиятнинг турли қатламлари, гуруҳлари орасида ўзаро алоқа, муносабатлар ўрнатилиб, ахборот бир томондан иккинчи томонга эмас, балки қайта алоқага чиқиш орқали ҳам амалга ошириляпти.

XX асрнинг бошларида радио ва телевидениенинг пайдо бўлиши ахборотни тасвир ва товуш воситалари орқали узатишнинг янги турларини пайдо қилди. Матбуотнинг ўрнини оммавий ахборот воситалари эгаллади. Матбуот ҳам ахборот узатишнинг бир тури сифатида ОАВ таркибига кирди. Бугунга келиб, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ўзаро мулоқот ва ахборот айирбошлашнинг мутлақо янги шакллари ва имкониятларини очиб берди. Шу боис ҳам ахборот айирбошлашга нисбатан «оммавий ахборот воситалари» атамасини қўллаш бир томонлама маъно касб этади. Шунга қарамай, бевосита жамоатчиликка дахлдор бўлган ахборот ст-казиш билан шуғулланувчи восита – оммавий ахборот воситаларидир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг сони қарийб 4 баробар кўпайиб, ҳозирги кунда 1550 дан ортганлиги ушбу тармоқда ўсиш,

ўзгариш жараёнлари изчил давом этаётганини кўрсатади. Улар фаолиятини тартибга солувчи мустахкам қонуний асос яратилган. Оммавий ахборот воситалари фаолияти қонунчилигини тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар асосан учга бўлинади:

1. Халқаро меъёрлар.

2. Конституциявий меъёрлар.

3. Қонунлар ва қонуности ҳужжатлар.

Халқаро меъёрлар деганда, халқаро доирада қабул қилинган, икки ва ундан ортиқ мамлакатларда амал қилиниши кўзда тутилган ҳужжатлар (Декларациялар, Протоколлар, шартномалар ва ҳоказолар) тушунилади. Оммавий ахборот воситалари фаолияти қонунчилиги биринчи навбатда ушбу халқаро меъёрлар асосида тартибга солинади. Бироқ унутмаслик лозимки, маълум бир малакатда қайсидир халқаро меъёрларга амал қилиниши учун ушбу ҳужжат давлат томонидан ратификация (тан олиш) қилинган бўлиши шарт. Ратификация қилинмаган ҳужжатлар асосида ОАВ фаолиятини тартибга солинишига йўл қўйилмайди.

Ана шу меъёрларни ахборот ҳуқуқи, оммавий ахборот эркинлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқадиган бўлсак, Халқаро ҳуқуқий меъёрларнинг аввали «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси» (ИХУД), аниқроғи, Декларациянинг 19-моддасидир. Яъни: *«Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ҳеч бир тўсиқсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва гояларни ҳар қандай восита билан давлат чегараларидан қатъи назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади»*¹.

Бундан ташқари, «Фукаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт»да, «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар тўғриси»да Европа Конвенцияси, «Матбуот эр-

¹ Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси// <http://constitution.uz/uz/pages/humanrights>

кинлиги Хартияси», «Женева конвенцияси», «Адабий ва бадий асарларни химоя қилиш тўғрисида» Берн конвенцияси каби ва бошқа халқаро ҳуқуқий меъёрлар ҳам ОАВ фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлар саналади.

Конституциявий меъёрлар деганда, давлат Конституцияда ОАВ фаолиятини тартибга солишга оид моддалар назарда тутилади.

Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий ҳолати дастлаб давлатнинг бош қомуси Конституцияда белгилаб берилган. Унинг XV боб 67-моддасида: *«Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди»*¹, дейилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатловчи меъёрлар халқаро меъёрларга зид келмаслигини кўриш мумкин.

Қонун ва қонун ости ҳужжатлар. Ушбу меъёрларга ОАВ фаолиятини тартибга солиш мақсадида Парламент томонидан ишлаб чиқилган Қонунлар, Президент фармонлари, шунингдек, ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорлар, фармонлар, фармойишлар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни киритиш мумкин.

ОАВ фаолиятининг ташкил этилиши ҳамда тузилиши

Оммавий ахборот воситаларини қандай ташкил этиш тўғрисида сўз юритишдан олдин, ОАВнинг ўзи нима, унинг таркибига нималар қиради, деган саволга жавоб бериш лозим.

Ўзбекистон Республикаси **«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддасида:** *«Оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюл-*

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <http://www.lex.uz/acts/20596>

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни// «Халқ сўзи» 16. 01.2007. 11-12 (4164-4165)-сон.

летенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар) олти ойда камидан бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган (бундан буён матнда чиқариладиган деб юритилади), қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишининг бошқа шакллари оммавий ахборот воситасидир»¹ дейилган.

Қонуннинг 2-моддасида:

*Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари эркиндир. Ҳар ким, агар қонунда бошқача қонда назарда тутилмаган бўлса, оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошқора баён этиш ҳуқуқига эгалиги*², кайд этилган. Демак, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонун Ўзбекистон Республикасидаги ОАВ фаолиятининг энг асосий меъёрий ҳужжатидир. Шу боис, оммавий ахборот воситалари мазкур қонун доирасида фаолият олиб борадилар. Оммавий ахборот воситасини ташкил этиш ҳамда унинг фаолиятини аниқ тизим асосида йўлга солиш учун, аввало, Ўзбекистон Республикаси «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунда белгиланган ҳуқуқий меъёрларни амалга татбиқ этиши керак.

Қонуннинг иккинчи бобида оммавий ахборот воситалари фаолиятини ташкил этиш ҳуқуқи кафолатланади. Савол туғилади: кимлар оммавий ахборот воситаларини ташкил этиши мумкин? Мазкур қонунда оммавий ахборот воситаларини Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслар томонидан таъсис этиш ҳуқуқига эгалиги кўрсатилган (8-10-моддалар). Шунга кўра, оммавий ахборот воситалари муассислар томонидан тузилиши ва ўз

¹ «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (4-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-476-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон) <http://lex.uz/docs/1106870>

² Ўша манба.

Низоми (Устави) асосида иш олиб бориши, мазкур Низомда ариза, оммавий ахборот воситаларининг муассис(лари), қандай номланиши, қайси тилда эълон қилиниши, манзили, мақсад ва вазифалари, аудиторияси, яъни қандай доирадаги одамларга мўлжалланганлиги, даврийлиги, ҳажми, моддий техник таъминоти ва пул билан таъминланиш манбалари кўрсатилиши керак бўлади (II-модда).

Муассис, таҳририят ва матбуот таркатувчи муносабатларининг қонуний кафолатлари ва унинг амалдаги ифодаси

Оммавий ахборот воситаларига кимлар муассис бўла олади? Ўзбекистон Республикасининг «**Оммавий ахборот воситалари тўғрисида**»ги Қонуннинг 8-моддасида муассисга шундай таъриф берилади: *Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқига эгадирлар.*

*Оммавий ахборот воситаси бир нечта муассис томонидан ҳам таъсис этилиши мумкин.*¹ Муассис (хаммуассис) ноширнинг ихтисослашувини белгилайди ва низоми (устаи) ни тасдиқлайди. ОАВ билан муайян муассислар ва ноширлар ўртасидаги муносабатлар, моддий ва молиявий алоқалар ўзаро тузилган таъсис шартномасига асосан амалга оширилади.

Қонунга мувофиқ қуйидагилар оммавий ахборот воситасининг муассиси бўлиши мумкин эмас:

- ✓ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс;
- ✓ қасддан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган ёхуд суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс;
- ✓ фаолияти қонун билан тақиқланган нодавлат нотижорат ташкилоти.²

¹ Ўша манба.

² Ўша манба.

Таъсис шартномаси – бир неча муассис томонидан тузилади. Унда муассисларнинг номи, жойлашган манзили, таъсис этилаётган оммавий ахборот воситасининг тури, номи, тили, мақсади, даврийлиги, ихтисослашуви, тахририятнинг молиялаштириш манбалари, муассисларнинг ташкил этилаётган тахририятнинг фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради. Агар муассислар шартномада кўрсатилган бурчини бажармаса, тахририят муассис билан тузилган шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бу ҳақда тахририят рўйхатга олган ташкилотга уч кун ичида хабар бериши лозим. Шу низомга мувофиқ тахририят тузилади. «ОАВ тўғрисида»ги қонунда оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини таъминлаш муассиснинг мажбурияти эканлиги қайд қилинган. Умуман, ОАВни ташкил қилишдан муассис кўпроқ иктисодий манфаатдор. Шундай экан, тахририят фаолиятини ташкил қилишга муассис масъул.

Кейинги пайтларда муассислар ўзлари таъсис этган нашрларни иктисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳақида қайғурмаяпти, деган масала кўп муҳокама қилинмоқда. Жумладан, 2018 йилда Ўзбекистонда «мажбурий обуна»га чек қўйилди. Натижада, аксарият босма ОАВ келгусидаги фаолиятини қандай ташкил қилишни билмай қолдилар. Бу мавзу кенг жамоатчилик ўртасида, шунингдек, маҳаллий ОАВда кизғин муҳокамаларга сабаб бўлди.

«Муассисининг ўзи қўмакка муҳтож бўлган газета ё журнал бош муҳаррирининг юраги безиллаб қолган. «Ўзларинг ҳаракат қилинлар, бизнинг ҳам ҳисоб-китобимиз чатоқ, бўлмаса...» Ётиб қўяқолайлик, дейишдан тийилади зўрга. Негаки, бу ёқда сиёсий-ижтимоий жараёнлар, даврнинг талаби бошқача. Хусусий нашрларнинг йўриғи ўзга. Яна қимга қийин, «марказий» ёки «давлат» деб аталмиш (аслида, аксарият нашрларнинг ҳуқуқий мақоми бир хил) газета-журналлар жамоасига-да. Йилнинг боши ва ўртасига боргач, босмаҳона (ўлар бор-йўғи иккита) ташвишли хатлар йўллайди. Фалон ойнинг шу кунидан бошлаб харажатлар (доллариям қуриб

кетсин) ... *фоизга оширилади, вассалом! Ҳисобли дўст айрилмас, бу бозор деганлари дўстни билармиди, яна хомчўт бошлади. Кадрларни қисқартириш керак. Шундоғам иқтидорли, малакали журналист анқонинг уругига айланаётган бугунги замонда бу каби қутилмаган зарбалар ҳар қандай муҳаррирни эсанкиратиб қўйиши табиий*».¹

Ўзбекистон Республикасининг «ОАВ тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ таъсис этилган ОАВ тури, албатта, ўз Низоми (устави)га эга бўлади.

Низомда қандай қоида ва маълумотлар акс этиши керак?

Тахририят низоми (устави) куйидаги маълумотларни камраб олиши мақсадга мувофиқдир: тахририят номи, тахририят жойлашган манзил, фаолиятнинг мақсади ва турлари (тижорат ташкилотлари учун), ташкилотнинг мақсади ва вазифалари (нотижорат ташкилотлари учун), тахририят фаолиятини бошқариш тартиби (бошқарув идоралари), устав жамғармаси ҳажми, уни шакллантириш тартиби ва манбалари, ташкилотнинг алоҳида бўлинмалари ҳақида маълумотлар, субсидар жавобгарлик масаласининг ҳал этилиши, низомни (уставни) тасдиқлаш ва ўзгартириш тартиби, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби. Низомга қонунчиликда кўзда тутилмаган, айти пайтда қонунчиликда ман қилинмаган бошқа қоидалар ва шартлар ҳам киритилиши мумкин.² Низом тахририят фаолиятининг асосий таъсис ҳужжатидир, шунинг учун унинг имкон қадар мукамал бўлмоғи мақсадга мувофиқдир.

ОАВнинг Низоми тахририят ходимлари умумий миқдорининг камида 2/3 қисми қатнашган умумий йиғилишда кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва муассис томонидан тасдиқланади. ОАВ билан муайян муассислар ва ноширлар ўртасидаги муносабатлар, моддий ва молиявий алоқалар ўзаро

¹ Жалил Н. Матбуот: ё ҳаёт, ё мамот//«XXI аср» газетаси. 2018 йил 20 сентябрь.

² «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонун Ўзбекистон Республикаси Қонуни. <http://lex.uz/docs/1106870>

тузилган шартномага асосан амалга оширилади. Агар муассис шартномада кўрсатилган бурчини бажармаса, тахририят муассис билан тузилган шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бу ҳақда тахририят рўйхатга олган ташкилотга уч куннинг ичида хабар бериши лозим.

Тахририят – оммавий ахборот воситасининг муассиси томонидан тузилади ҳамда ушбу Қонун бошқа қонун ҳужжатлари, ўз Низоми (Устави) асосида иш олиб боради.

Тахририят ходими – оммавий ахборот воситаси тахририяти штатида турган, ахборотларни тўплаш, таҳлил ва таҳрир қилиш ҳамда тайёрлаш билан шуғулланувчи субъектлар – журналист (ижодкор) ҳамда техник ходимлардан иборат бўлади. Уларни умумий – тахририят ходимлари дейиш мумкин. Улар шу тахририятда оммавий ахборот воситасини чиқариш учун материаллар тўплаш, уларни таҳлил ҳамда таҳрир қилиш билан шуғулланадилар. Уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун томондан кафолатланган. (15-17-моддалар).

Ҳар бир даврий нашрнинг чиқарилиши учун қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши шарт.

1. Даврий нашрнинг номи
2. Давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ва рақами
3. Муассис номи
4. Бош муҳаррир исми, шарифи, отасининг исми
5. Масъул шахснинг исми, шарифи

6. Тартиб рақами ва чиқарилган санаси, даврий босма нашрлар учун эса босишга рухсат берилиб, имзо қўйилган вақти

7. Даврий босма нашрлар учун – индекси, адади, баҳоси ёки «Қилишилган нарҳда», «Бепул» деган ёзувлар

8. Тахририят ва босмаҳонанинг манзили (почта манзили).

Ўзбекистон Республикаси «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ юқоридаги маълумотлар даврий нашрнинг ҳар бир сонидан аниқ акс эттирилиши лозим. Бироқ бугунги кунда ушбу меъёрларнинг кўпинча бузилиш ҳолатлари учрамоқда. Жумладан, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан қуйидаги қонунга зид ҳолатлар

аникланган. «Эрудит» газетасининг тахририят Низомига кўра нашр ҳафтада 3 марта, пайшанба ва сешанба кунлари А-4 форматда, чоршанба сони А-3 форматда чоп этилиши кўзда тутилган. Нашрнинг 2016 йил 79-сонига қадар чоп этилган сонларининг сўнгги саҳифасидаги чоп этилишига доир маълумотларида: *«Газета ҳафтада уч маротаба (чоршанба, пайшанба ва жума кунлари) офсет усулида чоп этилади»* дея айтилганига қарамай, 2016 йил 6 июлдаги 80-сонига қадар чоршанба кун **«Эрудит жумбоқлар оламида»**, пайшанба кун **«Эрудит»**, жума кун **«Эрудит мўъжизалар оламида»** номи остида чоп этилган.

2016 йил 80-сонидан *«...1 июлдан «Эрудит мўъжизалар оламида» ҳамда «Эрудит жумбоқлар оламида» газеталари бирлаштирилди ва «Эрудит Жумбоқлар оламида» номи билан чоп этиладиган бўлди»* тарзида маълумот берилгандан сўнг нашр ҳафтада икки марта чоршанба ва пайшанба кунлари чиқадиган бўлди.

Демак, бу ерда **«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси** талаблари бузилганлигини кузатиш мумкин. Ушбу меъёрга асосан тахририят қонун ҳужжатларига мувофиқ қабул қилинган ва муассис томонидан тасдиқланган устав асосида фаолият юритиши белгилаб қўйилган. Юқоридаги ҳолатларда эса газета тахририят Низомида белгиланган номи ва даврийлигига риоя қилмасдан, мазкур қонун талабларини бузган.

Қонуннинг учинчи боби оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибларига бағишланади. Унда оммавий ахборот воситасини таъсис этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар топширилиши керак.

Оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризада қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- муассис тўғрисидаги маълумотлар;
- оммавий ахборот воситасининг номи, тили ва тури;
- мақсад ва вазифалари;
- ихтисослашуви;
- тарқатилиш ҳудуди;

- даврийлиги;
- молиялаштириш манбалари;
- тахририятнинг жойлашган ери (почта манзили) ва тахририят тўғрисидаги бошқа маълумотлар;
- ҳажми;
- муассис ва тахририят бошқа қайси оммавий ахборот воситаларига нисбатан муассис, ишончли бошқарувчи, ношир, тарқатувчи эканлиги ҳақидаги (барча аффилиланган шахсларнинг ва улардан ҳар бирининг тахририят устав фондидаги улуши миқдорлари кўрсатилган) маълумотлар.

Оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризага оммавий ахборот воситасининг таъсис ҳужжатлари илова қилинади.

Агар муассис битта шахсдан иборат бўлса, рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этиладиган оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризага фақат тахририят устави (низоми) илова қилинади.

Конуннинг янги тахририда интернет ОАВга тааллуқли қисм киритилган. (20-модда Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-476-сонли Қонунига асосан тўртинчи қисм билан тўлдирилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон)Унга мувофиқ,

Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайт оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтказилган тақдирда веб-сайтнинг домен номи кўрсатилади, бунда ушбу модда биринчи қисмининг олтинчи ва ўнинчи хатбошиларида назарда тутилган маълумотларни тақдим этиш талаб қилинмайди.¹

Ўзбекистон Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги буни 15 кун муддат ичида кўриб чиқади, белгиланган талабларга жавоб берса, рўйхатдан ўтказади. Оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

¹ «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. <http://lex.uz/docs/1106870>

2006 йил 11 октябрдаги 214-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низом билан тартибга солинади.

Низомда кўрсатилган талабларни бажармаган ёки мазкур қонун талабларига жавоб бермайдиган оммавий ахборот воситасининг фаолияти тўхтатилади.

Оммавий ахборот воситаси қандай тарқатилади?
Ўзбекистон Республикаси «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг тўртинчи боби оммавий ахборот воситалари маҳсулотини тарқатиш тартибларини белгилайди. Унга кўра, ОАВ маҳсулотларини бевосита ноширнинг ва таҳририятнинг ўзи ёки шартнома асосида алоҳида корхоналар, бошқа юридик ва жисмоний шахслар тарқатиши мумкин. Босма оммавий ахборот воситалари маҳсулотини тарқатиш уларга обуна ташкил этиш, шунингдек, чакана савдо тармоғи орқали амалга оширилади. Рўйхатдан ўтказилган даврий босма нашрлар ададини чакана савдо орқали, шу жумладан, қўлда сотиш нашрлар таҳририятларининг штатдаги таркатувчилари томонидан ёки савдо тармоғига эга бўлган юридик шахслар, шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистонда бу вазифа «Матбуот таркатувчи» акциядорлик компанияси томонидан амалга оширилади. Аммо амалиётда компания ҳамда матбуот тарқатишга мўлжалланган тадбиркорлик фирмалари ўз вазифасини тўғри бажармай, кўп ҳолларда таҳририятга моддий зарар сўзасди. Бу ҳақда «Нурлы жол» газетаси бош муҳаррири **Ғуломзокир Юсупов** шундай дейди:

«Газетамиз 1991 йилдан бери қозоқ тилида чоп этилади. Бизни қийнаётган асосий муаммо нашримизни жойларга етказиб бериш билан боғлиқ. Матбуот таркатувчи ташкилотлар фаолияти қониқарсиз. Бугун чиққан газета бир ҳафта, баъзида бир ойдан кейин обуначига етиб борса, қўлгили эмасми? Бу обунага ўз-ўзидан жиддий таъсир кўрсатадиган омил. Ишончли йўқотамиз. Матбуот дўконларида, масалан, бизнинг

газетамиз деярли сотилмайди. Баҳона кўп, натижа йўқ... Бундай кўнгилсиз ҳолатлар кунора бўлмаса-да, ҳар ойда жойлардан обуначилар, муштарийлардан кетаётган мурожаатларда акс этаётир. Обуна уюштириши шартномасини қўлга киритгунча таҳририятлар эшигида «Ўламан саттор, вақтида етказиб бераман», деб ётиб оладиган акциядорлик компаниялари ва хусусий матбуот тарқатувчи МЧЖ соҳибларининг йил давомида айтиладиган минг битта баҳонасидан тўйдик. Энг даҳшатлиси, обуна пулларини оловлиб, уч-тўрт ойдан сўнг иссиз йўқолиб, ётилиб кетаётган ёлгончи тарқатувчилар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Айримлари билан, масалан, бизнинг таҳририят судлашяпти ҳам (шу кунгача 17 ярим миллион сўмдан кўпроқ маблағнинг бир тийинини ҳам тўламаётган «Қариш матбуот тарқатувчи» МЧЖ мисолида).

Газетамиз билан тузилган шартномага биноан умумий сўммадан «Меҳр Медиа» саз кам 19 миллион, «Нурли матбуот кўзгуси» эса 21 миллиондан кўпроқ қарзини ўзишга шошилмаяпти. Бу каби салбий ҳолатлар исталган газетажурнал билан содир этилаётганига шубҳамиз йўқ. Ҳа, энди, инсофини бўри емагандир, йил охиригача тўлаб берар, деган умид ҳаммамизда бор. Минг афсуски, бундай «териси қалин» тарқатувчилар сони камайиши ўрнига кўпайиб борапти.¹

Бундай ҳолатларни нафакат марказий газеталар фаолияти мисолида, балки маҳаллий, ҳудудий нашрлар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, Самарқанд вилояти ҳокимлиги муассислигида чиқадиған «Зарафшон» газетасининг 2018 йил 18 октябрь сонида Баходир Раҳмоновнинг «Матбуотимизнинг оғрикли нукталари» сарлавҳали мақоласи чоп этилган. Унда «Овози Самарқанд» газетаси таҳририяти билан матбуот тарқатувчи хусусий ташкилотлар ўртасида шартнома тузилганлиги, аммо обуна пулини олишга келганда уларни топиб бўлмаслиги, шартномада кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилинса, у ер бошқаларга тегишли бўлиб чиқиши туфайли таҳририят пулини ололмаслиги ҳолатлари ҳақида ёзилган.

¹ Жалил Н. Матбуот: ё ҳаёт, ё мамот // «XXI аср» газетаси. 2018 йил 20 сентябрь.

ОАВ нинг ҳар бир алоҳида сонини тарқатишга муҳаррир (бош муҳаррир) уни чоп этишга, (эфирга беришга) рухсат этилгандан кейингина йўл қўйилади.

Шу ўринда яна савол туғилади, айрим оммавий ахборот воситаларини Ахборот ва оммавий коммуникациялар агент-лигидан рўйхатдан ўтказмасдан туриб ҳам тарқатиш мумкинми? Қандай ахборот воситалари бундай ҳуқуққа эга? Бу саволларга жавоб бериш икки хил ёндашувни талаб этади. Биринчидан, ОАВни рўйхатдан ўтказмасдан туриб тарқатиб бўлмайди. Иккинчидан, тарқатиш ҳуқуқини олган ҳамма ахборотлар ҳам ОАВ бўлавермайди. Яъни, кенг жамоатчиликка мўлжалланмаган ахборотлар, алоҳида расмий нашрларнинг норматив ҳужжатлари, ахборотномалар, бюллетенлар, ўз бошқарув органларининг ахборот материаллари ҳамда бошқа қўлёзма тарзида кўпайтирилиши лозим бўлган материал ва ҳужжатлар ана шундай ахборотлар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикасининг «**Ноширлик фаолияти тўғрисида**»ги **Қонуннинг 10-моддасида** қайд этилишича, матбаа маҳсулотларини тарқатиш муассис, ношир, матбаачи ва муаллифнинг келишувига мувофиқ ёки шартнома асосларида бошқа юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин. Матбаа маҳсулоти ношир ёки унинг ваколати билан иш кўрувчи шахс рухсат бергандан кейингина тарқатишга чиқарилади.¹

Мутахассисларнинг фикрича, янги мустақил давлатларда оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги ва эркинлиги асосан, **уч омилга: биринчидан**, махсус қонунлар ва қоидаларнинг мавжудлигига, **иккинчидан**, ишнинг кўзини биладиган раҳбарларнинг ва бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий кун кечира олиш қобилиятининг мавжудлигига **учинчидан**, касб маҳорати ва ўз сўзи учун масъулият ҳиссининг даражасига боғлиқ. Бизнингча, бу ерда яна бир муҳим жиҳат мавжуд. У ҳам бўлса таҳририятларга мулкчи-

¹ «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонун // <http://lex.uz/docs/39478>

лик ҳуқуқини бериш. Иқтисодий жихатдан мустиқил бўлган таҳририятгина ахборотни етказишга нисбатан шаффофликни таъминлайди.

Мамлакатимиз демократик ҳуқуқий давлат куриш гоёсига содиқлигини жаҳон олдига эътироф этмоқда. Шундай экан, сўз эркинлиги учун тазйикка учраган журналист ҳам унинг мақоласи туфайли ўзини ҳақоратланган сезаётган амалдор учун ҳам йўл битта – қонуний ҳуқуқлар ҳимоясини сўраб судга муурожаат қилишдир. Бунинг учун эса ҳар бир фуқаро амалдаги қонунни ва ўз ҳуқуқини яхши билиши керак бўлади.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЭРКИНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ОАВ фаолиятига тааллуқли халқаро ҳуқуқий меъёрлар

Оммавий ахборот воситалари қенг қўламли ҳуқуқий меъёрлар асосида фаолият юритади. ОАВ амал қилувчи қонун меъёрлари халқаро ҳуқуқий меъёрларга мос тушади. Бугунга қелиб дунё миқёсида ОАВга тааллуқли 100 дан ортиқ меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси суверен давлат сифатида ОАВ фаолиятига бевосита алоқаси бўлган бир қатор халқаро ҳужжатларни ратификация қилган. Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси ўз қонунчилиги устидан халқаро ҳуқуқий меъёрларнинг устуворлигини тан олади. Чунки мамлакатимизда демократия инсон, унинг ҳаёти, эрки, ор-номуси, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқларини олий қадрият ҳисоблайдиган умуминсоний тамойилларга асосланади (Ўзбекистон Конституцияси 13-модда)¹.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. ОАВ фаолиятига алоқадор халқаро меъёрий ҳужжатларнинг энг асосини Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси ташқил этади. У 1948 йил 10 декабрь қуни Бирлашган Миллатлар Ташқилоти (БМТ)нинг Бош Ассамблеяси томонидан қабул

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси <http://lex.uz/mobileact/20596>

килинган бўлиб, ушбу ҳужжат 30 моддадан иборат. У мустакил Ўзбекистон эътироф этган дастлабки халқаро ҳужжатдир.

Мазкур ҳужжатдаги бир қатор меъёрлар бевосита ОАВ фаолиятига тегишлидир.

Жумладан:

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 19-моддасида: *«Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ҳеч бир тўсиқсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва гояларни ҳар қандай восита билан давлат чегараларидан қатъи назар излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади»*¹ дейилади. Ушбу меъёр журналистларнинг ўз фикрини эркин ифода этиши, ҳеч қандай тўсиқларсиз ахборотларни олиши, уларни қайта ишлаши ва монеликсиз тарқатишини таъминлайди.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт. Оммавий ахборот воситалари фаолиятига дахлдор бўлган яна бир йирик халқаро ҳужжат бу – Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактидир. У 1966 йилда БМТ томонидан қабул килинган бўлиб, 16 қисм ва 53 моддадан иборат.

Халқаро Пактнинг 19-моддаси бевосита сўз эркинлиги ва оммавий ахборот воситалари фаолиятига боғлиқ.

Жумладан, 19-модданинг 1-бандида *«Ҳар бир инсон ҳеч бир тўсиқсиз ўз фикрига эга бўлиш ҳуқуқига эга»*, дейилган бўлса, 2-бандида *«Ҳар бир инсон ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ҳар қандай ахборот ва гояларни давлат чегараларидан қатъи назар ихтиёрий равишда оғзаки, ёзма ёки матбуот орқали, ёки бадий шаклларда, ёки ўз хоҳишига қараб бошқа воситалар йўли билан излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади»*, дейилган. Шу билан бирга, ушбу модданинг 3-бандида, *«юқорида иккинчи бандда назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланиш алоҳида мажбуриятлар ва*

¹ Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси// <http://constitution.uz/uz/pages/humanrights>

масъулият юклайди. Бу тарзда фойдаланиш айрим чеклашлар билан боғлиқ, лекин бу чеклашлар қонун билан белгиланиши ва қўйидагилар учун зарур бўлиши лозим:

а) бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва обрў-эътиборини ҳурмат қилиш учун;

б) давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳоли саломатлигини ёки ахлоқини муҳофаза этиш учун»¹, деб кайд этилган.

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги Европа Конвенцияси. Бундан ташқари, XX асрнинг иккинчи ярмида Европа Кенгаши ОАВ ва журналистлар эркинлигига оид бир катор ҳуқуқий мезонлар ва ҳужжатлар қабул қилди. Шулардан энг муҳими, 1950 йил 4 ноябрь куни қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисида»ги Европа Конвенциясидир. Ушбу ҳужжатнинг (ИХЕК) 10-моддасида сўз ва фикрни эркин ифода этиш ҳақида сўз боради. Унга мувофиқ «*ҳар бир инсон ўз фикрини ифодалаш эркинлигига эга*» экан ҳамда «*бу давлат органлари томонидан аралашувларсиз ва давлат чегараларидан қатъий назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олиши*»² таъкидланган. Мазкур модда «Фукаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Халқаро Пактнинг 19-моддаси билан низоҳатда ҳамоҳангдир. Чунки Пактнинг факультатив протоколини тайёрлаш жараёнида «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари Европа Конвенциясига қайта-қайта мурожаат қилинган. Шунингдек, айнан ана шу 10-модда Европа Иттифоқи қонунчилигига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Европа Иттифоқининг органлари ва муассасалари «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисида»ги Европа Конвенцияси талабларига риоя этишни

¹ «Фукаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Халқаро Пакт <https://kasaba.uz/wp-content/uploads/2015/06/>

² «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисида»ги Европа Конвенцияси// [https://buxgalter.uz/uz/doc?id=181362_inson_huquqlari_va_asosiy_erkinliklarini_himoya_qilish_to'g'risidagi_konvenciya_\(rim_1950_yil_4_noyabr\)&prodid=1_zakonodatelstvo_respubliki_uzbekistana](https://buxgalter.uz/uz/doc?id=181362_inson_huquqlari_va_asosiy_erkinliklarini_himoya_qilish_to'g'risidagi_konvenciya_(rim_1950_yil_4_noyabr)&prodid=1_zakonodatelstvo_respubliki_uzbekistana)

қабул қилган. Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги АҚШ Конвенцияси ва бир қатор миллий конституцияларни тузишда ҳамда айрим миллий қонунларни ишлаб чиқишда «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисида»ги Европа Конвенциясидаги ҳолатлар асос қилиб олинган.

Бугунги кунда Европа Иттифокига қирувчи давлатлар бу ҳуқуқий ҳужжатларни тан олади ва уларга амал қилади. Ушбу давлатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича арзномаларни Европа Комиссияси кўради ва уни инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Судига оширади. Шу боис, Европа Судининг қарорлари Европа Иттифокига аъзо барча мамлакатлар учун мажбурийдир. Европа Суди оммавий ахборот воситалари ва журналистнинг жамиятдаги ролига ҳамиша юксак баҳо бериб келади. У ўз фаолиятида сўз ва матбуот эркинлиги гамойилидан келиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилади.

ОАВ фаолиятига тааллуқли бошқа халқаро ҳужжатлар

1977 йилда қабул қилинган Женева конвенциясига қиритилган қўшимча протоколда ҳарбий ҳаракатлар чоғида журналистларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қафолатланган.

1987 йилда Бутунжаҳон матбуот эркинлиги қўмитаси томонидан қабул қилинган «Матбуот эркинлиги Хартияси»да оммавий ахборот воситаларининг ҳукумат томонидан иктисодий ва бошқа турдаги камситилишларига йўл қўймаслик, мустақил нашрлар билан давлат нашрларининг ваколатлари тенг бўлиши, давлат томонидан оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш ва уни тайёрлаш билан боғлиқ иктисодий масалаларига чекловлар қўймаслик меъёрлари белгиланган.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятига дахлдор бўлган муҳим халқаро ҳужжатлар сирасига Бутунжаҳон Интеллектуал мулк ташкилоти (ВОИС) томонидан 2000 йил 26 июнда қайта қўриб чиқилган ва тасдиқланган «Интеллектуал мулк тўғрисида»ги Умумжаҳон Декларацияси, 1971 йил 24 июлда Парижда қабул қилинган «Адабий ва бадий асарларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Берн конвенцияси, 1961 йил 26 октябрда

Римда қабул қилинган «Ижрочилар, фонограмма тайёрловчилар ва эфирга узатувчи ташкилотларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш бўйича Рим конвенцияси» ҳам киради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатловчи аксарият меъёрлари шунинг учун юқорида кўрсатилган халқаро қонунчилик меъёрларига уйғунлашганининг бу меъёрлар деярли бир хил ифода этилиши, мазкур асосий қонунимиз халқаро майдонда тан олинганлигини кўрсатиб туради.

Мамлакат мустақил бўлгандан кейин ушбу ҳужжатлар асосида бир неча халқаро битимлар имзоланди. Жумладан, 1995 йил 26 май Белорусь пойтахти Минск шаҳрида «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисида»ги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Конвенцияси қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатнинг II-моддаси юқорида қайд этилган учта халқаро ҳужжатга мос келади:

1. *«Ҳар бир инсон ўз фикрни эркин ифодалаш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ ўз фикрида собит қолиш эркинлиги, ҳар қандай ахборот ва гояларни қонуний йўл билан давлат ҳокимиятининг аралашувисиз ва давлат чегараларидан қатъи назар олиш ва тарқатиш ҳуқуқини ҳам ўз ичига олади».*

2. *«Бу эркинликни қўллаш чоғида демократик жамиятнинг манфаатлари, давлат ва жамият хавфсизлиги, жамоатчилик тартиби ва ҳуқуқлари ёки бошқа шахсларнинг эркинлигини химоя қилиш юзасидан мажбуриятлар ва масъулиятга амал қилиш расмийчилик, шартлар ва чекловларга асосланиши мумкин бўлса ҳам талаб этилади»¹,* деб қайд қилинган.

Ўзбекистон ҳукумати халқаро меъёрларга мувофиқ муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни химоя қилиш бўйича 1993 йил 24 сентябрда Москва шаҳрида Россия Федерацияси билан, 1997 йил 18 июнда Озарбайжон Республикаси билан, 1998 йил

¹ «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисида»ги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Конвенцияси [https://nrm.uz/content?doc=371777_mdhning_inson_huquqlari_va_asosiy_erkinliklari_torisidagi_konvenciyasi_\(minsk_1995_yil_26_may_1998_yil_11_avgustda_kuchga_kirgan\)](https://nrm.uz/content?doc=371777_mdhning_inson_huquqlari_va_asosiy_erkinliklari_torisidagi_konvenciyasi_(minsk_1995_yil_26_may_1998_yil_11_avgustda_kuchga_kirgan))

13 апрелда Туркия Республикаси билан ҳамкорлик тўғрисида битим имзолади, 2006 йил 20 мартда Қозоғистон Республикаси ҳукумати билан интеллектуал мулкни муҳофаза этиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Миллий қонунчиликда ОАВ фаолияти эркинлигини таъминлашнинг қафолатлари

Демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантираётган мамлакат сифатида Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ меъёрларини тан олади ва қадрлайди. Бу таъмоийл Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам, қонунларида ҳам ўз аксини топган. Шунингдек, мамлакатизда ҳам ОАВнинг эркин фаолият юритилиши учун етарли ҳуқуқий асослар яратилди.

Биринчидан, ОАВ эркинлигини таъминловчи асосий ҳужжат бу Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳисобланади.

Жумладан, **Конституциянинг 29-моддаси:** *«Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир».*

67-моддаси: *«Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди».*

Ушбу моддалар мамлакатда сўз ва матбуот эркинлигини таъминловчи асосий меъёрлар ҳисобланади.

Иккинчидан, ОАВ соҳасига тааллуқли бўлган қонунларда ушбу меъёрлар ўз аксини топганлигини кўриш мумкин. Жумладан, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ахборот олиш қафолатлари ва эркинлиги» каби қонунлар мамлакатда оммавий

ахборот воситаларининг эркин фаолият юритишини таъминловчи асосий ҳужжатлар ҳисобланади.

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида: *«Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари эркиндир. Ҳар ким, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошқора баён этиш ҳуқуқига эгадир. Давлат оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ва ахборотдан фойдаланиш эркинлигини, мўлк ҳуқуқини, давлат органларининг гайриқонуний қарорларидан, улар мансабдор шахсларининг гайриқонуний ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралашини тақиқланади. Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, тарқатиш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш ҳуқуқига эга ҳамда тарқатилаётган ахборотнинг ҳолислиги ва ишончлилиги учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади»¹*, дейилади.

«Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида эса *«Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларининг цензура қилинишига йўл қўйилмайди. Ҳеч ким журналистдан эълон қилинаётган хабарлар ёки материаллар олдиндан келишиб олиншини, шунингдек, уларнинг матни ўзгартирилишини ёхуд уларнинг нашрдан бутунлай олиб ташланишини (эфирга берилмаслигини) талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас.»²* дейилган. Шу билан мазкур қонуннинг 8-моддаси меъёр оркали журналистикнинг дахлсизлиги ҳам ҳимоя қилинишини белгилаб қўйган. Жумладан, унда шундай дейилган: *«Журналист журналистик фаолиятини амалга ошириш чоғида шахс дахлсизлиги кафола-*

¹ «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни <http://lex.uz/docs/1106870>

² «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни <http://lex.uz/docs/9540>

тидан фойдаланади. Танқидий материаллар эълон қилганлиги учун журналистни таъқиб қилишга йўл қўйилмайди.»¹ Бу каби меъёрларни мамлакатда қабул қилинган яна бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатларда учратиш мумкин. Кўриниб турганидек, мамлакатда сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш учун мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган. Аммо журналистларнинг амалий фаолиятига бу меъёрлар ҳар доим ҳам татбиқ қилинмайди. Масалан, kun.uz сайтининг (15.11.2018) «Ахборот тақдим қилишда бошқалардан анча кеч қоляпмиз. Тележурналист икрори» деб номланган материалда «Ахборот 24» мухбири Мавжуда Мирзаева шундай дейди: «...Қасб тақозосига кўра қўлаб хорижий инвесторлар билан интервьюлар тайёрлаймиз. Аммо улар айтган гаплари кескин ўзгартириб юборилади. Масалан, хорижлик меҳмон ўзининг Ўзбекистондаги фаолиятида дуч келаётган муаммолар ҳақида гапирса, уларнинг ечимини кутаётганини айтса, биз таржимада «Ўзбекистондаги улкан ислоҳотлардан ҳайратдаман...» мазмунини ўқиб юборамиз. Ахир бу томошабинни, ўз халқимизни алдаш эмасми?! Одамлар билмайди, деб ўйлаймиз. Аммо бугунининг одамлари ҳамма нарсадан бохабар. Улар интернетни, бошқа ахборот манбаларини кузатиб боришади. Бизнинг ёлгонларимизни кўриб-билиб туришади ва устимиздан қулишади». kun.uz мухбири мазкур интервьюда айtilган гаплар учун М.Мирзаевани «жазолаш»лари мумкинлиги ҳақида айтганида у шундай жавоб беради: *Лекин мен бу гапларим учун ишдан бўшашиб юборишларидан қўрқмайман. Қўлимда қаламим бор, ишимни топиб кета оламан. Лекин бу ҳол давом этишини – замондан ортда қолишимиз, эскича ишлашимиз, ёлгон ва ялтироқ ахборотлар тайёрлашимизни виждоним ортиқ қабул қила олмайди.*

Шундан кейин facebook.com ижтимоий тармоғида мухлисларнинг кўллаб-қувватлашларига миннатдочилик ифода этилган пости эълон қилинади:

¹ Ўша манба.

«Men kun.uz nashriga intervyu berganimdan so'ng turli sohada faoliyat yuritayotgan yurtdoshlarimizdan qo'ngiroqlar bo'ldi... mana, bir haftadan beri mikrofonni ushlaganim yo'q. Buyurtmalarim tasdiqlanmayapti. Oddiy lavha qilishga ham juda qiyinchilik bilan erishyapman. Ammo g'oyalarim bir olam. Sog'liq pand bermasa, ruhiy qiynoqlar yengib chiqmasa, siz aziz tomoshabinlarga, oliyjanob xalqimizga, dunyodagi eng insonparvar yurtdoshlarimga hali ko'p xizmat qilaman deb Mavjuda Mirzayeva».

Бундан кўринадики, журналистларнинг фаолияти давомида колипдан чиқишлари, белгиланган тартибдан ташкарида айтилган гаплари учун жазолаш, рухий босим ўтказиш ҳоллари учраб туради. Ёки айрим ҳолларда ҳақиқатни айтган журналистларга қарата турли тухмат тошларининг отилиши, ҳатто жавобгарликка тортилиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Оммавий ахборот воситалари фаолияти кафолатлари: хорижий тажриба

Агар ривожланган демократик давлатлар матбуот қонунчилигига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг ҳар бири ўзига хос анъаналарга эга. Хусусан, дунёда «Матбуот эркинлиги тўғрисида»ги биринчи қонун 1766 йилда Швецияда яратилган. 1949 йилдагина у расмий қонун сифатида қайта қабул қилинган. 1991 йилда эса «Сўз эркинлиги тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган.

Буюк Британия ва Австралияда фикрни эркин ифодалаш ва матбуот эркинлигининг конституциявий ҳолати йўқ. Уларда сўз эркинлигини Англия анъанавий мероси сифатида Докторининг умумий ҳуқуқий меъёрлари асосида ҳимоя қилади. Чунки ушбу давлат бошқаруви монархия шаклида бўлиб, Докторина бу – қирол ва қиролича томонидан чиқарилган фармонлар ва қарорлар мажмуасидир.

АҚШда ОАВнинг у ёки бу фаолияти учун тегишли бўлган ягона қонунчилик тизими йўқ. Айрим штатлар қонунлари Федерал қонунлардан фарқ қилади. АҚШ федерация дара-

жасида, яъни мамлакат микёсида матбуот тўғрисида қонун қабул қилинмаган. АҚШ Конституцияга киритилган биринчи қўшимча мамлакат ОАВ фаолиятининг асосий ҳуқукий кафолати ҳисобланади. «Биринчи қўшимча»да шундай дейилади: *«Конгресс сўз ва матбуот эркинлигини чеклайдиган қонунлар қабул қилишга ҳақли эмас»*

Австрияда ОАВга тааллуқли қонунлар федерал микёсда қабул қилинади ва ижро этилади.

Германия ОАВ эса унинг Асосий қонуни – Конституциянинг 5-моддасида *«Ҳар ким ўз фикрини оғзаки, ёзма ва тасвирлаш орқали баён этиш ва тарқатиш, шунингдек, ҳамма учун очиқ бўлган манбалардан ахборот олиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилади»* ҳамда «Ерлар тўғрисидаги қонун»да матбуот эркинлиги кафолатланади. Аммо бу давлатда ҳам матбуот ҳақида умумий қонун йўқ.

Испанияда матбуот эркинлигига эркин ахборот алмашинови ва фикрларнинг эркин билдиришнинг таркибий қисмлари сифатида қаралади. Испания Конституциясининг 20-моддасида эркин фикр ва сўз эркинлиги кафолатланади. Испанияда матбуотни махсус бошқариш қонун томонидан алоҳида кафолатланмаган.

Грузияда ҳозирга қадар 1991 йил 10 августда қабул қилинган» Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонун амал қилади. Грузия Умумий маъмурий кодексининг «Ахборот эркинлиги» деб номланган учинчи боби демократик жамият қуриш йўлидаги улкан қадам деб эътироф этилган. Ушбу боб журналистлар ва фуқароларнинг давлат бошқарув идоралардан давлат, тижорат, касбий ва шахсий сир ҳисобланмаган ҳар қандай ахборотларни олишни кафолатлайди.

Юқорида кўриб ўтилган мамлакатлар оммавий ахборот воситалари қонунчилигидаги умумий жиҳатлар шундаки, уларнинг аксарияти (АҚШдан ташқари) матбуот эркинлиги масалалари юзасидан «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Халқаро Пакт (ФСХХП) ҳамда «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисида»ги Евро-

па Конвенцияси билан ҳисоблашади, шу боис, уларга тез-тез мурожаат қилиб турилади. АҚШ эса, аксинча, матбуот билан боғлиқ ҳар қандай масалаларни ҳал этишда ички қонунчиликдан фойдаланади. Америкаликлар бундай ёндашув билан инсон ҳуқуқлари ўзларида кўпроқ ҳимояланганини кўрсатмоқчи бўладилар.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, халқаро миқёсда қабул қилинган ва юқорида тўхтаб ўтилган меъёрий ҳужжатлар жаҳон журналистикасининг ривожига муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ўз қонунчилик асосларини яратган миллий журналистикамиз учун ҳам халқаро ҳуқуқий меъёрлар асосий мезон вазифасини ўтайди.

ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТ ФАОЛИЯТИНИНГ ҚОНУНИЙ КАФОЛАТЛАРИ. ЖУРНАЛИСТЛАРНИ АККРЕДИТАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБИ

Халқаро журналист фаолиятини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари

XX асрнинг сўнгида, XXI асрнинг бошларида турли соҳалар қаторида ОАВ фаолиятида жуда катта миқдор ва сифат ўзгаришлари рўй берди. Ўзбекистон миёқсида олиб қарайдиган бўлсак, энг катта ўзгариш матбуотнинг, умуман, миллий журналистиканинг яқка мафкура тазйикидан ҳалос бўлгани бўлса, иккинчиси мамлакат оммавий ахборот воситаларининг тўлиқ маънода фаолият кўрсатишга жавоб бера оладиган қонунчилик базасининг яратилганидир, учинчиси эса ҳозирги катта босимдаги ахборот алмашинуви жараёнида журналистика соҳасида халқаро ҳамкорлик муносабатларининг йўлга қўйилганлигида кўринади.

Хорижга узатилаётган ахборотларни ёки чет мамлакатларда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги хабарлар қимлар томонидан тайёрланади? Албатта, халқаро журналистлар томонидан. Шу ўринда, халқаро журналист қим, деган саволга оидинлик киритиш керак бўлади.

Халқаро журналист – муайян бир манфаатдор мамлакатнинг бошқа бир мамлакатда фаолият олиб бориши, ахборот олиш, қайта ишлаш ва узатиш билан шуғулланиш учун аккредитациядан ўтган оммавий ахборот воситаси ходими, жисмоний шахсдир.

Аввало, қайд этиш лозимки, жаҳонда халқаро журналистикага оид қабул қилинган юздан ортиқ турли меъёрий ҳужжатлар ичида халқаро журналистнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги ҳужжатлар ҳам ўрин олган. Шу нуқтаи назардан хорижий мамлакатда фаолият олиб борадиган халқаро журналист, аввало, ахборот билан ишлашнинг асосий қафолати бўлган «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси», «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида»ги Халқаро Пакти», «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисида»ги Европа Конвенциясига амал қилади. Шунингдек, халқаро журналистнинг фаолияти ўзи аккредитация қилинган хорижий давлатнинг конституциявий меъёрлари ҳамда ўша давлатнинг оммавий ахборот воситаларига дахлдор қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда амалга оширилади.

Халқаро журналистнинг хорижий давлатларда фаолияти қандай ҳужжатлар асосида қафолатланади?

1. Хорижий давлатнинг Ташқи ишлар вазирлиги томонидан аккредитациядан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома;

2. Хорижий мухбирнинг ўзи бўлган давлатнинг оммавий ахборот воситаларига доир ҳуқуқий меъёрлари;

3. Хорижий давлатларда ишлайдиган журналистнинг фаолияти манфаатдор давлатларнинг оммавий ахборот воситалари мухбирлари касбий фаолиятини тартибга солувчи Асосий қоидалари;

4. Икки давлат ўртасидаги ўзаро келишувлар асосида қафолатланади.

Шу меъёрий ҳужжатларга асосланиб, энди халқаро журналист фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солинишини Ўзбекистон Республикаси мисолида кўриб ўтамиз.

Ўзбекистонда журналистлар фаолиятини белгиловчи учта муҳим меъёрий ҳужжат: Ўзбекистон Республикасининг

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида» ҳамда «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинган. Булар том маънода ҳали айрим тараққий этган мамлакатларда мавжуд бўлмаган қонунлардир. Аммо бу қонунлар журналистлар фаолиятини енгиллаштирадими ёки уларнинг эркин фаолиятига ҳалқит берадими? Агар журналист ўз соҳасига тааллуқли меъёрий ҳужжатлардан яхши хабардор бўлса ва уни амалда тўғри қўллай олса, ёрдам беради. Аксинча қонундан бе-хабар бўлса, фаолиятига тааллуқли ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида билмаса, айтаётган сўзининг масъулиятини ҳис қилмаса, қонун бор ёки йўқлигининг аҳамияти бўлмайди.

Халқаро журналистларчи? Улар фаолиятини қай тарзда ташкил этадилар?

Журналист сифатида бир давлатдан иккинчи бир давлатга бориш ва касбини адо этиш, мураккаб жараёндир. Чунки ҳар ернинг ўз тош тарозиси бор. Табиийки, журналистика соҳасининг ҳам. Ҳеч бир давлат бошқа юртдан келган хорижий журналистга бағрини очиб пешвоз чиқмайди. Ўз ҳудудида фаолият олиб боришга рухсат бериш учун ўзининг қонун-қоидаларига амал қилишни талаб этади. Шу нуқтаи назардан хорижий давлатларда ишлайдиган журналистнинг фаолияти манфаатдор давлатларнинг оммавий ахборот воситалари мухбирлари касбий фаолиятини тартибга солувчи Асосий қоидаларига амал қилади.

Шундай меъёрий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 24 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатлар ОАВ мухбирларининг касб фаолиятини тартибга солувчи Асосий қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 33-сонли қароридир.

Бу меъёрий ҳужжатларга биноан, хорижий давлатда фаолият олиб борадиган журналист аккредитациядан ўтказилади.

Аккредитациядан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 11-, 12-, 13-моддаларида ўз аксини тошган.

Хорижий мухбирларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Журналистларни аккредитациядан ўтказиш тартиби

Ўзбекистон Республикасига хорижий давлатдан келган халқаро журналист ёки хорижий мамлакатга борган ўзбекистонлик журналист манфаатдор давлатнинг Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасининг журналисти чет элда журналистлик фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг ва ўзи аккредитация қилинган мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади. Худди шунингдек, Ўзбекистонга келган халқаро журналист ўз мамлакатининг қонун ҳужжатларига ҳамда Ўзбекистоннинг қонун ҳужжатларига амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аккредитация қилинган чет эл журналисти ахборот тўплаш ва тарқатишда Ўзбекистон Республикаси журналисти билан тенг ҳуқуққа эга бўлади.

Чет эл журналисти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида журналистик фаолиятини амалга ошириш чоғида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига риоя этиши шартлиги белгилаб қўйилган.

Агар чет эллик журналист Ўзбекистон Республикасининг «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида» Қонунини, бошқа қонун ҳужжатларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари қоидаларини бузган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги унинг аккредитациясини бекор қилиши мумкин. Албатта, ўзига нисбатан ноқонунийлик ёки адолатсизлик содир этилган, деб ҳисоблаган чет эл журналисти ўзининг Ўзбекистон Республикасидаги аккредитациясини бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги чиқарган қарор устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Чет эл журналистини Ўзбекистонда аккредитациядан ўтказишнинг икки хил тури мавжуд. Булар:

1. Доимий аккредитация (2 йилгача муддатга)

2. Вактинчалик аккредитация (3 ойгача муддатга)

Доимий хорижий мухбирни аккредитация қилиш тўғрисидаги қарор тегишли манфаатдор хорижий ОАВ мурожаатнома олинган кундан бошлаб икки ойдан кўп бўлмаган муддатда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан қабул қилинади ва кўриб чиқилади. Аккредитация қилинган мухбир Ўзбекистон Республикасига келгач, унга Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги доимий хорижий мухбир сифатида аккредитация қилинганлиги тўғрисида 2 йил муддатга амал қиладиган гувоҳнома беради.

Икки йил муддатда бир мамлакатда фаолият олиб борадиган халқаро журналистнинг ижтимоий ҳолати ҳисобга олинadими? Яъни хизмат сафари билан хорижда фаолият олиб борадиган халқаро журналистлар ўзлари билан бирга оила аъзоларини ҳам олиб кетишга ҳақлими? Юқорида мезърий ҳужжатда қайд этилишида хорижда ишлайдиган журналист ўзи билан оила аъзосини бирга олиб келиши мумкин. Ташқи ишлар вазирлиги томонидан уларнинг оила аъзоларига *хорижий мухбирнинг оила аъзолари қарточкаси* берилади.

Вактинчалик хорижий мухбирни аккредитация қилиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги номига хорижий давлатнинг тегишли оммавий ахборот воситаси раҳбариятининг ёзма мурожаатномаси тақдим этилгандан кейин икки ҳафтадан кечикмай, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан кўриб чиқилади ва белгиланган талаблар бўйича қабул қилиниб, мурожаат этган хорижий ОАВга хабар берилади. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги аккредитация қилинган мухбирга вактинчалик хорижий мухбир сифатида аккредитация қилинганлиги тўғрисида уч ойгача амал қилиш муддати билан гувоҳнома беради.

Вактинчалик аккредитация кимларга берилади?

Вактинчалик аккредитация муайян вақт оралиғида мамлакат ёки халқаро миқёсида ташкил қилинадиган расмий қабуллар, халқаро кўргазмалар, форумлар, симпозиумлар, турли хил ҳафталиклар, конференциялар, семинар-тренинглари, шунинг-

дек, халқаро спорт мусобакалари, олимпиада ўйинлари ва бошқа шунга ўхшаш тадбирларни ёритиш мақсадида хорижий ОАВ ўз ходимини юбориш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига хат билан мурожаат қилади. Уни ўрганиб чиққан Ташқи ишлар вазирлиги хорижий журналистга шундай тадбирларда қатнашиш учун вақтинчалик аккредитациядан ўтганлиги ҳақидага гувоҳномани беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 мартдаги 207-сонли қарорига асосан, вақтинчалик аккредитация қилиш тартибига қўшимчалар киритилди. Унга кўра, Ўзбекистонга кўпроқ сайёҳларни жалб этиш ва бу борада халқаро миқёсида Ўзбекистон ҳақидаги ахборотларни ёритиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида материалларни, шу жумладан, кинохроникал, Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти, табиати, маданияти, анъаналари ва аҳоли турмуш тарзи тўғрисидаги дастурларни, публицистик ва тарихий материалларни суратга олишни мўлжаллаётган хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг илтимосномасига кўра вақтинча хорижий мухбир сифатида аккредитациядан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига мурожаатнома тушгандан кейин беш иш кунигача муддатда берилади.

Хорижий давлатда ахборот олиш, қайта ишлаш ва тарқатиш билан шуғулланувчи халқаро журналистнинг ўзи фаолиятини амалга ошириши чоғида бажариши зарур бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

✓ чет эл фуқароси бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аккредитация қилинган хорижий мухбирлар ва уларнинг оила аъзолари мухбирнинг касбий фаолияти даврида мамлакат қонун ҳужжатларида ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва ўзларига тааллуқли бўлган мажбуриятларни бажарадилар. Хорижий мухбирларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, манфаатдор давлатлар билан ўзаро аҳдлашув асосида икки томонлама бошқарилиши мумкин;

✓ аккредитация қилинган доимий хорижий мухбирлар дипломатик сервис хизматларидан фойдаланишда Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари маъмурий техник ходимлари билан тенг шартларда фойдаланадилар;

✓ аккредитация қилинган хорижий мухбирлар Ўзбекистон ҳудудида шахсий фойдаланиш учун мўлжалланган буюмларни, айтайлик, автотранспорт воситалари ва ҳ.к.ни божхонада расмийлаштириш Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товар ва транспорт воситаларини четдан вақтинча олиб келиш шартлари тўғрисида»ги 2004 йил 17 августдаги 399-сон Қарорига мувофиқ амалга оширади;

✓ аккредитация қилинган хорижий мухбирлар хорижий давлатнинг ўз вакили бўлган оммавий ахборот воситасига оғзаки, ёзма ёки аудиовизуал ахборотни хорижий мамлакатлар билан алоқа қилишнинг Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд каналлари орқали бериш ҳуқуқига эгадир;

✓ хорижий мухбирнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати конун билан қўрикланади. Давлат хорижий мухбирга ахборотни эркин олиш ва тарқатишни қафолатлайди. Аккредитация қилинган хорижий мухбирнинг касбий фаолиятига аралashiш, бу жараёнда олинган бирор-бир маълумотни талаб қилиш тақиқланади;

✓ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги хорижий мухбирлар томонидан «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида» ҳамда «Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида»ги конунлари, Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида»ги 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарори асосида огоҳлантириши ёки унинг аккредитациясини муддатидан олдин тўхтатиши ёки кириш визасини бекор қилиши каби маъмурий чоралар қўриши мумкин;

✓ аккредитация қилинган хорижий мухбирларга мавжуд конституциявий тузумни зўравонлик билан ўзгартиришга,

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини бузишга даъват этиш, уруш ва зўравонликни, шафқатсизлик, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилиш тақиқланади, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ички ишларига аралашиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шаъни ва қадр-қимматини камситиш, уларнинг шахсий ҳаётига аралашиш ва қонунда назарда тутилган жавобгарликка олиб келадиган бошқа ҳатти-ҳаракатларни содир этиш тақиқланади.

Аккредитация қилинган хорижий мухбирлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин юриш ҳуқуқига эга, бориш учун ёниқ бўлган объектлар ёки махсус рухсатнома талаб этиладиган жойлар бундан мустасно. Хорижий мухбир аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани ўзи билан олиб юриши шарт.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан аккредитация қилинган ўн иккита давлатнинг 35 нафар хорижий журналисти фаолият олиб боради (2018 йил 10 сентябрь ҳолатига). Булар Афғонистон, АҚШ, Буюк Британия, Эрон, Франция, Озарбайжон, Покистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Россия, Туркия, Хитой каби давлатларнинг аккредитациядан ўтган мухбирларидир. Шунингдек, Arzu Radio TV (Афғонистон), «BBC World Service Monitoring» (Буюк Британия), «Xabar» агентлиги (Қозоғистон), «TRT» телерадиокомпанияси (Туркия), «Jingji jibao» газетаси (Хитой), «Sinhua» агентлиги (Хитой) каби дунёнинг етакчи оммавий ахборот воситаларининг мухбирлик пунктлари ва ваколатхоналари фаолият олиб боришмоқда. 2018 йилда АҚШ ОАВ-нинг нуфузли «Америка овози» халқаро телерадио тизими мухбири Навбаҳор Имомова Ўзбекистонда аккредитациядан ўтиб, фаолиятини бошлади.

Давлат ҳокимияти органлари ҳузурида аккредитациядан ўтказиш тартиби

Ўзбекистонда ОАВ воситалари вакилларини давлат органлари ҳузурида аккредитация қилиниши Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 23 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари вакилларини давлат

ҳокимияти органлари ҳузурида аккредитация қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Низом асосида амалга оширилади.

ОАВ вакиллари маҳаллий органлар ҳузурида аккредитациядан ўтказишдан мақсад давлат ҳокимияти органлари фаолиятига оид ахборотларни тезкорлик билан олиш, ҳолис ва профессионал тарзда ётказишни таъминлашдан иборат. Дарҳақиқат, маълум бир давлат ҳокимияти органларида аккредитациядан ўтказилган мухбир томонидан ушбу орган фаолиятига оид бўлган ахборотларни ўз вақтида олиш имконияти анча юқори бўлади. Мухбир давлат ҳокимияти органлари ҳузурида аккредитациядан ўтказилиши қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади.

Дастлаб, аккредитация қиладиган органлар ҳузурида оммавий ахборот воситаси мухбирини аккредитация қилиш учун тахририят ўзининг расмий бланкасида бош муҳаррирининг имзоси қўйилган, муҳр билан тасдиқланган буюртманома тақдим этади.

Тахририятнинг буюртманомасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- оммавий ахборот воситасининг номи ва тури;
- ихтисослашуви;
- тарқалиш ҳудуди;
- электрон почта манзили;
- тахририятнинг телефон ва факс рақамлари;
- аккредитацияга тақдим этилган мухбирнинг фамилияси, исми ва отасининг исми;
- касб вазифаларини бажариш учун ушбу мухбир ўзи билан бирга олиб юриши зарур бўлган аппаратлар.

Буюртманомага батафсил маълумотлар (мухбирнинг хизмат мавқеи, паспортига оид маълумотлар, диплом нусхаси, электрон почта манзили, телефон ва факс рақами) мавжуд бўлган маълумотнома ҳамда белгиланган шаклдаги тўртта фотосурат илова қилинади.

Ушбу мурожаат бир ой давомида кўриб чиқилади. Мазкур муддат мобайнида аккредитация қиладиган орган қуйидаги ишларни амалга оширади:

➤ буюртманомани ва тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш – буюртманома аккредитация қилинадиган орган томонидан тузилган эксперт гуруҳи томонидан кўриб чиқилади ва ариза тушган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида экспертлар ҳулосаси берилади.

➤ мухбирларни аттестациядан ўтказиш – аттестацияни аккредитация қилувчи орган томонидан расмий равишда тузиладиган комиссия ўтказди. Комиссия таркиби ва аттестацияни ўтказиш муддатлари таҳририят билан келишилиши керак.

➤ аккредитация қилиш тўғрисида ёки аккредитация қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштириш ва бериш – аккредитация қилувчи орган аттестация далолатномасини кўриб чиқиш натижалари асосида мухбирни аккредитация қилиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Аккредитация қилувчи орган аккредитация қилинган мухбирга 2 йилгача муддатда амал қиладиган аккредитация тўғрисида гувоҳнома беради. Аккредитация қилинадиган мухбирлар сони таҳририят томонидан аккредитация қилувчи орган билан биргаликда белгиланади.

Маҳаллий журналистлар учун аккредитациядан ўтиш яхшими ёки ёмонми?

Саволнинг бундай қўйилиши ҳамма учун очик бўлган жамиятда ахборот олиш учун аккредитация журналист учун тўсик вазифасини ўтамайдими? Бунинг натижасида журналистлар ўртасида табақаланиш, бўлиниш юзага келмайдими? Бундай саволлар бор экан, демак, аккредитация билан боғлиқ масалада муаммолар ҳам йўқ эмас.

Биринчидан, айрим ОАВда аккредитация ўтказишда журналистнинг профессионал маҳоратидан кўра таниш-билишчилик қилиш ёки «йўли»ни топиб, аккредитация олиш ҳолатлари учраб туради.

Иккинчидан, мамлакат миқёсида ўтказиладиган муҳим аҳамиятга эга бўлган бирор бир воқеани ёритишда малака билан ёндашилмайди. Бунда таҳририят топшириғидан ташқари журналистнинг ўша соҳага қизиқиши ҳисобга олинмайди.

Учинчидан, аккредитация бошка журналистларни ўзларининг материаллари учун керак бўлган ахборотни олишдан чегаралайди.

Тўртинчидан, нуфузли тадбир ўтказаятган ташкилотчилар аккредитация қилиш учун ОАВдан мурожаатда тавсия этилган журналистнинг ижоди, маҳорати билан ҳар доим ҳам қизиқавермайди.

Бешинчидан, аккредитация қилинган журналистлар ушбу ташкилотга «карам» бўлиб, ахборотни улар хоҳлагандай узатишга хайрихоҳ бўладилар.

Бу билан аккредитация қилишнинг ижобий томонлари йўқ демокчи эмасмиз. Унинг бир қатор афзаллик томонлари борки, бу ҳукумат микёсида тартибга солиниб, ҳукукий кафолатланаяпти. Аккредитациянинг афзаллик томонлари қуйидагилар:

- ахборот узатишнинг қонуний тартиби бўлади;
- аккредитация журналистларнинг турли тадбирларда иштирокини мақсадли таъминлайди;
- тадбир ўтказаятган ташкилот ўзининг ички имкониятларини ҳисобга олиб, журналистларни аккредитациядан ўтказди;
- аккредитация соҳага ихтисослашишни кўзда тутди;
- аккредитация қилувчи ташкилот муайян мавзуда ёзаятган журналистлар базасини шакллантиради;
- доимий аккредитациядан ўтган журналистлар соҳага оид ахборотни қўлга қиритишга қийналмайдилар.

Аккредитация масаласи жаҳон журналистикасида ҳамиша долзарб бўлиб келган. Бу масалада журналистикаси ривожланган давлатларда муайян тажрибалар шаклланган. Ўзбекистон халқаро тажрибаларни ўрганаётган ва уларнинг илғор жиҳатларини ўзида синаб кўраятган давлат сифатида аккредитация масаласида ҳам ҳали катта имкониятларга эга. Юқоридагидай аккредитация билан боғлиқ ютуқ ва камчиликларнинг бўлиши соҳанинг ҳаракатда эканлигидан, ривожланаётганидан далолат беради.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИНГ ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКДА КАФОЛАТЛАНИШИ

Муаллифлик ҳуқуқининг пайдо бўлиши ва унинг қонуний асослари

Оммавий ахборот воситалари соҳаси доирасида яратилган қонунчилик асослари сирасига муаллифлар ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳам киради. Шу нуқтаи назардан демократик жамиятда ҳуқуқнинг барча соҳалари каторида муаллифлик ҳуқуқини такомиллаштириш миллий қонунчилигимиздаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Муаллифлик ҳуқуқи – фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш, яъни мазкур соҳадаги инсонларнинг ижодий фаолияти натижалари билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни бошқарувчи фуқаролик ҳуқуқи институтидир.

Муаллифлик ҳуқуқини таъминлаш деганда, фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш ва ундан фойдаланиш натижа-сида келиб чиқадиган ижтимоий муносабатларнинг тартибга солиниши тушунилади. Буни яна ҳам аниқроқ билиш учун муаллифлик ҳуқуқи тушунчасининг моҳияти ва унинг пайдо бўлиши билан боғлиқ тарихий босқичларни кўриб чиқиш зарур. Шундай қилиб, муаллифлик ҳуқуқи тушунчаси қачон пайдо бўлди?

Таъкидламоқ жоизки, муаллифлик ҳуқуқи борасида баҳс кетганда, албатта, унинг қачон пайдо бўлганлиги масаласи кўтарилади. Муаллифлик ҳуқуқи тарихига доир билимлар ҳуқуқшунослар томонидан атрофлича ўрганилган. Шундай бўлсада, уларга тўхталишдан аввал, муаллифлик ҳуқуқини пайдо бўлиши билан боғлиқ тасаввурларимизга таяниб кўрайлик.

Инсоният тарихида эришилган барча моддий неъматлар, яратилган кашфиёт ва ихтиролар инсон тафаккурининг маҳсулидир. Тарихий ҳақиқат уларни яратилган даврини, муаллифини шу пайтгача муаллифлик ҳуқуқисиз ҳам авлодларга етказган. Унда муаллифлик тушунчаси балки бўлмагандир.

Аммо Шарқда ҳар бир муайян худуднинг (кишлоқ, шаҳар, овул, водий, воҳа ва ҳ.к) ўз меъмори, тикувчиси, заргари, тош йўнувчиси, дурадгори, наққоши, ҳаттоти ва бошқа соҳаларнинг усталари яратган ижод ёки тафаккур маҳсули фақат уларнинг ўзигагина тегишли бўлиб, доврўғи шу худудда, ундан ташқарида маълуму машҳур бўлган. Ҳар бир соҳа вакилининг ўз дастхати, яратган асарига қолдирган қандайдир белгисини (наққошлар нақшга исмларининг бош ҳарфларини ўйиб қўйишган, ҳаттотлар қўчирилган асарга исм-шарифини ёзган, қосиблар, дуродгорлар ҳам шунга ўхшаш белги, рамзлар) қолдирганлар. Аммо вақт ўтиши билан, нега инсон ўзи яратган неъматларга нисбатан эғалик қилишни хоҳлаб қолди? Умуман, эғалиқни талаб қилишга ҳақи бормиди?

Тасаввур қилинг, этиқдўз мижознинг буюртмаси асосида этиқ тикди. Этиқдўз тиккан этигига эғалиқ қила оладими? Бу мураккаб масала. Агар бир буюмни яратган ҳунарманд сифатида қарайдиган бўлсак, шу тикилган этиққа нисбатан у муаллиф. Этиқдўз ҳар куни буюртма асосида шу ишни қилади. Аммо этиқни у яратган эмас. Яъни пойабзал сифатида этиқ олдин яратилган ва унинг муаллифи бошқа. Иккинчи томондан, у муаллифликни талаб қилиши ҳам мумкин. Бироқ энди этиқнинг ўзига эмас, уни тикишда қўллаган янги бир усул (чок бўлиши, ҳеч ким қўлламаган хомашё ёки бирор бир русум) бўлиши мумкин. Унинг тарихига назар ташлар эканмиз, антиқ даврда муаллифлик ҳуқуқи хусусида ҳеч ким эшитмаган. Антиқ файласуфлар ва шоирлар ўзгаларнинг асарларидан олинган қисмларни бемалол ўзлариники қилиб қўрсатишарди. Қадимги Римда эса саводли қуллар ўз хўжайинларига ёккан китобларни улар истаган ададда қўчириб беришар эди. Бунда асар муаллифининг ҳуқуқлари поймол қилинар, аксарият ҳолатларда уларнинг исми тушириб қолдириларди. Илк маротаба асар муаллифининг ҳуқуқи борлиги масаласини қадимги юнон файласуфи Пифагор қўтариб чиқиб, шогирдларига ўз таълимоти сирларини тарқатишни таъқиқлаган. Ҳаттоки мазкур тақиқни бузганлиги учун бир шогирди бошқа шогирд томонидан ўлдирилган. Пифагорнинг асарлари тарқалиши шу

даражада яхши химояланган эдики, Афлотун Пифагорнинг китобларини топа олмай, уларни 100 минг кумуш танга (4 кг) га сотиб олишга мажбур бўлган¹.

Муаллифлик ҳукуки бўйича мутахассис, юридик фанлари доктори Б.Тошев ўзининг «Халқаро ташкилотларнинг муаллифлик ҳукукига оид актларининг ҳукукий мақоми» деб номланган монографиясида шундай ёзади: «Бизнингча, китобнинг кўлёзма шаклида пайдо бўлиши муаллифлик ҳукукининг вужудга келишидаги дастлабки ҳукукий белги ҳисобланади.

Шарк мамлакатларида китобнинг саҳифасига миниатюра, рангли безак ва накш чизилган, китоб эгасининг номи, гоҳида устанинг номи, унинг тилак (бағишлов)лари, асарнинг ва муаллифнинг номи битилган. Безакли кўлёзма бир қатор усталар – хаттот, наккош, музахҳиб (зарҳал берувчи), мусаввир ва саҳхофнинг ҳамкорликдаги ижодий маҳсули ҳисобланган ва унинг яратувчилари эса муаллиф деган мақомга эга бўлган»².

Муаллифлик ҳукуки тушунчаси ҳукук объекти сифатида XVIII аср бошида пайдо бўлиб, унинг асосий мақсади – инсоннинг интеллектуал фаолиятини химоя қилиш ва тақдирлаш ҳисобланади. Бу юқоридаги монографияда ҳам қайд этилган. Унга кўра, муаллифлик ҳукуки бўйича биринчи расмий қонун 1709 йил қиролича Анна томонидан Англияда қабул қилинган. 1842 йилда эса янги «Муаллифлик ҳукуки қонуни» қабул қилинган. Шундан кейин 1791, 1793 йилларда Германияда, 1794, 1837 йилларда Данияда, 1762 йилда Испанияда, 1830 йилда Россияда муаллифлик ҳукукига оид қонунлар қабул қилинган. ОАВ фаолиятига дахлдор бўлган қонунчилик тизимида муаллифлик ҳукуки бир неча давлатлар ҳудудида бир хилда амалда бўлиши билан ажралиб туради. Шу боис, муаллифлик ҳукукини химоя қилиш мақсадида халқаро меъёрларга асос солинган.

«Муаллифлик ҳукукининг чегараси йўқ. У бир давлат ҳудудида яратилган асар бошқа бир давлат ҳудудида фой-

¹ Қосимова Н. Муаллифлик ҳукуки тарихидан.//www.nargis.uz.

² Тошев Б.Н. Халқаро ташкилотларнинг муаллифлик ҳукукига оид актларнинг ҳукукий мақоми. – Тошкент. 2007. 11-12-б.

даланилганда, асарнинг дахлсизлиги, муаллифга берилган барча ҳуқуқлари сақланган ҳолда ҳимоясини таъминлашга қаратилган давлатлараро муносабатларда ҳам намоён бўлади. Шунингдек, республика ҳудудида яшаб, ижод қилган муаллифнинг асаридан жаҳон мамлакатларида ҳам фойдаланилади».¹

Бевосита муаллифнинг ҳуқуқига дахлдор ҳужжатга бўлган эҳтиёж халқаро миқёсда XIX асрнинг охирида Европада вужудга келди. Бунинг асосий сабаби муаллифларнинг халқаро доирада ҳуқуқларининг бузилишлари билан боғлиқ эди. Шу боис, бундай ҳуқуқбузарликларни олдини олиш мақсадида, Европадаги ноширлар ва муаллифларнинг талаблари билан 1886 йилда тузилган «Адабий ва бадий асарларни муҳофаза қилиш ҳақидаги» Берн (Швейцария) конвенцияси қабул қилинди.²

Ушбу халқаро ҳужжат муаллифлар ҳуқуқлари, уларнинг адабиёт ва бадий асарларини имкон қадар самарали ва бир хил равишда ҳимоя қилишни мақсад қилиб қўйган. Берн конвенцияси универсал ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, фан, адабиёт ва санъат асарларига бўлган муаллифлик ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган. Мазкур халқаро меъёрий ҳужжат асосида кейинчалик интеллектуал меҳнатнинг самараларини муайян йўналишлар ва соҳалари бўйича қатор халқаро актлар қабул қилинди. 1952 йил 6 сентябрда Женевада қабул қилинган «Бутунжаҳон муаллифлик ҳуқуқи ҳақида»ги конвенция, 1961 йил 26 октябрда Римда қабул қилинган «Фонограмма ишлаб чиқарувчилар, ижрочи-артистлар, фонограмма яратувчилар ва телерадиоэшиттириш ташкилотлари манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақида»ги конвенция, 1996 йил 20 декабрда Женевада «Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномаси» ҳамда шу санада «БИМТнинг ижролар ва фонограммалар бўйича шарномаси» ва бошқа ҳужжатлар ана шулар жумласидандир.³

¹ Тошев Б. Муаллифлик ҳуқуқи. – Тошкент.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1997. 4-б.

² Тошев Б. Халқаро ташкилотларнинг муаллифлик ҳуқуқига оид актларнинг ҳуқуқий мақоми. – Тошкент. 2007. 11-12-б.

³ Ўша манба.

Ўзбекистон Республикаси 2005 йилда «Адабий ва бадий асарларни муҳофаза қилиш ҳақида»ги 1886 йилда қабул қилинган Берн конвенциясига 159 – аъзо давлат сифатида қирди ва мазкур халқаро ҳужжатни ратификация қилди. Мамлакатимизда Берн конвенциясининг амалга киритилиши Фуқаролик кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлари тўғрисида»ги 1996 йилдаги Қонуннинг қабул қилиниши бу йўналишдаги ишлар қўламини янада кенгайтди, муаллифлар ва уларга тенглаштирилган бошқа ҳуқуқ эгалари учун ҳам катта имкониятлар яратди. 2006 йил 20 июлда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлари тўғрисида»ги Қонуни ҳам халқаро ҳуқуқий меъёрларга тўла мос келади.

Хўш, муаллифлик ҳуқуқини журналистлар фаолияти учун қандай боғлиқлик жиҳати бор? Нега ОАВ фаолиятига дахлдор қонунлар қаторида Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлари тўғрисида»ги Қонуни ҳам ўрганилади?

Бу саволга жавоб беришда, аввало, ҳар бир журналистнинг биринчи галда муаллиф эканлигини таъкидламоқ зарур. Чунки журналистика ижодий соҳа бўлиб, унда журналистик (янгилик, репортаж, мақола, очерк, фельетон, хат, лавҳа, кўрсатув, эшиттириш) асар яратилади. Бу асар ҳам журналист билими, тафаккурининг маҳсули ҳисобланиб, ҳар бир яратилган асарнинг ўз эгаси, муаллифи бор. Демак, бу журналистга бевосита дахлдор ҳуқуқ. Иккинчидан, муаллифлик ҳуқуқи тушунчаси ОАВ эълон қиланадиган асарлар (бадий асарлар: наср, назм, публицистик асарлар, мақола, карикатура, фотография, графика – таъкид муаллифлар) ва уларнинг муаллифларига нибатан ҳам татбиқ этилади. Муаллифлик ҳуқуқи меъёрини оловчи ҳар қандай асар оғзаки, ёзма ёки уни идрок этиш, яъни тасаввур этиш ва тушуниш имконини берадиган бошқа объектив шаклда ифодаланган бўлиши лозим.

Босма ОАВда интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш масалалари Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи

ва турдош ҳуқуқлари тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солинади. Шу нуқтаи назардан муаллифлик ҳуқуқига тааллуқли бўлган фан, адабиёт ва санъат асарлари қаторида босма оммавий ахборот воситаларида чоп этилган муаллифлик асарларини, шунингдек, телевидение орқали кўрсатиладиган кўрсатувларни ва радиоэшиттиришларни яратиш ҳамда улардан фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган интеллектуал мулк соҳасидаги муносабатларни қонуний муҳофаза қилади.

Оммавий ахборот воситаларида муаллифлик ҳуқуқининг кафолатланиши

ОАВда муаллифлик ҳуқуқи муносабатлари ҳақида гап кетганда, аввало, унинг халқаро ҳуқуқий меъёрлар асосида тартибга солинганлигини яна бир бор қайд этишни истар эдик. Муаллифлик ҳуқуқи биринчи галда инсон ҳуқуқи билан боғлиқ бўлганлиги боис, инсон ҳуқуқларига дахлдор бўлган меъёрларга амал қилади. Яъни, муаллифлик ҳуқуқи ҳам биринчи навбатда «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси», «Фукаролик ҳуқуқи ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакти»га амал қилади ва ушбу ҳужжатларда муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ меъёрлар ўз ифодасини топган. Жумладан, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 27-моддасида *«Ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этишга, санъатдан баҳраманд бўлишга, илмий тараққиётда иштирок этиш ва унинг самараларидан фойдаланишга эга»*¹ дейилганда бевосита муаллифлик ҳуқуқини ҳам назарда тутди.

Босма оммавий ахборот воситаларида муаллифлик ҳуқуқи эълон қилинган материалларга, мақолаларга, асарларга нисбатан таъбиқ қилинади.

Муаллифлик ҳуқуқи ғоялар, концепциялар, тамойиллар, тизимлар, таълиф қилинадиган ечимлар, объектив мавжуд кашфиётларга нисбатан қўлланилмайди.

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси. <http://constitution.uz/uz/pages/humanrights>

Оммавий ахборот воситаларига онд муаллифлик ҳукуки объектига нималар киради?

Бу ҳақда гап кетганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, оммавий ахборот соҳасида фукаролик ҳукуклари объектларининг икки тури билан доимий ишлашга тўғри келади. Булар: мулк ҳукуки объекти сифатида ахборотлар билан ҳамда мутлак ҳукукларнинг (интеллектуал мулк) объекти сифатида асарлар билан ишланади. Даврий босма нашрларда учрайдиган муаллифлик ҳукуки объекtlари сирасига куйидагиларни киритиш мумкин:

а) тахририятларнинг итатдаги ходимлари яратган (хизмат) асарлари. Буларга: мақола, интервью, репортаж, очерк ва бошқа шу сингари журналистлик асарларини киритиш мумкин;

б) итатдан ташқари мухбирлар, чет муаллифларнинг журналистлик ва бадиий асарлари;

в) фотография ва тасвирий санъат (расмлар, карикатуралар) асарлари;

г) нашрни саҳифалаш ва босмаҳона безаклари бўйича яратилган муаллифлик ишлари.

Бу каби муаллифлик объекtlари конуннинг 6-моддасида, адабий асарлар (адабий-бадиий, публицистик, илмий-ўқув ва бошқалар) номи билан кайд этилган.

Бундан ташқари, оммавий ахборот воситаларида муаллифлик ҳукуки объекtlарига (аудиовизуал асарлар) кино, теле ва видеофильмлар, слайдфильмлар, теле ҳамда видео асарлар) радиоасарлар; шунингдек, асарларнинг қисмлари, уларнинг номлари ва ҳосила асарлар киради.

Ҳосила асарлар – бошқа асарларни қайта ишлаш натижасида яратилган асарлар. Уларга аннотациялар, рефератлар, шарҳлар, инценировкалар, аранжировкалар, материалларнинг танланганлиги ёки жойлаштирилганлигига кўра ижодий меҳнат натижаси бўлган тўпламлар киради. Шунингдек, бошқа тиллардан таржима қилинган асарлар ҳам ҳосила асарлар гурига киради. Бошқа тиллардан таржима қилинган материалларни матбуотда эълон қилинганда, албатта, асарнинг қайси тилдан

олинганлиги ва кимнинг қаламига мансублиги кўрсатилиши шарт. Бирок бунга ҳар доим ҳам амал қилинавермайди. Масалан, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг 2017 йилги маълумотида кўрсатилишича, «Эрудит» газетасининг 2017 йил 4-сонида «Муаллима» сарлавҳали ҳикоя чоп этилган, бирок материал сўнгида муаллиф сифатида «Фируза Бону» кўрсатилган. Ҳикоянинг қайси тилдан ва ким томонидан таржима қилингани ҳақида маълумот берилмаган.

Ўзбекистон Республикаси «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига кўра, таржималар муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланади. Қонуннинг 26-моддаси талабларга мувофиқ, асардан муаллифнинг исми-шарифини ва олинган манбасини кўрсатган ҳолда фойдаланишга йўл қўйилади. Юқоридаги ҳолатлар эса ушбу қонун талабларига зиддир.

Матбуотда муаллифлик ҳуқуқи объекти ҳисобланмайдиган асарлар ҳам борми, деган савол туғилиши мумкин. Бунга мазкур Қонуннинг 8-моддасида айнан матбуотга тегишли бўлган пункти мавжуд. Унда ифодаланишича, оддий матбуот ахбороти тусидаги кундалик янгиликларга доир ва жорий воқеалар ҳақидаги хабарлар, инсоннинг бевосита индивидуал асар яратишга қаратилган ижодий фаолияти иштирокисиз муайян турдаги ишлаб чиқариш учун мўлжалланган техника воситалари ёрдамида олинган натижалар муаллифлик ҳуқуқи объекти ҳисобланмайди. Расмий ахборотнинг имкон бори-ча янада кенг тарқалиши зарурлигидан келиб чиқиб ҳамда «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига дахлдор бўлган исталган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, агар улар умумий танишув учун расман эълон қилинмаган бўлса, қўлланиши мумкин эмас»лигини ҳисобга олиб, Қонун қонунлар, қарорлар ва шу қабила-рини, шунингдек, уларнинг расмий таржималарини муаллифлик ҳуқуқи объектидан чиқариб ташлайди.¹ Қонуннинг ушбу моддасида муаллифлик

¹ «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни// <http://lex.uz/acts/1022944>

ҳукуки объектига кирмайдиган асарлар каторида «оддий матбуот ахбороти тусидаги кундалик янгиликларга доир ёки жорий воқеалар ҳақидаги хабарлар» деган банди бироз мунозарали. Чунки журналистикада ахборот ҳам, янгилик ҳам ҳажми кичкина бўлишидан катъий назар журналистик ижод маҳсули ҳисобланади. Гарчанд ахборот ва янгиликлар расмий бўлиб кўринсада, уни ҳар бир журналист ўзига хос тарзда ифода этади. Қолаверса, босма нашрлардаги хабар ва янгиликлар айнан бир хил эмас. Шунинг учун ушбу бандга аниқлик киритиш лозим, бизнингча.

Журналист битта асарини бир пайтнинг ўзида бир нечта нашрга бериш мумкинми?

Қонуннинг 19-моддасига¹ биноан, муаллиф асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланишда мутлақ ҳуқуқларга эга, дейилган. Амалиётда ҳам журналистлар битта мақолани бир неча нашрларга бериш ҳолатлари кузатилади. Аввало, бу мақолани ёзган муаллифнинг ўзига боғлиқ. Хохласа бериши мумкин, аммо касб одоби ҳамда ўзининг профессионал шаъни нуктаи назаридан тўғри бўлмайди, бизнингча. Ёки биринчи берган газетани манба сифатида кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Таникли публицист «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоевга шундай савол беришади:

«Бир касбдошим мақола ёзиб, уни бир вақтнинг ўзида икки-учта газетага юборади. «Бирига ёқмаса, иккинчисига ёқади», дейди у. Шу тўғриси?»

Бу саволга А.Мелибоев шундай жавоб беради:

– Бундай қилиш мумкин эмас, деган қоида йўқ. Аммо ўта одобсизлик. Афсуски, иш фаолиятида бундай ҳолларга кўп бор дуч келамиз. Ўзини ва ҳамкорлик қилмоқчи бўлган таҳририятни ҳурмат қилган журналист асло бундай қилмайди»².

Босма нашрларда учрайдиган катор журналистик асарларда муаллифнинг ёзма (бадий, илмий, публицистик) асар-

¹ Ўша манба.

² Мелибоев А. Журналистика: касб, ижод, маҳорат. 100 саволга 99 жавоб. Ўқ. қўл. – Тошкент. Ё.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2015. 50-6.

ларидан иктибос келтирганда кўпинча уларнинг фикрлари ўзлаштирма гап сифатида ёки шарҳ ўрнида ишлатилади. Бунда иктибос келтиришда муаллифнинг номини кўрсатиш зарурми ёки шарт эмасми?

Қонуннинг 26-моддасига асосан, асардан муаллифнинг исми-шарифини ва олинган манбаини, албатта, кўрсатган ҳолда ҳамда асардан нормал фойдаланилишига зарар етказмаслик ва муаллифнинг қонуний манфаатларига путур етказмаслик шарт билан қуйидаги тарзда эркин фойдаланишга йўл қўйилади:

- ошкор қилинган асарлардан асл нусхада ва таржимада илмий, тадқиқий, мунозаравий, танқидий ҳамда реклама билан боғлиқ бўлмаган ахборот мақсадларида қўзланган мақсадга мос ҳажмда иктибос олиш, шу жумладан, газета ва журналлардаги мақолалардан парчаларни матбуот шарҳлари шаклида такрорлаш;

- ошкор қилинган асарлардан ёки бундай асарларнинг парчаларидан таълим ва ўқув тусидаги нашрларда, радио-эшиттириш ва телекўрсатувларда, овозли ва видео ёзувларда қўзланган мақсадга мос ҳажмда мисоллар тарикасида фойдаланиш;

- қундалик сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва диний масалалар юзасидан газета ва журналларда чоп этилган мақолалар ёки эфирга узатилган ёхуд кабель орқали юборилган шу тусдаги асарларни газеталарда такрорлаш, эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш, шундай фойдаланиш муаллиф томонидан махсус тақиқланган ҳоллар (муаллифнинг рухсати билан олиш назарда тутилади) бундан мустасно¹.

Интервью-суҳбатга нисбатан муаллифлик ҳукуки ҳам-муаллифлар тарикасида интервью берган шахс билан интервью ўтказган ва уни ёзиб олган шахсга нисбатан ҳам тегишлилиги мазкур қонуннинг 14-моддасида қайд этилган. Шунингдек, интервью ёзувини эълон қилиш, кўрсатиш ва эшиттиришга интервью берган шахснинг розилиги билан-

¹ «Муаллифлик ҳукуки ва турлош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни// <http://lex.uz/acts/1022944>

гина йўл кўйилиши белгилаб кўйилган. Нима учун шундай? Конуннинг ушбу моддасини филология фанлари доктори Хуршид Дўстмухаммад шундай шарҳлайди:

«Биринчидан, интервью берувчи, яъни ахборот манбаи тахририят ходимларига оғзаки жавоб бериши, дейлик. Ўзининг оғзаки нутқидан қаноатланмаслиги, шу сабабдан оғзаки айтган гаплари қозғоғда қандай акс этишини кўзи билан кўриб, ўқиғачгина жавобларидан кўнгли тўлиши мумкин.

Иккинчидан, мухбир оғзаки ифода этилган маълумотни ахборот берувчи шахснинг тилидан олинган маънодан буткул бошқа мазмунда ёзиб юбориши эҳтимолли ҳаммиша бўлади.

Учинчидан, интервью олиш чоғида ахборот манбаининг кайфияти, саломатлиги бўлмаслиги мумкинлигини ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак.

Тўртинчидан, интервью берилган ва у эълон қилинган вақт оралиғида сўз юритилаётган ҳолат-вазиятда жиддий ўзгаришлар юз бериши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Санаб ўтилган тўрт ҳолатнинг ўзиёқ (амалиётда бундан бошқа кўплаб сабаблар вужудга келиши ҳам мумкин, албатта) журналистнинг бир нарсани — оғзаки олинган интервью матни билан ахборот манбаини таништирғачгина, эълон этишини талаб қилади»¹ Олимнинг фикрлари кўпроқ матбуот учун тайёрланадиган интервьюга тааллуқли эканлигини ҳисобга олса, унга кўшилса бўлади. Яхшиси, бундай розиликни интервью берган шахснинг танишиб чиққан матн остига имзо қўйдириш орқали расмийлаштириб қўйса, мақсадга мувофиқ бўлади, бизнингча. Чунки интервью берувчи журналист тайёрлаган саволларга жавоб беради ва улар бўлмаса, интервью қутилгандай чиқмаслиги тайин. Шунинг учун журналистларнинг кўпчилиги олдиндан ўзи ва суҳбатдоши учун ҳар эҳтимолга қарши саволлар қораламасини тайёрлаб келади. Улар асосида бўладиган суҳбат жараёнида журналист блокнотига керакли ўринларини қайд қилиб боради. Журналист

¹ Дўстмухаммад Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари. Монография. — Тошкент: Янги аср авлоди. 2007. — 132-133-б.

сухбатдошининг фикрини тўғри ифода этган, интервью мазмунига путур етмаган, фактлар тўғри қўлланган бўлса, айрим ўринларда шарт эмас кўрсатиш. Чунки баъзан сухбатдошлар орасида сўзни увол қиладиган, «мана буни кўшинг, мана бу ерини олиб ташланг» дейдиганлар ҳам учрайди.

Энди телевидение ёки радио оркали интервью берган ахборот манбаининг розилиги ҳам матбуот учун интервью берган ахборот манбаи билан бир хил мақомга эгами? Яъни кўрсатув ёки эшиттириш тайёр бўлгандан кейин уни, аввало, ахборот манбаига кўрсатиб олиш ёки эшиттириб кўриш керакми? Ушбу қонуннинг 1996 йилда қабул қилинган нусхаси 14-моддаси 2-бандида: «Интервью ёзувини эълон қилиш, кўрсатиш ва эшиттиришга интервью берган шахснинг розилиги билан йўл қўйилади» дейилган бўлса, қонуннинг 2006 йилда қабул қилинган янги таҳрирдагисида бу банд тушириб қолдирилиб, фақат 16-модда умумий интервьююгагина муаллифлик ҳуқуқини қайд этади.¹

«Интервью – журналистикада ахборот олишнинг асосий усули», деганди ҳиндистонлик профессор К. М. Шривастава. Муаллифлик ҳуқуқи нуктаи назаридан қараганда, интервью ОАВнинг мунозарали жанрларидан бири ҳисобланади. Яъни бу муҳокамада интервьюнинг муаллифлик ҳуқуқи кимга тегишли деган савол баҳс-мунозараларга сабаб бўлади. Кимдир ушбу ҳуқуқ журналистга, яна кимдир интервью берувчига, бошқа бир гуруҳ мутахассислар эса муаллифлик ҳуқуқи ҳар икки томонга тегишли эканлигини таъкидлашади. Бу эса ҳаммуаллифлик ҳуқуқида юзага келадиган муаммоларини келтириб чиқаради.

Интервьюда муаллифлик ҳуқуқи кимга тегишли деган саволга жавоб топиш учун дастлаб, аслида, муаллифлик ҳуқуқи нималарга татбиқ этилишига аниқлик киритиб олиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддаси 1-банди-

¹ Қаранг: «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни// <http://lex.uz/acts/1022944>

да бу ҳақда куйидагича белгиланган: «Муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлмиш фан, адабиёт ва санъат асарларига нисбатан, уларнинг мақсади ва қадр-қиммати, шунингдек фойдаланиш усулидан қатъи назар, татбиқ этилади...»¹

Ушбу меъёрдан кўриниб турибдики, муаллифлик ҳуқуқи, албатта, ижодий фаолият натижасига татбиқ этилиши керак. Демак, интервью ҳам ижодий фаолият натижасида юзага келишини ҳисобга оладиган бўлсак, унга нисбатан муаллифлик ҳуқуқи татбиқ этилади.

Агар интервью ижодий фаолият натижаси бўлса, унинг ижодкори ким? Ким унга нисбатан муаллифлик ҳуқуқига эга бўлади?

Мазкур саволларга жавоб топиш учун Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунига мурожаат этамиз. «Интервьюга бўлган муаллифлик ҳуқуқи интервью берган шахсга ва интервью олган шахсга, агар улар ўртасидаги келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ҳаммуаллифлар сифатида тегишлидир. Интервьюдан фойдаланишга фақат интервью берган шахснинг розилиги билан йўл қўйилиши»², белгилаб қўйилган. Мазкур меъёр иккала томоннинг (журналист ва интервью берувчи шахс) интервьюга бўлган ҳаммуаллифлик ҳуқуқини қонуний кафолатлайди.

Шу ўринда дастлаб нима учун интервьюда журналистга муаллифлик ҳуқуқи берилади, деган саволга жавоб берайлик. Бунинг бир неча омиллари мавжуд:

Журналист,

биринчидан, интервью мавзусига оид маълумотларни излаб топади;

иккинчидан, ижодий ёндашган ҳолда интервьюнинг саволларни ишлаб чиқади;

учинчидан, интервью жарёнида турли фактлар келтиради ва уларнинг аниқлигини тасдиқлайди;

¹ Ўша манба.

² Ўша манба.

тўртинчидан, баъзида респондент томонидан берилган жавоблар журналист томонидан муҳокама қилинади, яъни журналист жараён иштирокчисига айланади;

бешинчидан, олинган интервьюни ОАВда тарқатиш учун унинг матнини таҳрир қилади ва нашрга тайёрлайди.

Мазкур ижодий жараёнлар журналистнинг интервьюга бўлган муаллифлик ҳуқуқини белгилаб берадиган асосий омиллардандир.

Интервью берувчи шахс қайси омиллارга асосланган ҳолда интервьюга муаллифлик ҳуқуқига эга бўлиши мумкин?

Ягона фактор журналистнинг саволларига респондент томонидан берилган жавоблардир. *Ушбу берилган жавоблар бевосита респондентга тегишли эканлиги унинг интервьюга бўлган муаллифлик ҳуқуқига эгаллик қилишини таъминлайди.*

Ушбу омиллار эса интервьюга бўлган муаллифлик ҳуқуқи ҳар иккала томонга бевосита тегишли эканлигини кўрсатади.

Маълумки, журналистика назариясида интервьюнинг бир неча турлари мавжуд. Булар:

- интервью-монолог;
- интервью-диалог;
- интервью-ахборот;
- оммавий интервью ва ҳоказо.

Фикримизча, интервьюнинг турларига қараб ҳам унга бериладиган муаллифлик ҳуқуқининг тартиблари ўзгариши мумкин. Масалан, интервью-монологни олайлик. Бунда журналист томонидан танланган суҳбатдошга савол берилади ва у саволларга батафсил жавоб қайтаради. Бу савол-жавобларга бўлиб ташланмаган бир бутун матндир. Демак, мантиқан олиб қараганда, бу асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи журналистдан кўра кўпроқ респондентга тегишли эканлигини кўришимиз мумкин. Сабаби, интервьюда журналистга муаллифлик ҳуқуқини берувчи омиллار интервьюнинг ушбу турида мавжуд эмас.

Интервью диалог – саволлар ва жавоблардангина иборат суҳбат. Журналист тайёрлаб қўйган асосий саволлар билан чекланмасдан қўшимча саволлар ҳам бераверади.

У суҳбатдошидан баъзи масалаларга аниклик киритишни, муҳокама этилаётган муаммо бўйича шахсий фикрини билдиришни, кўшимча далил ва мисоллар келтиришни, кишилар исм-шарифини, шаҳарлар номини эслашини ва ҳоказоларни сўрайди. Бунда суҳбатнинг матни тўлиқ берилади. Ёки интервью-ахборот – суҳбатнинг аҳамиятли жойлари берилади, шунингдек, жавоблар қискартириб берилиши мумкин. Интервьюнинг ушбу иккита турида эса муаллифлик ҳукуқи бевосита ҳар иккала томонга тенг тақсимланиши мақсадга мувофиқ.

Журналистиканинг асосий қуроли бу ахборот ҳисобланади. Интервью жанри эса журналистлар учун керакли ахборотни йиғувчи асосий воситалардан биридир. Шу сабабдан ҳам журналистик фаолиятда интервью муҳим аҳамият касб этувчи жанрлардан бири сифатида эътироф этилади. Интервью турли инсонлар ва соҳа вакилларида олинади. Ана шу ахборотларни журналистга тақдим этаётган шахс бир пайтнинг ўзида респондент (интервью берувчи) ҳисобланса, шу билан бирга, ахборот манбаи ҳам ҳисобланади. Ўз-ўзидан маълумки, бу ҳолатда интервью берувчи ҳам журналист билан бир қаторда ахборотга эгалик қилувчи шахсга айланади. Шундай экан, интервью олиш ва уни тарқатиш жараёнида журналист олдида катта масъулият туради.

Хўш, интервью олиш ва тарқатишнинг қандай тартиби, қоидалари ва ҳуқуқий асослари мавжуд?

Биринчи навбатда, журналист интервью олишда қандай ҳуқуқларга эга? Ўзбекистон Республикасининг «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасида «...журналист ўз касбига доир фаолиятини амалга ошириш чоғида: ...ахборот олиш учун давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мурожаат этиш; ...журналистлик фаолиятини амалга ошириш юзасидан мансабдор шахс қабулида бўлиш; маълумотларни белгиланган тартибда ёзиб олиш, шунинг билан, зарур техника воситаларидан фойдаланган ҳолда ёзиб

олиш... ҳуқуқларига эга»¹ деб белгилаб қўйилган. Шундан келиб чикиб айтиш мумкинки, журналист касбий фаолияти давомида ахборот олиш мақсадида исталган давлат органлари, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва бошқа турли ташкилотларда фаолият юритаётган шахслардан тортиб, оддий аҳолидан ҳам интервью олиш ҳукукига эга. Унинг бу фаолиятини чеклаб қўйишга ҳеч ким ва ҳеч нарса монелик қила олмайди.

Иккинчи масала интервью матнини оммага ошкор қилишдир. Биз юкорида интервью берувчи шахс ахборот манбаи ҳисобланади, деб таъкидладик. Шу ўринда ўз-ўзидан савол туғилади, агар интервью берувчи ахборот манбаи ҳисобланса, унда унинг розилигисиз интервью матнини ошкор қилиш мумкинми? Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳукуки ва турдош ҳукуклар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ журналистдан интервью матнини оммага ошкор қилишдан олдин ҳаммуаллиф сифатида интервью берган шахсдан розилик олиш талаб этилади. Интервью берган шахс эса мазкур интервьюни оммага ошкор этилишига ўз розилигини берсагина журналист интервью матнини ўзи фаолият юритаётган ОАВда тарқатиши мумкин.

Бирок шуни ҳам унутмаслик керакки, мазкур меъёр журналистиканинг бир қатор принципларига ўзининг бироз бўлсада, салбий таъсирини ҳам кўрсатмай қолмайди. Сабаби, журналист интервью олиш жараёнида касбнинг турли имкониятларидан фойдаланган ҳолда суҳбатдошидан иложи борича кўпроқ ва кизиқарлироқ маълумотларни олишга ҳаракат қилади. Агар шу жараёнда журналист ўз мақсадига эриша олса ва ўйлаган ҳамма саволларига мукамал жавоб топса, бу интервьюнинг кизиқарли чиқишини таъминлайди. Айтайлик, кизиқарли интервью матни тайёр бўлди. Бирок амалдаги қонунчилик меъёрларига мувофиқ уни журналист ўз ихтиёри

¹ «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни <http://lex.uz/docs/9540>

билан оммага ошкор килишга ҳаққи йўқ. Яъни бунинг учун интервью берувчининг розилигини олиши шарт. Бундай ҳолатда интервью берувчи шахс интервью матнини кўриб, ундаги бир неча фикрларни олиб ташлашни (оммага ошкор қилмасликни) ёки унинг фикрларини бутунлай таркатмасликни талаб қилиши мумкин. Ушбу ҳолатлар эса журналистик ижод маҳсулига ва шу билан бир қаторда унинг касбий фаолиятига ҳам жиддий таъсирини ўтказмай қолмайди.

Биринчидан, ўта муҳим ахборотлар олиб ташланадиган бўлса, интервью ўзининг долзарблилик, аҳамиятлилик ва кизиқарлилиқ мазмунини йўқотади. Сабаби, интервью олиш жараёнида журналистнинг моҳирлиги туфайли масъул шахс томонидан аудитория учун муҳим ва долзарб маълумотлар тақдим этилди дейлик, бироқ қайта кўрсатишда эса интервью берувчи айнан ўша муҳим маълумотларни оммага ошкор қилмасликни талаб қилиши мумкин. Мазкур ҳолатлар натижасида «тахрир»дан ўтказилган интервью матни аудиторияни кизиқтирмаслиги эҳтимолдан йироқ эмас. Баъзан респондентлар томонидан матн шу даражада «тахрир» қилинадикки, натижада, мазмун бутунлай ўзгариб кетиб «шов-шув» бўлиши кутилган материал аксинча натижа бериши мумкин. Охиरोқибат буларнинг барчаси журналистнинг касбий фаолиятига ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Чунки аудиториянинг аксарияти интервьюнинг мутлақ муаллифи сифатида журналистни назарда тутди ва матндаги камчиликларда журналистни касбий қўникмасининг пастлигида айблашади.

Иккинчидан, ахборот ўзининг тезкорлик хусусиятини йўқотиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Чунки тайёр бўлган интервью матнини респондентни топиб, унга кўрсатиш ҳамда унинг ўқиб чиқиш оралиғида анча фурсат ўтади.

Биз ушбу қарашларимиз орқали интервью матнини респондентга кўрсатмасдан ёки унинг розилигини олмасдан ошкор қилиш керак, деган фикрдан йироқмиз. Қолаверса, интервью матнини оммага тарқатишдан сўнг журналист томонидан йўл қўйилган қўпол хатоликлар (қўшиб ёзишлар,

фикрлар мазмунини бутунлай ўзгартиришлар ва ҳоказо) респондентларнинг турли норозиликларига сабаб бўлади. Баъзан эса иш судгача етиб боради. Тўғри, бундай вазиятда интервью матни тарқатилишидан олдин респондентга кўрсатилган тақдирда бу каби хатоликлар кузатилмаслиги мумкин. Бирок масаланинг иккинчи томони, яъни касбий принципларнинг бузилиши меъёрларини ҳам унутмаслик керак. Шу сабабдан ҳам масаланинг ҳар иккала томонини инобатга олган ҳолда бошқачарок механизмларни таклиф қилиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Масалан, интервью бошланишидан олдин журналист айтилаётган ҳар бир фикри оммавий аҳамият касб этишини ва ОАВ орқали тарқатилишини айтиб, респондентни огоҳлантириши керак. Шундагина интервью берувчи ҳаммуаллиф сифатида ўзининг розилигини бериши ёки рад этиши мумкин. Агар респондент розилик билдириб интервью берса, бу ҳолат журналистга интервьюни унга кўрсатмасдан туриб (чунки унинг розилиги олинди) тарқатиш имконини беради. Натижада, журналистик принципларнинг бузилиш ҳолатлари бартараф этилиши мумкин. Агар бундай вазиятда журналист томонидан яна қўшиб ёзишлар, фикрлар мазмунини бутунлай ўзгартиришлар ва ҳоказолар кузатилса-чи? Бу каби ҳолатларни олдини олиш учун эса техник воситалар имкониятидан унумли фойдаланиш муаммонинг қисман бартараф этилишига кўмаклашади. Бунинг учун эса интервью жараёни техник воситалар ёрдамида тўлалигича ёзиб олиниши керак. Бу эса кейинчалик ҳар иккала томондан юзага келадиган норозиликларни исботловчи далил сифатида хизмат қилиши мумкин.

Муаллиф асарда ўз исм-шарифи, таҳаллусини кўрсатган ҳолда ёки имзосиз фойдаланиш ёки шу тарзда фойдаланишга рухсат бериш борасидаги алоҳида ҳуқуққа эгадир. Шунингдек, муаллиф матбуотда эълон қилинган ёки қилиниши керак бўлган ўз асарларига, ижод маҳсулотларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиши ҳамда унга ўзининг розилигисиз бирон бир шахс томонидан ўзгартиришлар ёки қўшимчалар кирити-

лишидан, кискатирилишидан химоя қилиш борасида алоҳида ҳуқуққа эгадир. Муаллифнинг розилигисиз ўзгартириш киритилмайди. Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, фақат ҳуқуқ эгаси асарларни эркин кўчириб, босишни тақиклаши мумкин. Тақик шакли ҳар хил бўлиши мумкин. Мазкур Қонуннинг 28-моддаси (иккинчи кичик банди) ушбу қоидаларга аниқлик киритади. Унга биноан, қуйидаги ҳолларда кўчирма олиш ҳуқуқий жиҳатдан тўғри бўлиши мумкин:

- кўчирма келтираётган асарнинг муаллифи ва олинган ўзлашма манбаи, албатта, кўрсатилиши керак;
- илмий, тадқиқий, баҳслашув, танқид ва ахборот мақсадлардагина кўчирма келтиришга йўл қўйилади;
- кўчирма ҳажми кўчирма келтириш мақсадини оқлаши керак.

Шунингдек, бир муаллифнинг бир нашрда чоп этилган асари бошқа нашрда қайта чоп этиладиган бўлса, биринчи нашрдан олинганлиги кўрсатилиши керак. Масалан, «Маърифат» газетасида чоп этилган журналист О.Очилованинг «Меҳрибонлик уйида тўй» сарлавҳали мақоласи (2007 йил, 27 май) «Халқ сўзи» газетасида қайта чоп этилганда, «Маърифат» газетасидан олингани қайд этилган. Ёки аксинча.

ОАВнинг босма шакллари ёки телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларга нисбатан ҳаммуаллифлик ҳуқуқи ҳам қонунга мувофиқ бошқа ҳаммуаллифларнинг биргаликда яратилган асарлари сингари қафолатланади. Қонуннинг 12-моддасига биноан, икки ёки ундан ортиқ жисмоний шахснинг биргаликдаги ижодий меҳнати натижасида яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи, мазкур асар бўлинмас бир бутун ёки ҳар бири ҳам мустақил мазмунга эга қисмлардан иборат эканлигидан қатъи назар ҳаммуаллифларга биргаликда тегишли бўлади. Шунингдек, телевидениеда яратилган кўрсатувлар учун режиссёр, сценарий муаллифи, оператор ва муҳаррирлар ҳам муаллифлар ҳисобланади.

ОАВнинг эфир оркали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилот ўз кўрсатув ва эшиттиришларидан исталган шаклда фойдаланиш ва учинчи шахсларга бундай кўрсатув ва эшиттиришлардан фойдаланиш борасида алоҳида ҳуқуқларга эга. Яъни эфир оркали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилот куйидагиларга ҳақлидир:

- кўрсатув ва эшиттиришни трансляция қилиш;
- бир вақтнинг ўзида трансляция қилишга ҳамда ре-трансляция қилишга рухсат бериш;
- ўз кўрсатув ва эшиттиришларини ёзиб олиш, ёзувни так-рорлаш, ёзув нусхаларини тарқатиш.

ОАВда муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ низолар

Оммавий ахборот воситалари амалиётида муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ низолар учраб туради. Бир нашрда эълон қилинган журналистик асарларни, шунингдек, бадиий асарларни бошқа номда, бошқа матбуот органида чоп этиш ҳоллари тез-тез содир бўлади. Бундан ташқари, муаллиф бирор нашрга ўзининг журналистик ёки бадиий асарини беради-ю, бу асар унинг номи билан эмас, бошқа шахснинг исми-шарифи билан чоп этилади. Бунинг олдини олиш учун ҳуқуқшунос журналист К.Баҳриев шундай изоҳлайди: «Муаллифлик ҳуқуқи билан кўрикланадиган асарларнинг икки асосий белгиси бўлиши шарт. Биринчидан, у объектив шаклда ифодаланган бўлиши лозим. Ёзма шаклда ёки бирор бир моддий жисмда (магнит тасмада, дискетада, матода ва ҳақозо) ифодаланган асарни таниш ва ҳимоя қилиш осонроқ. Аммо қонун объектив шаклда ифодаланган деганда, дейлик моддий жисмда ифодаланмаган, фақат оғзаки ижро этилган асарни ҳам назарда ту-тади... Асарни муаллифлик ҳуқуқи билан кўрикланиши учун зарур бўлган иккинчи белги унинг ижодий фаолият натижаси эканлиги, яъни оригиналлигидир».¹ Шу нуктаи назардан га-

¹ Баҳриев К. Оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий асослари. Тошкент.: 2001. – 88-б.

зета, журналда чоп этилган асар учун муаллифлик ҳукукини даъво киладиган субъект, ўзининг муаллиф эканлигини исботлаши керак. Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳукуки ва турдош ҳукуклар тўғрисида»ги қонунда кўрсатилишича, муаллиф, аввало, журналистик асарни ўзи томонидан яратилганини исботловчи далилларга эга бўлиши керак. Шу ўринда бир мисол. Эндигина амалий фаолиятини бошлаган ёш журналистлардан бири машҳур кўшиқчидан интервью олиб, газетага берган. Кўп ўтмай, худди шу интервью озгина ўзгаришлар билан газета ходимининг номи билан чоп этилган. Журналистдан даъво килиб, таҳририятга борган. Ундан «Интервьюни сен олганингни ва ёзганингни нима билан исботлайсан?» деб сўралганда, у буни кўшиқчи тасдиклаши мумкинлигини айтган. Ҳақиқатдан ҳам кўшиқчи ёш журналистнинг интервью олганини тасдиклаган, лекин суҳбат матнини кўрмаганлигини ҳам тан олган. Кўшиқчи газета ходимининг ҳам интервью олганини эътироф этган ҳолда, унинг матнини ҳам кўрмаганлигини, аммо газета ходими уни телефон орқали ўқиб берганлигини айтган. Шунда ҳам ёш журналист газетадаги матн унга тегишли эканлигини айтиб туриб олгану, буни исботлаш учун қўлёзмаси, ҳатто қораламаси ёки тузиб чиққан саволларини ҳам кўрсата олмаган. Худди шундай ҳолат бўйича публицист Аҳмаджон Мелибоевга қуйидаги савол билан мурожаат қилишади:

«– Газеталардан бирида айрим санъаткорларимизнинг тўйлардаги беҳаё хатти-ҳаракатлари, эл олдидан ўзларини пўта билмасликлари тўғрисида мақола ёзиб юборган эдим. Афсуски, уни чиқаришмади. Аммо орадан беш-олти ой ўтгач, мақолам бироз ўзгартирилгани ҳолда бошқа бир кишининг, кейин билсам, таҳририят ходимининг номи билан босилиб чиқди. Мен хат ёзиб, нега бундай бўлганини сўрадим, аммо жавоб беришмади.

Жуда одобсизлик қилишибди, муаллифлик ҳукуқи қўпол равишда бузилибди. Афсуски, бундай ҳоллар кам бўлса-да, учраб туради. Таҳририят раҳбарларига такрор хат ёзиб, улардан жавоб талаб қилишга ҳақлисиз. Бордию, шунда ҳам

*жавоб ололмасангиз, у ҳолда газета муассисига мурожаат қилишингиз мумкин».*¹ Демак, бундан кўринадики, ҳар бир киши муаллифлик ҳукукини ҳимоя қилиш учун унинг ўзига тегишли эканлигини исботлай олиши керак. К.Баҳриевнинг фикрича, муаллифлик ҳукуқи моҳиятан асарнинг мазмунини эмас, шаклини кўриқлайди. Демак, ўз-ўзидан мазмун муаллифлик ҳукуқи билан ҳимоя қилинмайди, қонун мазмуннинг ўзига хос ва бетакрор ифода шаклини ҳимоя қилади...

Шу нуқтаи назардан матбуот нашрларига муаллифлар томонидан берилган мақолалар таҳрир қилинади. Мақола чоп этилгандан кейин муаллиф муҳаррирни қисқартириб ташлаганликда айблаб, жанжал кўтаради ва муаллифлик ҳукукини талаб қилади. Қонунга мувофиқ таҳририят муаллифнинг мақоласи таҳрир қилиниши мумкин, аммо нашр этишга тайёрланган, яъни таҳрир қилинган шакл муаллифга кўрсатилиши керак. Агар таҳрирга рози бўлмаса, муаллиф сифатида материални қайтариб олиши мумкин.

Худди шунга ўхшаш бошқа яна бир ҳолат. Телерадиоканалларга интервью берган ахборот манбаларининг фикр ва ғояларнинг муаллифлар томонидан ўзлаштиришлари билан боғлиқ норозиликлар ҳам кўп учрайди. Кўпинча мутахассис ҳисобланган ахборот манбаига мурожаат қилган журналистлар фақат кўрсатув мавзусини айтадилару, аниқ саволлари кўрсатув ёки эшиттиришнинг концепциясини интервью олиб бўлгандан кейин ишлаб чиқадиладар. Натижада, ахборот манбаси билдирилган фикрлар, ғояларни кадр ортидаги матнга сингдириб юборилади, фақат 30 сониялик интервьюни эфирга берадилар, ҳолос. Номин ОАВда чиқиши билан кифояланадиган баъзи ахборот манбалари бунга эътибор бермайдилар. Аммо шахс ёки мутахассис сифатида ўзининг аниқ позициясига эга бўлганлари эса бундан жуда норози бўладилар ва бу каби журналистлар устидан шикоят қиладилар.

¹ Мелибоев А. Журналистика: касб, ижод, маҳорат. 100 саволга 99 жавоб. Ўқ.қўл. – Тошкент. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2015. – 50-б.

Бундан ташкари, ОАВ олдида муаллифлик ҳукукига риоя этиш масалалари ва муаммолар жуда кўп. Айниқса, ахборот технологиялари ва ахборот коммуникацияларининг мислсиз ривожланиб бориши халқаро Интернет тизими хизматидан бугун ҳар ким эркин фойдаланиши, жумладан, ОАВ учун унинг асосий ахборот манбаларидан бирига айланиб қолаётганлиги бор гап. Биз юқорида қонунчиликда муаллифлик ҳукуки объектини ахборот кўринишидаги асарлар, интервьюлар, мақолалар, бадий, илмий, адабий асарлар кўринишидаги ахборотлар ташкил этади, деб таъкидлагандик. Бу асарлардан фойдаланишга муаллиф ҳақли бўлиб, бу ҳуқуқ унинг ҳаёти ва вафотидан кейин 50 йилгача давлат томонидан ҳимоя қилинади.

ОАВ фаолияти доирасида муаллифлар билан белгиланган тартибда ишлайди. Улар қуйидагилардан иборат:

- ОАВ муаллифлар билан **шартнома** тузган ҳолда уларнинг асарларидан фойдаланиши лозим;
- хорижий муаллифлар ва ҳуқуқ эгаларининг асарларидан **лицензия** асосида фойдаланиш мумкин;
- асардан фойдаланганда, унинг **манбаси** ва ҳуқуқ эгаси номи билан, албатта, кўрсатилиши керак;
- **таржима** материаллари берилганда ҳуқуқ эгаларининг розилигини олиш;
- асардан фойдаланганда унинг **дахлсизлигига** путур етказмаслик зарур;
- материалларидан фойдаланганда, албатта, ҳуқуқ эгаларига белгиланган тартибда **муаллифлик ҳақи** тўлаш талаб этилади;
- интервью олишда ва уни тарқатишда муаллифлик ҳуқукига риоя этиш, **интервью берувчига** тегишли муаллифлик ҳақини тўлаш лозим;
- рекламада асарлардан фойдаланишда ҳуқуқ эгасидан алоҳида рухсат олиш ва бошқалар.

Муаллифлик ҳукуки тўғрисида қонунчиликда муаллифларга ҳақ тўламай ва уларнинг розилигисиз асарлардан қисқа ахборот тайёрлашга фақат фавқулодда ҳолатлардагина фой-

даланишга йўл қўйилади. Бу талаб асосан жамиятни тезкор ва муҳим ахборотлар билан таъминлаш, воқеа ва ҳодисалар ҳақида фуқароларни ўз вақтида хабардор қилиш ва хавфсизликни таъминлашга қаратилади.

ОАВ билан муаллифлар ўртасидаги аксари келишмовчиликлар муаллифларга ҳақ тўлаш пайтида келиб чиқади. Шунинг учун ҳам ОАВ таҳририятлари ўз саҳифаларида жойлаштирадиган ахборот (асар)ларга ҳажми ва жанрига қараб қанча ҳақ тўлаш тарифларини олдиндан белгилаб қўйишлари лозим. Даврий нашрда асардан ҳар бир усулда ва ҳар қандай шаклда фойдаланилганда тегишли ҳақ тўланади. Ҳаммуаллифликда яратилган асар (берилган интервью)да муаллифлик ҳақи ҳар бир муаллиф учун алоҳида тўланиши керак.

ОАВ олдида турган асосий муаммолардан бири (ҳуқуқ эгаси) билан шартнома тузишни ташкил этишнинг етарлича йўлга қўйилмаганлигидир. Қонунчиликка кўра, ОАВ таҳририяти ҳар қандай шахснинг асари (интервьюси)ни биринчи марта эълон қилаётган пайтда шу шахс билан муаллифлик шартномасини тузиш керак. Шартнома фақат ёзма равишда тузилади ва амал қилишнинг аниқ муддати кўрсатилади ёки шартнома муддатсиз тузилади.

Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, муаллифнинг биринчи ва энг асосий ҳуқуқи муаллифлик ҳуқуқидир. Муаллиф ўз асарига исми-шарифини ёки таҳаллусини қўйиши ёки имзосиз фойдаланиши мумкин. Шунингдек, муаллиф ўз асарига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши мумкин. ОАВда муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ низолар, аввало, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунда кўрсатилган меъёрлар асосида, шунингдек, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунга биноан ҳал этилади. Муаллифлик ҳуқуқини бузган шахс жиноий жавобгарликка тортилади ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 149-моддасига биноан қонун олдида жавоб беради.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ ХАЛҚАРО ҲАМДА МИЛЛИЙ МЕЪЁРЛАРИ

ОАВ билан боғлиқ низолар

ОАВ билан боғлиқ ҳукукий масалалар ҳақида гап кетганда, асосан ахборотга нисбатан уларга субъект сифатида ёндашилади. Яъни ОАВ воқеликни ёритишга нисбатан ахборот субъекти саналади. Лекин чоп этилаётган газета, журнал, эфирга кетаётган эшиттириш, кўрсатув, лентага қўйилаётган ҳар қандай ахборот маҳсулоти ким учундир эгаллик ҳукукини беради. Умуман, жаҳон журналистикасида ахборотга нисбатан бизнес воситаси сифатида қараш устувор. Бизнесда эса эгаллик ҳукуки мулкчилик ҳукукига асосий субъект ҳисобланади. Шундай экан, ОАВга нисбатан мулкчилик ҳукуки асосий ҳукуклардан бири ҳисобланади. Чунончи ОАВ биринчи навбатда таъсисчининг ёки бошқа бир юридик, жисмоний шахснинг мулки бўлиши мумкин. Қолаверса, ахборот ва интеллектуал фаолиятнинг самараси ўларок Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик кодекси»га биноан фуқаронинг ҳукуки объекти ҳам ҳисобланади.

Ахборотдан ҳар ким ҳар хил мақсадда фойдаланади. Айниқса, у товарга айланганда ўз маҳсулотини бозорда ўтказиш учун ҳар бир ОАВ имкон қадар ҳаракат қилади. Бу омма эътиборига ҳавола этилаётган ахборотнинг ҳаммаси ҳам тўғри ва ҳолис мазмунга эга эмас дегани. Баъзан ёлғон, баъзан текширилмаган, баъзан фойдаси тегмайдиган ёки фойдасидан зарари кўпроқ бўлган ахборотни ҳар қандай ОАВ турида учратиш мумкин. Табиийки, ахборот узатиш жараёнида журналистика тамойиллари бузилса, у жамиятда акс садо бериб, ўзаро қарама-қаршиликни юзага келтиради. Бу бевосита ОАВ фаолиятига ҳам дахлдор бўлиб, қарама-қаршиликлари турли хил низоларга сабаб бўлиши мумкин. Шу маънода ОАВ билан боғлиқ низоларни асосан уч турга бўлиш мумкин.

Булар:

- тухматга қарши низолар;
- муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ низолар;
- ОАВнинг мулкчилик объекти сифатида иқтисодий

низолар.

Жаҳон журналистикаси тажрибасида асосан, тухмат, шахсий ҳаётга аралашув, шахс шаънини оёқости қилиш, давлат органлари ва мансабдор шахсларни ҳақорат қилганлик, давлат сири ва ҳукумат ахборотини ошкор этиш, суд жараёнларида иштирок этиш ва суд материаллари билан боғлиқ маълумотларни ёритиш жараёнларда кўпроқ ОАВ ва журналистлар жавобгарликка тортилади. Шуларнинг ичида уларнинг баъзиларига алоҳида тўхталиб ўтмоқ жоиздир.

Жаҳон журналистикасида ОАВ билан боғлиқ энг кўп учрайдиган низоларнинг бошида тухмат билан боғлиқ келишмовчиликлар туради. Уларни таҳлил қилишдан олдин, аввало, тухматнинг ўзи нима эканлигига ойдинлик киритиб олишимиз керак.

Тухмат шахснинг обрўси тўқилишига сабаб бўладиган ёлгон, нотўғри ёки атайин ёмон ниятда ёзилган материалдир. Шунинг учун ОАВда тухмат билан боғлиқ зиддиятли вазиятлар қонунчиликда жиддий кўриб чиқилади.

Одатга қўра, ОАВга нисбатан кўпинча машҳур ишбилармонлар, сиёсатчилар ўзларининг ишчанлик обрўсини сақлаш учун даъво очадилар. Аммо суд жараёнларида ОАВга қарши иш қўзғаш ва уни ютиб чиқиш осон иш эмас. Кўпинча ОАВ билан боғлиқ суд ишларида қонун бузилмаганлиги учун ишлар қолдирилади.

«Европа, Осиё ва Лотин Америкаси қонунчилиги ва амалиёти» ҳамда «Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги республикалари ОАВ қонунчилиги ва амалиёти» тўғрисида чоп этилган китобларда барча давлатларнинг қонунчилигида тухматга нисбатан ОАВнинг жавобгарлиги алоҳида суд иши сифатида кўрилиши қайд этилган. Унга қўра, айрим давлатларда ОАВда эълон қилинган ахборотда тухмат бўлса, бунинг учун жиноий жавобгарликка тортилса, айрим давлатларда бу фуқаролик

судларида кўриб чикилади. Масалан, Австрия Жиноят кодексида биноан тухмат қилиб, шахснинг шаънини жамоатчилик олдида тўққанлиги учун бир йиллик камок жазоси ёки белгиланган миқдорда жарима тўланади.

Буюк Британия судларида тухматга қарши ишлар кўрилади. Буни тартибга солиш мақсадида 1988 йилда «Тухматни таъкиллаш тўғрисида» қонун ҳам қабул қилинган. Буюк Британияда адолатни қарор топтириш фақат суднинг ваколатига қиради, деган қараш бор. Шунинг учун ҳар қандай қелишмовчилик, у фуқаролар ёки ташкилотлар ўртасида бўладими, ўзаро қелишув бўлмаса, иш, албатта, судгача етиб боради. Шунинг учун ҳам журналистлар ўртасида «матбуотнинг умри судда ўтади» деган гап юради.

Буюк Британияда тухматга қарши ОАВ учун фаол ҳимоянинг уч асосий тури мавжуд бўлиб, булар: даъвонинг ҳақиқийлигини исботлаш, шархнинг ҳаққонийлиги ва ҳуқуқнинг имтиёзлилигидир. Даъвонинг ҳақиқийлигини исботлаш айбловдан ҳалос этади. Тухмат, суд ва давлат сирларини сақлаш ҳақидаги бошқа қонунлар матбуот ва ОАВ учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу қонунларда ОАВга тегишли умумий тарзда эмас, фақат айрим ҳолларда ОАВ ва судни мувофиқлаштирадиган жиҳатлари бор. Масалан, «Судлар тўғрисида»ги қонунда суд ишларини ёритиш бўйича алоҳида модда мавжуд бўлиб, унда матбуот ва суд тизими ўртасидаги муносабатлар ойдинлаштириб беради. Айтайлик, журналистлар томонидан содир этиладиган жиноятлар (миллий хавфсизликка зид иш тутиш, террорчиларга қўл келадиган ахборотни йиғиш, тухмат, ҳудожўйлик, ҳукуматга қарши қаратилган ҳаракатларга ундаш) жиноий суд маслаҳатчилари томонидан кўрилади. Содир этилган жиноятлар юзасидан қидирув ишлари ҳукумат ёки қўпинча алоҳида шахслар томонидан олиб борилади.

Германия қонунчилигида матбуот эркинлигини ҳимоя қилиш сингари шахс шаънини тухматдан ҳимоя қилиш ҳуқуқлари бўйича қарама-қарши қоидалар бор. Чунки ўз шахсий ҳуқуқини ҳимоя қилувчининг иши ҳам федерал

қонунчилик асосида, ҳам ерлар қонунчилиги мажмуаси асосида кўриб чиқилади. Немис қонунчилигида ушбу масалада сезиларли фарқлар бор. Шу боис, амалиётда хусусий ташкилотлар ОАВга қарши жинойт ёки фуқаролик ишини қўзғатиш учрамайди. Асосан, ОАВда шахсга тухмат қилиб, унинг шаъни, обрўсига путур етказганлик учун Конституциянинг тегишли моддаларига мувофиқ жавоб беради. Германия Жиноят кодексига биноан ҳам тухмат қилиш тақиқланади. Ушбу қоидага амал қилмаганлик учун ОАВга нисбатан фуқаролик иши қўзғатилади. Газеталарда нотўғри маълумот чоп этилса, таҳририят жарима тўлашга мажбур этилади ёки газетанинг кейинги сонида мақоланинг нотўғри эканлиги қайд этилади. Агар жабрланувчи томонидан нотўғри деб ҳисобланган ахборот, аслида, сўз эркинлиги маҳсули бўлса, суд иши бекор қилиниши мумкин. Мисолларга мурожаат этамиз:

«2016 йил май ойида Туркия президенти Режеп Тойип Эрдоған Германиянинг Келн ҳудудий судига Axel Springer Маттас Дефнер ноширлик уйи устидан даъво аризасини беради. Туркия раҳбарининг норозилиги шунда эдики, журналист немис сатириги Яна Бемерман шеърини иқтибос қилиб, уни миллий озчилик вакиллари ва муҳолифатчиларга қарши (тухмат қилган) жиноятда айблаган. Президент адвокатлари судга муаллифнинг сатирик шеърига тайёрлаган видеороликларни тақдим этган. Бу ҳимоя билан турк раҳбари Дефнер учун сатирикдан иқтибос келтиришни тақиқлашга эришмоқчи бўлди. Аммо Келн суди Эрдоғаннинг даъвосини «жавобгарнинг фикрни эркин ифодалаш ҳуқуқига» асосланиб бекор қилди».

Германия матбуотида фуқароларнинг шахсий сири ва ўзига тегишли бўлган ахборотга аралashiш мумкин эмас. Миш-мишлар, компьютердаги шахсий маълумотлар, банкдаги рақамларини олиш, рухсатсиз суратга тушириш ва уни чоп этиш ман қилинади. Мисол учун, Монакко маликасининг ўғил бола дўсти билан тунгги клубда ўтирган сурати газетанинг биринчи бетида миш-мишлар орасида чоп қилинганлиги учун у газетани судга берган ва катта миқдорда жарима ундирган.

АҚШ конунчилигига биноан матбуотда номи қайд этилган киши ўз кадр-кимматини таҳқирланган деб ҳисобласа, журналист ёки ОАВ органи устидан судга арз қилиши мумкин. Агар арзманд ўзи илгари сураётган айбларни асослаб берсагина, судда ютиб чиқиши мумкин. Лекин буни амалга ошириш анчагина мураккаб масала. Чунки жабрланувчида шикоят қилиш ҳуқуқи бўлгани каби, жавоб берувчи – ОАВ ёки журналистнинг ҳам ҳимояланиш ҳуқуқи мавжуд.

Шуни таъкидлаш керакки, АҚШда тухмат асосан фукаролик иши бўйича судларда кўриб чиқилади. Бу борада жиноий иш деярли қўлланилмайди. Тухмат бўйича жиноий ишлар кўпинча жисмоний шахслар орасидаги можароларда қўлланади. Чунки Америка судларининг фикрича, «Биринчи кўшимча» тухматни тақиқламайди, қолаверса, айтилган фикр учун камаш Конституцияга зид. Шунинг учун ҳам жисмоний шахслар ОАВ устидан судга шикоят қилганларида кўпинча уларнинг даъволари каноатлантирилмайди.

Лекин бировнинг обрўсига атайин зиён етказиш, уни оммавий тарзда таҳқирлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шунинг учун ҳам шахс обрўсини ҳимоялаш Конституция томонидан кафолатланади. Тухмат ишлари кўрилганда ана шу икки ҳуқуқ – матбуот эркинлиги ва шахсий кадр-кимматни ҳимоялаш масалалари кўпинча бир-бирига тўқнаш келади. Мисол учун:

«АҚШ президенти Дональд Трампнинг рафикаси Мелания Трамп 2016 йил августда Британиянинг «Daily Mail» нашрини унинг «дабдабали» ўтмишини ёритган мақоласи учун судга беради. Мақолада шунингдек, 90-йилларда миллиардернинг рафикаси модель ҳамда юқори маош тўланаданиган «хизматлар»да ишлагани ҳақида ҳикоя қилади. «The Guardian» газетасининг ёзишича, Мелания Трамп «Дональд Трампнинг славян рафикасининг энг дабдабали ўтмиши» деб номланган мақола «100 фоиз ёлғондан иборат». Бу мақоланинг ҳақиқатга тўғри келмаганлиги учун ва етказилган зарарли ахборотнинг миқдорини Мелания Трампнинг адвокатлари 150 млн долларга баҳолашди».

АҚШда тухмат билан боғлиқ ишларда оммавий ахборот воситалари учун қуйидаги ҳолатлар ҳимоя вазифасини ўташи мумкин:

Буларнинг биринчиси – **ҳаққонийлик** принциpidир. Яъни материалда бировнинг шахсияти ёки обрўсига путур етказилган бўлиши мумкин, лекин унда ҳақиқат баён этилган бўлса, аризачининг шикояти қўриб чиқилмайди. Иккинчиси – **виждонийлик**. Бу дегани журналист ўз ишига виждонан ёндашиб, танқид қилишда касбий ахлоқ доирасидан чиқмаган бўлса, у окланади. Учунчиси – журналист материалда **шахсий фикри**ни баён этган бўлиши керак. Чунки эълон қилинган факт ёлғон ёки нотўғри бўлса, тухматда айбланиш учун асос бўлиши мумкин, аммо шахсий фикр учун ҳеч ким жавобгарликка тортилмайди.

Америкада тухмат тўғрисидаги ягона, умумий қонун йўқ. Ҳар бир штат тухмат ҳақидаги ўз қонунчилигига эга. Бундан ташқари, Олий суд ва бошқа қуйи инстанциялар томонидан у ёки бу иш юзасидан чиқарилган қарорлар ҳам ОАВ фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга. Ана шундай қарорлардан бири 1964 йили катта шов-шувга сабаб бўлган Олий суднинг «Нью Йорк Таймс Салливанга қарши» суд ишининг натижаларидир. Ўшанда Олий суд ўз қарорида тухмат ҳақидаги қонунга конституцион баҳо бериб, *«туҳматона ҳаракатлар тушуничасини ҳаддан ташқари кенг талқин этиши «Биринчи қўшимча»га зид келиши ҳамда матбуот эркинлиги ва фикрни эркин ифодалаш ҳуқуқини поймол этиши»ни таъкидлаган* эди. Салливан қондаларининг матбуот эркинлигига таъсири хусусида фикр билдирган профессор Рональд Дворкин *«Бў қарор АҚШ матбуотининг қўлини бўшашиб юборди ва дунёнинг исталган мамлакати матбуотида нисбатан демократия ҳимоячиси ролини анча дадилроқ ўйнашига имкон яратди...»* дея баҳолади. Аммо шу билан бирга, Олий суд қарорига мувофиқ мансабдор шахслар сингари жамоат арбоблари ҳам ёлғон уйдирмаларни оммавий тарзда қарши ҳаракатланиш мақсадида ОАВдан фойдаланиши мумкин.

Шунингдек, ОАВ ҳимояси учун бошқа бир катор «имтиёзлар» ҳам мавжуд. Масалан, расмий ҳужжатларда баён этилган маълумот, парламент, ҳукумат ва полиция маҳкамаси биноларида билдирилган фикрлар, судья ва прокурорнинг суд ишлари кечаётган пайтда айтган сўзлари асосида тайёрланган янгилик ҳақиқатга тўғри келмаса, журналист жавобгар ҳисобланмайди. Ниҳоят, ҳукумат фаолияти танқид қилинганлиги учун ҳам журналистга нисбатан илгари сурилган айблов бекор қилинади. Лекин бундай имтиёзли ҳуқуқлар оммавий ахборот воситаларини олдиндан била туриб, берилган нотўғри маълумотлар учун жавобгарликдан озод қилмайди. Айнан шундай ҳатолар кўпинча ОАВга қимматга тушади.

Россия Федерацияси Конституциясида шахс кадр-қиммати ҳимояси шахсий ҳаёт, шахсий ва оилавий сирнинг дахлсизлиги, шахс обрўсининг ҳимояси, фуқаронинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли бўлган маълумотни йиғиш, сақлаш, фойдаланиш ва тарқатишга йўл қўймаслик, фавқулодда ҳолатларда ОАВ эркинлигини чегаралаш мумкинлиги ҳақидаги ваколатлар ҳам қиритилган. ОАВга ёки журналистларга қилинадиган даъволарнинг аксариятини ОАВ орқали тухмат ва ҳақорат қилганликда, шаън, кадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини пастга урганлик каби айбловлар ташкил этади. Ана шу айбловларнинг ОАВда ўзини ҳақоратланган, таҳқирланган ҳисоблаётганларнинг кўпчилиги давлат органларининг ходимлари, сиёсий партиялар ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари, яъни ижтимоий мавқега эга бўлган – мансабдорлардир. Масалан:

«2015 йил январда «Россия темир йўллари» (РТЙ) очик акциядорлик жамиятининг собиқ раҳбари Владимира Якунин ўз шаъни ва ишчанлик обрўсини сақлаш мақсадида «The New York Times» газетасини Москва шаҳар Пресненский туман судига беради. Бунга сабаб «The New York Times» газетасида 27 апрель 2014 йилда эълон қилинган «Санкциялар Путиннинг сирли бойликларини кидиришга қизиқиш уйғотди» сарлавҳали мақоласида В.Якунин Путинга катта миқдорда

нақд пул пора берганлигини ёзади. Бу фактни РТЎ собиқ раҳбари инкор қилади. 2015 йилнинг март ойида Пресненский туман суди даъвогарнинг талабини қисман қондирди ва «The New York Times» газетасининг берган бу маълумотини исботланмаган деб топди. Шунга қарамай, собиқ раҳбарнинг раддияси қабул қилинмади».¹

Табиийки, депутатлар, амалдорлар, шоу-бизнес вакиллари-нинг ҳаёти ва фаолиятига жамоатчиликнинг қизиқиши кучли бўлади. Шунинг учун уларнинг шахсий ҳаётига алоқадор воқеалар ОАВнинг диққат-эътиборида туради. Пастга урилган шаън, кадр-қимматини суд орқали ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг конституциявий ҳуқуқидир. Аммо мансабдор шахслар шаъни, кадр-қимматини ҳимоя қилиш орқали жамоатчилик ўртасида ўз обрўларини кўтаришга уринадилар.

«2016 йил 11 ноябрда Москва Арбитраж судида Россия бизнес канали (РБК) устидан «Роснефть» компанияси даъвоси бўйича биринчи суд мажлиси бўлиб ўтади. Унда даъвогар Британиянинг ВР компаниясидан сотиб олинган акцияларга бағишланган мақоласи орқали ишчанлик обрўсига путур етганлиги учун 3 млрд рубль компенсация талаб қилади. ОАВ билан боғлиқ мазкур суд иши нафақат Россияда, балки хорижда ҳам катта шов-шувга сабаб бўлади.»

Ривожланган демократик мамлакатларда судлар жамоат ва давлат арбоблари шаънига айтилган кескин фикрларга кенгрок муносабатда бўладилар. Ҳатто Европа судида оддий фуқароларнинг мансабдор шахсларга нисбатан бўлган танқидини кенгрок қабул қилиш ҳақида алоҳида қоидалар мавжуддир.

Тухмат билан боғлиқ низолар ҳар бир мамлакат ОАВда учрайди. Бундан табиийки, Ўзбекистон ҳам мустасно эмас. Ваҳоланки, Ўзбекистон қонунчилигида тухмат тақиқланади. Яъни ОАВ орқали шахсга тухмат қилиш мумкин эмас. Модомики, шундай мазмундаги ахборот эълон қилинса,

¹ pravo.ru

Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий кодекси»нинг 40-моддасига биноан тухмат, яъни *била туриб ёлгон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиш* — энг кам иш ҳақининг *йигирма бараваридан олтмиш бараваригача* миқдорда *жарима солишга сабаб бўлади*.¹

Агар маъмурий жавобгарликка тортилгандан кейин ҳам яна тухмат такрорланса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 139-моддасида кўрсатилганидек, тухмат қилиш, яъни била туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.²

Агарда тухмат ОАВ орқали қилинса, нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали тухмат қилиш ҳисобланади. Бунинг учун Жиноят кодексида энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.³

Шахс шаъни, ишчанлик обрўси билан боғлиқ низолар

ОАВ соҳасида ноқонуний хатти-ҳаракатларга қандай чоралар кўрилган?

Аввало, айтиш керакки, ОАВнинг масъулияти билан уларда ишлайдиган журналистнинг жавобгарлиги ҳукукий жиҳатдан фаркланади. Танқид учун ёки пастга урилган шаън,

¹ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. <http://www.lex.uz/acts/97664>

² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят тўғрисидаги кодекси. <http://www.lex.uz/acts/111453>

³ Ўша манба.

кадр-қиммат учун ОАВга нисбатан раддия берилади. Агар ундан коникиш хосил қилмаса, судга мурожаат қилиб, ўз кадр-қиммати қонуний ҳимоя қилиш мумкин.

ОАВ юридик шахс ҳисобланади, унда ишлайдиган журналистлар эса жисмоний шахсдир. Юридик ёки жисмоний шахсларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини пастга урадиган маълумотларни ОАВда, хизмат таърифномаларида, кўпчилик олдида сўзлаганда, мансабдор шахсларга ёзилган аризаларда ёки, шу жумладан, бошқа оғзаки бўлса ҳам бир неча шахсга ёхуд бир кишига хабар қилиш тушунилади.

Шахс шаъни, ишчанлик обрўси билан боғлиқ низолар содир бўлганда ОАВ қонун олдида қандай тартибда жавоб беради? Умуман шахс шаъни, обрў-эътибори билан боғлиқ ишлар қим томонидан қўрилади?

Бундай турдаги ишлар Ўзбекистонда Фуқаролик, Маъмурий жавобгарлик тўғрисида ва Жиноят кодекслари орқали қўриб чиқилади. Шу маънода ОАВ юридик шахс бўлганлиги учун унга нисбатан, аввало, Фуқаролик кодекси татбиқ қилинади. Фуқаролик кодексининг 100-моддасига кўра, фуқаро ўз шаъни ва кадр-қиммати ёки ишчанлик обрўси тахқирланган, шахсий ҳаётига аралашилган, шаъни, кадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилган, деб ҳисобласа, маълумотларни тарқатган ОАВ ва бошқа манбалар устидан судга мурожаат қилиши мумкин. Агар маълумотларни тарқатган ОАВ ва бошқа манбалар бу маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри қилишини исботлай олмаса, фуқаро суд орқали раддия талаб қилишга ҳақли.¹

Бундай ҳолатлар кўпинча ҳуқуқшунослар ва ахборот манбалари ўртасида мунозараларга сабаб бўлади. Шахснинг шаъни, обрў-эътиборига ОАВ томонидан путур етказиш деб ҳисобланади. Шу ўринда ҳуқуқшунослар шахсий ахборот билан жамоатчилик орасидаги шахсга тааллуқли бўлган ахборотни ажратиб кўрсатадилар. Ҳуқуқшуносларнинг фикрича,

¹ Қараңыз: <http://www.xabar.uz/huquq/oavning-fuqaro-shaxsiy-hayotiga-aralashishi-qonun-bilan-taqlan>

бундай ҳолатларда тарқатилаётган маълумотларнинг исботи ўзи билан бирга бўлади, яъни тарқатилган фото-видео-материалларда ёки ҳуқуқбузарлик содир қилинаётган пайт кўрсатилган бўлади, ёхуд ҳуқуқбузарлик содир қилиш устида ушланган шахслар сурати эълон қилинади. Яъни маълумотларни тарқатишни ноқонуний дейишга асос мавжуд эмас.¹

Бу масала Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексида ҳам қайд этилган. Мазкур кодексида бундай ахборотлар ҳақорат қилиш номи билан 41-моддада ақс этирилган. Унга кўра, ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва кадр-киммати қасддан камситганлик учун энг кам иш ҳақининг йигирма барабаридан қирқ барабаригача миқдорда жарима солиш белгиланган.² Яъни ОАВнинг бирор турида кетган шахснинг шаънини таҳқирловчи, обрў-эътиборига путур етказувчи ахборот берилса, жабрланувчи томонидан судга мурожаат қилиниб, маънавий зарар учун тоовон талаб қилиши мумкин. Журналист билиб туриб шахснинг шаъни, обрў-эътиборини оёқости қилса, унга нисбатан жиноий иш қўзғаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят кодекси»да эса шахснинг шаъни, обрў-эътиборига путур етказганлик учун жиноий жавобгарликка ҳам тортиш мумкин. Кодексининг 140-моддасига кўра, ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва кадр-киммати беодоблик билан қасддан таҳқирлаш, башарти, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз барабаригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Агарда бундай ҳаракат нашр қилиш ёки бошқача усулда қўлайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилса, яъни ОАВ орқали шахс ҳақорат қилинса, энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз барабаридан тўрт юз барабаригача миқдорда жарима

¹ Ўша манба.

² Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. *lex.uz*

ёки икки юз кирк соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.¹

ОАВ билан боғлиқ низолар учун жавобгарликлар

Шунингдек, ОАВ билан боғлиқ низолар ичида иктисодий низолар ҳам учрайди. Бундай келишмовчиликлар асосан ОАВ билан муассис ўртасида тузилган шартноманинг талаблари бажарилмаслигидан ёки кўриладиган фойданинг таъсисчилари ўртасида тенг тақсим қилинмаслиги туфайли келиб чиқади. Кўпинча бир оммавий ахборот воситасига бир неча муассиснинг бўлиши улар орасидаги ўзаро карама-қаршилиқни юзага келтириши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг 2-боби ОАВ фаолиятини ташкил этиш ҳақида бўлиб, 8-моддада ОАВни ташкил этувчи муассислар бир неча киши бўлиши мумкинлиги ва улар биргалликда ҳаммуассис саналашиши қайд этилган. Ҳаммуассислар таъсис шартномаси тузадилар ва унда ҳуқуқлари, мажбуриятлари, масъулияти, ҳаммуассислар таркибини ўзгартиришнинг тартиби, шартлари ва ҳуқуқий оқибатлари, улар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган низоларни ҳал этиш тартиби кўрсатилади.

ОАВнинг мамлакат фуқароларининг олдида қатор мажбуриятлари ва масъулиятлари бор. Инсоний мезонларга амал қилиш, фуқароларнинг шаъни, кадр-қиммати, диний, шахсий, ҳаётий масалаларига дахл қилмаслик, оила, давлат сири, шунингдек, қонун билан қўрикланадиган бошқа сирларни ошқор этмаслик ОАВнинг вазифаси ва масъулияти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва соҳага оид қатор ҳуқуқий меъёрларда шахсий номулкий ва мулкый ҳуқуқлар доираси, шаън ва кадр-қиммат тушунчаси, тижорат

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят тўғрисидаги кодекси. <http://www.lex.uz/acts/111453>

сири ва бошқаларга аниқ таъриф берилган. Ушбу кодекснинг 97-, 100-, 1095-1097-моддаларида конфеденциал ахборотлар, тижорат сири, ишчанлик обрўси ёки шахсий сирни ошкор қилиш мақсадида етказилган ахборотларни тарқатишда чеклашлар мавжуд. Бу турдаги ахборотлар фақат шу ахборотни тасарруф этишга ҳуқуқи бўлганларнинг розилиги билангина эълон қилиниши мумкин.

Бундан ташқари, ОАВ ахборот, ахборот манбалари, муаллифларнинг асарларига нисбатан ноқонуний йўл тутишлари билан боғлиқ низолар ҳам учрайди. Булар аксарият ҳолларда бир ахборот воситасининг мулки, иккинчи ахборот воситасида қайта фойдаланган, кўчирилганда ёки иктибос олинганда эълон қилинган нашрдан олинганлиги, нашр муаллифининг розилигини олиш билан боғлиқ меъёрларнинг бузилишида кўзга ташланади.

ОАВ билан боғлиқ низолар амалдаги ҳуқуқий ҳужжатлар орқали суд томонидан ҳал қилинади. Ушбу ҳал қилув қарорлар юқорида кўриб чиққанимиздек, баъзан фуқаролик, баъзан маъмурий, баъзан эса ҳаттоки жиноий жавобгарликкача олиб бориши мумкин. Бундай жавобгарлик эса низонинг томонларга етказилган зарарига қараб суд томонидан белгиланади.

Инсоннинг шахсий дахлсизлиги қонун доирасида ҳимоя қилинади. Яъни инсоннинг шахсий ҳаётига дахл қилиш ва аралашишга йўл қўйилмайди. Шунингдек, бундай ҳаракатлар ОАВ воситалари томонидан амалга оширилса ҳам белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортилади.¹

Ахборотни йиғиш ва тарқатиш жараёнида ОАВнинг қонунчилик талабларига амал қилмаслик натижасида ҳам турли низолар келиб чиқиши мумкин. Бундай ҳоллар асосан журналистнинг ҳуқуқий саводхонлиги етишмаслиги ва амалдаги қонуний меъёрларни яхши билмаслиги натижасида юзага келади. Яъни сир тутиладиган фан-техника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ёки бошқа шу каби ахборотларни

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. <http://www.lex.uz/acts/111453>

эгасининг розилигисиз ошкор қилиш ёки ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Бундан беҳабар баъзи журналистлар шу каби ахборотларни оммага ошкор қилади. Нагижада, ишлаб чиқарувчи ва журналист ўртасида низо вужудга келади. Чунки ОАВ орқали ошкор қилинган маълумот ишлаб чиқарувчига моддий зарар келтиради. Агар шундай ҳолат юзага келади-ган бўлса ва сир тутиладиган фан-техника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ёки бошқа шу каби ахборотларни эгасининг розилигиз ошкор қилиш ҳолати ўз тасдиғини топса, айбдор деб топилган томон жиноий жавобгарликка тортилади. Бу ҳақда **«Жиноят кодекси»нинг 191-моддасида** шундай дейилган: *«Сир тутиладиган фан-техника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ёки бошқа шу каби ахборотни эгасининг розилигисиз ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш мақсадиди ҳар қандай усулда тўплаш – энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёҳуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.*

Сир тутиладиган фан-техникага, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ва бошқа шу каби ахборотни эгасининг розилигисиз қасддан ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш хўжалик юритувчи субъектга кўп миқдорда зарар етказган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёҳуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади».¹

Биз юқорида ОАВ билан низоларнинг асосийларини санаб ўтдик. Бу низолар бугунги кунда жуда кўп учрайди. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, ушбу низоларнинг кўпчилигида журналистларнинг айдорлиги исботланмоқда. Бунинг асосий сабаби эса журналистларда ҳуқуқий саводхонликнинг етишмаслиги билан боғлиқдир. Чунки журналист амалдаги қонунчилик белгилаб берган меъёрларни яхши билмайди. Натижада, қайси ахборотни бериш мумкин, қайси бирини тарқатиш қонун дои-

¹ Ўша манба.

расида мумкин эмаслиги ҳақида тушунчага эга эмас. Иккинчи томондан конунларни ишлаб чиқишдаги мавҳумлик ОАВ ва журналистларни аниқ ишлашларига тўскинлик қилади. Учинчидан, баъзан конунларнинг муайян соҳага тегишли бандлари ёки моддаларининг бир-бирига зид келиши ҳам низоларга сабаб бўлади.

Ўзбекистон ОАВ конунчилиги бошқа соҳаларга нисбатан ёш бўлганлиги (мустақилликдан кейин шаклланди) туфайли унда ҳали камчиликлар кўп учрайди. Аммо соҳанинг ривожланиши бу борада тўпланаётган тажрибалардан тўғри хулоса чиқариб, конунчиликка ўзгартиришлар киритиб бориш орқали миллий журналистика тараққиётини умуминсоний кадриятлар асосида ривожлантиришни белгилаб беради.

СУД ЖАРАЁНЛАРИНИ ОАВДА ЁРИТИШ. АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ

Суд жараёнларини ёритишнинг конуний асослари

Ахборот истеъмолчиларини кизиктирадиган ахборотларнинг ичида ҳуқуқ соҳаси билан алоқадор, айниқса, суд жараёнларига тааллуқли бўлган ахборотлар алоҳида ўрин эгаллайди. Бошқа соҳаларни ёритишга нисбатан суд жараёнларини ёритиш ўзининг мураккаблиги билан ажралиб туради.

«Тадқиқотлар шунини кўрсатадики, жамиятнинг «криминал» онги шаклланишига матбуотда зўрлик, ваҳшийлик ва жиноят содир этиш усуллари ҳақидаги ахборотнинг непрофессионал ёритилиши ҳам сабаб бўлади. Бу ниҳоятда аҳамиятли қўзғатув. Негаки, мазкур масала нафақат миллий матбуотишўнослик, балки жаҳон журналистикаси олдидан турган долзарб илмий-назарий муаммолардан биридир».¹

Аввало таъкидлаш лозимки, суд жараёнларига тааллуқли бўлган ахборотларни ҳар қандай журналист осонликча қўлга киритолмайди. Чунки турли хил жиноятлар жамият ҳаётига,

¹ Ўсаров О. ОАВ ва суд ҳокимияти муносабатлари. Ўзбекистон амалиёти ва халқаро тажриба. – Тошкент., 2013. 120-б.

омма хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи бундай ахборотларнинг замирида инсон тақдири, у қилган ноқонуний ҳатти-ҳаракатларнинг ҳар бири қонун доирасида исбот талаб этади. Журналист тайёрлайдиган ахборот эса ҳукукий жиҳатдан билимдонликни, белгиланган миллий ва халқаро меъёрлар доирасидан чиқиб кетмасликни тақозо этади.

ОАВни суд жараёнларида ёритишнинг ҳукукий асослари халқаро ва миллий тажрибага эга. Бунда, аввало, аудиториянинг ахборотга бўлган эҳтиёжи, қизиқишлари ҳисобга олинади. Халқаро миқёсида аудиториянинг ахборотга қизиқиши принципаал аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-ҳукукий доктринадир.

«Демократик жамиятда матбуот муҳим рол ўйнайди, матбуотга жамоавий қизиқишни қондирадиган масалалар бўйича ахборот ва гоҳларни тарқатиш вазифаси юклатилади. Матбуот эркинлиги унча катта бўлмаган бўрттириш ҳатто ижвога ҳам йўл қўйишга имкон беради. Сўз эркинлиги нафақат жамият учун ижобий, зарарсиз ёки бетараф бўлган ахборот ва гоҳларга тегишли, шу билан бирга мазкур эркинлик давлат ёки аҳолининг бир қисмига ёқмайдиган уларни хафа қиладиган ахборотдан иборат бўлиши ҳам мумкин. Акс ҳолда матбуот ўзининг «қўриқчи ит» ёки жамият қизиқтирадиган ахборотни тарқатиш вазифасини бажаролмайди.»¹

Миллий матбуот амалиётида амалдаги қонун талабларини бажаришда миллий кадриятлар ва анъаналарни миллий ўзига хосликдан келиб чиқиб ёритишда бўрттириш ёхуд ижво қилиш оқланмайди.

Суд жараёнларини ОАВда ёритишнинг ҳукукий асослари юқорида айтганимиздек, аввало, халқаро ҳукукий меъёрларда ўз аксини топади. Жумладан, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 11-, 19-, 29-моддалари, «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро пактнинг 14-, 19-моддалари, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциянинг

¹ Ўсаров О. ОАВ ва суд ҳокимияти муносабатлари. Ўзбекистон амалиёти ва халқаро тажриба. – Тошкент, 2013. 51-52-б.

13-моддаси, «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенцияси»нинг 6-,10-моддалари ва бошқа меъёрларга риоя қилади.¹

Суд жараёнларни ёритувчи журналист, аввало, фаолиятининг ҳуқуқий асосини яхши ўзлаштирган бўлиши, айниқса, бу ўринда халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти билан яқиндан танишган бўлиши жуда муҳим. Шу ўринда суд жараёнларини матбуотда ёритиш юзасидан журналистларга ёрдам бериш мақсадида Европа кенгаши томонидан бир қатор меъёрий ҳужжатлар тавсия қилинади. «Журналистик эркинлик ва инсон ҳуқуқлари тўғрисида»ги 2-сонли Резолюция, «ОАВ соҳасидаги келажақ сиёсати тўғрисида»ги Декларация ана шулар жумласидандир. Бу ҳужжатларга кўра, журналистлар ва ОАВ жиноий ишларни кўриш тизими фаолиятини эркин ёритишлари ва шарҳлашлари учун журналистларга имконият яратиб беришлари лозим. Шунингдек, муайян суд якуни бўйича чиқарилган суднинг қарорини ошқора қилиши ва жамоатчиликка етказиши мумкин. Суд жараёнларини ОАВда ёритиш тамойилларига кўра бу жараёнларни ёритиш учун судга мурожаат қилган ОАВ вакилларига бир хил муносабатда бўлишлари ва уларни бир хил кўришлари керак. Судларнинг ўзи учун муҳим бўлган халқаро меъёр бу узок кўрилаётган суд иши бўйича ОАВ орқали ахборот беришлари шартлиги белгиланган. Суд жараёнларини ёритишда ОАВга ёрдам бериш бўйича алоҳида кўрсатма мавжуд. Унга кўра белгиланган суд мажлислари ҳукм ва айбловлар чиқариш тўғрисидаги эълонлар, шунингдек, суд жараёнларини ёритишга оид ахборотларни имкон қадар тез, оғзаки ёки ёзма шаклда беришлари зарурлиги белгиланган.

«Инсон ҳуқуқлари тўғрисида»ги Европа Конвенциясининг 6-моддасида Европа судида ошқораликнинг таъминланиши томонларни яшириш тарзда айбланишидан ҳимоя қилади ва жамоатчилик назоратидан четда қолиб келаётган суд жара-

¹ Ўша манба.

ёнларига нисбатан ишончни мумтаҳкамлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Халқаро ҳуқукий меъёрларни мутахассислар, ҳуқуқшунослар ёрдамида тушуниш ва тўғри талқин қилиш – жараёнларни ёритишнинг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади.¹

Суд жараёнларини ёритиш бўйича ҳам Ўзбекистон қонунчилиги халқаро ҳуқукий меъёрларни тан олади. Умуман, ахборот ва сўз эркинлиги, ОАВ ва журналистлар фаолиятини тартибга солишга бағишланган қонунларда ҳар қандай ахборот билан ишлаганда, аввало, халқаро меъёрларга таянишни белгилаб беради. Суд жараёнларини ОАВда ёритиш журналистдан алоҳида масъулият ва эҳтиёткорликни талаб этади. Бунинг учун эса суд жараёнларини ОАВда ёритишнинг қонуний асосларини мустаҳкам ўзлаштириш талаб этилади. ОАВда суд жараёнларини ёритишнинг қонуний асослари мамлакатимиз қонунчилигида ҳам халқаро ҳуқукий меъёрларга асосланган ҳолда ўз ифодасини топган. Ушбу қонуний асослар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддаси *«Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган чеклашлар бундан мустасно. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сирини ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина чекланиши мумкин»*. Демак, ушбу модда журналистларни суд жараёнларида иштирок этиб, ахборот олишлари нафакат касбий ҳуқуқи, балки конституциявий ҳуқуқи ҳам ҳисобланади.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 113-моддасида судларнинг ҳамма ишлари очик қўрилиши белгиланган. Қонунда белгиланган ҳолатлардагина

¹ Статъя 6. Европейской конвенции по правам человека // Досье по правам человека. №3, Русская версия. Изд-во Совета Европы. 1994. 21-б.

ишлар ёпик мажлисда кўрилиши белгилаб қўйилган. Демак, очик суд жараёнларини ёритишга киришаётган журналистнинг энг асосий курали Конституциянинг 29- ва 113-моддалари бўлиб, уни конституциявий ҳуқукидан маҳрум қилган ҳолда суд залини тарк этишини талаб қилишга ҳеч кимнинг, ҳатто судьянинг ҳам ҳаққи йўқ. Суд ишларини кўриш амалиётида ҳар доим ҳам судларнинг очик мажлисларида иштирок этиш таъминланмайди. Чунки «Судлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ журналистларнинг очик суд мажлисларида қатнашишларини ишни кўраётган суд раиси белгилайди. Аксарият ҳолларда махсус талабнома бўлмаса, суд жараёнларига журналистлар қўйилмаслик ҳолатлари миллий тажрибада кўп учрайди.

Учинчидан, журналистлар касбий фаолиятини амалга оширишни тартибга солишчи Ўзбекистон Республикаси «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ушбу моддага кўра, журналист ҳар қандай очик суд мажлисида ҳозир бўлиш ҳуқуқига эга. Демак, суд жараёнларида иштирок этиш журналистнинг касбий ҳуқуқи ҳисобланади. Лекин ҳамма журналистлар ҳам суд жараёнларини ёритиш салоҳиятига эга эмас. «...аксарият ҳолларда журналистлар ўзлари билмаган ҳолда суд процесслари билан боғлиқ жараёнлар ҳақида самарасиз ахборот таркатадилар, жумладан:

- *ҳуқуқий ҳаттоликларга йўл қўядилар;*
- *суд жараёнининг ижтимоий моҳиятини очиб беролмайдилар;*
- *жиноятга жазо муқаррарлигини тўғри қўйиш ўрнига, жиноят тафсилотларини баён этишга берилиб кетадилар;*
- *жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларини таҳлил этиб беролмайдилар».¹*

Бу, аввало, журналистларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ихтисослашуви билан боғлиқ масала бўлиб, соҳага кизикадиган

¹ Ўсаров О. ОАВ ва суд ҳокимияти муносабатлари. Ўзбекистон амалиёти ва халқаро тажриба. – Тошкент., 2013. 121-б.

журналистларнинг кўп жихатдан ҳукукий билимларни яхши ўзлаштиришларини такозо этади. Қолаверса, адолат ва ҳолислик мезони мазкур йўналишда ихтисослашган журналистлар фаолиятининг юксак маъғи бўлиб қолиши керак.

Очиқ ва ёпик суд жараёнларида журналист иштироки

Суд жараёнларининг очик мажлисларида иштирок этиш журналистнинг касбий ҳукуки дедик. Бу ҳуқуқнинг кафолати амалиётда қандай таъминланганлигини билишдан аввал очик ва ёпик суд мажлислари деган тушунчаларнинг мазмун-моҳиятига аниклик киритиб олсак.

Авалло, жиноят ишлари бўйича судлов Жиноят процессуал кодекси (ЖПК) билан тартибга солинади. Суд жараёнлари икки хил кўринишда ўтказилади:

1. Очик суд жараёни

2. Ёпик суд жараёни

Судда ишларнинг ошкора кўрилиши деганда, шундай суд процесси назарда тутиладики, унда ишлар қонунда белгиланган ёшда бўлган ва суд залига келишни истаган фуқаролар иштирокида кўрилади, процесснинг бориши ва натижалари матбуотда эркин эълон қилиниши, радиода эшиттирилиши ёки бошқа воситалар ёрдамида қенг оммага етказилиши мумкин. Ишларни очик ёки ёпик суд мажлисида кўриш ҳамда судлов фаолиятида ошкоралиқни қенгайтириш тартиби ЖПКнинг 19-моддасида белгиланган.¹

Мазкур модлага кўра, барча судларда (давлат сирларини кўриклаш манфаатларига зид қеладиған, шунингдек, жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўриладиған қолларни истисно қилганда) жиноят ишлари ошкора кўрилади. Бундан ташқари, ўн саккиз ёшга тўлмаған шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни, шунингдек, фуқароларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни ёки уларнинг шаъни ва кадр-

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. <http://www.lex.uz/acts/111453>

кимматини камситадиган маълумотларни ошкор қилмаслик мақсадида жабрланувчининг, гувоҳнинг ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, худди шунингдек, уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш такозо этган ҳолларда бошқа ишларни ҳам суд томонидан ажрим чиқариб, ёпик суд мажлисида кўришга йўл қўйилади. Шахсий ёзишма ва шахсий телеграф хабарномалари очик суд мажлисида фақат бу хат ва хабарларни жўнатган шахсларнинг розилиги билан ошкор қилиниши мумкин. Акс ҳолда, улар ёпик суд мажлисида ўқиб эшиттирилади ва текширилади. Бундай ҳолларда ҳам суд ўзининг ажримини чиқариши шарт.¹ Демак, суд тўлалигича ёки қисман ёпик ўтказилиши мумкин. Суд жараёнини ёритиш учун келган журналистлар ёпик суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслар. Нима учун журналистларнинг ёпик суд мажлисида иштирок этмаслигига аниқлик киритиш учун ёпик судловда қандай ишлар кўрилишига аниқлик киритиш зарур бўлади.

Журналист Карим Баҳриев журналист ёпик суд мажлисида қатнашишга йўл қўйилмаса ҳам, у ишнинг ёпик мажлисида кўрилиши асослантирилган ажрим билан танишишга ҳақлидир, деб ҳисоблайди. Чунки «Жиноят процессуал кодекси»нинг 19-моддасига кўра, ажрим ошқора қилиниши шарт бўлган суд ҳужжатидир. Бундан ташқари, судловнинг ошқоралиги одил судловнинг бош тамойилларидан бири бўлиб, журналистлар ва судьяларнинг муносабатини яхшилашга ва ривожланишига туртки беради.

Ушбу моддада «Суд залида овозларни ёзиб олиш, фотосуратга, видеоёзувга ва кинотасвирга олишга фақат суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилади, бу ҳақда тегишли ажрим чиқарилади» дейилган. Демак, ОАВ ходимлари суд залида турли хил техник воситалардан фойдаланишлари учун суднинг рухсатини олишлари шарт.

¹ Ўша манба.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 19-моддасида белгиланганидек, судлар фаолиятида ошкораликни кенгайтириш учун зарур ҳолларда судлар оммавий ахборот воситалари ходимларига, тегишли жамоат бирлашмалари ва жамоаларга бўладиган процесслар тўғрисида хабар бериши, шунингдек, очик суд мажлисларини бевосита корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда сайёр суд мажлиси тартибида ўтказиши мумкин.

Суд фаолиятига оид маълумотлардан оммавий ахборот воситалари вакилларининг эркин фойдаланиши – демократик жамиятнинг долзарб масалаларидан бири. Шу боис, демократия қарор топган илғор давлатларда судлар транспарентлигига алоҳида эътибор қаратилади.

«Транспарентлик» *умумжаҳон ҳуқуқий атамашунослигида одил судловнинг очиқлиги, ошкоралиги ва оммавийлиги маъносини англатади.* Судларнинг транспарентлиги эса шунчаки истак эмас, балки халқаро ҳужжатларда белгиланган талабдир. Бу вазифани фақат ОАВ орқали амалга ошириш мумкин.

Мамлакат қонунчилигида журналистларнинг суд жараёнида иштироки масалалари умумий тартибга солинган. Масалан, суд жараёнларида умумий иштирокчилик (омманинг суд залига кириш учун очиқлиги) махсус (ОАВ ходимлари ва шарҳловчилар), касбий (жараён билан касбига кўра кизикувчи олим, талаба, рухшунос, тиббиёт ходими) иштирокчилар ажратилмаган. ОАВ ходимларининг суд мажлисларида иштироки умумий кўринишда меъёрланган. Шунингдек, қонунчиликда суд қарорини тайёрлаш ва томонларга тақдим этиш тартиби баён қилинган.¹

Бирок судда оммавий ахборот воситалари вакилларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солилмаганлиги бу борадаги ошкораликни сушлаштиради. Амалдаги процессуал қонунчилик ОАВ вакилларини иш ҳужжатлари билан тани-

¹ Ўсаров О. ОАВ ва суд ҳокимияти муносабатлари. Ўзбекистон амалиёти ва халқаро тажриба. – Тошкент, 2013.62-б.

шиш ҳукукига эга бўлган шахслар доирасига киритмайди, яъни судья ОАВ вакиллари процессга қўйиши ёки қўймаслиги мумкин. Қўйган тақдирда ҳам, уларнинг ҳаракатларини чеклаш ҳукукига эга (Аудио ёки видео тасмага туширмаслик ва х.к.). Бу эса Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 113-моддаси ҳамда «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасига зид келади. Бундай ҳолат қонун ҳужжатларида жиддий зиддиятлар борлигини кўрсатади. Фуқаролик процессуал кодексида эса бундай модда йўқ.

Амалдаги ОАВ фаолиятига доир қонунчилик журналистга ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқини беради. Аммо у терговчи, прокурор ёки судьядан фарқли ўлароқ, ўз манбасидан ахборотни талаб қилиб олишга, бирор-бир процессуал ҳаракатлар ўтказишга ҳақли эмас. Журналист текширувини прокурор ёки терговчининг суриштирувидан фарқлай олиш лозим. Гап журналистнинг ўзини қизиқтирган факт ёки ҳодисани чуқур таҳлил ва тадқиқ қилиши ҳамда ҳар томонлама исботланган мақола ёзиши, чоп этиши, умуман, тарқатиши хусусида кетмоқда. Бу ҳаракатлар журналистга қонунчилик томонидан берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда журналистнинг сўз эркинлиги масъулияти доирасида олиб борилиши лозим. Журналист томонидан суд жараёнларининг ёритилиши, аввало, айбсизлик презумпциясига амал қилиш, фуқароларнинг шаъни, кадр-қиммати ва обрўсини муҳофазалаш, судьялар мустақиллигини таъминлаш зарурлиги билан чегараланган ўзига хос хусусиятга эга.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 327-моддасига асосан, «Муайян жиноят тўғрисида матбуот, радио ва телевидение, ҳужжатли кинофильмлардаги, шунингдек, оммавий ахборот воситаларига йўлланган, лекин эълон қилинмаган хатлардаги хабарлар жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлади.

Жиноят тўғрисидаги хабарни эълон қилган ёки тегишли жойларга юборган оммавий ахборот воситалари, шунингдек, бу хабар муаллифлари суриштирувчи, терговчи, про-

курор ёки суднинг талабига асосан ўз ихтиёрларида бўлган ҳужжатларни ва хабарни тасдиқловчи бошқа материалларни тақдим қилишлари шарт».¹

Айбсизлик презумпцияси

Айбсизлик презумпцияси жиноят ҳукукининг асосий таъминларидан бири ҳисобланиб, айниқса, ОАВ ходимлари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Айбсизлик презумпциясининг журналистик фаолиятдаги ўрни ҳақида гапиришдан олдин ушбу атаманинг маъносига тўхталиб ўтамиз.

«**Айбсизлик презумпцияси** (лотин. *presumptio* – фактнинг тескараси исботлангунича юридик жиҳатдан тўғри ҳисобланиши)... жиноят-ҳуқуқий қонунчилик принципининг асосини ташкил этади ҳамда одил судловнинг асосий принципларидан бири ҳисобланади».²

Айбсизлик презумпцияси – айбдорнинг жинояти қонуний тартибда исбот қилинмагунча уни айбсиз деб фараз қилиш. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний қучга қирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас. ЖПКнинг 23-моддасида кўрсатилишича, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари бўлмаса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Айбсизлик презумпциясининг илк белгилари қачон пайдо бўлганлиги ҳақида турли тадқиқотчилар ўзларининг тур-

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. <http://www.lex.uz/acts/111453>

² Баҳриев К. Ахборот ҳукуки: оммавий ахборот воситалари ва журналистлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари, тўплам. – Тошкент.: 2001. 109-б.

лича ёндашувларини берадилар. Кимдир уни дастлаб кадимги яхудий конунларида пайдо бўлган деса, кимдир уни кадимги Рим конунлари билан боғлаб, XII аср Италия ҳуқуқида айбсизлик презумпцияси расман амал қилганини таъкидлашади. Нима бўлганда ҳам ҳали бу даврларда айбсизлик презумпциясининг моҳиятини тушуниб қўллаш ҳолатлари ҳозиргидай ҳамма учун аҳамиятли эмас эди. Яъни у ҳаммага тааллуқли бўлмай, жамиятнинг маълум катламлари ҳуқуқини ҳимоя қилган.

«Бунга қарши ўларок, айбсизлик презумпциясининг барча учун тенг бўлиши кераклиги ҳақидаги назария – Кано-никал ҳуқуқда вужудга келган. Мазкур мактаб вакиллари ўз қарашларини, инсон фитратан гуноҳсиз бўлади, шунинг учун презумпцияни барчага қўллаш керак, дея асослашган.

Айбсизлик презумпциясининг бугунги кундаги киёфаси Уйғониш даврига келибгина аниқ шаклга эга бўлди. У конуний принцип сифатида илк маротаба 1789-йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари тўғрисида»ги Франция декларациясида ўз ифодасини топди. XVIII асрнинг 2-ярмида айбсизлик презумпцияси ҳар бир инсонга қафолатланган асосий конституциявий ҳуқуқ сифатида тўла эътироф этилди. Унинг замонавий конун тизимларида катъий ўрнатилиши XIX асрда юз берди. Лекин барча жабҳаларда инсон ҳуқуқлари тўла эътироф топган XX асрда ҳам айбсизлик презумпциясини инкор қилувчи тузум ва давлатлар мавжуд эди. Масалан, 30-йилларда Италия ва Германияда ҳукм сурган фашистлар диктатураси бу принципни расман инкор этди. Иккинчи жаҳон уруши даврида мазкур давлатларда миллионлаб одамларнинг судсиз, ҳукмсиз қатл этилгани тарихий ҳақиқатдир».¹

Айбсизлик презумпцияси тамойилларига жиддий ёндашув XX асрнинг иккинчи ярмида кўпроқ қузатилишига қарамай, уни турли давлатларда амалиётга турлича татбиқ қилинади. Масалан, АҚШ конунчилигида айбсизлик презумпцияси та-

¹ *Мамадиев Б.* Айбсизлик презумпцияси: тарих ва талқин. <https://kundalik.wordpress.com/2010/03/08/aybsizlik-prezumpsiyasi-tarix-va-talqin/>

мойили XIX асрнинг охирларида кириб келган. АҚШ Консти-туциясида айбсизлик презумпциясига тааллуқли бўлган мах-сус моддалар йўқ, аммо киритилган қўшимчалар бор. Жумла-дан, 5-6- ва 14-қўшимчалар айбсизлик презумпциясига амал қилишни белгилаб беради.

Буюк Британияда айбсизлик презумпцияси Англия фукаролар урушидан сўнг қарор топиб, ундан дастлаб асо-сан пулдор катлам фойдаланган. Шунга карамай, айбсизлик презумпциясининг жорий этилиши суд ишларида далиллар-ни сохталаштириш, гувоҳларни қўрқитиш ва айбланувчилар бўйнига жиноятларни мажбурлаб қўйиш ҳолатларини камай-тирган.

Австралия конунчилигида айбсизлик презумпция-си тамойили Англиядан кириб келган. Унга кўра, дастлаб Австралиянинг кашшок аҳолиси айбсизлик презумпцияси химоясидан фойдалана олмаган. Бу ҳолат XX асрнинг охир-ларигача давом этиб, турли ҳолатларда айбни исботлаш масъ-улиятини айбсизлик презумпциясига зид равишда талкин этилган. Лекин, барибир, асосий тамойил сифатида полицияга юкланган айбни исботлаш масъулияти ўзгармаган.¹

Айбсизлик презумпциясига амал қилинишининг қафолат-ловчи ҳукукий меъёрлар қатор халқаро ва миллий ҳукукий ҳужжатларда ўз аксини топган. Жумладан, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 11- моддаси:

«Жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очиқ суд маж-лиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланишга ҳақлидир». Маълумки, содир этилган жиноятлар ёки суд жараёнлари ҳақидаги маълумотлар ОАВ орқали эълон қилиб борилади. Суд жараёнларини ёритиш жа-раёнида эса айбсизлик презумпцияси амал қилиниши талаб этилади. Ушбу модда эса шахснинг айби исботланмагунча у ҳақдаги маълумотларни ОАВнинг маълум тури орқали оммага ошқор қилмаслиқни қафолатлайди.

¹ Ўша манба.

«Фукаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Халқаро пакт» ва «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Европа Конвенцияси ҳам айбсизлик презумпциясига амал қилиниши қатъий белгилаб қўйилган.

Миллий қонунчилигимизда ҳам ушбу принципнинг ҳуқуқий қафолатлари ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасига кўра, «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади...» Мазкур модда айбсизлик презумпцияси принципини ҳуқуқий қафолатловчи Конституциявий меъёр ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида ҳимоя ҳуқуқи суд ишининг дастлабки босқичидан, яъни шахс жиноят содир этишда гумон қилиниб, қўлга олинган вақтдан бошлаб амалга ошириши таъминланади. Айбсизлик презумпцияси бўйича жиноят ҳуқуқининг муҳим тамойили сифатида миллий қонунчиликда қатъий белгиланган меъёр бўлиб, эндиликда умумэтироф этилган халқаро меъёрлар мазмунига тўла мос келади.

Ўзбекистонда айбсизлик презумпцияси тўлиқ жорий этилганига қарамай, унга амалиётга татбиқ этмаслик ҳолатлари, афсуски, кўриниб қолади. Масалан, тергов жараёнида айбланувчининг шубҳа билан узок вақт қамоқда ушлаб туриш амалда айбсизлик презумпциясининг бузилишига мисолдир. Тўғри, бундай ҳолатларда айбланувчига нисбатан бундай ёндашув эҳтиёт чораси сифатида қилинади. Ваҳоланки, гумондорга нисбатан қучли шубҳа бўлган тақдирда ҳам эҳтиёт чораси сифатида қочиб кетмаслик ҳақида ёзма тилхат олиш орқали уни айби исботланмагунча озодликда юриш имконини бериш зарур, бизнингча.

«Демократия тантанаси кенг тараннум қилинаётган бугунги замонавий дунёда айбсизлик презумпциясига зид ҳаракатлар учраб турибди. Бундай ҳолатлар нафақат жиноят-судлов процессидаги айрим мутасаддиларнинг қонуний ме-

зонларга нотўғри ёндашувлари оқибатида, балки давлатларнинг қабул қилаётган қонун ҳужжатларида ҳам юзага келаётир.

Масалан, Австралиянинг Янги Жанубий Уэлс штати Парламенти томонидан 2004 йил 3 июнда қабул қилинган бир қонунга кўра, жиноят қилишда айбланиб, суд ишига жалб қилинган шахслар қамоқда сақланмасликлари учун асосли сабаблар келтиришлари шартлиги белгилаб қўйилган. Бу очиқдан-очиқ айбсизлик презумпциясига зиддир. Чунки бундай ҳолатда айбланувчи эмас, балки айбловчи унинг қамоқда сақланиши кераклигига исбот топиб бериши керак».¹

«Айбсизлик презумпцияси» сарлавҳали мақола муаллифи Б.Мамадиев айбсизлик презумпциясига амал қилмаслик қандай оғир оқибатларга олиб келишини ушбу мақолада келтирган бир мисол билан изоҳлашга ҳаракат қилади. Унинг ёзишича, 1925 йилда АҚШнинг Шимолий Королина штати, Голдсборо шаҳарчасида яшовчи 25 ёшли қора танли камбағал фуқаро Юниус Вилсонни бир аёлни зўрлашда айбдор деб ҳукм қилинади. У ақлий заиф деб топилиб, қора танлилар руҳий шифохонасига жўнатилади. 1970 йили унинг иши қайта кўрилиб, Вилсонга қўйилган айблов бекор қилинади. Лекин унинг касалхонадан расман чиқиб, озод бўлишига яна 18 йил вақт кетади. Шундан сўнг унга алоҳида уй бериш, доимий қаровчи хизматкор тайинлаш ҳақида суд қарори чиқади. Лекин бу пайтда у умрининг аксар қисмини касалхонада ўтказган бўлади. Нохалик қурбони бўлган Вилсон 2001 йилда вафот этади. Энг қизиғи, унга қиммат қўйгани ҳанузгача аниқланмаган.²

Бундай воқеаларни, яъни айбсизлик презумпциясига амал қилмаслик туфайли айбсиз айбдорларнинг азият чекиши ҳолатлари қатор мамлакатлар жиноят ҳукуқи амалиётида учраб туради.

2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституция-

¹ Ўша манба.

² Ўша манба.

си қабул қилинганлигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан афв этиш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси тарихида илк бор судланган 2700 кишига нисбатан афв қўлланилади.¹ Ана шу маҳбусларнинг ичида жинояти исботланмаган, лекин катта муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар ҳам йўқ эмас эди. Мана шундайлардан бири, собиқ маҳбуснинг иккори:

*«Ўзим журналистман. Оилам билан Учтепа тумани Алгоритм мавзесидаги қўпқаватли уйларнинг бирини ижарага олиб, қўчиб бордик. Қўни-қўшиларни ҳали унча яхши билмасдим. Бир куни кечқурун қўшим ифторликка чақириб қолди. Ўзбекчилик, кирдим, баҳонада қўни-қўшилар билан яқиндан танишаман, деб ўйладим. Аммо уй эгаси ноқонуний диний хатти-ҳаракатлари туфайли кузатувда экан. Шу куни ифтор маҳали уйни ҳуқуқ-тартибот органлари босди. Ҳаммамизни олиб кетиб, қамашди. Мен воқеа қандай бўлган бўлса, шундай кўрсатма бердим. Ишониммади, уйимда тинтув ўтказишди, қишлоқдаги ота-онам, қариндош-уруғларгача текширишди. Узоқ тергов қилишди, мен улар қўйган айбни бўйнимга олмадим. Чунки чиндан ҳам улар билан ҳеч қанақа алоқам йўқ эди. Шунга қарамай, ўша одамлар билан бирга 11 йилга қамоқ жазосига маҳкум қилиндим. Мени Мўйноққа жўнатишди. Аммо ўша ерда ҳам ўзимнинг айбсиз эканлигимни исботлаш учун муттасил юқори идораларга, Ўзбекистон Республикаси Олий суд, Конституциявий суд, Инсон ҳуқуқлари бўйича омбудсман, ҳатто Президентгача ёздим. Охири етти ярим йил деғанда Президент Ш.Мирзиёев ёзган аризамни қабул қилди ва мени афв этди. Айбсизлигим исботланди ва яна ўз ишимга тикландим».*² Тўғри, кеч бўлса ҳам ҳақиқат қарор топди. Аммо ўтган етти ярим йил вақт оралиғида бу инсон оиласини, соғлигини бой берди. Аёли унинг қайтишига кўзи етмай, икки фарзанди бўлишига қарамай, ажрашди ва бошқа турмуш қилди.

¹ <http://qalampir.uz/news/prezident-avf-etgan-2700-nafar-maxkum-kim-14728>

² Муаллифларнинг авф этилган шахс билан уюштирган суҳбатидан.

Умуман, шахс дахлсизлиги, айбсизлик презумпцияси билан боғлиқ ҳолатларга роя этмаслик, бу соҳага тааллуқли бўлган ахборотни етказувчи ОАВ фаолиятида кўпроқ кўзга ташланади. Буни филология фанлари номзоди, ҳуқушунос журналист О.Ўсаров шундай изохлайди:

«Дарҳақиқат, сўнгги йилларда журналистларни айбсизлик презумпциясини бузиш»да айбланиш ҳолатлари кўп кузагилмоқда. Баъзан ОАВ таҳририятлари ва журналистлар улардан расман узр сўрашмоқда. Аммо бу амалиёт ҳуқуқий асосга эга эмас. Негаки, айбсизлик презумпцияси факат жиноят-судлов процессидагина амал қилишини унутмаслик керак. Уни бошқа жараёнларга, хусусан, ОАВ орқали танқид қилинадиган объектларга нисбатан қўллаш ҳатодир. Бирок суд процессларини ёритишда журналистлар айбсизлик презумпциясига амал қилишлари шарт»¹.

Олим юкоридаги фикрларини россиялик олимлар А.М. Магомедов, А.И. Сергеев, В.И. Швецовнинг бу борадаги хулосалари билан асослайди. Уларнинг таъкидлашича, айбсизлик презумпцияси ОАВ таркатадиган ахборотларга ҳам тааллуқлидир, яъни «...шахснинг айбдорлиги тўғрисидаги ҳар қандай фикрлари ва хулосалари қонуний ҳукм чиқарилгунча ва қучга киргунча юридик аҳамиятга эга эмас; бунга ҳуқуқ позициясидан ҳам, ахлоқ қоидаларидан келиб чиқиб ҳам йўл қўйиш мумкин эмас. Гап оғзаки ва ёзма хабарлар, интервьюлар, ОАВ нашрлари ҳақида бормоқда. Улар айбсизлик презумпциясига зид бўлиб, қонунларни бузиш ҳисобланади, бу эса, жамоатчилик фикрини қалғитади, айбланувчини мудлатидан олдин, гоҳида бекордан-бекорга обрўсизлантиради, судларга салбий таъсир қўрсатади».² Бу фуқаролар ўртасида тушунмовчиликларга сабаб бўлиб, уларнинг ифодаси ўлароқ, ижтимоий тармоқларда баҳс-мунозаралар, муҳокамаларни келтириб чиқаради. Шунинг

¹ Ўсаров О. Оммавий ахборот воситалари ва суд ҳокимияти муносабатлари: Ўзбекистон амалиёти ва халқаро тажриба. Монография. – Тошкент: 2013. 101-б.

² Ўша манба.

учун «xabar.uz» ахборот-таҳлилий портали шахс дахлсизлигига оид саволлар билан Ўзбекистон Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили(омбудсман)га қуйидагича савол билан мурожаат қилган.

Ҳозирги кунда айрим телевидение, газета ва сайтларда айби исботланмаган гумондорларнинг юзини, исм-фамилияси, манзили ёки автомашинасининг давлат рақами ва бошқаларни оммага кўрсатиш ҳоллари кўп учрамоқда. Жинояти ҳали исботланмаган гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ҳақида маълумот тарқатиш мумкинми? Бу шахс дахлсизлигига нутур етказмайдимиз?

– Ўзбекистон Конституциясининг 26-моддасида жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги белгиланган.

Шу билан бирга, Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишида айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади.

Гарчанд «айбсизлик презумпцияси» миллий қонунчиликда конституциявий меъёр билан, шунингдек, ОАВга тааллуқли қонунларда унинг қанолатланиши махсус молдаларда белгиланган бўлса-да, амалиётда бу меъёрларга риоя этмаслик ҳоллари учрайди. Мисолларга мурожаат этамиз.

24 ноябрь куни Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги сайтида «Шайхонтоҳурда экстремист аёл қўлга олинди» деб номланган хабар-мақола эълон қилинди. Ўша заҳоти бошқа интернет нашрлари бу хабарни кўчириб босишга киришиб кетишди. Мақолада айтилишича, тошкентлик У. Узоқова «Ҳизбут-таҳрир»га алоқадор варақа тарқатаётган пайтда ҳибсга олинган.

Биз фуқаро Узоқова амалга оширган жиноят тафсилотларига тўхталмоқчи эмасмиз. Ҳодиса бўйича ЎЗА мухбири Норгул Абдураимова томонидан эълон қилинган зерикарли хабар-мақолани ҳам таҳлил қилиб ўтирмаймиз. Бу ерда эътиборга

молик иккита муҳим жихат бор. Аввало, мақола сарлавҳасида журналист Норгул Абдураимова қўлга олинган аёлни экстремист деб атамоқда. Мақола давомида эса «ҳодиса юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилаётгани» маълум қилинган.

Модомики, ҳали тергов ҳаракатлари давом этаётган, Узоқовага нисбатан экстремизм бўйича суд ҳукми эълон қилинмаган экан, расмий ахборот агентлигида уни экстремист деб аталиши диққатга сазовордир. Норгул Абдураимова ҳали суд қарори чиқмасдан туриб, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва журналистнинг касбий этикасига зид равишда гумондорни «экстремист» деб атамоқда ва мамлакатнинг биринчи рақамли ахборот агентлиги буни эълон қилмоқда.¹

www.xabar.uz сайтида журналист Т.Ақбаровнинг «**Озодлик**»ка: **шармандага шахар тор-у, дунё кенгми?**» сарлавҳали мақоласида «Озодлик» радиосининг айбсизлик презумпциясини қўпол равишда бузганлиги ҳақида ёзади: «Ақсарият чиқишлари билан кўпларнинг эъсасини котирадиган «Озодлик» радиоси навбатдаги «сенсация»сини эълон қилди: «Фарғонада бешариклик тадбиркор иккинчи хотинини арматура билан уриб, бурнини синдиргани учун жиноий жавобгарликка тортилмоқда!»

Албатта, таассуф: жиноий жавобгарликкача бориб етаётган оилавий-маиший муаммолар кам эмас. Бунақа муаммолар фожиали якун топаётир, ҳатто. Гап оилавий муаммоларнинг жиноий интиҳоси ҳақида борар экан, бу хусусда материал тайёрлаш жараёнида инсон шаъни билан боғлиқ нукталарга ҳурмат билан ёндашиш талаб этилади. Бундай меъёр қонун даражасида тартибга солингани бежизга эмас. «Озодлик» эса ушбу хабари билан инсон шаъни, кадр-кимматини ер билан битта қилибдики, буни ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди.»²

¹ <https://sof.uz/news/show/12851-aybsizlik-prezumpciyasi>

² *Ақбаров Т.* «Озодлик»ка: шармандага шахар тор-у дунё кенгми?» <https://www.xabar.uz/jamiyat/ozodlikka-sharmandaga-shahar-tor-u-dunyo-kengmi>

Мақолада бўлиб ўтган ушбу фожианинг қисқача тафсилоти келтирилади. Бешариклик тadbиркорнинг хотинини ўлдириш билан боғлиқ фожа юзасидан «Озодлик»нинг талқинига мақола муаллифи ўз муносабатини билдиради. *«Ҳамма бало шундаки, «иш»ни очиқлаш жараёнида жабрланувчининг исми-шарифи, ҳатто сурати (!) ҳам эълон қилиб юборилган! Бу бориб турган фаросатсизликдан бошқа нарса эмас! Инсон шаъни, қадр-қимматига боғлиқ жиноятлар ҳатто судларда (!) ҳам ёпиқ тарзда кўриб чиқилади. «Ҳуқуқ ҳимоячилиги»га даъвоси улкан «Озодлик» эса азбаройи «сенсация» кетидан қувибми, қонунгаям, инсон шаънигаям тўпурганини қаранг?! Ғалатчилиги, «Айбсизлик презумпцияси» дея судланувчининг исми-шарифини сир тўтибди, суратини ҳам одам танимайдиган қилиб «бежабди». Бироқ жабрланувчига келганда, бунинг тескарисини қилгани, шармандлик бўлмай нима?!»* Ушбу келтирилган парчада кўринадики, «Озодлик» бир пайтнинг ўзида икки хил ҳолатда ўз ёндашувини кўрсатмоқда. Биринчи ҳолатда гўё айбсизлик презумпциясига амал қилиб, айбланувчининг юзини ёпиб беряпти. Иккинчи ҳолатда эса шахснинг шаъни, обрў эътиборини оёкости қилиб, жабрланувчи ҳақидаги ахборотни ўқувчи батафсил беряпти. Шу маънода журналист Т. Акбаровнинг ушбу мақолага билдирган муносабати ва танқиди асосли, бизнингча.

«Айбсизлик презумпциясининг бузилиши ОАВ орқали содир этилса, аянчли оқибатларни келтириб чиқариши муқаррар. Чунки матбуотда эълон қилинган ахборот жамоатчиликда айбланаётган шахсга нисбатан нотўғри фикрни шаклланишига сабаб бўлиб қолади (Эхтимол, у суд томонидан айбсиз деб топилар). Шунингдек, айби ҳали суднинг ҳукми билан исботланмаган шахслар ҳақида ОАВда нотўғри маълумотларнинг тарқалиши процессга таъсир ўтказиш тарзида ҳам баҳоланиши мумкин».¹

¹ Ўша манба.

ОАВда айбисизлик презумпциясига амал қилишдан кўзланган асосий мақсад ОАВда узатишган ахборот орқали кимнингдир ноҳақ айбланиб қолишига сабабчи бўлмаслиқдир. Бегуноҳларни жазога тортилишининг олдини олишдир. Журналист ахбороти кези келганда жуда катта кучга айланади. Айниқса, ҳуқуқий мавзуларни ёритишда йўл қўйилган арзимаган ахборий камчилик катта салбий оқибатларга олиб қилиши мумкин. Бу мавзунинг ўрганишдан асосий сабаб ҳам журналистларнинг ҳуқуқий мавзуларни ёритишдаги мазкур масалада ҳуқуқий билим ва тасаввурга эга бўлишларини кўзда тутади.

ЖУРНАЛИСТ ҲУҚУҚИ, МАСЪУЛИЯТИ ВА МАЖБУРИЯТИ

Журналист ҳуқуқининг қонуний жиҳатдан ҳимоя қилиниши

Турли соҳаларда содир бўладиган муаммо ва камчиликларнинг қилиб чиқишига бир қатор омиллар сирасига ўша соҳанинг тартиб-қоидаларини яхши билмаслиқ сабаб бўлади. Бундан журналистика соҳаси ҳам мустасно эмас. Журналистиканинг пайдо бўлгани ва расмий тан олинганига ҳам тўрт юз йилга яқин вақт ўтди. Унинг ҳуқуқий қафолатлари ҳақидаги дастлабки меъёрларнинг юзага келганига эса икки аср бўлган. Шу маънода журналистика соҳа сифатида ўзининг илмий-назарий асосига, амал қилиши лозим бўлган қонуниятлари, тамойилларига, асрлар давомида шаклланган анъана ва қадриятларига эга бўлди. Унинг фаолияти, мазмуни ва вазифалари аниқ. Шунга қарамай, уларни амалга оширишда турли муаммо ва камчиликлар юзага келади. Уларни қилтириб чиқарадиган омиллардан бири журналистларнинг ўз ҳуқуқларини яхши билмасликлари туфайлидир.

Сир эмас, амалий фаолият олиб бораётган журналистлар орасида касбий ҳуқуқ деганда, фақат ахборот олиш ва узатишни тушуниш билан қифояланувчилар талайгина. Хўш, журналист касбининг мазмуни нимадан иборат? Журналистлар ўз ҳуқуқларини бугун қай даражада билади? Умуман, журналист

касбини амалга оширишнинг қонунуний тартиби, ҳуқуқий ҳимояси борми?

Журналист ҳақида гап кетганда, биринчи айтиладигани унинг ижодий касб эkanлигидир. Дарҳақиқат, журналистика ижодий соҳа, журналистлик ижодий касб. Унинг асосини табиат ва жамиятда содир бўлган воқеаларни ёритиш ётади. Журналистлик бевосита ОАВнинг бирор турида ишлаш, унга материаллар тайёрлаш, нашрлар ва ахборот воситаларини чиқариш ва тарқатишда бевосита иштирок этиш, фаолият олиб бориш демакдир. Унинг энг асосий ҳуқуқи ахборот олиш, қайта ишлаш ва узатишдир. Аммо ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш фақат журналистгагина тааллуқли ҳуқуқ эмас.

Ўзбекистон Конституциясининг 29-моддасида **«Хар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга»** деб қаролатилган. Демак, ахборотни ҳамма олиши мумкин. Унда журналистнинг ҳуқуқ ва бурчлари қонунчиликда қандай қаролатилган?

Журналистнинг ҳуқуқлари, бурчлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-, 4-, 6-, 9-, 10-, 25-, 26-, 28-моддаларида, «Ахборот олиш қаролатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонуннинг 3-, 8-, 10-13-моддаларида қаролатилган. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг моҳияти бевосита журналист фаолиятига тааллуқли. Мазкур қонуннинг мақсади журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Маълумки, ахборот журналистика учун ҳаётий зарурат. Аммо уни осонликча қўлга киритиб бўлмайди. Журналист бирор бир объектга ахборот олиш учун муружаат қилса, ундан фуқаролик шахсини тасдиқловчи ҳужжат – паспортдан ҳам олдин, журналистлигини тасдиқловчи ҳужжат – гувоҳнома талаб қилинади. Ушбу ҳужжат журналистнинг ҳуқуқий макomini белгилайди. Ахборот олишлари учун журналист, биринчи навбатда ҳуқуқий макомга эга бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида ушбу ҳуқуқ белгилаб берилган. Унга кўра, **«Журналист меҳнатга оид ёки бошқа шартномавий муносабатлар асосида оммавий ахборот воситалари учун хабарлар ва материалларни тўплаш, таҳлил этиш, таҳрир қилиш, тайёрлаш ҳамда тарқатишга доир фаолиятни амалга оширувчи шахсдир»¹** дейилган. Агар журналист қонуннинг ушбу моддасига мувофиқ ОАВнинг бирор бир турида расмий равишда штатда ёки шартнома асосида ишлайдиган бўлса, унинг ушбу ОАВдаги фаолиятини ифода этувчи ҳужжат – гувоҳнома берилади. Ушбу гувоҳнома журналистнинг касбий фаолиятни амалга оширишга расман рухсат берувчи қонуний асос ҳисобланади. Кўпинча журналистика ихтисослигини битирганлиги ҳақидаги дипломга эга мутахассислар ҳам ўзларининг ҳуқуқий мақомига эга эканликларини қайд этадилар. Ахборот олиш ҳуқуқига эгаман деб ҳисоблаб, турли объектлардан зарур ахборотларни талаб қиладилар. Аммо диплом – мутахассислигини тасдиқловчи ҳужжат, таҳририят томонидан берилган гувоҳнома эса журналистнинг муайян ОАВда, унинг вакили сифатида фаолият олиб боришга расман рухсат берилишини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Тўғри, ҳар ким ўзига тегишли ахборотни олишга ҳақли. Бу бош қомус – Конституциянинг 29-моддасида қайд этилган. Лекин журналист сифатида эмас, фуқаро сифатида ҳақлидир. Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси бу масалага шундай тўхталади:

«Шу ўринда амалиётда журналистга таъриф бериш ва унинг мақомини қўллашда турлича ёндашувлар борлигини инкор этиб бўлмайди. Айниқса, замонавий ахборот технологияларининг турмушимизга фаол кириб келиши билан сўнгги вақтларда айрим оммавий ахборот воситалари орқали бери-

¹ «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни.//lex.uz

лаётган материалларда «мустакил журналист» ёки «фрилансер журналист» сингари янги мақомдаги шахсларнинг имзоларига, уларнинг фаолияти ҳақидаги муносабатларга ҳам дуч келамиз».¹ Чиндан ҳам «журналист», «мустакил журналист», «фрилансер журналист» лар фаолиятида қандай фарқ бор? Уларнинг ҳуқуқий мақоми тенгми, улар аккредитация қилинганми? Чунки хорижий амалиётда журналистларнинг «мустакил журналист» ёки «фрилансер журналист» мақомларида фаолият юритиш қўлами кун сайин ортиб бораётгани ва уларнинг хизматларидан фойдаланиш оммалашмоқда. Чунки ахборот олиш жараёнларида журналистнинг ҳуқуқий мақоми у билан мулоқотда бўлган ҳар қандай ахборот манбаси зиммасига ҳам масъулият юқлайди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «ОАВ тўғрисида»ги Қонунида «тахририят ходими» тушунчаси ҳам келтириб ўтилган. Унда муайян тахририятда штатда ишлайдиган, материалларни тўплаш, саралаш, таҳлил, таҳрир қилиш ҳамда тайёрлаш билан шуғулланувчи шахс тахририят ходими эканлиги белгиланган. Демак, журналист ва тахририят ходими икки ном билан аталадиган, бир хил касбий фаолият билан шуғулланувчи мутахассис экан, деган тасаввур уйғотади. Бу моддага Олий Мажлис депутати Р. Кушурбоев шундай изох беради: «Бир нарсани тан олиш керак: таърифда журналист фаолиятнинг хусусиятлари тўлиқ қамраб олинмаган, яъни унинг ахборотни таҳрир қилиш ва тайёрлаш билан ҳам шуғулланиши келтирилмаган бўлса-да, айни пайтда биз учун муҳим асос сифатида хизмат қиляпти. Ва масаладан четлашмаган ҳолда айтсак, ушбу қонун журналист мақомини белгилаш билан бирга, журналистнинг журналистик фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишини инобатга олсак, бунда журналистнинг бошқа мақомлари назарда тутилмаганини кўради».²

Сўнгги йилларда «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси қизғин мунозараларга

¹ Кушурбоев Р. Мустиқил журналист қим ўзи?// «Хўррият». 13.12.2017.

² Ўша манба.

сабаб бўлмокда. Чунки ахборот технологияларнинг ривожланиши, айникса, интернетнинг ҳамма учун очиклиги туфайли фукаролар нафакат ахборот оляпти, балки ахборот узатиш билан ҳам шуғулланаяпти. Хусусан, интернет тизимида ўз шахсий блоги, саҳифаси ва профилига эга бўлган ҳамда ахборот таркатиш билан шуғулланувчилар фаоллашган. Буларнинг ичида, айникса, блогер фаолияти мазмун-мохиятан журналист касбига (айрим ўринларда айнан) жуда якин. Колаверса, Ўзбекистон Республикаси «ОАВ тўғрисида» (4-модда), «Ахборотлаштириш тўғрисида» (3-модда), «Журналистик фаолиятни химоя қилиш тўғрисида» (3-модда) сингари қонунларда интернетнинг ОАВ тури сифатида эътироф этилиши, блогерлар фаолиятини қайсидир маънода ҳуқуқий жиҳатдан қафолатлайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонунининг (2014 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-373-сонли Қонунига асосан хатбоши билан тўлдирилган – ЎР ҚХТ, 2014 й., 36-сон, 452-модда) 3-моддасида блогер тушунчасига аниқлик киритилган. Унга кўра, **блогер** – Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтига ва (ёки) веб-сайт саҳифасига ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа хусусиятга эга ахборотни жойлаштирувчи, шу жумладан, ахборотдан фойдаланувчилар томонидан ушбу ахборотни муҳокама қилиш учун жойлаштирувчи жисмоний шахс»¹лиги белгилаб қўйилган. Шу маънода, жамиятдаги турли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий маънавий-ахлоқий мавзуларни ёритишда айрим блогерлар маҳоратли журналистлардан ҳеч қолишмаси ҳам, қонуний нуқтаи назардан уларни журналист ҳисоблаб бўлмайди. Чунки уларнинг мақоми журналист мақоми билан тенглаштирилмаган. Бундан ташқари, ушбу масалада қонунга аниқлик киритишни тақозо этади.

Оммавий ахборот билан шуғулланувчи журналист ўз касбий фаолиятини амалга оширишда қандай ҳуқуқларга эга? Умуман, журналист учун алоҳида қафолатланган ҳуқуқ ва

¹ «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
//lex.uz

эркинликлар мавжудми? Албатта, Ўзбекистон Республикасининг «Журналистик фаолиятни химоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасида журналист касбига доир ҳуқуқлари ўз ифодасини топган. Бу ҳуқуқларга қуйидагилар киради:

– ахборотни тўплаш, таҳлил этиш, таҳрир қилиш, тайёрлаш ва тарқатиш;

– ахборот олиш учун давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташиқлотларга мурожаат этиш;

– давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни истисно этган ҳолда ҳужжатлар, материаллар ва ахборотдан фойдалана олиш;

– журналист текишируви ўтказиш;

– ўзи тайёрлаган хабарлар ва материалларни оммавий ахборот воситалари орқали имзосини ёки таҳаллусини қўйиб тарқатиш, уларда ўз фикр-мулоҳазасини ифодалаш;

– давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида ва оммавий тадбирларида ҳозир бўлиш;

– журналистлик фаолиятини амалга ошириш юзасидан мансабдор шахс қабулида бўлиш;

– маълумотларни белгиланган тартибда ёзиб олиш, шу жумладан, зарур техника воситаларидан фойдаланган ҳолда ёзиб олиш;

– судларнинг очиқ мажлисларида, ҳарбий ҳаракатлар майдонларида, табиий офат юз берган ҳудудларда, оммавий тадбирларда ҳозир бўлиш;

– эълон қилишга тайёрланган маълумотларни текишириш учун мутахассисларга мурожаат қилиш;

– башарти қонунни бузишга олиб келадиган бўлса, оммавий ахборот воситаси томонидан берилган топшириқни бажаришни рад этиш;

– ўзи тайёрлаган хабар ёки материалнинг мазмуни таҳрир жараёнида бузилган деган фикрга келса, унга имзо қўймаслик ёхуд уни нашрдан олиб қолишни (эфирга бермасликни) талаб этиш;

– ахборот манбаи ёки муаллифнинг номи сир сақланишини талаб қилиш;

– тақдим этган хабарининг мазмунини оммавий ахборот воситаси бузиб эълон қилиши оқибатида ўзига етказилган маънавий зарар ва моддий зиён қоплатилишини суд орқали талаб қилиш;

– жамоат бирлашмаларига, шу жумладан, журналистларнинг халқаро ташкилотларига кириш ҳуқуқларига эга.¹

Журналист ўзига конун ҳужжатлари билан берилган бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади.

Гарчанд конуннинг ушбу моддасида журналистнинг касбий фаолиятини амалга ошириш жараёнида ҳуқуқлари аниқ кўрсатилган бўлса ҳам, амалиётда фаолият олиб борадиган журналистлар унинг асосан битта банди, яъни ахборот олиш, таҳрир қилиш, таҳлил этиш ва узатишни биладилар ва ундан фойдаланадилар. Аксарият журналистлар конуннинг ушбу моддаси билан яқиндан танишмаганлар. Шунинг учун жамиятдаги воқеа-ҳодисаларни ёритишда бир томонламаликка йўл кўядилар. Зотан, журналистнинг ана шу ҳуқуқларидан келиб чиқиб, ахборот йиғиб уни ОАВда таркатар экан, демократик тузум моҳиятига кўра халқ иродасини ифодалаши лозим. «Халқнинг кўзи, қулоғи ва тили» сифатида ҳокимиятни ягона манбаи бўлган халққа боғлаб туради.

Юқорида ахборот билан ишлашда журналистларнинг ҳуқуқлари аниқ кўрсатиб қўйилганига қарамасдан, кўпинча давлат идоралари сир тутилмаган ахборотларни бермаслик, давлат ҳокимияти, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга, ҳудудларга ташриф буюриш ва уларнинг тадбирларида катнашишни чеклаб, матбуот анжуманларига ташриф буюриш

¹ «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // lex.uz «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни /<http://lex.uz/docs/9540>

ва савол беришни чеклаш, ёзиб олишни чеклаш ҳолатлари со-
дир бўлади.

Бундай ҳолатларни бартараф этиш мақсадида оммавий ах-
борот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув орган-
лари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назорати-
ни таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам
алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтиришга қаратилган
самарали ҳукукий механизмларни яратиш зарур. Бунда, хусу-
сан, давлат ва жамоат бирлашмалари ахборот хизматлари, ме-
диа-гузилмалар ишини фаоллаштириш бўйича кенг кўламли
чора-тадбирларни кўзда тутиш лозим.

Журналистнинг масъулияти ва мажбуриятлари

Ҳуқук бор жойда эркинлик бор. У эса чексиз тушунча. Бу
эркинликни маълум меъёрлар, қоидалар билан тартибга соли-
нади. Журналист ҳуқуқи ахборотни эркин олиш ва ундан фой-
даланишни белгилаяпти. Шу билан бирга, ана шу ахборотдан
фойдаланишда амал қилиш лозим бўлган бурчи, масъулияти,
маълум маънода мажбурияти ҳам бўлиши керак. Юқоридаги
конунда бу жиҳат ҳам ҳисобга олинган бўлиб, касбий фаоли-
ятни амалга ошириш жараёнида журналистлар билиши зарур
бўлган мажбуриятлар ҳам бор. Ушбу мажбуриятлар конуннинг
6-моддасида ўз ифодасини топган. Ўз касбига доир фаолиятни
амалга ошириш чоғида журналист:

– қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси-
нинг халқаро шартномалари талабларига риоя этиши;

– ўзи тайёрлаётган материалларининг тўғри ёки нотўғри
эканлигини текшириши ва ҳолис ахборот тақдим этиши;

– айбсизлик презумпцияси принципига амал қилиши;

– журналистика соҳасининг сирини ошкор этмаслиги;

– журналистларнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидаларига
риоя этиши;

– шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, шаъни ва қадр-
қимматини ҳурмат қилиши шарт.¹

¹ Ўша манба.

Журналист ўз касбига доир ахборотдан шахсий мақсадларда фойдаланиши, ахборот манбаи ёки муаллиф розилигисиз жисмоний шахснинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотларни эълон қилиши, шунингдек, аудио ва видео ёзиш воситаларидан фойдаланиши мумкин эмас.

Журналист қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши шарт. Унга кўра, журналист қонунларга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига амал қилиши, ўзи тайёрлаган материалларнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириши ва ҳолис ахборот тақдим этиши, айбсизлик презумпцияси тамойилларига амал қилиши, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, шаъни ва кадр-кимматини ҳурмат қилиши шарт. Шу билан бирга, журналист ўз касбига доир ахборотлардан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланмаслиги, ахборот манбаи ёки муаллифнинг розилигисиз жисмоний шахснинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлари эълон қилиши мумкин эмас.

Эътибор берган бўлсангиз, ушбу ҳуқуқий меъёрларнинг ҳар бири журналист учун жуда аҳамиятли. Шунинг учун журналистнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этади, шунинг учун дунёда журналистнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилиш жиноят саналади, шунинг учун оммавий ахборот воситалари «тўртинчи ҳокимият» сифатида эъзозланади. Журналист қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши шарт.

Журналистнинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш объекти – ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлардир.

Журналист ахборот олиш учун давлат органлари фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мурожаат этиш ҳамда давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни истесно этган ҳолда

хужжатлар, материаллар ва ахборотдан фойдалана олиш ҳукукига эгадир¹ (5-модда).

Журналистнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларига жиддий ва онгли равишда муносабатда бўлиши кўп жихатдан жуда зарурдир. Сўз – кучли қурол, қонунчилик журналистларга бу қуролдан фойдаланиш ҳуқуқини бериши билан бирга, унинг «кескин тиғи»ни билиб ишлатиш, ғайриқонуний тарзда фойдаланмаслик масъулиятини ҳам юклайди. Агар журналистларга, уларнинг ҳақ сўзларига ноҳақ тажовузлар бўлса (бундай тажовузлар ҳамиша юзага келиб туради), уларни ҳуқуқий йўллар билан ҳал этишга ўрганиш, шунга яраша билими ва тажриба орттириш лозим.

Жамиятдаги сўз эркинлигининг тақдири учун муҳим бир жихат борки, бу журналист шахсининг ўзига боғлиқ. Яъни, гап журналистнинг ҳуқуқий маданияти ва ахлоқий онги билан боғлиқ жихатлар хусусида боради. Журналистлар жамиятда юз бераётган ҳодисалардан, ҳавфли ҳолатлардан огоҳлиги учун, матбуотда ижтимоий уйғоқ фикрни шакллантириш учун ўз ўринларини билган ҳолда имкон қадар беҳато ишлашлари лозим. Чунки ОАВда тарқатилган нотўғри, асосланмаган, уйдирма материаллар, шахват, хирс ва навс вазоҳатларини илоҳийлаштириш, пул учун енгил-елпи ишларни қилиш, маддоҳлик йўлини тутиш, нафақат муайян журналистга нисбатан, балки бутун ОАВга нисбатан берилган баҳо ОАВнинг имижини кўрсатувчи муҳим мезондир. Қолаверса, жамиятдаги сўз эркинлигига, эркин ОАВнинг аҳамиятига нисбатан ишончни сўндиради. Ёлғон гапларни беъмалол чоп этилганини, эфирга берилганини кўриб, халқнинг ОАВдан ҳафсаласи пир бўлади, журналистлардан кўнгли совийди.

Журналистика тезкорликни талаб қиладиган фаолият соҳасидир. Бу дегани шошма-шошарлик қилиш деган эмас. Ҳар қандай шароитда фактларни имкон қадар текшириш лозим. Қолаверса, журналистга «шов-шув»ли материални бера-

¹ Ўша манба.

ётган шахсларнинг асл мақсадларини ҳам мулоҳаза қилиши керак.

Журналист ўз маҳсулотининг тили, оҳангига, сифати-га ҳам жиддий эътибор бериш лозим. Ғазаб билан айтилган ҳақиқатни шивирлаб айтиб ҳам етказиш мумкин. Ҳар ҳолда ОАВнинг тили ҳам жамиятнинг саводхонлигига, маданиятига таъсир этувчи омилдир.

Ўзига берилган эркинлик ва кафолатлардан фойдаланиб, журналист шахснинг шаъни, кадр-қиммати, обрўсини тўқишга ҳаққи йўқ. Бунинг учун улар қонун олдида жавобгардирлар. Агар журналист хатога йўл қўйса, нотўғри ахборот берса, ёки қимнингдир шаънини, кадр-қимматини поймол қилса, белгиланган тартибда қонун олдида жавоб беради. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 100-моддасига биноан, фуқароларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўси ҳимоя қилинади. Шу боис, журналистнинг ижтимоий вазифаси, бурчи ва мажбурияти ундан имкон қадар ҳолис бўлишни талаб этади.

Журналист касбининг икки муҳим жиҳати бор. Бу ҳаққоний ахборот бериш ва ҳолис таҳлил қилишдир. Улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи жиҳатлардир. Яъни журналист имкон қадар тўғри ахборотни бериши керак, уни таҳлил қилаётганда эса томонларга ён босмасдан ҳолис туриши керак. Журналист ҳақиқатпарвар деганда қонунни ҳимоя қилиниши назарда тутилмайди, у ҳуқуқшунос ёки ислохотчи ҳам эмас, у халқ вакили. Халқ учун ОАВ бир томондан мунозаралар юритиладиган минбар, иккинчи томондан фуқаролар учун ахборотлар манбаидирки, халқ у ёки бу қарорга қилиши учун ўз қувваи ҳофизаси билан бирга ана шу хабарларга ҳам асосланади. Журналист тўғри ахборот бериши, ҳақиқатни ёзиши керак, бунинг учун эса етти ўлчаб бир кесишга, Шарққа ҳос бўлган одоб-ахлоқ категориясининг асосий мезонлари, хотиржамлик, ўзгалар шаънини ҳурмат қилиш ва мулоҳазакорликка амал қилиши керак.

Демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга киришган мамлакатда ОАВ-

нинг ўрни бекиёсдир. Журналистлар ўз касбининг ижтимоий аҳамиятини, жамият демократик тизмини-давлатнинг фукаролар фикри ва иродаси билан барпо этилиши ҳамда уларнинг манфаатларига хизмат қилишини таъминлаш учун масъулиятни чуқур англаш зарур. Ҳукукий демократик жамият шароитида энди журналистларнинг ўзи рости ёлғонни ажрата билиши, асосий масъулиятни ўзига олиши керак.

Журналист нисбатан эркин одам, ахборот олиш учун жамиятнинг барча муассасаларига киришга ҳуқуқи бор, унга нисбатан «халқнинг виждони» деган атамалар қўлланса-да, бу – журналистга ҳамма нарса мумкин дегани эмас, албатта. Журналист фаолияти маълум ҳаракатларини бажариш билан боғлиқ бўлганлиги учун кўпинча маънавий-ахлокий жихат муҳим аҳамиятга эга бўлади. Журналист ахборот манбаидан ахборот ундириши учун, аввало, ўрганаётган манбаи ҳақида яхши билимга эга бўлиши, сўзамол, хушмуомала бўлиши лозимки, ахборот берган манба у ҳақда ёмон таассуротда қолмасин. Қолаверса, ахборот манбаининг ахборот беришда розилиги керак бўлади.

Журналист иммунитетини шакллантирувчи омиллар

Дунё ўзгараётгани ёки унинг янгича ривожланиш босқичига ўтаётганини, биринчи навбатда, ҳозирги пайтдаги ахборот жараёнлари мисолида кўриш мумкин. Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари нафақат сайёрамизнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳамда геосиёсий қиёфасини белгилашда, балки ҳар бир мамлакатнинг имкониятларини рўёбга чиқариш, миллий манфаатларининг таъминланишида ҳам муҳим ўрин тутди. Шу боис, муайян давлатнинг куч-қудрати ва салоҳияти унинг ахборотлашиш даражаси билан белгиланиши бежиз эмас. Ички ва ташқи салбий таъсирга миллатда, халқда қандай иммунитет шаклланиши бу борада муҳим аҳамиятга эга. Бугунги воқелик ташқи таъсирлар орасида ахборот ресурсининг таъсири кучайиб бораётганини яққол кўрсатади.

Мутахассисларнинг фикрича, XXI аср маънавий-мафкуравий ахборот омилларининг таъсир кучи моддий ва молиявий ресурсларга нисбатан кўпроқ аҳамиятга эга. Одамларда ахборотга танлаб ёндашувдан кўра, кўр-кўрона ишониш ҳисси устувор.¹ Шу нуктаи назардан глобал ахборот тизимининг шаклланиши, жаҳон миқёсида ахборот жуда тез тарқалиши, умуман, ОАВ ва айниқса, ҳар бир журналистдан масъулиятни ҳар қачонгидан кўра ошириш лозимлигини тақозо этади. Чунки бу жараёнда журналистларга бўлган талаб ҳам, эҳтиёж ҳам ортиб бормокда. Нега шундай? Агар XX асрда «Совук уруш» жаҳонни саросимага, таҳликага солган бўлса, XXI асрда мафкуравий урушлар, ахборот урушлари авж олди. Бу урушлар табиийки, шу ахборот маконида мавжуд бўлган Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Республикада амалга оширилаётган кенг кўламадаги ўзгаришлар хориждаги айрим кучларга тинчлик бермаяпти. Улар тез-тез мамлакатга нисбатан ахборий хуружлар қилиб турибди. Бундай ахборий ва мафкуравий хуружларга қарши республика ҳукумати қаторида журналистлар ҳам муносиб жавоб қайтариши керак.

Гап ғоявий курашлар ҳақида борар экан, унинг бирламчи химоя воситаси сифатида эътироф этиладиган ҳалқда, миллатда шаклланган иммунитет тушунчасининг аҳамиятига тўхталмок жоиз бўлади. Шу нуктаи назардан инсондаги мафкуравий иммунитет тушунчасининг асл мазмун-моҳияти, унинг инсон танасидаги иммунитетдан фаркли жиҳатлари нима даражасига ойдинлик киритиш зарур.

Иммунитет – тиббиёт тилида тананинг касал юқтирмаслиги ва касалликларга қарши кураша олиш қобилияти. У тананинг моддий ва маънавий, жисмоний фаолияти билан тизимли равишда ривожланади. Агар тана бирор касалликка чалинса, уни бартараф этиш учун, аввало, инсон танасининг иммун тизимидаги ўзгаришларга эътибор берилади. Бу тизим қанчалик

¹ Мирносиров М. Глобал таъсир воситаси// «Тафаккур». 2004. 2-сон. 82-83-б.

мустаҳкам бўлса, касалликни енгиш шунчалик осон кечади. Шунингдек, тананинг касалликка қарши курашувчанлик қобилиятини кучайтириш сингари, инсоннинг маънавий дунёсини, рухий оламини, тафаккурини ривожлантириш орқали уни турли хил ёвуз ва ёт ғояларга нисбатан қарши тура олиш, ўзининг фикрида собит қолиш ва бузғунчи ғояларга қарши курашувчанлик қобилиятини кучайтириш жуда муҳим.

Худди шу мазмунни жамиятга татбиқ этадиган бўлсак, жамиятнинг мафкуравий имунитети унинг фуқароларини турли хил ғоявий таҳдидларга, таъсирларга қарши тура олиш, кураша олиш қобилиятини шакллантиришдир.

Сир эмас, ҳозирги кунда инсонлар онгининг осонгина мавҳ этилиши энг қудратли қурол – турли шаклу шамойил касб этаётган ғоя ва мафкуралардан таъсирланаётгани оқибатидир. Бундай таъсирлардан ҳимояланиш, Аллоҳ таоло томонидан ҳар бир инсон, ҳар бир халқ ва ҳар бир миллатга ато этилган ўзига хосликни сақлаб қолишнинг ягона чораси эса одамларда ана шу хавфларга қарши имунитетни шакллантиришдир. Таниқли публицист Муртазо Қаршибой имунитет ҳақида шундай ёзади: *«Ҳар бир инсонда у мансуб бўлган халқ менталитети асосида шаклланган имунитет ҳам мавжуд. Мана шундай имунитет халқлар ва миллатларнинг ўзига хос менталитети ривожига имкон яратади. Ҳар бир халқ, ҳар бир миллат юз йиллар давомида шаклланган миллий имунитетни тўфайли камолга етган бир этник тизимга айланади. Айнан мана шу миллий имунитет тўфайли бу тизим фақат ўзининг ижтимоий-этник тўзилмасига мос, ўзининг тақомилига хизмат қиладиган унсурларни қабул қилади, ва аксинча, ўзининг тўзилмасига зид бўлган, уни ичидан емиришига қаратилган ёт, бегона унсурларни рад этади. Гўдакдаги оддий бир уялиш тўйғуси ҳам имунитетдир. Гўдак ана шу имунитет воситасида ўзининг ноқиза ҳисларини асрайди, руҳиятидаги тизимнинг бузилиб кетишига йўл қўймайди. Миллатни асрайдиган имунитет миллийлик бўлса, инсонийликни асрайдиган имунитет инсонийликдир.»*¹

¹ Қаршибой М. Қалб бунёдкорлиги. //«Тафаккур». 2001. 2-сон. 4-12-б.

Жамиятдаги ахборот муносабатларида миллий менталитет, миллий ва маънавий кадриятлар ҳамда ахлоқ устувор бўлган мамлакатларда маънавий-ғоявий иммунитети кучли жамиятларгина глобаллашувнинг салбий жиҳатларидан ўзини химоя қила олади. Филология фанлари номзоди Олим Тошбоев «бу ўринда «иммунитет» деганда фикрий бирликни тушуниш керак», деб таъкидлайди.¹

Иммунитетга алоқадор субъектлар ҳақида гап кетганда, биринчи ва асосий субъект бу журналистнинг ўзи эканлигини таъкидлаш жоиз. Филология фанлари доктори Хуршид Дўстмухаммад ўзининг «Журналистнинг касб одоби муаммолари» монографиясида шундай ёзади: «Ахборот тарқатувчи асосий субъект – журналист. Глобал миқёсда айтадиган бўлсак, ахборот маданиятининг ижтимоий-сиёсий, миллий-маҳаллий, маънавий-маърифий, ҳуқуқий, фалсафий, эътиқодий, иқтисодий, умуминсоний аспектлари ҳақида ҳам биринчи навбатда ахборот маданиятини шакллантирувчи бош субъект – журналист қайғуриши керак бўлади.»²

Фикримизча, жамиятда бошқа соҳа вакилларга қараганда журналистлар ахборот дунёсида миллий манфаатларимизнинг ҳақиқий ифодачиси ва химоячиси ҳисобланади. Бунинг учун улар, энг аввало, миллий ғоя билан қуролланган бўлишлари зарур. Тан олиш керак, бу борадаги таҳлиллар кўнгилдагидай эмас. Журналистларда сиёсий билимдонлик, касбий журъат ва жасорат етишмайди. Бу билан биз журналистларнинг шу юрт равнакига хизмат қилаётганига шубҳа билдираётганимиз йўқ. Лекин барчамизнинг таянч нуктаимиз ҳар хил, айрим ҳолларда ўзимиз (тушунчамиз, тафаккуримизга мос) яратиб олган принципларга асосланишимиз профессионал бурчимизни талаб даражасида адо этишда панд бермокда.³

¹ Тошбоев О. Келажак қайғуси ёхуд глобаллашув жараёни // «Тафаккур» 2007. 1-сон. 19-б.

² Дўстмухаммад Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари. Монография. – Т.: Янги аср авлоди. 2007. 7-б.

³ Саидов Х. Журналистнинг таянч нуктаси борми? // Ўзбекистон матбуоти. 2009. 3-4-сон

Факат бугина эмас, ҳозирги пайтда миллий матбуотимиз чиндан ҳам мураккаб жараёни бошдан кечирмоқда. Бир томондан унинг жаҳон медиа маконига мослашиши суёт кечаётгани, иккинчи томондан ахборот рақобати кучайган ҳозирги шароитида ҳар бир нашрнинг миллий медиа маконда ўз ўрнини сақлаб қолишга бўлган интилиши билан боғлиқ муаммолар таҳририятларда фаолият олиб борадиган оддий журналистдан тортиб, бош муҳаррирларнида ўйга толдирган. Шу боис, сўнгги пайтларда босма нашрларнинг келгуси фаолиятини ташкил қилиш масаласи миллий матбуотда ва ижтимоий тармоқларга энг кўп муҳокама қилинаётган ва қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган мавзулардан бирига айланди. Уларда босма нашрларни иктисодий қўллаб-қувватлашда таҳририят ва муассис, обуна, нашрларни обуначиларга етказишда таҳририят билан матбуот таркатувчи ўртасидаги муносабатлар, таҳририятларнинг иктисодий-техник таъминоти, журналистларнинг ижтимоий ҳимояси, прописка муаммоси, кадрлар етишмаслиги каби ташкилий-ҳуқуқий масалалардан тортиб, босма нашрларнинг формати ва дизайни, шакл ва мазмуни, ўқувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш, журналистлар томонидан тайёрланган ижодий материалларнинг сифати ва савияси, ўқишлилик даражасигача бўлган ижодий масалалар камраб олинган.

2018 йилнинг 20 сентябрида «XXI аср» газетасида бош муҳаррир Норқобил Жалилнинг «Матбуот: ё ҳаёт, ё мамот» сарлавҳали мақоласи чоп этилиб, унда юқорида тилга олинган муаммоларнинг деярли барчаси таҳлил қилинди. Муаллиф ўртага қўйган ҳар бир саволни С.Остонов, С.Раупов, Г.Юсунов, Н.Тошматов етакчи газета ва журналлар бош муҳаррирларининг жиддий фикрлари билан асослади. Шунингдек, бу мавзуда ҳудудий нашрларда ҳам чиқишлар бўлди. Навоий вилояти ҳокимлиги муассислигида чоп этиладиган «Дўстлик байроғи» газетасининг 2018 йил 18 сентябрида бош муҳаррир Бектемир Пирнафасов томонидан ёзилган «Обуна мажбурийми?», Самарканд вилоятининг отахон нашри «Зарафшон» газетасининг 2018 йил 20 октябрь сониди «Овози Самарканд» газетаси бош муҳаррири Баҳодир Раҳмоновнинг

«Матбуот: газетачиликнинг оғрик нукталари» сарлавҳали мақолаларини мисол сифатида келтириш мумкин. Ана шундай материаллар ичида «Kun.uz» сайтида эълон қилинган «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси мухбири Барно Султонованинг Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Комилжон Алламжоновга ёзган очик хати «Бизга бугун қандай журналистика керак?» деб номланади. Унда шундай фикрлар акс этган:

«Журналист шухрат қозониш учун журналист бўлмайди. У шў касбни танлаганда шухрат қозониш ҳақида ўйламайди. Уни фақат мақолалари пиар қилиши мумкин. Ҳамкасбларим орасида яхши ёзадиган, бир неча йиллаб ҳар қандай мавзунини қойилмақом қилиб ёза оладиган, лекин ҳеч қачон «мен» деб кўкрагига урганларни кўрмадим. Чунки у шунчаки ишини қилади. Аммо аксарият ҳолларда ўз соҳасини қойиллатмаган, икки-учта шов-шув бўладиган мақола ёзиб қўйган, оломонни ортидан эргаштириб, тинимсиз гапини фақат «мен» билан бошлайдиган, ўзидан қаҳрамон ясаб олганларнинг кўпчилиги журналистнинг қаттиқ номини ҳатто ушатишига ҳам уриниб кўрмаган. Шундайларга дуч келганимда «кўрмаганининг кўргани қурсин», деган мақол эсимга тушади...

...Афсуски, кўпчилигимиз шундайларга муносиб жавоб қайтармаймиз, гўёки ўзимизга эи кўрмаймиз. Улар эса ҳар доим ёзадиган нарсасини «мен» деб бошлаб, минбардан тушгиси келмайди. Демак, соҳа мутахассисларинигина ишга оладиган, мен ўз соҳамга адашиб кирибман, журналист бўлмоқчиман, деганларни қайта ўқитиб, кейин ишга оладиган журналистика керак бизга...

...Бизга ҳар куни мақола ёзсанг-да, ёниб-кўйиб қайсидир масалани кўтариб чиқсанг-да, яна мақола, яна мақола беринг, деб талашадиган, ўша кўтариб чиққан масалангга масъул ҳодимлар ҳеч қандай жавоб бермаганда, икки оёғини бир этикка тиқиб қўядиган, мухбирга ёрдам берадиган раҳбарлари бор журналистика керак».¹

¹ Султонова Б. Бизга бугун қандай журналистика керак?// <https://kun.uz/news/2018/12/23/bizga-bugun-qanday-jurnalistika-kerak>

Журналистнинг айтганлари, аслида, бугунги замонавий ўзбек журналистикасининг қайсидир маънодаги кийёфасини кўрсатади. Чунки мақолада кўтарилган бирорта муаммони «йўқ, бу ногўҗри» деб инкор қилиб бўлмайди. Ҳаммаси бор гап. Шунга қарамай, журналист янги директорга нома ёзиш орқали келгусида мамлакатни ахборот бўҳронидан ҳимоя қилишга қодир журналистларнинг эмин-эркин фаолият юри-тишларига, миллат ва халқ манфаати учун сидқидилдан меҳнат қилишларига, халқ дарди билан яшашга, унинг раънаки хиз-мат қилишга қамарбаста журналистларга келгусида рисолада-ғидай шарт-шароит яратиш зарурлигини олиб чиқяпти.

Ахборот мақонини асраш, қерак бўлса, шу мақоннинг яхлитлигини таъминлаш миллий журналистиканинг, қерак бўлса ҳар бир журъатли ва жасоратли журналистнинг муҳим мафқуравий вазифаларидан бирига айланмоғи қерак. Демак, журналист иммунитетини шакллантиришда унинг фаолияти-ни эркинлаштириш ва ҳуқуқий қафолатини таъминлаш жуда муҳим.

Таянч сўз ва иборалар:

Юриспруденция (лот) – ҳукукшунослик, юридик фанлар мажмуаси, шунингдек, юристларнинг амалий фаолияти.

Ҳуқук – умуммажбурий ҳуқ-атвор қоидаларининг тизими.

Объектив ҳуқук – умуммажбурий ҳуқ-автор қоидаларининг йнгиңдиси.

Субъектив ҳуқук – муайян жисмоний ёки юридик шахсга тегишли ҳуқук.

Дахлсиз ҳуқук – ҳеч қандай меъёрлар билан чегараланмайдиган ҳуқук.

Фуқаролик ҳуқуқи – жамият меъёрлари асосида бериладиган ҳуқук.

Қонун – барча амал қилиши шарт бўлган меъёрлар мажмуаси.

Халқаро ҳуқук – икки ёки ундан ортиқ давлатга тегишли меъёрлар.

Миллий ҳуқук – муайян давлатга тегишли меъёрлар.

Декларация – қабул қилинган битим, ҳужжат.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси – БМТ томонидан қабул қилинган халқаро меъёрий ҳужжат.

Фуқаролик ҳуқуқи ва сиёсий ҳуқуқлар Халқаро Пакти – БМТ халқаро меъёрий ҳужжати.

Очик ахборот – ошқора, ҳамма олиши мумкин бўлган маълумот.

Олиши чегараланган ахборот – олиниши қонун доирасида чекланган маълумот.

Давлат сири – давлат томонидан қўриқланадиган ва махсус рўйхатлар билан чегаралаб қўйиладиган маълумот.

Персонал ахборот – шахсий ҳаётга тегишли маълумот.

Жисмоний шахс – ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиси бўлган алоҳида фуқаро.

Юридик шахс – фуқаролик ҳуқук ва мажбуриятларининг субъектлари ҳисобланувчи корхона, муассаса, ташкилотлар.

Ахборот эгаси – қонунда ёки ахборот мулкдори томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида ахборотга эгалик қилувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс.

Оммавий ахборот – омма учун мўлжалланган ҳужжатлаштирилган ахборот, матбуот, аудио, аудиовизуал ва бошқа хил хабарлар ва материаллар.

Ахборот ресурслари – айрим ҳужжатлар ва ҳужжатларнинг айрим массивлари, ахборот тизимлари (кутубхоналар, архивлар, фондлар, маълумотлар банклари, ахборот тизимларининг бошқа турлари)даги ҳужжатлар ва ҳужжатлар массиви.

Ахборот маҳсулотлари (маҳсулот) – фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига мувофиқ тайёрланган ва фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган ёки қўлланиладиган ҳужжатлаштирилган ахборот.

Ахборот хизматлари – фойдаланувчиларни ахборот маҳсулотлари билан таъминловчи субъектлар (мулкдорлар ва мулк эгалари)нинг ҳаракатлари.

Ҳужжатлаштирилган ахборот (ҳужжат) – идентификация қилиш имконини берувчи реквизитлари бўлган материалда белгилаб қўйилган ахборот.

Ахборот жараёнлари - ахборот тайёрлаш, тўплаш, қайта ишлаш, жамғариш, сақлаш, қидириш, тарқатиш ва фойдаланиш жараёнлари.

Ахборот айирбошлаш – ахборот маҳсулотларини узатиш ва уларни олиш, шунингдек, ахборот хизматлари кўрсатиш.

Ахборот айирбошлаш воситалари ахборот айирбошлашда фойдаланиладиган ахборот тизимлари ва алоқа тармоқлари.

Ахборот соҳаси (муҳити) – субъектларнинг ахборот тайёрлаш, қайта ишлаш ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган фаолият соҳаси.

Халқаро меъёрлар – икки ва ундан ортиқ мамлакатларда амал қилувчи ҳужжат.

Конституциявий меъёрлар – Конституцияда белгиланган меъёрлар.

Конуности ҳужжатлар – қонунлар ижросини таъминлаш учун чиқарилган меъёрий ҳужжат.

Муассис – ҳукукий субъект.

Таҳририят – ахборот тайёрлаш ва узатиш билан шуғулланадиган ташкилот, муассаса.

Тарқатувчи – босма ахборот тарқатиш билан шуғулланувчи жисмоний ёки юридик шахс, муассаса.

ЕХХТ резолюциялари – инсон ҳуқуқлари бўйича қабул қилинган битимлар.

Ратификация – рўйхатдан ўтказиш.

Ахборот хуружи – ахборот орқали таъсир кўрсатиш.

Сенсация – шов-шувли ахборот.

Ахборот хавфсизлиги – ахборот таъминоти ва уни химоя қилиш.

Ахборот манбаси – асос, объект, субъект.

Ахборот захираси – архив, фонд, таҳлам, интернет.

Ахборот муносабатлари – ахборот алмашиш.

Халқаро журналист – хорижда фаолият олиб бориб, ахборот олиш, узатиш билан шуғулланувчи шахс.

Аккредитация – фаолият кўрсатишга расмий рухсат бериш.

Ҳуқуқий маком – расмий фаолият олиб бориш.

Юридик мажбурият – қонунда кўрсатилгандан четга чиқмаслик, қонунга амал қилиш.

Аккредитация қилувчи орган – аккредитация тартиботини ташкил этадиган, аккредитацияни ўтказадиган вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органлари.

Мухбир – меҳнат шартномалари ва бошқа шартномавий муносабатлар асосида оммавий ахборот воситалари таҳририятлари учун хабарлар ва материалларни қидириш, тўплаш, қайта ишлаш ва тайёрлаш касби билан шуғулланадиган жисмоний шахс.

Муаллиф – ижодий меҳнати билан асар яратган жисмоний шахс.

Асар нусхаси – асарнинг ҳар қандай моддий шаклда тайёрланган кўчирмаси.

Асарни омма олдида намойиш этиш – асарнинг асл нусхаси ёки нусхасини бевосита ёхуд плёнка, диапозитив, телевизион кадр ёрдамида ёки бирон-бир бошқа техника воситалари орқали экранда кўрсатиш.

Аудиовизуал асарни тайёрловчи – шундай асарни тайёрлаш ташаббуси ва масъулиятини ўз зиммасига олган юридик ёки жисмоний шахс.

Ёзув – овозлар ва (ёки) тасвирларни техника воситалари ёрдамида қайд этиш.

Прокатга бериш – асарни вақтинчалик фойдаланиш учун бериш.

Ретрансляция – эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи бир ташкилотнинг кўрсатув ёки эшиттиришини эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи бошқа ташкилот томонидан бир вақтда эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш

Фонограмма - бирон-бир ижронинг, бошқа овозларнинг ҳар қандай мутлақо овозли ёзуви, аудиовизуал асарга киритилган овозли ёзув бундан мустасно.

Чоп этиш – асарнинг, ижро ёзувининг ёки фонограмманинг нусхаларини, асар муаллифининг, ижрочининг ёки фонограммани тайёрловчининг розилиги билан муомалага чиқариш.

Ҳуқуқ эгаси – муаллифлик ҳуқуқига нисбатан муаллиф ёки унинг меросхўрлари, гурдош ҳуқуқларга нисбатан ижрочи ёки унинг меросхўрлари, фонограммани тайёрловчи, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилот.

Шаън – шахснинг атрофдагилар кўз ўнгига баҳоланиши.

Қадр-қиммат – шахснинг ўзини баҳолаши, ўзига жамиятдаги индивида сифатида муносабати.

Ишчанлик обрўси – инсон ёки юридик шахсга оид ишчанлик фазилатларининг ижтимоий фикр томонидан барқарор ижобий баҳоланиши.

Тўхмат – била туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш.

Қасбий масъулият – ўз ишига виждонан ёндашиш.

Давлат сир – давлат манфаатига тегишли ва ошқор этилиши мумкин бўлмаган ахборот.

Диффамация – ОАВда фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ёки ишчанлик обрўсини таҳқирловчи маълумотлар.

Айб – шахснинг жиноят қонуни билан белгиланган ўзининг ижтимоий ҳавфи қилмиши ва унинг оқибатига нисбатан руҳий ва интеллектуал муносабат.

Айблов – муайян жиноий қилмишни содир этганликда шахснинг айбдорлигини исботлаш мақсадида қилинган ҳаракат.

Айбланувчи – муайян бир жиноятни содир этишда ҳали айби тўлиқ исбот қилинмаган гумондор шахс.

Айблов ҳуҷосаси – тергов натижасида аниқланган ҳолатлар ва айб мазмун баён этилган процессуал ҳужжат.

Айбсизлик презумпцияси (лотин. *presumptio*) – жиноят-ҳуқуқий қонунчиликда одил судловнинг асосий принципларидан бири.

Суд транспарентлиги – суд маълумотларининг очиқлиги, шаффофлиги, улардан эркин фойдаланиши.

Одил судлов принципи – суднинг ошқоралиги, судда жиноий ишни очиқ кўрилишига амал қилиниши.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳукукий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент. 2009.
2. Бачило И.Л. О праве на информацию в Российской Федерации. – М МИФИ.1997.
3. Баҳриев К. Журналистнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва маъсулияти. 1-Китоб. – Т.: Фан. 2000.
4. Дўстмуҳаммад Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари. – Тошкент. Янги аср авлоди. 2007.
5. Саидов Ҳ. Матбуот – миллий манфаатлар ҳимоячиси. – Тошкент. 2009.
6. Суд ҳокимияти ва ОАВ ўртасидаги ўзаро муносабат. – Тошкент. 2004.
7. Копилов В.А. Информационное право. М.: Юрист. 1997.
8. Тошев Б. Халқаро ташкилотларнинг муаллифлик ҳуқуқига оид актларнинг ҳуқуқий мақоми. – Тошкент., 2007.
9. Тошев Б. Муаллифлик ҳуқуқи. – Тошкент., 2002.
10. Современное право средств массовой информации в США / под ред. А.Г.Рихтера. – М.: Центр «Право и СМИ», 1987.
11. Босма ОАВда медиа-бизнесни юритиш асослари. – Тошкент. Норма. 2008.
12. Журналистлар учун қисқача юридик тўплам. Т.: Фан. 2000.
13. Жабборов С. ОАВ қонунчилиги /маърузалар матни/ – Тошкент.: ЎЗМУ. 2000.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА РЕКЛАМА

Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонуни 4-моддасида реклама атамасига шундай таъриф берилади: *«реклама — бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ёки жисмоний шахслар, маҳсулот, шу жумладан, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва технологиялар тўғрисида ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай воситалар ёрдамида қонун ҳужжатларига мувофиқ тарқатиладиган махсус ахборот»*.

Рекламага доир асосий талаблар нималардан иборат? Қонунийлик, аниқлик, ишонччилик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек, маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир. Рекламада қуйидагилар тақиқланади: ишлаб чиқарилиши ёки реализация қилиниши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган маҳсулот тўғрисида ахборот тарқатиш; жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеига қараб, бошқа ҳолатларга қўра камситиш ёки ўзга шахсларнинг маҳсулотини бадном этиш; қонун ҳужжатларининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган, фуқароларнинг соғлиғи ёки ҳаётига ва атроф-муҳитга зарар етказувчи ёхуд зарар етказиши мумкин бўлган, шунингдек, ҳавфсизлик воситаларига эътиборсизлик туйғусини уйғотувчи ҳаракатларга даъват қилиш; мажбурий сертификатлаштирилиши зарур бўлган ёки ишлаб чиқарилиши ёхуд реализация қилиниши учун махсус рухсатнома (лицензия) бўлиши талаб этиладиган маҳсулотни тегишли сертификати, лицензияси бўлмағу туриб, реклама қилиш; агар муаллифлик

хукуки ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, бошқа маҳсулот рекламасида қўлланиладиган умумий ечим, матн, тасвир, мусикали ёки овозли оҳанглари айланиб-ақсатилиш (таклид ёки ўхшашма қилиш); жисмоний шахснинг номи ёки тасвиридан унинг розилигисиз фойдаланиш; порнографияни тарқатиш; ахборот мазмунининг бузилишига олиб қилиши мумкин бўлган хорижий сўз ва иборалардан фойдаланиш; маҳсулот давлат органлари ёхуд уларнинг мансабдор шахслари томонидан маъқулланганлигини кўрсатиш; иштирок этиш учун муайян маҳсулотни олиш шарт қўйилган рағбатлантирувчи лотерея, танлов, ўйин ёки шунга ўхшаш бошқа тадбир ўтказишни тадбирнинг ташкилотчисини, уни ўтказиш қоидалари ва муддатларини, бундай тадбир ҳақидаги ахборот манбаини, мукофотлар ёки ютуқлар миқдорини, уларни олиш муддатлари, жойи ва тартибини кўрсатмаган ҳолда реклама қилиш; маҳсулотни товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси реклама қилиш тақиқланган ёхуд реклама қилишга нисбатан тегишли чекловлар ёки талаблар белгиланган маҳсулотнинг товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёхуд унга айланиб-ақсатилиш бўлган бошқа маҳсулотнинг рекламаси қўринишида реклама қилиш.

Вояга етмаганларга мўлжалланган рекламага оид чеклашлар мавжуд. Қўйидаги реклама таъқиқланади: фақат вояга етмаганларга мўлжалланган ёки вояга етмаганларнинг олиши ёхуд истеъмол қилиши тақиқланган маҳсулотни вояга етмаганлар истеъмол қилаётган ёки ундан фойдаланаётган тасвир туширилган реклама; вояга етмаганларни маҳсулот олишга ёки реклама қилинаётган маҳсулотни олишни илтимос қилиб, учинчи шахсларга мурожаат этишга даъват қилувчи реклама; ҳақиқий ёки ўйинчоқ қуролдан фойдаланилган реклама.

Рекламани тарқатиш шакллари ёки воситаларидан қатъий назар, бошқа ахборотдан **реклама** деб ҳисоблаш мумкин бўладиган даражада ажратилган бўлиши керак. Телевидение ва радиодаги реклама бошқа дастурлардан унинг бошланиши ва охирида аудио, видео, аралаш воситалар ёки бошлов-

чиларнинг шархлари ёрдамида ажратиб қўйилиши лозим. Маҳсулотга қизиқишни шакллантириш ва маҳсулот реализациясига кўмаклашиш учун маҳсулотнинг муайян маркасига (моделига, артикулига) ёки унинг ишлаб чиқарувчисига истеъмолчининг эътиборини атайин жалб этувчи, шунингдек, мазкур маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ёки тарқатувчи шахсга тааллуқли маълумотлардан (реквизитлардан) иборат ахборот материали, муаллиф ва таҳририят материали – реклама ҳисобланади ҳамда у «Реклама» ёки «Реклама ўрнида» рукни остида жойлаштирилмоғи лозим.

Телерадиодастурларни яратишда, бошқа оммавий ахборот воситалари учун материаллар тайёрлашда, театр-концерт, спорт тадбирлари ва бошқа тадбирларни уюштиришда **ҳомийлар** катнашиши мумкин. Реклама телевидение ва радио, аудиовизуал маҳсулот билан боғлиқ бўлган ва ҳомийлик хизматларидан фойдаланилаётган тақдирда, ҳомийлар тўғрисидаги ахборот дастурнинг бошланишида ва охирида қисқа ва аниқ қайд этилиши керак. Ҳомийнинг номи (номланиши) ёнида ёки ҳомийнинг ўрнига унинг товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) кўрсатилиши мумкин. Янгиликлар тўғрисидаги телерадиодастурларда ҳомийларнинг хизматларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Ҳомийлик кўрсатилаётган шахснинг фаолиятига ҳомий аралашишга ҳақли эмас.

Нотўғри реклама нима?

Ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юборилиши, яширин кўрсатилиши, рекламани таркатиш вақти, жойи ва усулига нисбатан қўйилган талабларни ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талабларни бузиши, рекламадан фойдаланувчиларни чалғитиши, шунингдек, давлатга моодий ва маънавий зарар етказиши мумкин бўлган реклама нотўғри реклама ҳисобланади. Нотўғри реклама тақиқланади.

Рекламани ким нотўғри деб топиши мумкин?

Рекламани нотўғри деб топиш тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхо-

наларга кўмаклашиш ва ракобатни ривожлантириш давлат кўмитаси ёки унинг ҳудудий органлари қабул қилади.

Айрим визуал соҳаларда, дейлик, кинофильмларда яширин реклама мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, фильм қаҳрамонлари чекаётган сигарета, ичаётган ичимлик ёки қаҳванинг ишлаб чиқарувчиси кўриниб туриши мумкин. Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларда ҳам бу ҳолат учраши мумкин.

«Реклама тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасига кўра, яширин реклама истеъмолчининг идрокига унинг ўзи англамаган ҳолда таъсир ўтказадиган, шу жумладан, махсус видео иловалардан (қўш овозли ёзувдан) фойдаланиш йўли билан ҳамда бошқа усуллар билан таъсир ўтказадиган реклама. Яширин рекламадан радио-, теле-, видео-, аудио- ва кино маҳсулотда, шунингдек, бошқа маҳсулотда фойдаланишга ва уни ўзга усуллар билан тарқатишга йўл қўйилмайди. Рекламани яширин деб топиш тўғрисидаги қарорни ваколатли давлат органи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қабул қилади.

Киёсий реклама ракобатчига ёки унинг томонидан тақдим этилаётган муайян бир турдаги маҳсулотга бевосита ёки билвосита айнанлаштириладиган реклама. Агар рекламада маҳсулотнинг моддий, муҳим, ишончли хоссалари ҳолисона ва инсофли таққосланса, бунда реклама ундан фойдаланувчини чалғитиб қўймаса, реклама берувчи ва ракобатчининг шахси ёки реклама берувчи ва ракобатчининг товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари), фирма номи, маҳсулоти аралашиб кетмаса ҳамда ракобатчининг ишчанлик обрўсини, унинг товар белгисини (хизмат кўрсатиш белгисини), фирма номи, маҳсулоти ёки фаолиятини бадном этмаса, киёсий рекламага йўл қўйилади.

Ижтимоий рекламали ахборот соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, энергия ресурсларини сақлаб қолиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш, маънавият

ва маърифат масалаларига доир ахборот, шунингдек, нотижорат йўсиндаги бошқа ахборотдир.

Шахсларнинг ижтимоий рекламали ахборотни текинга тайёрлаш ва таркатишга доир фаолияти, ўз мол-мулкани (шу жумладан, пул маблағларини) ижтимоий рекламали ахборот тайёрлаш ва таркатиш учун бошқа шахсларга бериши хайрия фаолияти деб эътироф этилади. Бундай шахслар конун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Реклама таркатувчилар реклама учун ажратилган эфир вақти, нашр ёки реклама майдони умумий йиллик ҳажмининг 5 фоизидан кам бўлмаган ҳажмда ижтимоий рекламали ахборотни жойлаштириши шарт. Бунда фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан тўлиқ ёки қисман молиялаштириладиган реклама таркатувчилар ижтимоий рекламали ахборотни бепул жойлаштиради.

Оммавий ахборот воситаларининг молиявий аҳволи рекламага боғлиқ. Шу сабабли улар учун реклама конунчилиги жуда муҳим ҳисобланади.

«Реклама тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддаси телевидение ва радиодаги реклама соҳасини тартибга солади.

Телерадиоташкилотлар учун рекламага ажратилган кўрсатув (эшиттириш) вақти кўрсатувнинг (эшиттиришнинг) ҳар бир соатига 10 фоиздан ошиб кетмаслиги керак. Бу талаб кўрсатувнинг (эшиттиришнинг) ихтисослаштирилган рекламавий каналларига татбиқ этилмайди. 45 дақиқадан ортиқ давом этадиган концерт-томоша ва спорт дастурлари, кино- ва телефильмлар реклама учун тўлиқ 45 дақиқалик вақт оралиғида кўпи билан бир марта узиб қўйилиши мумкин. Реклама кўрсатувларнинг (эшиттиришларнинг) бошланиши олдидан ва (ёки) улар тугаганидан сўнг ҳам жойлаштирилиши мумкин. 10 дақиқадан кам ва 10 дақиқадан ортиқ давом этадиган телекўрсатувларга (радиоэшиттиришларга) телекўрсатувларнинг (радиоэшиттиришларнинг) муаллифлик ҳукуқи эгаси билан келишмасдан туриб, реклама жойлаштирилиши мумкин эмас.

Давлат анжуманлари ва маросимлари олиб кўрсатилаётган (эшиттирилаётган) пайтда уни узиб туриб, рекламани кўрсатиш (эшиттириш) тақиқланади. Болалар даврасига (ўн тўрт ёшгача бўлганларга) мўлжалланган кўрсатувларда (эшиттиришларда) реклама тақиқланади. Бу тақиқ ижтимоий рекламали ахборотга татбиқ этилмайди.

Дастурларнинг реклама қисмлари товушини телерадиодастурнинг товушига нисбатан баландрок килиш тақиқланади.

Телекўрсатувлар намойиш этилаётганда реклама мақсадларида ҳаракатланувчи сатрлардан фойдаланиш тақиқланади, реклама берилаётган пайтдаги ҳаракатланувчи сатрлар бундан мустасно.

Телекўрсатувларнинг бошловчилари, дикторлари ва бошқа катнашчилари реклама учун ажратилган вақтдан ташқари пайтда маҳсулотни билатуриб намойиш килиш ёки унинг истеъмол хусусиятларини бевосита ёки билвосита тавсифлаш ҳуқуқига эга эмас.

Телевидение ва радио ходимларига ахборот никоби остида реклама билан шуғулланиш, яъни маҳсулот ишлаб чиқарувчининг реквизитларини, жойлашган манзилни, телефон рақамини, маҳсулотнинг тижорат белгиларини кўрсатиш тақиқланади.

Хўш, босма нашрларда рекламага қандай талаблар мавжуд?

Босма оммавий ахборот воситаларидаги рекламанинг ҳажми, мавзусини шу оммавий ахборот воситаларининг ўзлари мустақил белгилайди. Обуна бўйича тарқатиладиган босма воситалар обуна шартларида нашрнинг умумий ҳажмидаги реклама миқдорини кўрсатишлари шарт. Реклама йўсинидаги хабарлар ва материалларни бериб боришга ихтисослашмаган даврий босма нашрларда реклама даврий нашр бир сони ҳажмининг 40 фоизидан ошиб кетмаслиги шарт, қолган реклама бепул илова тарзида берилиши керак.

Маълумки, реклама килинадиган айрим маҳсулотлар рекламасига ҳам қўйилган алоҳида талаблар мавжуддир. Масалан, дори воситаларига ёки алкогольли ичимликларга ва ҳоказо.

Дори воситалари рекламасида қуйидагилар бўлиши шарт: дори воситасининг тўлиқ номи (шу жумладан, халқаро фармакологик номи) ва ишлаб чиқарувчисининг номи; дори воситасидан фойдаланиш ёки уни қўллаш ҳақидаги ахборот.

Қуйидагиларни реклама қилиш тақиқланади: фақат шифокорнинг кўрсатмаси (рецепти) бўйича бериладиган дори воситалари; таркибида гиёҳвандлик воситалари ва (ёки) психотроп моддалари бўлган дори воситалари; Ўзбекистон Республикасида тиббиётда қўлланишга рухсат берилмаган дори воситалари.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рухсатсиз вояга етмаганлар учун мўлжалланган дори воситаларини реклама қилишга йўл қўйилмайди.

Мазкур масалани чуқурроқ ўрганиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 декабрдаги 341-сонли қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаганлар учун мўлжалланган дори воситаларини реклама қилишга рухсатнома бериш тартиби тўғрисида»ги низомни қараб чиқиш керак.

Қўлланиши ва реализация қилиниши юзасидан тегишли давлат органлари махсус рухсатнома бермай туриб, косметика воситалари, маиший кимё, озиқ-овқат маҳсулотлари, витаминли ва биологик жихатдан таъсирчан озиқ-овқат қўшимчаларини реклама қилиш тақиқланади.

Ушбу модданинг қоидалари тиббий муассасалар ва тиббиёт ходимлари учун мўлжалланган рекламага татбиқ этилмайди. Тиббий муассасалар ва тиббиёт ходимлари учун мўлжалланган дори воситаларини реклама қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Энергетик ичимликлар рекламасида бундай ичимликларни ҳаддан зиёд истеъмол қилишнинг зарари тўғрисидаги огоҳлантириш, шунингдек, бундай ичимликларни истеъмол қилиш тавсия этилмайдиган шахслар ҳақидаги ахборот мавжуд бўлиши керак. Энергетик ичимликлар рекламаси ичимликларни истеъмол қилиш жараёнларини намойиш этмаслиги, ушбу жараёнлар истеъмолчиларнинг ижтимоий ва

спортга оид муваффақиятга эришиши ёки жисмоний ҳамда рухий ҳолати яхшиланиши учун муҳим аҳамиятга эга, деган таассуротни юзага келтирмаслиги керак.

Қуйидагилар тақиқланади: соат 7–00 дан 22–00 га қадар энергетик ичимликларни телевидение ва радио орқали реклама қилиш; реклама қилиш мақсадида энергетик ичимликлар намуналарини ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар орасида текин тарқатиш; асосан, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун мўлжалланган тадбирларга ҳомийлик қилиш, агар бунда энергетик ичимликларнинг номидан, товар белгисидан ёки тасвиридан фойдаланиладиган бўлса; ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар орасида энергетик ичимликларнинг номи, товар белгиси ёки тасвири туширилган товарларни (футболкалар, бош кийимлар, ўйинларни ва шу кабиларни) тарқатиш, шу жумладан, сотиш; асосан болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган босма нашрларда, шунингдек, тиббиёт, спорт ва таълим муассасаларида энергетик ичимликларни реклама қилиш.

Тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликлар рекламасида қуйидагиларга эътибор қаратилиши лозим.

Тамаки, тамаки маҳсулотлари ва ҳар қандай қувватдаги алкоғолли ичимликлар рекламаси тақиқланади, шу жумладан:

- тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликлар намуналарини текин тарқатиш;

- тамаки, тамаки маҳсулотлари ёки алкоғолли ичимликларнинг номи, товар белгиси ёхуд тасвиридан фойдаланиладиган тадбирларга ҳомийлик қилиш;

- тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларнинг номи, товар белгиси туширилган товарларни (футбол майкалари, бош кийимлар, ўйинлар ва бошқа шу кабиларни) тарқатиш, шу жумладан, сотиш;

- савдо объектларининг олд томонида, кириш (транспортда кириш) жойларида, витриналарида, ташқарига олиб чиқиладиган предметларида ҳамда бошқа жойларида тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларнинг тасвирлари, номларини ва улар ҳақидаги бошқа ахборотни ўрнатиш тақиқланади.

Қурол-яроғни реклама қилиш факат махсус нашрларда, шунингдек, бевосита овчилик қуролларини реализация қилувчи савдо ташкилотларининг биноларида ёки тегишли кўргазмаларда (тадбирларда) амалга оширилади.

Қимматли қоғозлар ва аҳолининг маблағларини жалб этиш билан боғлиқ хизматлар рекламасига шундай талаблар қўйилган: Қимматли қоғозларни ва аҳолининг маблағларини (банклардаги маблағларини, суғурта маблағлари ва шу кабиларни) жалб этиш билан боғлиқ хизматларни ёки шундай хизмат кўрсатаётган шахсларни реклама қилишни бундай фаолият тури билан шуғулланиш ҳукуки борлигини тасдиқлайдиган тегишли лицензия бўлган тақдирдагина амалга ошириш мумкин. Бундай хизматлар ёки шундай хизмат кўрсатувчи шахслар рекламасида кутилаётган даромадлар миқдорини, шунингдек, бўлажак фойда (даромад) тўғрисидаги бошқа ахборотни маълум қилиш тақиқланади, камида бир йиллик яқунларга кўра амалда тўланган фойда (даромад) бундан мустасно.

Қимматли қоғозлар ва аҳолининг маблағларини жалб этиш билан боғлиқ хизматлар рекламасига гааллукли муносабатларни тартибга солиш конун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Маълумки, рекламага оид низолар чикканда рекламанинг ОАВда кетган нусхаси талаб этилади. Шунинг учун материалларни муайян вақт сақлаб туриш талаб этилади. Реклама берувчи, реклама тайёрловчи ва таркатувчи реклама материалларини охириги марта реклама эълон қилинган (кўрсатилган) кундан бошлаб бир йил давомида сақлаши шарт.

Реклама берувчи, реклама тайёрловчи ва таркатувчи ваколатли давлат органининг талабига кўра у белгиланган муддатда реклама ахборотига тааллукли ҳужжатлар ва материалларни тақдим этиши шарт.

Реклама берувчилар, реклама тайёрловчилар ва таркатувчиларнинг рекламага тааллукли ҳужжатлари ва материалларини монеликсиз олиш ҳукуки ваколатли давлат органининг мансабдор шахсларига берилади.

Тижорат сири ҳисобланган ва ваколатли мансабдор шахслар томонидан олинган маълумотлар ошкор қилинмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 98-моддасига мувофиқ фуқаролик қонун ҳужжатлари тижорат сири бўлган ахборотни, башарти бу ахборот учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ҳақиқий ёки нисбий тижорат қимматига эга бўлган, қонун йўли билан ундан эркин баҳраманд бўлиш мумкин бўлмаган ҳамда ахборот эгаси унинг махфийлигини сақлашга доир чоралар қўрган ҳолларда ҳимоя этади.

Ваколатли давлат органининг мансабдор шахслари тижорат сири ҳисобланган маълумотларни ошкор қилган тақдирда, реклама берувчига, реклама тайёрловчи ва тарқатувчига етказилган зарарнинг ўрни, шу жумладан, маънавий зарар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

Мазкур масалаларни батафсил ўрганиш учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 15-, 990-, 1021- ва 1022-моддаларига эътибор қаратиш лозим.

Ваколатли давлат органлари реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлигини аниқлаган тақдирда, қонунбузар мазкур органларнинг қарорига биноан ва улар қўрсатган муддатда **аксилреклама** бериши шарт. Аксилреклама бериш ихтиёрий равишда ёки суднинг қарорига биноан амалга оширилиши мумкин. Аксилреклама беришни амалга ошириш билан боғлиқ барча харажатлар қонунбузар томонидан қопланади.

Агар қонунбузар аксилрекламани реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи орган белгиланган муддатда бермаса, мазкур орган қонунбузарнинг рекламасини у аксилрекламани бергунга қадар тўлиқ ёки қисман тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган шахс билан шартнома тузган тарафларни бундан хабардор қилишга ҳақлидир.

Аксилреклама раддия берилаётган реклама эълон қилинган айни ўша оммавий ахборот воситаларида, айни ўша муддат, макон, жой ва тартибдан фойдаланган ҳолда берилади.

Аксилрекламанинг мазмуни конунбузарлик ҳолатини аниқлаган ва уни тузатиш тўғрисида қарор қабул қилган тегишли давлат органи билан келишилади. Айрим ҳолларда бу органининг қарорига биноан аксилреклама бериладиган оммавий ахборот воситаси, муддати, жойи ва тартиби ўзгартирилишига йўл қўйилиши мумкин.

Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Реклама берувчи реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг реклама тайёрлаш учун тақдим этиладиган ахборотнинг мазмунига доир қисми бузилганлиги учун, агар ушбу конунбузарлик реклама тайёрловчининг ёки реклама таркатувчининг айби билан юз берганлиги исботланмаса, жавобгар бўлади.

Реклама тайёрловчи реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг реклама тайёрлашга доир қисми бузилганлиги учун жавобгар бўлади. Реклама таркатувчи реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг рекламани тарқатиш вақти, жойи ва воситаларига тааллуқли қисми бузилганлиги учун жавобгар бўлади.

Реклама берувчи, реклама тайёрловчи ва таркатувчи – юридик шахсларнинг мансабдор шахслари, реклама берувчи, реклама тайёрловчи ва таркатувчи – жисмоний шахслар нотўғри реклама берганлик, аксилреклама беришдан бош тортганлик, реклама қилиниши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган маҳсулотни реклама қилганлик, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишини тугатиш ҳақидаги кўрсатмани ўз вақтида бажармаганлик, ташки рекламани жойлаштириш тартибига риоя қилмаганлик, реклама ахборотига тааллуқли ҳужжатлар ва материалларни ваколатли давлат органига белгиланган муддатда тақдим этмаганлик ёки атайин нотўғри маълумотлар тақдим этганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилади.

Маъмурий жазо чораси қўлланилганлиги реклама берувчилар, реклама тайёрловчилар ва таркатувчиларни ваколат-

ли давлат органининг қарорини ёки кўрсатмасини бажариш ёки реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни содир этиш мажбуриятидан озод қилмайди.

АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Айтиш лозимки, реклама соҳасида фаолият юритганда риоя этилиши лозим бўлган меъёрий асослар турли-туман қонунчилик актларидан иборатдир. Бу, биринчи навбатда, 1998 йил 25 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонунидир. Бундан ташқари, реклама соҳасидаги муносабатларнинг у ёки бу қиррасини «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонун ҳам тартибга солади. Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш борасидаги қонунчиликда ҳам реклама қонунчилиги билан кесишадиган ўринлар мавжуд. Бундан ташқари, ҳукуматнинг қарорларида ҳам бу соҳага доир меъёрлар бор.

Реклама қонунчилигининг ўзига хослиги шундаки, у ўта полифоник соҳани тартибга солади. Реклама – бир қараганда, ҳуқуқий ҳодисадир, яъни у ҳуқуқ орқали тартибга солинади. Реклама – бошқа томондан, иқтисодий ҳодиса, бизнес соҳасидир, чунки у орқали маблағ ишлаб топилади. Реклама – интеллектуал маҳсулот яратиладиган, яъни оригинал шакллар, ўзига хос матнлар, мусиқа бунёд этиладиган ижодий фаолият соҳасидир ва шунинг учун у муаллифлик ҳуқуқи билан ҳам тартибга солинадиган соҳадир.

Нихоят, реклама, бир томондан, ҳуқуқ тамойиллари ва қоидалари воситасида давлат томонидан тартибга солинадиган ва, иккинчи томондан, ўз-ўзини тартибга солиш тамойиллари ва қоидалари амал қиладиган соҳадир. Масалан, инсофсиз реклама ёки рекламанинг ҳолислиги сингари тушунчалар баҳолаш ҳарактерида бўлиб, ҳуқуқий ҳодисаларга унчалик хос эмас.

Реклама ва реклама бўлмаган ахборотни ажратиш ва чегаралаш муҳим муаммолардан биридир. Бундай чегаралашнинг катор жиддий ва равшан белгилари мавжуд. Биринчидан, реклама томошабинлар томонидан махсус билимларсиз, зарур малакасиз ҳам осон ажратиладиган бўлиши лозим. Иккинчидан, реклама бевосита намоиш этилаётган пайтида унинг айнан реклама эканини англашга қулай бўлмоғи керак.

Ўзбекистон Республикаси «Реклама тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддасига кўра, реклама, уни тарқатиш шакллари ёки воситаларидан катъий назар, бошқа ахборотдан реклама деб ҳисоблаш мумкин бўладиган даражада ажратилган бўлиши керак. Телевидение ва радиодаги реклама бошқа дастурлардан унинг бошланиши ва охирида аудио, видео, аралаш воситалар ёки бошловчиларнинг шарҳлари ёрдамида ажратиб қўйилиши лозим. Маҳсулотга қизиқишни шакллантириш ва маҳсулот реализациясига қўмаклашиш учун маҳсулотнинг муайян марказига (моделига, артикулига) ёки унинг ишлаб чиқарувчисига истеъмолчининг эътиборини атайин жалб этувчи, шунингдек, мазкур маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ёки тарқатувчи шахсга тааллуқли маълумотлардан (реквизитлардан) иборат ахборот материали, муаллиф ва таҳририят материали – реклама ҳисобланади ҳамда у «Реклама» ёки «Реклама ўрнида» рукни остида жойлаштирилмоғи лозим.

Албатта, телевидение ёки радиода жамлама (блок) тарзида берилаётган, бошқа кўрсатув ёки дастурлардан аниқ ажратилган рекламани таниб олишда муаммо йўқ. Муаммолар янгиликлар дастурларида ва бошқа кўрсатув ҳамда эшиттиришларда, газета ва журналлардаги мақолаларнинг матнида берилаётган ахборот туфайли пайдо бўлади. Бу ҳолатда ўзига хос қондалар қўлланилади.

«Ўзбекистон» телеканалининг болалар учун мультфилмлар намоиш этадиган «Окшом эртаклари» кўрсатувида анча пайтгача топишмоқларнинг жавобини топганларга «Мулкдор» газетасининг совғалари эфирда ваъда қилиниб, кўрсатувнинг бошловчилари газетани намоиш қилишди. Бу «топишмоқ»ларнинг айнан обуна мавсумида берилгани

ҳам масалани ойдинлаштиради, албатта. Болалар даврасига бағишланган кўрсатувлар рекламани бермаслик борасидаги бу тақик ижтимоий рекламали ахборотга татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон телерадиокмпаниясининг барча каналларидаги санъаткорлар билан учрашувларда стол устида «Coca-Cola», «Fanta», «Sprite» ичимликлари кўр тўкиб туради, ҳолбуки, кўрсатувларнинг ҳомийси мазкур компания эмас-ку. Бадий фильмларда ҳам шу ҳолни кузатиш мумкин. «Бу йўллар...» номли XIX аср охири ва XX аср бошлари воқеаларидан ҳикоя қилувчи кўп қисмли видеофильм қаҳрамонлари Туркистондан Хитойга «Зингер» тикув машиналарини олиб боришади. Бу машиналар туфайли Ризвон исмли ишбилармон уйғур аёли бойиб кетади. Маълум бўлишича, видеофильм ҳомийси «Pfaff-Zinger» фирмаси экан. Ҳолбуки, мазкур асар реклама асари эмас эди.

Яна бир нарсани унутмаслик керакки, қонунчилик мажбурий сертификатлаштирилиши зарур бўлган ёки ишлаб чиқарилиш ёхуд реализация қилиниши учун махсус рухсатнома (лицензия) бўлиши талаб этиладиган маҳсулотни тегишли сертификати, лицензияси бўлмай туриб, реклама қилишни ман этади (Ўзбекистон Республикаси «Реклама тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси). Лицензияланиши (гувоҳномаланиши) зарур бўлган фаолият ёки сертификацияланиши зарур бўлган маҳсулот реклама қилинаётганда мазкур лицензиянинг (сертификат ёки гувоҳноманинг) сони (раками) ва уни берган идора номи кўрсатилиши керак. Рекламани тайёрлаётган ва таркатаётган оммавий ахборот воситаси таҳририяти реклама берувчидан мазкур ҳужжатнинг аслини (кўриб, ишонч ҳосил қилиш учун) ва тегишли нотариал тарзда тасдиқланган нусхасини талаб қилиши лозим. Албатта, таҳририятнинг тегишли ходимлари қайси фаолият турлари лицензияланиши ва қанақа маҳсулотлар сертификатланишини билиш учун қонунчиликдан яхши хабардор бўлишлари лозим. Кейинчалик ёқа ушлаб қолмаслик учун вақтида қизиқиш ва тегишли ҳужжатларни олиш керак.

Реклама бозорида, асосан, тўртта субъект фаолият юритади.

Биринчиси – реклама истеъмолчилари, яъни телевизорга қарайдиган, радиони тинглайдиган, газета ва журналларни ўқийдиган (энди эса, мана, Интернет ҳам қўшилди) реклама бозорининг энг кўп сонли субъектлари.

Иккинчиси – реклама берувчилар, яъни реклама ишлаб чиқиши ва тарқалишидан манфаатдор ташкилотлар, корхоналар, муассасалар ва шахслар. Улар тамакиларни, ичимликларни, дори-дармонларни, кир ювиш воситаларини ва ҳоказоларни ишлаб чиқаришади, турли хизматларни кўрсатишади. Ўзининг машҳурлигидан манфаатдор, сиёсий капитал тўплаётган сиёсатдонлар ҳам сиёсий реклама (айниқса, сайловлар мавсумида) беришади.

Учинчиси – рекламани тайёрловчилар (ишлаб чиқарувчилар) яъни реклама агентликлари, тасвирчилар, монтажчилар, продюссерлар ва ҳоказолар. Улар зарур ахборотни имкон қадар истеъмолчини жалб этадиган шаклга соладилар, образларни ўйлаб топадилар, мусикаларни уйғунлаштирадилар.

Нихоят, тўртинчиси – реклама таркатувчилар, яъни телерадиокомпаниялар, газета ва журналлар, Интернетдаги веб-сайтларнинг соҳиблари.

Реклама бозорининг яна бир тоифа субъектлари – давлат назорат идораларининг вакиллари, яъни монополияга қарши идоралар ва қонун ижросини назорат қилувчи прокуратура ходимларидир. Айнан ана шу прокуратура ходимлари ва Монополияга қарши қўмитанинг вакиллари оммавий ахборот воситаси билан қизиқиб қолмасликлари учун таҳририят рекламага қўйиладиган талаблар билан вақтида қизиқиши керак.

Рекламага қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикаси «Реклама тўғрисида»ги Қонунининг 6-7-, 11-25-моддаларида баён қилинган. Айниқса, рекламага махсус талаблар қўядиган, субъектив баҳолаш шамойилидаги қонунчилик меъёрлари жиддий бахсларга сабаб бўлади. Бу бахсларнинг счиш йўли мамлакатда мустақил ва одил суд тизимининг ривожланишига боғлиқ.

Баҳоловчи меъёрларни ҳар бир одам ўзича талкин этади. Масалан, конуннинг «нотўғри реклама», «яширин реклама» ёки «киёсий реклама» борасидаги меъёрларини қўллашда журналист, муҳаррир, давлат хизматчиси, реклама берувчи ёхуд бошқа бирор реклама бозорининг субъекти ўзининг баҳосига эга, яъни рекламани «ўз қаричи билан» ўлчайди.

Масалан, конунчиликка биноан ноаниклиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши ёки яшириб кетиши орқали истеъмолчини қалбига татиган реклама нотўғри (инсофсиз, била туриб ёлғон) реклама ҳисобланади ва уни тарқатиш ман қилинади (Ўзбекистон Республикаси «Реклама тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддаси). Ойнаи жаҳондаги рекламаларда кўпинча «энг яхши», «ягона», «ажойиб» деган субъектив баҳолар кўп учрайди. Агар реклама берувчи ёки рекламани ишлаб чиқарувчи тегишли маълумотлар билан буни исботлаб бермаса, бу нотўғри реклама ҳисобланади. «Энг зўр қир ювиш воситаси» дейишади. Қимнинг маҳсулотидан зўр? Нимаси зўр? Қайси тажрибалар, натижалар билан далилланган?.. Қонунчиликка кўра рекламани нотўғри деб топиш тўғрисидаги қарорни ваколатли давлат идораси қабул қилади.

Ҳарчанд реклама тўғрисидаги қонунчилигимизда аниқ-равшан акс этмаган бўлса-да, айтишимиз керакки, умумэтироф этилган ахлоқ, инсонпарварлик, маънавият меъёрларини бузадиган реклама нотўғри рекламадир. Масалан, пичокнинг ўткирлигини реклама қилиш учун у билан одам сўйиб кўрсатмаслик керак, албатта. Ҳақоратли сўзлар, қиёслар ва миллий ҳамда умуминсоний бойлик саналадиган санъат асарларини, тарихий шахсларни, байроқ, герб, мадҳия, миллий валюта сингари давлат рамзларини, диний рамзларни бадном қиладиган бошқа ҳақоратли ифодалар, тасвирлар нотўғри (ноҳолис, инсофсиз) рекламадир. Давлат байроғи сариёғ рекламаси тасвирида дастурхон сифатида ишлатилмаслиги керак. Баъзан рус шоҳи Пётр I қаҳва ичиб, хонимларга термулиб турган реклама ойнаи жаҳонда тез-тез намоиш этилади. Бундан

кандай маъно чикади? Мақсад нима? Масалан, чойни ёки пахтани реклама қилиш учун Амир Темур сиймосидан фойдаланишни тасаввур қилолмаймиз. Бирор бир жисмоний ёки юридик шахсни бадном қиладиган реклама нотўғри рекламадир. Жисмоний шахснинг номи ва тасвиридан унинг розилигисиз фойдаланиш мумкин эмас – бу қонунчиликда зикр этилган талабдир. «Ўтган қунлар», «Мафтунингман» каби маданий ва тарихий меросимизга айланган фильмлардан видеоклиплар ва реклама роликлари учун фойдаланиш кўзга ташланади. Масалан, «Маҳаллада дув-дув гап» фильмидаги: «Тиниб-тинчиманган одамлар-эй, нималарни ўйлаб чиқаришмайди-я?!» – деган жумла фильмдаги ижрода «Ёшлик» радиосининг рекламасида ишлатилди. Бу жойда муаллифлик ҳуқуқи масаласи ҳам юзага келади, албатта.

Телекўрсатувларда тасвир юзасида сузиб ўтадиган, «югурик сатрлар» деб аталадиган матнларни бериш одат тусига кирди. Кўрсатувни узиб қўймаса-да, «югурик сатрлар» ҳам реклама эканини таъкидлашимиз лозим. Муаллифлик ҳуқуқи объекти бўлган асарларни, бадий фильмларни саҳналаштирилган телерадиоасарларни муаллифлик ҳуқуқининг соҳибидан рухсатсиз реклама билан бўлиш мумкин эмас. Марказий ва хорижий телеканалларни трансляция қиладиган маҳаллий телекомпаниялар ўз рекламасини тикиштирадиган ҳолатлари нафақат ноқонунийдир, балким ўта инсофсизликдир.

Маълумки, тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар рекламасига қонунчилик алоҳида талаблар қўяди. «Реклама тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасига биноан, тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар рекламаси тамаки чекиш ва алкогольли ичимликни истеъмол қилишнинг зарари ҳақида огоҳлантириш билан қўшиб олиб борилиши керак. Тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар жами рекламаси майдонининг камида 5 фоизи ҳамда телевидение ва радиодаги реклама ролиги эфир вақтининг камида 3 сонияси ана шундай огоҳлантириш учун ажратилиши лозим. Шунинг учун тутиш ке-

ракки, куввати 28 даражадан ортик бўлган алкоғолли ичимликларни реклама қилиш, телевидение ва радиода эрталаб соат 7 дан кеч соат 22 гача тамаки маҳсулотларини ва куввати 28 даражагача бўлган алкоғолли ичимликларни реклама қилиш, тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликлар намуналарини реклама мақсадида вояга етмаган шахсларга текин тарқатиш, асосан вояга етмаганларга мўлжалланган тадбирларга, агар уларда тамаки маҳсулотлари ёки алкоғолли ичимликларнинг номи ёхуд тасвиридан фойдаланиладиган бўлса, ҳомийлик қилиш, вояга етмаганларга тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларнинг номи ва товар белгиси туширилган товарларни (футбол майкалари, бош кийимлар, ўйинлар ва шу қабиларни) тарқатиш, шу жумладан, сотиш, вояга етмаганларга мўлжалланган босма нашрларда тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларни реклама қилиш, газеталарнинг биринчи саҳифаларида, журналларнинг ва бошқа даврий нашрларнинг муқоваларида тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларни реклама қилиш таъқиқланади.

Аввал таъқидлаб ўтилганидек, реклама аниқ ажратиладиган бўлиши лозим. Агар фильмда қаҳрамонлар ҳадеб тамаки чекаверса, бунинг устига бу тамакининг маркаси (масалан, «Marlboro» ёки «XON») кашанданинг қўлидаги қутисидан яққол кўриниб турса, бу реклама ҳисобланади, албатта.

Ёки телевидениенинг янгиликлар дастурида, дейлик, Янгийўлдаги алкоғолли ичимликлар заводи­нинг «Ўзбекистон» маркали коньяги Австрияда муқофотланганлиги, ҳақиқатан ҳам ушбу маҳсулот маркасининг сифатли экани ҳақида ахборот берилса, бунинг реклама экани ёки йўқлиги борасида узок баҳслашиш мумкин. «Ахборот» ин­формацион дастурида тез-тез «Эколот» лотереясида машина ютган кишилар ҳақида лавҳа берилади. Худди шундай лавҳаларнинг бири 2001 йил 19 апрель эрталабки соат 08:00 да «Ахборот» дастурида берилди. Андижонлик А.Каримов деган отахон «Эколот» лотереясида «Нексия» машинаси ютибди. Отахон лотерея сотиб олин­лар, албатта, ютасизлар, дея даъват қилади. Лавҳа муаллифи ҳам лотереялар алдамчи деган

фикрга бормасликни, ютиш мумкинлигини, бунинг учун эса, албатта, лотерея сотиб олиш кераклигини таъкидлаб лавҳасини тугатади. Биринчидан, конунчиликда янгиликлар дастурларида ахборот кўринишида реклама бериш ман қилинган. Иккинчидан, мазмунан яккол реклама бўлгани ҳолда, мазкур лавҳа реклама экани ҳақида томошабин огоҳлантирилмайди, яъни рекламани айнанлаштириш борасидаги конунчиликнинг яна бир талаби бузилган. Учинчидан, ушбу лавҳа учун телекомпанияга, эҳтимол, пул ҳам ўтказилмаган, демак, телекомпания жихозлари, асбоб-ускуналари, ишчи кучи ишлатилган лавҳага юридик шахс фойдасига конуний ҳақ ундирилмаган, окибатда, давлат бюджетига солиқ ҳам тўланмайди. Муаллиф ёки таҳририят «Эколот» лотереяси маъмурияти билан қандай муносабатларда экани бизга қоронғидир.

Яна бир нозик жиҳатини қараб чиқайлик. Қонунчиликда тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларни реклама қилишга чегаралар қўйилган. Савдо маркасини реклама қилиш эса мумкин. Аммо биз биламизки, масалан, «Марлборо» деганда машҳур тамаки ёдга тушади, «Смирнофф» деганда рус ароғини тушунамиз. Маҳсулот эмас, савдо маркази, маҳсулот белгиси реклама қилинмоқда, дея чеклашларни четлаб ўтишга уринишлар мавжуддир.

«Реклама тўғрисида»ги Қонунда янгиликлар дастурларида ҳомийлик хизматидан фойдаланиш ман қилинган (12-модда). Бунинг ахборот дастурларида реклама ёки ҳомийлик ман қилинган, дея тушунмаслик лозим. Аслида, конун ахборот материалида, таҳририят ёки муаллиф матнида янгиликлар тарикасида реклама қилмасликни назарда тутаяди. Ахир рекламага қўйиладиган асосий талаблардан бири уни айнанлаштиришнинг, яъни таниб олишнинг имкони бўлишидир.

Рекламанинг нарх-навоси фақат ишончли реклама берувчиларга ошқор этиладиган тижорат сиридир. Албатта, реклама нархининг тахминий чегаралари реклама мақсадларида эълон қилиниши мумкин (хорижда уни «прайс-лист» дейи-

шади), аммо бу, одатда, нархнинг энг юкори чегараси бўлади. Ҳақиқий нарх-наволар имтиёзларни, улгуржи харидорларга таклиф этиладиган нарх туширишларни, музокараларни назарда тутадик, бу, барибир, ҳам тижорат сиридир.

Оммавий ахборот воситаларида ҳомийлик масаласида айрим мулоҳазаларни айтишга тўғри келади. Аслини олганда, ҳомийлик ҳам рекламага айланди. Ҳомийлик, том маъносига кўра, телерадиодастурларни яратишда, бошқа оммавий ахборот воситалари учун материаллар тайёрлашда, театр-концерт, спорт гадбирлари ва бошқа тadbирларни уюштиришда ўзининг мулкӣ хиссаси билан кўмаклашиш ва бунинг учун ўзининг маҳсулотини, савдо белгисини, хизмагини кўрсатиш имкониятидир.

Реклама телевидение ва радио, аудиовизуал маҳсулот билан боғлиқ бўлган ва ҳомийлик хизматларидан фойдаланилаётган тақдирда, ҳомийлар тўғрисидаги ахборот дастурнинг бошланишида ва охирида киска ва аниқ қайд этилиши керак. Ҳомийнинг номи (номланиши) ёнида ёки ҳомийнинг ўрнига унинг товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) кўрсатилиши мумкин. Янгиликлар тўғрисидаги телерадиодастурларда ҳомийларнинг хизматларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Ҳомийлик кўрсатилаётган шахснинг фаолиятига ҳомий аралашашига ҳақли эмас.

Ҳомийлик қилаётган юридик ёки жисмоний шахс суратга олиш учун кийим-кечак, реквизитлар, ксерокс, магнитофон ёки шунга ўхшаш ашёлар билан ёрдам бериши назарда тутилган. Ҳозир эса негaдир ҳомийликни муайян маблағни оммавий ахборот воситаси ҳисобига тушириб берган шахс тушунилмоқда. Бу унчалик тўғри эмас. Бундан ҳам кизиги, реклама ва ҳомийлик гўё турли нарсалардай тасаввур қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси «Реклама тўғрисида»ги Қонунининг ҳомийликка бағишланган 12-моддаси қоидаларига разм солсак, реклама учун қўйилган талаблар айнан ҳомийларга ҳам қўйилганини кўрамыз.

Албатта, ҳар қандай қонунни четлаб ўтиш йўлини топадиган «азаматлар» реклама тўғрисидаги қонунчиликни ҳам «бузмасдан айланиб ўтиш» йўлини топа оладилар. Охир-оқибат, ҳар қандай журналистнинг ҳар қандай ҳодиса, воқеа ёки факт тўғрисида ёзиш ва гапиришга, ўз баҳосини беришга ҳаққи бор. У шу жумладан бирор-бир маҳсулот ёки ташкилот тўғрисида ҳам яхшилаб ёки ёмонлаб баҳо бериши мумкин. Бирорга жамоа ҳўжалиги ёки фирмдан ҳомийлик сифатида маблағ ўтказиб келинади, кейин шу ҳўжалик ёхуд фирма тўғрисида ижобий кўрсатув ёки мақола дунё юзини кўради. Муаллиф нақдини олган бўлиши ҳам мумкин. Ёки «қонунийлаштириш» учун «ўзаро ахборот хизмати кўрсатиш»га шартнома тузилади. «Ахборот хизмати» эса маблағ ўтказиб берган ҳўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини макташдан иборат бўлади. Мақола ва ҳомийлик учун ўтказилган маблағ ўртасидаги боғланишни аниқлаш ва далиллашнинг кўпинча имкони йўқдир.

Мазкур ҳолатлар ноқонунийлиги баробарида оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги, демократик жамиятдаги мавқеи, ўз ижтимоий вазифасини бажара олиши учун ўта ҳавфлидир.

Халқаро журналистика меъёрларига кўра, одатда, оммавий ахборот воситалари ижодий таҳририятлари ва менежменти ўртасида «қалин девор» қўйилган бўлади. Реклама топиш, маблағ тушириб келиш билан ишбилармон продюсерлар, реклама агентлари, ўз соҳасининг профессионаллари шуғулланадилар. Одатда, улар журналист эмаслар ва телекўрсатув тайёрлаш, мақола ёзиш билан шуғулланмайдилар. Ижодий жамоа эса ўз маошини вақтида олади ва ўз ижодини қилади.

Афсуски, Ўзбекистоннинг кўпчилик оммавий ахборот воситаларида ижодий ходим ва менежер лавозими бир шахсда бирлашиб кетмоқда. Телевидение, радио ёки матбуот ходимлари бир томондан тўлдирилган, имзо ва муҳри қўйилган

яримтайёр шартномалар билан «куролланиб», овга чиккандай вилоят ва туманларни кезадилар. Бели бақувватрок корхона ёки муассасани топиб, шартнома тузадилар. ОАВ ҳисоб варағига маблағ туширадилар (Қанчаси расман ўтказилади-ю, қанчаси норасман қўлга тутказилади – бу борада асоссиз деб бўлмайдиган афсона ва ривоятлар тўлиб-тошиб ётибди). Кейин худди шу корхона тўғрисида кўрсатув, эшиттириш ёки мақола пайдо бўлади. Унинг мазмунига шубҳа қилмасангиз ҳам бўлар – пулини олиб, кейин танкид қилиш учун ақлинокис бўлиш керакка ўхшайди. Албатта, корхона макталади. Бундай ҳолат, биринчидан, оммавий ахборот воситаларининг демократик жамиятда бажарадиган ижтимоий вазифаларини бажаришига имкон бермайди, иккинчидан, жамиятдаги аҳвол тўғрисида нотўғри тасаввур пайдо қилади, ижтимоий фикрни етарли даражада шакллантира олмайди, учинчидан, одамларнинг адолат ва ҳақиқатга, демакки, мавжуд ҳокимиятга ишончини сўндиради (арзимас, фирибгар ёки қаллоб шахс пулини тўлагач, макталиб турса) ва, тўртинчидан, оммавий ахборот воситалари ва журналистларнинг жамиятдаги обрўсини тўқади ҳамда журналистларнинг ҳам маънавий инқирозига олиб келади (бирор-бир ғоя, фикр, концепцияни ўйлаб ўтириш ўрнига, «ҳомий» топиш устида бош қотирадиган журналистдан нимани кутиш мумкин?!). Шунинг учун оммавий ахборот воситаларида ижодий ходимлар ва молиявий қисмни ажратиш нафакат ижтимоий-иқтисодий, балки сиёсий ва маънавий аҳамиятга ҳам эгадир.

Обуна мавсумларида бош муҳаррирлар ва таҳририят ходимлари вилоят ҳокимликлари, туман раҳбарларига обуначиларни қўпайтириб беришни сўраш учун бош уриб боришади. Кейин мазкур минтақадан танкидий мақола чоп этишлари гумондир (ахир кейинги йил ҳам тезда келади – яна обуна мавсуми бор). Шунинг учун жаҳонда синалган йўлдан бориш керак – оммавий ахборот воситаси ўқишли, ҳақиқатни қўрқмай

айтадиган ва ёзадиган бўлса, унга маъмурий йўл билан обуна қилиш шарт эмас, бундай оммавий ахборот воситасининг муҳлиси қўнаяди, ҳатто егулигидан қисиб бўлса-да, сеvimли нашрига обуна бўлади. Оммавий ахборот воситаси тақдирининг муассисига, «ҳомийлар»ига эмас, айнан томошабинига, тингловчисига, ўқувчисига боғлиқлиги уни тинимсиз янгилик излашга, ҳақиқатни ёзишга ва (оброўсини туширмаслик учун) ҳеч қачон ёлғонни ёзмаслигига олиб келади. Оммавий ахборот воситаларининг нафакат ҳукукий, сиёсий, ижтимоий эркинлиги, балким иқтисодий эркинлиги ҳам таъминлангандагина уларнинг демократик жамиятдаги мавқеи тикланади, фаолиятининг жамият ҳаётидаги самараси яққол намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Contemporary advertising / Courland L. Bovee, William F. Arens. Illinois, 1989.
2. Уэллс У., Бернет Дж., Мориарти С. Реклама: принципы и практика / Пер. с англ. СПб, 1999.
3. Мудров А. Основы рекламы. М., 2008.
4. http://www.giomax.ru/pazmesh_reklam.php
5. Землянова Л.М. Коммуникативистика и средства информации. Англо-русский толковый словарь концепций и терминов. М., 2004.
6. Цвик В.Л. Телевизионная журналистика. М., 2004.
7. Луман Н. Реальность масс-медиа. / Пер. с нем. А. Антоновского. М., 2005.
8. Ученова В., Гринберг Т., Конаныхин К., Петрушко М., Шомова С. Реклама: палитра жанров. М., 2004.
9. Кафтанджиев Х. Тексты печатной рекламы. М., 1995.
10. Иншакова Н.Г. Рекламный текст. М., 2007.
11. Халебский В.А. Прагматический аспект взаимодействия иллюстрации, заголовка и текста. Грозный, 1991; Винарская Л.С. Информационная структура рекламного текста. Дис. канд. филол. наук. М., 1995.
12. Морозова И.Г. Рекламный сталкер: теория и практика структурного анализа рекламного пространства. М., 2002.
13. Спонсорство на радио – конвейер по упаковке рекламы // Новости СМИ. 2005. № 17.
14. Понятие продакт плейсмент в российской рекламной практике // <http://www.nstream.ru/node/9>
15. Афанасьева Е. Его величество Product Placement // Ежедневный журнал // <http://ej.ru>
16. Платов А. Европа: SMS + TV= ? // Компьютерная газета. 2005. № 44.

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ҲУҚУҚ ДОИРАСИДАН ТАШҚАРИДА ЭМАС

Ижтимоий тармоқлардаги баҳсларда баъзан ахлоқ меъёрларидан, айрим ҳолларда ҳатто қонун чегарасидан чиқиб кетиш ҳоллари кузатишмоқда. Одамларда интернетда ҳақоратлаш, тўхмат қилиш, ҳақиқатга тўғри келмайдиган хабарларни тарқатиш учун жазолаш йўқ, деган тасаввур ҳам бор, шекилли. Қолаверса, бировнинг номи остида аккаунт очиб, шахсини таниб бўлмас сурат остига беркиниб олинса, топиб бўлмайди, деб ўйлашлари ҳам мумкин.

Ижтимоий тармоқлар деган иборанинг ўзида унинг оммавийлигига ишора бор. Яъни унда иштирок этувчилар фақат журналистлар ёки зиёлиларгина эмас. Қўлида телефони бор ва унга дастурий иловаларни юклаган ҳар бир инсон бу баҳсларнинг иштирокчиларидир. Улар орасида турли даражадаги билимга, маданиятга, маънавиятга эга кимсалар бор ва, табиийки, маданиятсизлари, жанжалкашлари, ўжар ва кайсарлари бор. Ҳукукий маданият эса жамиятимизнинг оғрикли нуктасидир. Қонунчиликни аксарият иштирокчилар билмайди ва ҳатто билганларнинг ҳаммаси ҳам қонунга риоя қилавермайди. Ажабки, қонунга риоя қилмаган ҳолда қонунга риоя қилишни талаб ҳам қилади.

Ҳеч кимда бировни, шу жумладан, мансабдорларни ҳам ҳақорат қилиш ҳукуки йўқ. Бирок мансабдорлар ўз фаолиятларига нисбатан айтилган танқидни шаънлари ва кадр-кимматларига тажовуз деб тушунмасликлари керак.

Ҳаммани бирваракайига айблай олмаймиз ва ундаги салбий ҳолатлар туфайли тараккиёт воситаси бўлган бу

тармоқларни ёпиб қўя олмаймиз. Ижтимоий тармоқлар улкан ижобий ролни ҳам ўйнамоқда. Ундаги мунозаралар ва муҳокамалар фуқароларни тўлқинлантираётган муаммолардан хабардор бўлишга, муаммоларни муҳокама қилишга, ечимларни излашга йўл беради.

Шу билан бирга, ижтимоий тармоқлар ҳам қонун доирасидан четда бўлган ва ҳоли турадиган жой эмас. Қонунчилик бу соҳага ҳам алоқадордир.

Айбловларнинг аксарияти тухмат ва ҳақорат қилганликда айблашлардир.

ТУХМАТ

Ўзбекистон Республикаси «**Маъмурий жавобгарлик тўғрисида**»ги Кодексининг 40-моддасида тухмат қилганлик, яъни бошқа шахсни бадном қилувчи ёлғон маълумотларни била туриб таркатганлик учун маъмурий жазо – энг кам иш ҳақининг йигирма баробаридан олтмиш баробаригача жарима белгиланган. Тухмат қилингани учун маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг содир қилинган тухмат жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси **Жиноят кодексининг 139-моддасига кўра**, тухмат қилиш, яъни била туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар таркатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали тухмат қилиш – энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Тухмат: а) оғир ёки ўта оғир жиноят содир этиш-

да айблаб; б) оғир окибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган ҳолда; в) хавfli рецидивист томонидан; г) ғаразғўйлик ёки бошқа паст ниятларда қилинса, бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёҳуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Биз ушбу моддаларда тилга олинган ҳуқуқий ибора ва атамаларнинг маъносини англаб олишимиз лозим. «**Тухмат қилиш учун уйдирмалар тарқатиш**» деганда, уларни ҳеч бўлмаса бир кишига исталган шаклда (оғзаки, ёзма равишда, телефон орқали ва бошқа воситалар билан) етказиш тушунилади. Кўряпмизки, бир инсон ҳақида иккинчи инсон учинчи инсонга уйдирма хабар етказишнинг ўзиёқ жиноят ҳисобланади. Бу каби маълумотларни ижтимоий тармоқлар орқали тарқатиш ишни янада оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади, ҳолос.

«**Уйдирма**» деганда, уйдирмачи томонидан тарқатилган амалда мавжуд бўлмаган ёки сохталаштирилган ҳодисаларни тушуниш керак. Рост бўлган, лекин шахсни обрўсизлантирадиган маълумотларни тарқатиш тухмат жиноятининг тарқибини вужудга келтирмайди.

Тухматдаги уйдирмалар мутлақо ёлғон ёки шахсни обрўсизлантирадиган бўлиши лозим. Бундай ишларни кўраётган суд ҳар бир алоҳида олинган ҳолатда маълумотларнинг ёлғон ёҳуд обрўсизлантирадиганлик масаласини ечиши лозим.

Жиноят бошқа кишини обрўсизлантирадиган ёлғон уйдирмани ҳеч бўлмаганда бир кишига етказилган ҳолатда туғалланган ҳисобланади. Жиноятни баҳолаш учун айбдорнинг илгаридан ўзи тарқатаётган уйдирмаларнинг ёлғонлигини билиши жуда муҳимдир.

«Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёҳуд оммавий ахборот воситали орқали тухмат қилиш» деганда, китоблар, журналлар, газеталар, варакалар ва бошқа асарлардаги ёҳуд радио, телевидение, видео тасвирлари ва ҳақозолар, жумладан, **интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали** қилинган тухмат тушунилади.

«Оғир ва ўта оғир жиноятлар» деганда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 15-моддасида баён этилган жиноий ҳаракатлар тушунилади. Оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда оғир жазо сифатида беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноятлар қиради. Ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси назарда тутилган жиноятлар қиради. Жиноятларнинг мазкур гуруҳига, энг аввало, инсон ҳаётига тажовуз қиладиган ёки шундай тажовузлар билан боғлиқ бўлган, инсониятнинг тинчлиги ва ҳавфсизлиги, давлат ва жамият негизларига қарши қаратилган қилмишлар киритилади.

«**Оғир оқибатлар**» деганда, жабрланувчининг ўзини-ўзи ўлдирishi, унинг руҳий касалликка чалинишини ва ҳоказоларни тушуниш лозим.

«**Хавфли рецидивист**» тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 34-моддасида тавсифланган бўлиб, хавфли рецидив шахснинг илгари содир этиб судланган жиноятига ўхшаш янги қасддан жиноят содир этишидир.

«**Ғаразли ва бошқа паст ниятлар**» тушунчаларига келсак, «ғаразли мақсадлар» деганда, моддий фойда олиш, бoйиш, яхши маoш тўланадиган иш ёки лавозимга эга бўлишга, уй-жой олишга ва бошқаларга қаратилган ниятларни тушуниш керак. Ғаразли мақсадлар қарзни қайтариш учун шахс зиммасидаги мулкiй, моддий мажбуриятлар, алимент тўловлари ва ҳоказолардан қутулишга интилишда ҳам намоён бўлиши мумкин. «Бошқа паст ниятлар»га мансабпарастлик, лаганбардорлик, ошна-оғайнигарчилик ва ҳоказолар тааллуқлидир.

Шуни айтиш керакки, тухмаг, яъни била туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш, била туриб ғаразли мақсадларда амалга ошириладиган жиноятдир. Бу шуни англатадики, журналист ёки ношир ўзлари таркатаётган маълумотларнинг уйдирма эканини аввалдан билган бўлишлари ва муайян шахсни бадном қилишни истаган бўлишлари лозим. Агар у хато қилиб ёки беғараз адашиш на-

тижасида маълумотларни тўғри ҳисоблаб ошкор этган бўлса, тухмат учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Журналистни тухмат жиноятини содир қилганликда айблаш учун «ғаразли мақсад»нинг мавжуд-мавжудмаслигига жиддий эътибор қилиш лозим.

Одатда, журналистларга даъво қилувчилар айбсизлик презумпцияси тамойилини пеш қилишни хуш кўришади. Айтиш керакки, айбсизлик презумпцияси тухмат қилганликда айбланаётган журналистга ёки ижтимоий тармок ёзувчиси ҳамда блогерларга ҳам тўла тааллуқлидир, зеро уларнинг ҳам айбини одил суд томонидан ошкора, томонларнинг тенглиги шароитида исботламасдан жиноятчи ҳисоблаш мумкин эмас. «Ғаразли мақсад» бўлмаганда, жиноий иш қўзғатилмайди, қўзғатилган иш «жиноят тақиб» бўлмаганлиги учун» тўхтатилади (Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси), бу низони фукаровий тартибда (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 100-моддаси) ечишга монелик қилмайди.

Айбсизлик презумпцияси (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддаси) ҳақида шуни айтиш керакки, мазкур конституциявий тамойил жиноят-процессуал қонунчилигининг шахснинг жиноят судловидаги мақомини белгилайдиган тамойиллари қаторида қелтирилган (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 11–27-моддалари). Айбсизлик презумпцияси жиноий-процессуал институт бўлиб, ҳуқуқ назариясида инкор этиладиган презумпция ҳисобланади – у жараён давомида, жиноий иш қўзғатишда, эҳтиёт чораларини ўзгартиришда ва бошқа процессуал мажбурият чораларини қўллашда ва кейин ҳам то суднинг ҳукми қучга киргунча доимо шубҳа остига олинади.

Мазкур демократик институтнинг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда айтиш лозимки, у жиноят ишини юритиш жараёнининг ўзида ҳам мутлақ ва шубҳасиз аҳамиятга эга ҳисобланмайди. Мулоҳаза қилиб кўрайлик, агар инсон унинг айби судда исботланиб, қонуний ҳукм қучга киргунча айбсиз ҳисобланса, тергов пайтида уни ҳибсга олиш ҳақида қарор

чиқарган прокурор ҳакми? Ёки уни тергов килаётган терговчи уни сўрок қилиши мумкинми? Агар айбсизлик презумпцияси мутлақлаштириб талқин қилинса, ҳеч кимга қарши жиноят иши қўзғатиш ва иш юритишнинг ҳам иложи бўлмасди.

Шунинг учун айбсизлик презумпцияси оммавий ахборот воситалари ва журналистларга, ижтимоий тармоқ иштирокчиларига, жумладан, блогерларга уларга маълум бўлган жиноятлар ва жиноятчи шахслар ҳақида маълумотларни ошкор қилишга монелик қилолмайди. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг «Жиноят ишини қўзғатиш сабаблари ва асослари» деб аталадиган 322-моддасининг 3-қисмига кўра, оммавий ахборот воситалари берган хабарлар жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб бўлади, бу хабарлардаги жиноят белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлади. ЖПКнинг 327-моддасига кўра, муайян жиноят тўғрисида матбуот, радио ва телевидение, хужжатли кинофильмлардаги маълумотлар, шунингдек, оммавий ахборот воситаларига йўлланган, лекин эълон қилинмаган ҳаглардаги хабарлар жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлади. Шунинг учун журналистлар ва блогерлар, иштимоий тармоқ иштирокчилари жиноят фактлари ҳақида ёзишлари мумкин ва зарур. Бу уларнинг фуқаровий ва касбий бурчлари ҳисобланади.

Албатта, бундай маълумотларнинг тўғрилиги учун ижтимоий тармоқлардаги постлар муаллифлари ва журналистлар жавобгардирлар: била туриб уйдирма маълумотларни тарқатсалар – тухмат қилганликлари учун жиноий жавобгарлик мавжуд, билмасдан, бегараз хато қилиб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатсалар – фуқаровий қонунчиликка биноан шахснинг шаъни ва қадр-қимматини бадном қилганлари учун жавобгарликка тортиладилар.

Шубҳасиз, матбуотнинг фош этувчи маълумотларидан айбни тўла исботлашни талаб қилиб бўлмайди, журналист жиноятнинг тегишли тарзда тасдиқланган аломатларини бериши кифоядир. Чунки тегишли ҳуқук-тартибот идоралари

жиноят иши кўзгатганда ҳам конунчилик жиноят аломатларини кўрсатувчи етарли маълумотлар мавжудлиги кифоя хисобланади, жиноят эса суриштирув ва тергов жараёнида аникланади, аникланмаса – жиноят иши тўхтатилади, аникланса – прокурор тасдиқлаган айблов хулосаси билан судга оширилади ҳамда судда исботланиб, ҳукм чиқарилгандан сўнг содир қилинган хисобланади.

Шундай қилиб, айбсизлик презумпциясига тергов ёхуд судловга таъсир қилмаслик баҳонасида оммавий ахборот воситаларига жиноятлар ва жиноятчи шахслар тўғрисида ўзига маълум хабарларни чоп этиш ва ўз фикрини билдиришни ман этиб бўлмайди.

Ижтимоий тармоқлар иштирокчиларига ва журналист ҳамда блогерларга шуни айтиб қўйишимиз жоизки, мазкур ишлар тўғрисида эътиёткорлик, омилкорлик ва чуқур ҳуқуқий билим билан ёзиш керак. Матнда фақат текширилган ва ҳужжатлар, гувоҳликлар билан тасдиқланган фактик маълумотларни келтириш лозим, у ёки бу шахсларнинг мазкур жиноий ходисалар ва ҳаракатларга дахлдорлигини, шубҳасиз, далиллар мавжуд бўлганда айтиш керак. Албатта, мазкур шахслар устидан аник жиноятчи, деб ҳукм чиқармаслик шарт.

ҲАҚОРАТ

Ўзбекистон Республикаси «**Маъмурий жавобгарлик тўғрисида**»ги Кодексининг 41-моддасида ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва кадр-кимматини қасддан камситиш энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган. Тухмат қилингани учун маъмурий жазо қўлланганидан сўнг содир қилинган ҳақорат жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Ҳақорат қилганлик жиноятининг таркиби учун тарқатилган маълумотнинг (хат, расм, уят сўзлар ва хоказонинг) ҳақиқатга тўғри келиш-келмаслиги муҳим эмас. Дейлик, акли нокис кишини «жинни» дейиш, гарчанд ҳақиқатга тўғри келса-да, барибир, ҳақоратдир, бу ерда тухматга асос бўлувчи уйдирма йўқ, аммо, барибир, ҳақорат бор.

Ўзбекистон Республикаси **Жиноят кодексининг 140-моддасига кўра**, ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва кадр-кимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш, башарти, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирк соатгача мажбурий жамоат ишлари ёҳуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Нашр қилиш ёки бошқача усулда қўнайтирилган матнда ёҳуд оммавий ахборот воситалари орқали ҳақорат қилиш – энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирк соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёҳуд бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Ҳақорат қилиш: а) жабрланувчини ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан боғлиқ ҳолда; б) хавфли рецидивист томонидан ёки гуҳмат қилганлиги учун илгари судланган шахс томонидан қилинган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёҳуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

«Ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва кадр-кимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш» деганда, жабрланувчига нисбатан содир этилган ҳар хил ҳаракатларда, масалан, уят гаплар билан сўқиш, турли ҳақоратли сўз ва ибораларни ёзиш, бетга тупуриш, бадани билан ахлоқсиз ҳаракатлар ёки имо-ишоралар қилиш ва ҳоказолар тушунилади.

Жиноят таркиби учун шахснинг шаъни ва кадр-кимматини таҳқирлаш уятсиз шаклда ифодаланган бўлиши керак. **«Уятсиз шаклда»** деганда, шахснинг кишилар ўртасидаги муомаласида ифодаланган умумэътироф этилган қоидаларига зид бўлган салбий хатти-ҳаракатлар тушунилади.

Ҳақорат қилиш шахснинг соғлиғига зарар етказиш билан боғлиқ бўлган ҳолатларда содир этилганда айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи билан квалификация қилинади.

Нашр килиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали ҳақорат килиш ЖК 140-моддасининг 2-қисмига кўра жиноий жазоланади. **«Нашр килиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситаси орқали тўхмат килиш»** деганда, китоблар, журналлар, газеталар, варақалар ва бошқа асарлардаги ёхуд радио, телевидение, видео тасвирлари, интернет орқали, жумладан, ижтимоий тармоқлар ва ҳоказолар орқали қилинган ҳақорат тушунилади.

Ҳақорат килиш жабрланувчининг ўз хизмат ёхуд фуқаролик бурчини бажариши билан боғлиқ бўлса, ЖК 140-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан баҳоланади. **«Ўз хизмат ёхуд фуқаролик бурчини бажариш»** деганда фуқароларнинг айрим жамоат тартибини муҳофаза қилиш, жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини кўриклашга оид ўз касбий ёхуд хизмат бурчларини бажарадиган тоифаларининг фаолияти тушунилади.

Ҳақорат килиш ҳавфли рецидивист, яъни илгари ҳақорати учун судланган шахс томонидан содир этилганда, шунингдек, илгари тўхмати учун судланган шахс томонидан қилинган ҳақорат Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 140-моддаси 3-қисми «б» банди билан квалификация қилинади.

Айтиб ўтганимиздек, мазкур тоифадаги – ҳақорат қилганлик жинояти хусусидаги ишларда ҳақоратли ифодаларнинг фактик асосланганлиги муҳим эмас, мазкур ишларда ифода шаклининг беодоблиги даражаси аниқланади. Айнан ана «беодоблик» нималигини аниқлаш асосий қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Аслини олганда, шахснинг кадр-қимматини беодоблик билан таҳқирлаш деганда, унинг шахсини яққол сурбетлик билан, жамиятда одамлар ўртасидаги қабул қилинган муомалага зид тарзда салбий баҳолаш тушунилиши лозим. Аммо жамиятда аён тарзда ўрнатилган муқим муомала меъёри мавжуд эмас. Меъёрлар кўп бўлиб, улар вазиятга, муомала-

да қатнашувчиларнинг муносабатларига, уларнинг ижтимоий мақомига, жинсига, ёшига ва бошқа омилларга қараб ўзгариб туради. Дейлик, тенгдошлар орасида осонгина ҳазил тарикасида қабул қилиб кетиладиган гап бегоналар олдида айтилганда ҳақоратли саналиши мумкин. Жамиятда жуда кўп ўз маданиятига, муомала йўсинига эга бўлган, касбига, ёшига, кизиқишларига кўра жамланадиган уюшма ва тўдалар мавжуд. Ҳатто жиноятчилар ҳам уюшган, уларнинг ўзига хос тили – жарғони борки, четдан туриб эшитган одам учун ҳақоратли туюлади. Масалан, ҳозирги ёшларнинг тилида «ота-она» – «аждодлар» дейилади, «ландавур» дейилмасдан «ҳошим» дейилади ва ҳоказо.

Ўзаро муомала меъёрларида чегаралар аниқ бўлмаган бундай вазиятда одоб ва одобсизлик, ширинсўзлик ва кўполлик, каттиксўзлик ва сурбетлик ўртасига аниқ ва тиник сарҳад қўйиб бўлмайди, айниқса, ифоданинг «беодоблик даражаси» фуқаровий ёки жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган даражадалигини аниқлаш мушкулдир.

Шунинг учун ҳақорат қилганлик учун жиноий жавобгарликни ҳаракат билан ҳақорат қилганлик, ўта кўпол, ҳақоратомузлиги аниқ кўриниб турган, беодоб мазмуни ҳаммага тушунарли ҳақоратлар учун қўллаб, қолган ҳолларда низони жиноий эмас, фуқаровий-ҳуқуқий тартибда ечиш мақсадга мувофиқдир.

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДАГИ ҲАҚОРАТ ҲАМ ЖАЗОЛАНАДИ

Қонунчиликда ҳақорат учун жавобгарлик ҳам Маъмурий, ҳам Фуқаролик ҳамда Жиноят кодексларида мавжуддир. У фақат матбуотда ёки ижтимоий тармоқларда содир этиладиган қонунбузарлик эмас. Аввал айтганимиздек, бир инсон иккинчи инсон ҳақида учинчи инсонга ҳақиқатга тўғри келмайдиган, уйдирма маълумотларни айтса, аллақачон қонунбузарлик содир бўлган ҳисобланади. Агар ҳақорат қилса ҳам шундай масъулият бор. Тухмат ёки ҳақоратнинг оммавий ахборот во-

ситаси ёки ижтимоий тармоқлар орқали содир этилиши унинг жавобгарлигини кучайтиради, холос.

Шу билан бирга, мазкур қонуний меъёрлар конструктив танқидга ва ижтимоий-сиёсий мунозараларга чек қўйишга сабаб бўла олмайди. Тухмат ва ҳақоратсиз, ҳолис ва объектив танқид бўлиши шарт ва зарур.

Суд амалиётида аста-секинлик билан бўй кўрсатаётган, шу билан бирга, кундалик ҳаётда изчил учраётган бир «даъво» тўғрисида мулоҳаза юритайлик. Гап шундаки, ижтимоий тармоқларда ва матбуотда танқид қилинаётган корхона, муассаса, ташкилот раҳбарларидан кўпинча: «Мақола заводимизнинг шаънига тегди», «Журналист ташкилотимизнинг кадр-кимматини поймол қилди», – қабилида иддаоларни эшигишга тўғри келади. Бу фикр баъзан оммавий ахборот воситаларининг чиқишларига келган раддия ва жавобларда ҳам кўзга ташланади. Танқид қилинган вилоят ҳокими: «Мазкур мақола вилоятнинг шаънига доғ туширади», – қабилида жавоб ёзади. Судларга ҳам «туманнинг шаънини», «фабриканинг кадр-кимматини», «вилоят халқ депутатлари Ижроия кенгаши маъмуриятининг ишчанлик обрўсини» ҳимоя қилиш сўралган даъволар туша бошлади.

Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида 100-модда мавжуд бўлиб, у «Шахснинг шаъни, кадр-киммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш» деб аталади. Бироқ мазкур масалада суд амалиёти кам бўлганлиги сабабли жуда кўп масалалар мунозаралилигича қолмоқда.

Масалани **гипотетик** бир ҳолат мисолида кўриб чиқайлик. Дейлик, олис бир туман ҳокими туман раҳбариятидаги мансабдорларнинг таъмагирлиги ва тўрачилиги тўғрисидаги мақолани чоп этган пойтахтдаги газета таҳририяти ва ёки ижтимоий тармоқдаги мақола муаллифи устидан «туман ҳокимлигининг шаъни, кадр-киммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш»ни сўраб мурожаат қилди. Бу даъво қаноатлантирилмаслиги керак. Агар мақолада туман ҳокими Фалончиевнинг порахўрлиги борасида сўз борса, ҳоким жисмоний шахс ўлароқ, ўз шаъни ва кадр-кимматини ҳимоя

килишни сўраб, судга мурожаат килишга ҳақли бўларди. Агар гап ҳақиқатга тўғри келмайдиган уйдирма маълумотлар тарқатишда, беодоблик билан таҳқирлашда бўлса, тухмат ёки ҳақорат қилганлик учун жиноий жавобгарликка тортишни сўраб, шахсан мурожаат килиши ҳам мумкин. Қонунчиликка биноан шаън ва қадр қиммат ҳимояси ҳуқуқи жисмоний шахс-гагина тегишли номоддий ҳуқуқдир.

Фуқаролик кодексининг мазкур 100-моддаси «Фуқаро ўзининг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига пу-тур етказувчи маълумотлар юзасидан...» деб бошланади. **Ҳокимлик фуқаро эмас, жисмоний шахс эмас, ҳокимлик юридик шахсдир. Ҳўш, ишчанлик обрўси-чи?! Ишчанлик обрўси юридик шахсда мавжуд бўлиши мумкин, аммо ҳар қандай юридик шахсда мавжуд эмас.** Агар тумандаги ги-лам фабрикасининг маҳсулотлари сифатсиз ипдан тўқилган, бозордан уйга етмай ситилиб кетади, деган маълумотни берувчи мақола чоп этилса, фабрика маъмурияти ишчан-лик обрўсини ҳимоя қилиб, судга мурожаат қилиши мум-кин. Мақола муаллифи ёки таҳририят бу маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, улар жавобгар бўлиши, ҳусусан, раҳдия чоп этиши лозим. Мақола туфайли фабриканинг ишчанлик обрўси тушиб, харидорларнинг ка-майганлиги учун етказилган зарарни ҳам ундириши мумкин. Буларнинг бари бозор субъекти бўлган юридик шахсларга те-гишли ҳуқуқлардир. **«Ишчанлик обрўси» деган атама гап ҳўшжалик юритувчи субъект ҳақида бораётганини билди-ради.**

Ҳокимлик эса давлат бошқаруви идорасидир. У маҳ-сулот ишлаб чиқармайди, олди-сотди билан шугуллан-майди. Шунинг учун ишчанлик обрўси давлат идорасига тааллуқли эмас.

Шўролар замонида совет тузумининг шаънини ҳимоя қилувчи «Совет давлати ва жамоатчилик тузумини шарманда қилувчи тухматона уйдирмалар тарқатиш» деган сўз эркини бўғувчи Жиноят кодекси моддаси бўларди. Демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этаётган Ўзбекистон фуқаролик

конунчилигида ҳам, жиноят ва жазо конунчилигида ҳам бундай меъёрларни тикламайди.

Албатта, давлат идораси тўғрисида нотўғри маълумот тарқатилган бўлса, унинг ҳар қандай юридик ва жисмоний шахсга тегишли бўлган оммавий ахборот воситаси орқали жавоб бериш, ҳақиқатни ойдинлаштириш ҳукуки бор.

Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси маънавий зарарнинг қопланишини стказилган жисмоний ва маънавий азоб-уқубатлар билан боғлайди (1021–1022-моддалар). Давлат идораси ёки бошқа исталган юридик шахслар қандай жисмоний азоб чекиши мумкин?! Ахир у юридик шахс-ку. За-вод ёхуд фабрика, туман ёхуд вилоят азоб чекмайди, унда ишлайдиган ёки яшайдиган муайян одам азоб чекиши мумкин. Шунинг учун ҳокимлик ёки корхона фойдасига маънавий зарар ундирилмайди.

Маънавий зарарни ундиришдан муддао нима?

Инсон чеккан маънавий ва жисмоний азобларнинг ўрнини қоплаш учун бу зарурдир. Масалан, ижтимоий тармоқда ёки телекўрсатувда инсон тўғрисида нотўғри маълумот тарқатадилар. Натижада, инсон юрак касалига – инфарктга дучор бўлди. Энди у меҳнат лаёқатидан ажралди. Ёки машина ҳайдай олмайдиган бўлди. Зарарни ҳисоблаш мумкинми? Мумкин.

Айни пайтда, суддан айнан шу пост ёки кўрсатув туфайли инсон мазкур дардга учраганини исботлаш, яъни кўрсатув ва юз берган касаллик ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш талаб этилади. Балки, унинг юраги аввалдан дардманддир.

Фукаролик жараёнида ҳар бир иштирокчи ўзининг ҳақлигини далиллаши лозим. Шаън, кадр-киммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишга доир ишлар жараёнида ҳам шу тартиб қўлланиши лозим. Оммавий ахборот воситаси таҳририяти ва муаллиф ўзлари тарқатган маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри эканини исботлашлари лозим. Даъвогар эса мазкур маълумотлар тарқатилганлигини, айнан мазкур жавобгарлар томонидан тарқатилганини, мазкур маълумотлар унга тааллуқли эканини ва улар унинг шаъни, кадр-киммати ва иш-

чанлик обрўсига путур етказганини исботлаши лозим. Даъвогар мазкур маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келиш-келмаслигини исботламайди – буни жавобгарлар исботлайдилар – у мазкур маълумотларнинг унинг шаъни, кадр-киммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи эканини исботлайди.

Яна бир нечта баҳсталаб масала мавжуд. Қораланган, камалган, бутун эл нафратланаётган одамнинг шаъни ҳимоя қилинадими? Ҳа, албатта! Дейлик, бир неча одамларни зўрлаган ва ўлдирган котил тўғрисида мақола ёзган журналист уни «котил, зўравон ва ўғри» деб ёзса, у судга мурожаат қилиши ва ўзини ҳимоя қилиши мумкин, чунки унинг котиллиги ва зўравонлиги исботланган, аммо у ўғрилиқда айбланмаган.

Яна бир ҳолат: ижтимоий тармоқларда ёки бошқа оммавий ахборот воситаларида «фукаро Р. одам ўлдирди», «фукаро М. фоҳишабозликда айбланмоқда» қабилидаги матнлар учрайди. Фукаро судга мурожаат қилиб: «Р. – бу менман! Бу маълумот ёлғон ва мен уни рад этилишини талаб қиламан!» – дейишга ҳақлидир. Суд, агарда унинг шахси айнанлаштирилиши мумкин бўлса ва маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмаса, унинг даъвосини қондириши ҳам мумкин. Гап шундаки, бунда жиноятда айбланувчининг матидан келиб чиқиб аниқланишига эътибор қаратиш лозим. Масалан, матнда: «Испанза қишлоғилик Н. «Мерседес» машинасида почвонлик К. исмли жувонни уриб кетган», – деб ёзилган бўлса-ю, Испанзадай мўъжаз қишлоқда «Мерседес» фақат бир кишида бўлса, унинг исми ҳам «Н» ҳарфидан бошланса, гап ким ҳақида бораётгани ҳаммага ойдин, албатта.

Ҳозир негадир суд бўлгунча жиноят содир қилганликда айбланаётган, гумон қилинаётган кишининг исмини бош ҳарфларини бериш ёки «исмлар ўзгартирилди» деб таъкидлаш одатга айланмоқда. Бу тўғримикан?!

Ижтимоий тармоқ иштирокчиси ёки журналистнинг ижтимоий ҳақ-хукуки, бурчи ва мажбурияти ундан имкон қадар объектив, тўлиқ ва ҳаққоний ахборотни тарқатишни талаб қилади. Айни пайтда, у суд қарорини олдиндан «чиқариб қўйиш»га

уринмаслиги лозим. Шунинг учун журналист маҳоратли ва аниқ ишлаши шарт – исму шарифини тўлиқ ёзган ҳолда, фалон шахс фалон идора томонидан фалон жиноятни содир этганликда айбланмокда ёки гумон қилинмокда, тарзида ёзиши лозим. Асло суд ҳукми чиқмасдан уни жиноятчига чиқармаслиги керак. Исмни беркитиш эса шарт эмас.

Албатта, гап вояга етмаганлар ҳақида борар экан ёки жинсий жиноятлар тўғрисида хабар қилинар экан, касб ахлоқи нуқтаи назаридан масалага ўта эҳтиёткорлик билан ёндашиш лозим.

Касб ахлоқи қонунларда ақс этмайди. Уни журналистларнинг, таҳририятларнинг ўзи яратади. Касб ахлоқига қанчалик риоя қилинишига қараб, оммавий ахборот воситасининг обрўси, мавқеи юзага келади. Охир-оқибатда, журналист касбига жамиятнинг муносабати ҳам журналистларнинг қанчалик виждонли, ҳалол, ростгўй, жасоратли эканига боғлиқ.

Журналист касбининг икки асосий қондаси мавжуд: ҳаққоний ахборот ва ҳолис таҳлил. Журналист ўз ўқувчисига (кўрувчисига ёки тингловчисига) ҳаққоний ва объектив ахборот етказишга бутун қуч ва имкониятлари билан ҳаракат қилиши шарт. Иккинчиси, бу ахборотни мабодо таҳлил қилса, таҳлили имкон қадар ҳолис, ташқи маънавий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий таъсирлардан холи, эркин бўлмоғи шарт.

Агар журналист ёлғон ёзса, бўлмаган нарсаларни тўқиса, демак, у асло журналист эмас, эҳтимол, уни фантаст деб аташ мумкиндир. Агар у бирёклама таҳлил қилса, у журналист эмас, балки ўзи ёнини олаётган томоннинг рекламачи агентидир, ҳолос.

Журналистика – эркин касб ва жамоатчилик хизмати сифатида тавсифланади. Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларига Конституцияда алоҳида боб ажратилган. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот олиш эркинлиги ва қафолатлари тўғрисида», «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги каби қонунлардан

иборат махсус ахборот конунчилиги яратилган. Буларнинг бари оммавий ахборот воситаларининг демократик жамиятдаги ўрнидан келиб чиқади.

Агар журналист бўлмаган факт ёки ҳодисани бўлган деса, бўлаётган фактлар ёки ҳодисаларни бўлмади, деб турса ёки кўрмасликка олса, унинг таҳлилларидан кимнинг манфаатини ҳимоя қилаётгани яққол билинса, оммавий ахборот воситасининг ёки муайян мақола, эшиттириш ёки кўрсатув «ҳомийси»нинг қулоғи матндан кўриниб турса, журналистиканинг демократик жамиятда бажарадиган вазифасига, оммавий ахборот воситасининг обрўсига ва, охир-оқибатда, журналист касбининг мавқеига путур етди.

Бу санаб ўтилган конституциявий ҳуқуқларни журналист ҳурмат қилиши лозим. Зеро, журналист касби тақозоси билан бу ерда қўйилган чегараларга жуда яқин келишига қўп бор тўғри келади – у одамларнинг турар жойига ташриф буюради, улар билан суҳбат қуради, шахсий ва ижтимоий ҳужжатларни, ариза ва шикоятларни, хатлар ва тасвирларни кўздан кечиради... Журналистнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касб фаолияти ундан қонуналарни жуда яхши билишини талаб қилади.

Фуқароларнинг шахсий, номулкий ҳуқуқлари ва бошқа номоддий неъматларга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 99-моддасида таъриф берилган. Унга кўра, шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва кадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, ишчанлик обрўси, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, хусусий ва оилавий сири, номга бўлган ҳуқуқи, тасвирга бўлган ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, бошқа шахсий номулкий ҳуқуқлар ҳамда туғилганидан бошлаб ёки қонунга мувофиқ фуқарога тегишли бўлган бошқа номоддий неъматлар тортиб олинмайди ва ўзга усул билан бошқа шахсга берилмайди. Вафот этган кишига тегишли бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматлар қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бошқа шахслар, шу жумладан, ҳуқуқ эгасининг ворислари томонидан амалга оширилиши ва ҳимоя этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 100-моддасида фуқаронинг шаъни, кадр-кимматини ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш борасида сўз боради. Унга кўра, фуқаро ўзининг шаъни, кадр-киммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар юзасидан, башарти бундай маълумотларни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, суд йўли билан раддия талаб қилишга ҳақли. Манфаатдор шахсларнинг талабига кўра, фуқаронинг шаъни ва кадр-кимматини унинг вафотидан кейин ҳам ҳимоя қилишга йўл қўйилади. Башарти, фуқаронинг шаъни, кадр-киммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар оммавий ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, айни шу оммавий ахборот воситаларида раддия берилиши лозим. Башарти, бундай маълумотлар ташкилотдан олинган ҳужжатда учраса, бундай ҳужжат алмаштирилиши ёки чақириб олинishi керак. Бошқа ҳолларда раддия бериш тартиби суд томонидан белгиланади. Фуқаро оммавий ахборот воситаларида унинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўрикланадиган манфаатларини қамситувчи маълумотлар эълон қилинганда, у айни ўша оммавий ахборот воситалари орқали чиқиб, ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Башарти, суднинг ҳал қилув қарори бажарилмаса, суд қоидабузарга қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва тартибда ундириладиган жарима солишга ҳақлидир. Жаримани тўлаш қоидабузарни суднинг ҳал қилув қароридан назарда тутилган ҳаракатларни бажариш вазифасидан озод этмайди. Ўзининг шаъни, кадр-киммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилган фуқаро бундай маълумотлар рад этилиши билан бир қаторда уларни тарқатиш оқибатида етказилган зарарлар ва маънавий зиённинг ўрнини қоплаш талаб қилишга ҳақлидир. Ушбу моддадаги фуқаронинг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қоидаси юридик шахснинг ижтимоий тармоқлар ва интернет орқали поймол этилган ишчанлик обрўсини ҳимоя этишга нисбатан ҳам тегишли йўсинда татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни оммавий ахборот воситаларидан фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралашиш, уларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига тажовуз қилиш мақсадида фойдаланишни ман этади.

Фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир фотосуратлар, маълумотлар уларнинг розилиги билан берилиши кераклигини унутмаслик лозим.

Айрим ҳолатларда ижтимоий тармоқлар ва ахборот воситаларида журналистлар томонидан телефон сўзлашувлари ва ёзишмаларнинг сирини бузиш ҳоллари ҳам учрайди. Гоҳида ноқонуний йўл билан амалга оширилган видео- ва аудиоёзувлардан фойдаланиш кузатилади.

Ўзбекистонда ҳам ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари қонун доирасидадир. Фақат уни интернетга нисбатан қўллаш амалиёти бизда энди пайдо бўлмоқда.

Журналист – партия, давлат ёки хусусий бизнеснинг вакили эмас, у жамиятнинг вакилидир. Бу касбга бу қадар эътибор ва ўрин берилаётгани, «тўртинчи ҳокимият» аталаётгани ҳам шундан келиб чиқади. Бу ҳолни унутмаслик, унга муносиб бўлиш керак.

ИНТЕРНЕТДАГИ МАҚОЛА, БЛОГ, ПОСТ МУАЛЛИФИ УНИНГ ОСТИГА ЁЗИЛГАН ШАРҲЛАР, ФИКРЛАР, ФАКТЛАР ВА МУЛОҲАЗАЛАР УЧУН ЖАВОБГАР БЎЛАДИМИ?

Интернетдаги мақола, блог, пост муаллифи унинг остига ёзилган шарҳлар, фикрлар, фактлар ва мулоҳазалар учун жавобгар бўлмайди!

Бундай талаб сўз эркинлигига жиддий зарба бўлади, Ўзбекистоннинг энди ижобийлашаётган демократик киёфасига жиддий соя солади.

Халқ бунди «емаган сомсага пул тўлаш» дейди. Ҳали дунёнинг ҳеч бир ерида бундай жавобгарлик ўрнатилмаган. АҚШ блогер ёки сайтни унда бошқалар томонидан қолдирилган шарҳлар учун умуман жавобгарликка тортмайди. Шарҳни

Финляндия ўчиришни тавсия этади ва мажбурламайди. Олмон ва Россияда суд қарори билан ўчиришингиз мумкин.

Қолаверса, икки ҳафта олдин Агентлик раҳбарияти «блогерларни қўшимча қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ нормалар ишлаб чиқиладигани» ҳақида баёнот берганди.

Адлия вазирлиги аниқлик киритишига кўра, Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ веб-сайт ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан қўйидаги мақсадларда фойдаланилишига йўл қўйилмаслиги шарт: мавжуд конституциявий тузумни, ҳудудий яхлитликни зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш; уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилиш; давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ошқор этиш; миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатувчи, шунингдек, фуқароларнинг шаъни ва қадриқимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралаштиришга йўл қўювчи ахборотни тарқатиш; гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни тарғиб қилиш; порнографияни тарғиб қилиш; қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ҳаракатларни содир этиш.

Қўшимча қилинишича, постлар тагидаги шарҳларда юқорида қайд этиб ўтилган ахборотлар мавжуд бўлган фикрлар, чақириқлар бўлса, қонун талабига кўра блогерлар у шарҳларни ўчириши лозим бўлади.

Айтиш зарурки, ижтимоий тармоқлар орқали тухмат ва ҳақорат қилиш, бошқа ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик бор ва бу жавобгарлик ҳуқуқбузарга дахлдордир. Тухмат ва ҳақорат ҳатто чойхонада ёки автобусда қилинса, ҳам, қонунбузарликдир. Ижтимоий тармоқда қилинса бу қилмишни оғирлаштирадиган ҳолатдир. Такрорлайман, бу жавобгарлик қоидабузарнинг – шарҳ ёзган фуқароннинг ёки «Тролл»нинг зиммасидадир.

Албатта, «троллар»ни, тармоқда ҳақоратомуз, тухматли шарҳ ёзганларни аксарият ҳолда шахсини аниқлаш осон иш эмас, техник муаммодир. Аниқланганда ҳам ҳақоратни

ва тухматни аниқлашнинг турли жихатлари мавжуд. Масалан, шарҳлаган кимса: «Бу ерда ҳамманг фалон..сан», дея ёзса, бу конунга кўра, ҳақорат эмас, чунки унинг объекти мавжуд эмас. Ҳақорат муайян инсонга қаратилганда ҳақорат ҳисобланади. Ёки: «Сиз бу масалада ҳеч балони тушунмай-сиз», – деб ёзиш ҳақорат эмас, одобсизлик саналади.

Ижтимоий тармоқлардаги тухмат ва ҳақорат учун жавобгарлик юриспруденциянинг умумий меъёрлари асосида ҳал этилади. Интернетдаги ҳақорат учун алоҳида меъёр белгиланмаган ва шарт эмас.

Ҳақоратланган ёки шаъни поймол этилган шахс судга мурожаат қилиши мумкин. Яна бир йўл – тармок модераторларига, маъмурларига мурожаат қилиш ҳамда хафа қилган akkaунтни блоклашдир.

Албатта, пост остида ёзилган шарҳлар учун жавобгарликни модераторларга ёки блогерларга юклаш сўз эркинлигига жиддий зарба беради. ФБ каби ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар соҳиблари, сайтлар ва блоглар эгалари ўз материалларини факат ўқиса бўладиган, лекин шарҳлаб бўлмайдиган «read only» режимига ўтказадилар, мунозаралар ва муаммолар ечимини излаш тўхтади. Чунки журналист ёки блогернинг ракиблари ва ракобатчилари унинг пости тагига жиноят ҳисобланадиган шарҳларни тўлдириб, касос олишга тушадилар. Қолаверса, пост остидаги шарҳлар учун жавобгарликдан қўриқиб, блогер цензорга айланишига тўғри келади.

Конунчиликка кўра, фуқаронинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларидан, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 11-моддасига биноан «ҳуқуқни тан олиш» ва «ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш мумкин» бўлгани каби, ҳақоратли ва тухматли шарҳни олиб ташлашни талаб қилиши мумкин. Олиб ташлаш рад этилса, судга мурожаат қилиш мумкин ва суд мазкур матнни олиб ташлаш борасида қарор чиқара олади.

Бундай шарҳни олиб ташлаш талаби блогер, сайт ёхуд ОАВ учун жавобгарликни эмас, мажбуриятни англатади.

ХУЛОСА

1. Ҳукукбузарлик учун жавобгарлик айнан ҳукукбузарнинг – пост ёки мақола остида шарҳ қолдирган шахснинг зиммасидадир.

2. Шарҳ муаллифини топа олмаслик жавобгарликни сайт муаллифи ёки маъмурига ўтказилишини англатмайди.

3. Суд ёки шикоятчи талаби билан шарҳ саҳифадан олиб ташланиши мумкин ва бу жавобгарлик ёки жазо чораси эмас, суднинг қарорини ёки фуқаронинг талабини бажаришдир.

4. Агар сайт эгаси ёки маъмури суднинг талабини бажармаса, бу жавобгарликни келтириб чиқаради ва ҳатто маънавий зарарни ундиришга олиб келиши мумкин.

Мазкур меъёрлардан чиққан ҳолда, журналистлар ва блогерларга мақолалари ва постлари остидаги шарҳлар учун жавобгарликни юклаш сўз эркинлиги тамойилларига зиддир, чунки у, бир томондан, журналист ва блогерни цензорга айлантиради ва, иккинчи томондан, шарҳ ва фикр ёзувчиларнинг сўз эркинлигини бўғади.

ЖУРНАЛИСТИКАДА КАСБ ЭТИКАСИ

Замонавий цивилизациянинг энг мураккаб муаммоларидан бири – ҳар қандай жамиятда, авваломбор, демократик тамойиллар шаклланиб бориши, жамият аъзоларининг демократия талабларига тайёриги, эркинлик ва масъулият ўртасидаги энг одил мувозанатни топа билиш муаммосига тааллуқлидир. Бундай ҳолатлар, биринчи навбатда, мамлакат оммавий ахборот воситалари тизимида ўз ифодасини топишидан келиб чиқса, эркинлик, ҳаққонийлик ва ҳолислик мувозанатини сақлай билиш ҳар қандай миллий журналистика учун нихоятда долзарб вазифа бўлиб қолаверади.

«Ахборот асри» дея таъриф берилган, интернетлашган, телефонлашган XXI асрда инсоният ҳаётида ахборот ва унга муносабат тушунчаси тубдан ўзгарди. Дунё мамлакатларининг ривожланганлик ва эркинлик даражаси, мавқеи, салоҳияти у ерда нечоғли ахборотлашган жамият барпо этилганлиги билан белгиланмоқда. Шу билан бир вақтда ахборот глобаллашуви жараёнлари миллий кадриятларга, миллий ўзига хосликларга дахл кўрсатувчи, кези келганда, унга зарар етказувчи омилга айланиб бормоқда. Мустакилликка эришган ёш давлатларда миллий ўзликни англаш, бой берилган миллий кадриятларни тиклаш эҳтиёжи ҳар қачонгидан ортиши табиий қонуният бўлган бир пайтда глобаллашув жараёнининг зарарли таъсирига одилон ва оқилон қарши тура олиш механизмни ярата билиш зарурати ҳам жиддий муаммо тусини олмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мана шундай ўта мураккаб замонда мустакилликка эришди. Жамият олдида том маънодаги замонавий ва илғор сиёсий тузум барпо этиш, бунинг учун

кўп боскичли ислохот жараёнларини амалга ошириш, аynи чоғда дунёда кечаётган воқеалардан четда қолмаслик вазифаси кўндаланг бўлди. Бу тарихий вазифанинг муҳим бўғини республика оммавий ахборот воситалари тизимини ривожлантириш, қолверса, қайта ташкил этишга тааллуқли эди. Чунончи:

- соҳа тизимининг ҳуқуқий асосларини яратиш;
- замонавий матбуотни эркинлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини, талабларини, қонуниятларини ўрганиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш;
- ҳозирги шароитда умуминсоний ва миллий кадриятлар, манфаатлар уйғунлигига эришиш;
- ислохотларни (эркинлаштириш, номарказлаштириш, ўзини-ўзи бошқариш тизимини яратиш ва ҳоказо) босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш;
- бозор муносабатлари шароитида соғлом рақобатбардошлик муҳитини яратиш;
- геополитик сиёсат ва ахборот хуружи авж ола бораётган бир пайтда миллий журналистиканинг миллат ва миллий манфаатлар ҳимоячисига айланишига эришиш;
- журналистлик фаолиятига етарли касбий тайёргарликка эга бўлмай киришиш ҳолатларига қарши маърифий-интеллектуал тайёргарликни ошириш дастурларини ишлаб чиқиш;
- ўзбек миллий журналистикасини глобал ахборот жараёнларининг фаол иштирокчисига айлантириш.

Санаб ўтилган муаммоларнинг счимини топиш соҳа эгаларининг малакаси, иқтидори ва салоҳиятини оширишдек янада жиддий муаммоларга чамбарчас боғлиқ. Шу билан бир вақтда ҳеч бир муболағасиз айтиш ва таъкидлаш лозимки, ҳар қандай катта-кичик ислохотни амалга ошириш инсон омилига келиб тақалади. Инсон омилининг ўзак-ўзагини маънавий-маърифий туйғулар, кадриятлар, уларнинг ўзагини эса ахлоқ-одоб ташкил этади.

Мазкур ҳақиқат оммавий ахборот воситалари соҳасига ҳам бевосита тааллуқлидир.

Кишилар ўртасидаги муносабатларнинг мураккаблашуви умумяхлоқ (этика) фанининг, унинг узвий таркиби бўлмиш

турли касб одоби нормаларининг аҳамиятини ҳар қачонгидан ошириб юборди. Бинобарин, ахлоқнинг турли касб-корга доир йўналишлари алоҳида муаммо ва алоҳида фан сифатида ўрганилмоқда. Чунончи қадимдан мавжуд шифокор одоби, ҳуқуқшунос одоби, ўқитувчи одоби сингари йўналишлар каторида илмий-назарий ўрганилиши жихатидан нисбатан ёш ҳисобланган «журналистнинг касб этикаси», «инфоэтика» (яъни, ахборот одоби), «глобал ахборот маданияти» тушунчалари дунё микёсидаги муаммоларга айланди.

Журналист ахлоқ-одобига – этикасига бевосита боғлиқ бўлган ва ундан келиб чиқадиган «ахборот маданияти» тушунчаси кишилар, уларнинг ахборот олиш ҳуқуқларини сақлаган ҳолда, ахборот оқимидан ўзига зарур бўлган энг фойдали ахборотларни саралаб ола билишлари, ахборот истеъмолчиси сифатида зарарли ахборот оқимидан ҳимояланишлари зарурлиги масаласи кун тартибига қўйилмоқда.

Инсон интеллекти, эрки, маънавий олами тўхтовсиз янги-ланиб бораётган янги ахборот технологияларига қарам бўлиб қолаётгани компьютер этикаси, интернет этикаси, уяли телефон этикаси муаммоларининг тобора кенгайиб ва чуқурлашиб боришида ўз аксини топмоқда.

Мамлакатимизда нодавлат, хусусий оммавий ахборот воситаларига, айниқса, ижтимоий тармоқларга кенг йўл очилиши муносабати билан журналистнинг касб этикаси муаммоларини ўрганишнинг долзарблигини белгиламоқда. Ижтимоий тармок нима, журналист билан блогер орасидаги фарк нималардан иборат, профессионал журналист билан хаваскор журналист ёки фуқаролик журналистикаси ўртасидаги тафовутни аниқлаштириб олиш зарурми, деган саволлар илмий ва амалий аспектдаги муаммо даражасига кўтарилиб улгурди. Мазкур савол ва муаммоларнинг ҳар «қадами»да масалага касбимиз этикаси нуктаи назаридан ёндашиш зарураги ҳам кўндаланг масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Матбуот рекламаси кўпайди, оммавий ахборот воситаларини таъсис этувчи муассислик институти шаклланди, тахририятнинг иктисодий асосларини яратиш ва мустаҳкамлашга эътибор кучайди. «Ахлоқий мезонларнинг

чигаллашуви, оммавий ахборот воситаларининг концентрациялашуви унинг сердаромад соҳага айланаётгани, бозорнинг парчаланиб кетиши, янгидан-янги технологиялар ва ўсиб бораётган рақобат журналистика маданиятини, айниқса, кундалик босма журналистикани пароканда қилиб юборди... Бу журналистика одоб мухитининг нормал ҳолатига жиддий хатар солди».¹

Мана шундай бир вазиятда кўплаб омиллар журналистнинг ҳаётий, инсоний, фукаровий ва касбий позициясига таъсир кўрсатиши мукаррарки, уларни ҳам назарий, ҳам амалий аспектда журналистнинг касб этикаси ўзида мужассам этади.

Ахборот таркатувчи асосий субъектлардан бири – журналист. Глобал миқёсда айтилса, ахборот асрининг одоби ҳам кўп жиҳатдан журналистнинг зиммасида. Ахборот маданиятининг ижтимоий-сиёсий, миллий, маънавий-маърифий, ҳукукий, фалсафий, эътикодий, иқтисодий, умуминсоний аспекти ҳақида ҳам, биринчи навбатда, ахборот маданиятини шакллантирувчи бош субъект – журналист қайғурмоғи даркор. Журналист шахси мутлақо янгича қиёфа ҳосил қилаётган ушбу жараёни тадқиқотчи Ирма Кумилганова «журналистнинг субъективлашуви» деб таърифлайди.² Бу таъриф истиқлол даври ўзбек журналисти маънавий қиёфасига ҳам тааллуқли. Зеро, шахснинг субъективлашув жараёни кечаётган паллада унинг ҳам инсоний, ҳам касб этикаси муаммолари биринчи планга чиқади.

Бундан қарийб 50 йил мукаддам АҚШда нашр этилган «Матбуотнинг тўрт назарияси» («Four theories of the press») китоби³ муаллифлари жаҳон журналистикаси тарихини тўрт

¹ Эдмонд Б.Ламбет. Приверженность журналистскому долгу (Об этическом подходе в журналистской профессии). – М.: Виоланта, 1998. – С. 146.

² Қаранг: Кумилганова И.А. Нравственные критерии в профессиональной журналистской деятельности.: – Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М.: МГУ, 1992. – С. 14.

³ Сиберт Ф., Петерсон Т., Шрамм У. Четыре теории прессы. – М.: Вагриус, 1998. – С. 224.

боскичга – матбуотнинг авторитар назарияси, матбуотнинг либертариан назарияси, матбуотнинг ижтимоий масъулият назарияси ҳамда матбуотнинг шўро коммунистик назарияси кўринишларига бўладилар. Гарчи тўртала назариянинг асосини матбуот сўзининг эркинлиги омили ташкил этса-да, умумлаштириб айтганда, **жаҳон журналистикаси тарихи матбуот эркинлиги ва ижтимоий масъулият принциплари мувозанатига интилиш тарихидан иборат**, десак хато қилмасак керак. Ҳар қандай жамият тарихи ва тақдирида матбуот тизимидаги мана шу мувозанат муҳити жиддий кўрсаткич ҳисобланади. Бу мувозанат эса касб маланиятига, касб одобига асосланади. Шундай экан, «матбуотнинг тўрт назарияси»ни мантқан давом эттириб айтиш мумкинки, ХХI аср журналистикасида **матбуот одоби, ахборот маданияти назарияси** устувор таъмоий сифатида шаклланади. Жаҳон ва миллий журналистикамиз дунёсида кечаётган тенденцияларнинг тадқиқ ва таҳлил этилиши мана шундай ҳулоса чиқаришга асос беради.

Мустақиллик йилларида мамлакатда оммавий ахборот воситаларининг сони кескин кўпайди, уларни шўро давридан мерос цензуралаш назорати остида тутиш мумкин бўлмай қолди. Янги шароитда журналистни ташқаридан назоратлаш эмас, уни ичдан тартибга келтириш тизими адолатли эканини дунё тажрибаси кўрсатди. Бинобарин, матбуот соҳасини бошқаришнинг тўғри чораси – соҳани эркинлаштириш ва одоблаштириш ҳар қачонгидан долзарб вазифага айланди (бу ўринда «одоблаштириш» сўзини жуда жиддий ва профессионал маънода қўлланилаётгани унутилмаслиги керак, албатта).

* * *

Журналистнинг касб этикаси муаммоларини махсус тадқиқ этиш ХХ асрнинг бошларидан (айниқса, асрнинг иккинчи ярмидан) сезиларли даражада кучайди. АҚШ, Германия, Финландия, Болгария, Венгрия ва бошқа кўплаб давлатларда бу мавзу кун тартибидан тушмади.¹

¹ Қарағ: Авраамов Д. Профессиональная этика журналиста. – М.: Мысль, 1991. С. 11.

Шўро даври матбуотшунослигига доир тадқиқотларда журналистнинг касб одоби муаммолари этика, фалсафа, психология, социология ва бошқа фанлар чорраҳасида бир қадар ўрганилган. Мисол учун, тадқиқотчи Т.Фролова (Москва) журналист касб фаолиятида мулоқот ва алоқанинг аҳамиятини таҳлил қилган.¹ Олима С.Рагимова (Озарбайжон) ижодий маданият билан журналистнинг касб одоби маданияти ўртасида боғлиқлик борлиги ҳақида сўз юритган.² Тадқиқотчи И.Кумилганова (Москва) журналистнинг ҳаётий тажрибасида этика ижтимоий-фалсафий категорияга эга деб ҳисоблайди ва журналист фаолиятида ахлоқий мезонлар аҳамиятини аниқлаш зарурлиги масаласини ўртага қўяди.³ В.Теплюкнинг 1980 йили чоп этилган «Журналистлик ижоди этикаси» («Этика журналистского творчества») китоби ўз даври нуктаи назаридан ҳамда мазкур муаммога доир дастлабки тадқиқотлардан эканлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.⁴

Этикага бағишланган луғатларда «касб этикаси» атамаси «кишилар ўртасидаги касб фаолияти билан боғлиқ муносабатларга маърифий тус берадиган хулқ-атвор кодекси» дея таърифланган.⁵ «Журналистнинг касб этикаси» йўналишида қатор дарслик ва ўқув қўлланмалар чоп этилган.

Ҳар бир давлатнинг ўз ички миллий-махаллий хусусиятлари, имкониятларидан келиб чиқиб қабул қилинган қонунлари мавжуд. Бироқ демократик жамиятнинг бошқа бирламчи шарти ҳам борки, бу – умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларидир. Халқаро ҳуқуқий меъёрларнинг бирламчи аҳамиятга эгалиги шундаки, у миллати, ирки, мамлакатла-

¹ Фролова Т.М. Общение в профессиональной деятельности журналиста.: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. М.: 1986. – С.21.

² Рагимова С.И. Нравственно-эстетическое воспитание молодежи и печать.: – Автореф. дис. ... канд. философ. наук. Баку: 1988. – С. 20.

³ Кумилганова И.А. Нравственные критерии в профессиональной журналистской деятельности.: – Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М.: МГУ, 1992. – С. 7.

⁴ Қаранг: Теплюк В.М. Этика журналистского творчества. – М.: Наука, 1980.

⁵ Словарь по этике. – М.: Политиздат, 1981. – С. 274.

рининг тараккиёт даражасидан катъий назар дунёдаги ҳар қандай давлатларнинг, у ерларда яшаётган фуқароларнинг турмуш, меҳнат қилиш ва ижод этиш ҳуқуқларини ўз ҳимоясига олади. Тўғри, муайян давлатда турли соҳага тааллуқли қонунлар қабул қилинганида маҳаллий ва миллий менталитет хусусиятлари эътиборда тутилмай иложи йўқ, лекин шундай ҳолатларда ҳам қонун лойиҳаси тайёрланиш жараёнида халқаро илғор тажрибалар, албатта, ўрганилади, улардаги энг мақбул жиҳатлардан намуна олинади. Бу ҳол муайян давлатнинг халқаро муносабатлар даражаси сари интилаётганидан, умуминсоний қадриятларни эътироф этиши ва ҳурматлашидан ва шу орқали дунё мувозанатини сақлаш тарафдори эканидан далolat беради.

Халқаро қонунчилик тарихида Бирлашган Миллатлар Таъшиқоти томонидан тасдиқланган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» қатта ўрин тутди. Мазкур ҳужжат ер юзидаги барча миллат, ирк ва динлар учун ёт бўлмаган юксак инсоний туйғу – ўзаро мурося ва бардошлилик анъаналарини ўзида мужассам этганлиги билан бетакрордир. Қолаверса, «Инсон ҳуқуқлари ҳеч бир маданиятга бегона эмас ва барча халқлар учун табиийдир, – деб ёзади БМТнинг собиқ бош қотиби Кофи Аннан мазкур Декларациянинг 50 йиллигини нишонлаш бошланиши муносабати билан қилган мурожаатида. – Қелишувчанлик ва бағрикенглик ҳамма вақт давлат бошқаруви ва инсон ахлоқининг интилиш ҳислатлари бўлиб қелган. Биз бугунги кунда ушбу ҳислатларни инсон ҳуқуқлари дея атамоқдамиз».¹

Ўзга фикрлар билан ҳисоблашиш, уларга бағрикенглик кўрсата билиш ҳам давлат бошқарувида, ҳам инсон ахлоқида жиддий аҳамият қасб этиши уқдирилмоқда.

Декларациянинг «Муқаддима»сида инсонга, шахсга ҳос бўлган энг буюқ ва зарур туйғу – кадр-қиммат тилга олинади. Дейлик, 1-моддада кадр-қиммат инсонга берилиши шарт

¹ «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси». – Т.: Ўзбекистон, 1998. 2-6.

бўлган бошка бир муҳим мезон – ҳуқуқ билан бир қаторга қўйилади. Ижодий фаолияти жараёнида у ёки бу тарзда инсон тақдирига дахл кўрсатадиган ҳар қандай журналист учун ушбу икки норманинг аҳамияти дастурий қимматга эга. Чунки ҳоҳ ижобий, ҳоҳ танқидий йўналишдаги чиқишлар бўлсин, журналист ҳар қандай ҳолатда шахснинг кадр-қимматини нечоғли ҳурмат қилса, шу билан тенг равишда унинг ҳуқуқини ҳам поймол этишга ҳаққи йўқ.

Декларациянинг 12-моддасида ҳам журналистни огоҳлантирувчи, уни хушёрликка ундовчи нормалар белгилаб берилган.¹ Яъни ўзгаларнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ҳеч қимнинг, жумладан, журналистнинг ҳам ўзбошимчалик билан аралашувига йўл қўйилмайди. Шахсий ёзишмалардаги сирлар дахлсиздир. 18-моддада ҳар бир инсон фикр эркинлиги ҳуқуқига эгаллиги зикр этилган.

Навбатдаги моддада аввалги модда мазмуни мантиқан давом этади. Зеро, фикр эркинлиги уни эркин ифода қилиш ҳуқуқи билангина тўлақонли аҳамият касб этади.

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»да «ахборот ва ғояларни... давлат чегараларидан қатъий назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги» (19-модда) баён этилган. «Таълим инсон шахсини тўла барқамол қилишга ва инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларига нисбатан ҳурматнинг қучайтирилишга қаратилмоғи лозим»лиги 26-моддада айtilган.

Одатда, ҳурмат қилиш ҳуқуқидан кўра ахлоқий меъёр ҳисобланади. Хусусан, эркинликларга нисбатан ҳурматнинг қучайтирилиши талаби ҳам инсоний, ҳам журналистнинг касб одобига дахлдор дейиш мумкин. Чунки эркинликни ҳурматлаш туйғуси журналист фаолиятида ҳар қадамда, ҳар сонияда у ёки бу кўринишда намоён бўлади. 29-моддада зикр этилган «Ҳар бир инсон жамият олдида бурчлидир» деган сўзлар ҳар бир журналистга қарата айtilгандек таассурот қолдиради, жумланинг давоми эса «шахс эрки» тушунчасига равшанлик киритади, яъни «фақат шу ҳолатдагина унинг шах-

¹ Ўша манба. 19-б.

си эркин ва тўлиқ камол топиши мумкин». Яъни шахс эркинлиги унинг жамият олдидagi бурчида ўз ифодасини топади, салмоғи ортади.

Сўзнинг кучини атомдан кудратлироқ экани кўп таъкидланади, атом эса ярагувчилик салоҳияти билан дахшатли бузғунчилик кудратига ҳам эга. Бироқ оммавий ахборот воситаларининг куч-кудрати моҳиятан инсон тафаккури, маданияти ва зиёси ёрдамида эзгуликка хизмат қилмоғи керак.

Цивилизация дунё халқларининг бир бутунлигини, дунё мамлакатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлашнинг энг оқил усули сифатида халқаро конунчилик тажрибасини яратган. Ҳеч бир инсон бир-бирига ўхшамаганидек давлатлар, мамлакатлар, уларда яшаётган халқлар ҳам ўзига хос хусусиятларга бой. Ижтимоий-сиёсий, маданий, ҳарбий ва иқтисодий жиҳатлардан бир-бирига мутлақо ўхшамайдиган, тараққиётнинг турли босқичида яшаётган мамлакатлар ички шарт-шароитидан қатъи назар, глобал ҳамкорлик муносабатларининг субъекти сифатида иштирок этмаслиги мумкин эмас. Муносабатга киришиш учун эса муайян умумий қонуниятларга, битишув, келишув ва аҳдлашувларга бўйсунишга мажбур. Ҳар бир давлатда ўзига хос миллий-махаллий шарт-шароит ҳукм суришидан келиб чиқиб, миллий журналистика йўналишлари турлича бўлиши мумкин, лекин жаҳон журналистикасини «халқаро ҳамкорлик» тушунчаси бирлаштириб, умумлаштириб туради. Чунки «Халқаро ҳамкорлик деганда, ҳамиша барча учун умумий ва бирдек муҳим бўлган масалаларни ҳамжиҳатликда ҳал этиш учун мавжуд имкониятларнинг бирлаштирилиши тушуниб келинган».¹

Ана шундай муносабатларни тартибга солиб турувчи, умумадолат ва умуммувозанатни таъминловчи халқаро ҳужжатлар кўп. Алоҳида таъкидлаш зарурки, халқаро кучга эга бўлган қарийб барча асосий қонун ҳужжатлари синчиклаб ўрганилса, унда оммавий ахборот воситаларига, матбуотга, қолаверса, матбуотнинг бош фигураси – журналистга ва унинг

¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. - Т.: Адолат, 2002.

шахсига, фаолиятига дахлдор моддаларни, бандларни кўплаб учратиш мумкин.

Ҳаққонийлик, аниқлик, ҳолислик, тезкорлик, халқчиллик, оммавийлик, эзгулик жаҳон журналистикасининг асосий принциплари эканидан келиб чиқадиган бўлсак, ушбу талаблар ирки, миллати, динидан катъи назар, дунёдаги ҳар қандай кишилар учун умуминсоний кадриятлар ҳисобланади. Жаҳон журналистикасининг туб манфаат, мақсад ва вазифалари умуминсоний кадриятлар замиридан ўсиб, вояга етгани ва алоҳида соҳа сифатида воқеликка айлангани шу билан характерланади.

Баён этилган мулоҳазалар жаҳон журналистикасининг асосий ижобий жиҳатларини ташкил этса, жаҳон журналистикаси учун хос бўлган салбий маънодаги «муштараклик» ҳам мавжуд.

Дунёдаги ҳар бир инсоннинг шахсий манфаатлари, кизикишлари, интилишлари бўлганидек, ҳар бир давлат ўз танлаган йўли, мафкураси, ғояси асосида ҳаёт куради, барча ички ва ташқи муносабатларини белгилашда ана шулардан келиб чиқади. Демак, давлатлар, халқлар ўртасидаги бибридан фаркли манфаатларнинг мавжудлиги ҳам реаллик сифатида умуминсоний муносабатларга таъсир ўтказади. Бир сўз билан айтилса, дунё давлатлари ўртасидаги муносабат, бир томондан, ўзаро яқинлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик истаги ва шиори остида амалга ошса, иккинчи томондан, манфаатларнинг хилма-хиллиги гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона тарзда давлатларнинг сиёсатини белгилаб беради. Шундан келиб чиқиб, турли давлатларда яшаб ижод қилаётган журналистлар ўз фаолиятида халқчиллик, ҳолислик, ҳаққонийлик принципларига риоя қилиши мураккаб кечади. Мазкур омиллар оммавий ахборот воситалари фаолиятига таъсир ўтказмай қолмайди, албатта. Яъни «жаҳон журналистикаси» тушунчасида ана шу икки омил – ҳолислик ва ҳаққонийлик ўзининг мусбат ва манфий манзаралари билан кўзга ташланиб туради.

Эндиликда давлатларнинг кудрати, салоҳияти нечоғли кўп ахборотга эгаллиги билан ўлчанмоқда. Энг муҳими, ахборотга эгаллик қилиш теварагида ракобат ҳар қачонгидан кучайиб бормоқда. Глобал коммуникация воситалари ривождаги олға «сакраш» туфайли, айниқса, куйидаги уч соҳада кескин ва баҳсларга бой ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар – инсон ҳуқуқларининг, мафкураининг, миллий маданият ва кадриятларнинг глобаллашувида намоён бўлмоқда.

«Шу тарика бугунги кунда инсониятни кескин ўзгаришлар кутмоқда, – деб масалани янада кўндаланг қўяди сиёсий фанлар доктори Т. Алимардонов. – У жуда теран ижтимоий тўнтаришлар арафасида, бутун даврни тубдан ижодий қайта қуриш бўсағасида турибди. Кишини ларзага солувчи бу цивилизацияни биз ҳали тузукрок тасаввур ҳам қилиб улгурганимиз йўқ, лекин шундай бўлса-да, бошиданок унинг қурилишида ишгирок этмоқдамиз».¹ Тадқиқотчи бундай таҳдидга қарши қурашиш чорасини «Дунёнинг яхлитлиги ва унинг истикболини факат юксак ахлокий муносабатлар қафолатлаши мумкин»лигида кўради.

Биз учун муҳим жихати шундаки, бундай шароитда журналистнинг (инсон, фуқаро, миллат фарзанди сифатида) касб маҳорати ва этикаси ҳал қилувчи омилга айланиб бормоқда.

Матбуот эркинлиги тўғрисидаги дастлабки қонун 1766 йили Швецияда қабул қилинган. XVI асрда инглиз публицисти Ж.Мильтон яратган «Ареопагитика» асари ҳам матбуот дунёсида ҳануз ўз қимматини йўқотмаган. 1900 йили Швецияда журналистларнинг касб этикаси кодекси, 1918 йили Францияда Журналистлар Миллий синдикати томонидан «Ахлоқ-одоб ҳартияси» қабул қилинган. 1921 йилга келиб америкалик Ж.Броун «Ахлоқ кодекси ва амалий журна-

¹ Алимардонов Т. Глобал тараққиётнинг ахлокий муаммолари // «Жаҳон адабиёти». – 2003. – №4. 139-б.

листика меъёрлари»ни тузган. 1923 йилда АҚШ газета бош мухаррирлари жамияти «Журнализм конунлари» кодексини қабул қилган.

ЮНЕСКОга аъзо давлатлар томонидан қабул қилинган (1995 йил) «Бағрикенглик тамойиллари декларацияси»нинг 1-моддаси «Бағрикенглик тушунчаси» деб аталган. Ҳукукий-демократик жамиятнинг бирламчи белгиларидан бири фикр эркинлиги бўлса, фикр хилма-хиллиги унинг мантикий давомидир. Мазкур ҳар икки омил, биринчи навбатда, оммавий ахборот воситалари орқали намоён бўлади. Демак, жамиятда мана шундай муҳитни вужудга келтиришда ҳам журналист зиммасидаги бурч ва масъулият анча катта. Бунга амал қилинишида эса тилга олинган декларацияда баён этилган бағрикенглик принциплари жуда-жуда асқатади. «Бағрикенглик – турлитуманликдаги бирликдир. Бу факат маънавий бурчгина эмас, балки сиёсий ва ҳукукий эҳтиёж ҳамдир. ... Бағрикенглик – инсон ҳуқуқларини қарор топтириш, плюрализм (шу жумладан, маданий плюрализм), демократия ва ҳуқуқнинг тантанаси учун қўмаклашиш мажбурияти».¹

Журналистнинг касб одоби талабларидан бири аёллар ва ёш болалар тақдири билан боғлиқ ахборотни тарқатишдаги вазминлик ва мулоҳазакорликдир. Дарҳақиқат, энг нозик ва қалтис муаммолардан бири ҳам вояга етмаган болаларга дахлдор, айниқса, салбий маънодаги янгиликларни сўрамай-нетмай, батафсил суриштирмай, матбуот орқали тарқатиб юбориш қутилмаган кўнгилсизликларни келтириб чиқариш эҳтимоли катта. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари»нинг (1985 йил) «Махфийликнинг таъминланиши» деб номланган 8-моддасида ушбу норма алоҳида икки хатбошида зикр этилган. Яъни:

«8.1. Ёш ўғил ёки қиз болага кераксиз ошқоралик туфайли зиён етишидан ёхуд улар обрўсига путур етказишдан

¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Т.: Адолат, 2004. 214-6.

сакланиш учун балоғатга етмаган болаларнинг махфийликка тааллуқли ҳуқуқи барча босқичларда ҳурмат қилиниши зарур.

8.2. Принципга кўра балоғатга етмаган ҳуқуқбузар боланинг шахсини кўрсатишга сабаб бўладиган бирор-бир ахборот чоп этилмаслиги керак».¹

Умуман, кўпгина халқаро қонун ҳужжатларида мазкур масалага алоҳида этибор қаратилибгина қолмай, шу билан бирга, бевосита ёш болалар ҳаёти, тақдири ва қисматида доир алоҳида қонунлар, принциплар, қонун-қоидалар қабул қилинганки, улар журналистлар томонидан атрофлича ва чуқур ўрганилиши ҳар жиҳатдан фойдалидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принциплари» (1990 йил) «Д. Оммавий ахборот воситалари» бўлими бевосита болалар ва матбуот масаласига бағишланган.²

Жамият аъзоларининг ҳақиқатни билиш ҳуқуқини ҳурматлаш – журналистнинг бирламчи бурчи эканлиги маълум ҳақиқат. Зеро, матбуот «рсал воқеликни билиш, тадқиқ этиш ҳамда унга таъсир кўрсатишнинг муҳим воситасидир».³ Мазкур бурч журналист зиммасига, биринчи навбатда, ахборот манбаининг мутлақ ишончли бўлиши масъулиятини юклайди. Оммавий ахборот воситаси (шунингдек, журналист) жамиятда хилма-хил фикрлар эмин-эркин алмашилишига, ҳолис жамоатчилик назоратини шакллантиришга хизмат қилади. Булар демократик жамият матбуотининг муҳим ва устувор белгиси ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳар қандай жамиятда матбуот зиммасидаги эркинлик билан масъулият мувозанатини сақлаш ҳамиша жиддий муаммо саналади. Холисликни, демократик нормалар меъёрини, кишиларнинг шаъни, қадр-қимматини асраб-авайлашни, ҳатто жамиятдаги осойишталик

¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Т.: Адолат, 2004. 248-б.

² Ўша манба. 276-б.

³ Ҳудойқўлов М. Оммавий ахборот воситалари назарияси. – Т.: ТошДУ. 1999. 10-б.

ва баркарорликни таъминловчи куч мана шу мувозанат замирида мужассамлашади.

Жаҳон журналистикасининг энг устувор принциплари инсоннинг табиий эҳтиёжлари ҳисобланмиш ахборот олиш ва сўз эркинлиги эҳтиёжини қондиришга бўлган талаблардан келиб чиққан. Қолаверса, тараққий этган давлатларда эришилган ва қарор топган матбуот эркинлиги таникли ҳуқуқшунос М.Федоров (Россия) ёзганидек, «Либерал максимализмдан то ижтимоий масъулият туйғусини ҳис этишгача бўлган йўлни босиб ўтган».¹ Бу йўл бошидан охирига қадар журналистнинг профессионал этикаси йўли десак мутлақо муболаға бўлмайди. Зеро, ҳар қандай либераллик, яъни эркинлик масъулият унутилмаган жойдагина қутилган самарани беради.

Табиий, сўз эркинлигига замин яратиш, фикр хилма-хиллигига эришиш жамиятни парокандаликка олиб келиш эвазига бўлмаслиги керак. Бинобарин, ҳар қандай жамият ўзини бузғунчи таъсирлардан ҳимоя механизмини яратмоғи зарур ва бунга мажбурдир ҳам. Бундай механизм касб этикаси кодекслари асосида амалиётга жорий этилиши жаҳон журналистикасида кўп учрайди.

Турли давлатларда амалда бўлган журналистнинг касб этикаси кодекслари ўзига хос миллий-маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда яратилган. Шу билан бирга, кодекслар орасидаги фарқларни истисно этмаган ҳолда уларни моҳиятан бир-бирига яқинлаштириб турган асосий муштарак талаблар, мезонлар ҳам бор. Мисол учун, барча кодексларда аҳолининг ахборот олиш ҳуқуқи, ҳолислик, аниқлик, ахборот манбаига салоқат сингари касб нормалари алоҳида таъкидланган. Мана шу талаблар муштараклиги ҳам дунёда «жаҳон журналистикаси» дея аталувчи яхлит бир ижодий жараён, яхлит муҳит мавжудлигидан даволат беради.

¹ Законы и практика СМИ в одиннадцати демократиях мира (сравнительный анализ). Изд-е 2-е. – М.: Галерея, 2000. С. 6.

Ҳукукий-демократик талаблар даражасида фаолият юритувчи оммавий ахборот воситалари тизимини яратиш масалаларининг муҳим бир қирраси бўлса, соҳада ўзини ўзи бошқариш, мувофиқлаштириш тизимини яратиш ҳам шунчалик муҳим ва долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шу сабабли ҳам ўзини-ўзи бошқариш тизимини яратиш борасида халқаро ва миллий қонунлар, низомилардан ташқари ғоятда жиддий аҳамиятга эга бўлган ҳужжат – профессионал этика кодекслари ҳисобланади.

Ахлоқшунослик фани тарихида «журналистнинг касб одоби кодекси» тушунчаси, илмий асосда ўрганилиши жиҳатидан, юқорида таъкидланганидек, нисбатан анча ёш. Ушбу соҳага оид кодекслар, асосан, XX асрнинг дастлабки йилларида яратила бошланган.

Латин тилида (Codex) тизимлаштирилган ҳукукий акт маъносини англатадиган кодексларнинг барчаси мазмун-моҳияти билан журналистнинг касб одоби меъёрларини тартиблаштиришга хизмат қилади. «Кодекс – мантикий тизимлаштириш хусусиятига эга қонун бўлиб, ўзида ижтимоий муносабатларнинг маълум бир соҳасини батафсил тартибга солувчи нормаларни бирлаштиради».¹ Шу билан бирга, кодекс тартиблаштирибгина қолмай, муайян мамлакат журналистлари, матбуот ходимлари ўзини ўзи оқилона бошқариш механизминини яратиш борасида муҳим асосий ҳужжат вазифасини ўтайди.

«Чет эл тажрибасидан келиб чиққан ҳолда журналистларнинг ахлоқ кодекси кераклигини таъкидлаш жоиз, – деб ёзади кодексга зарурат бор деб ҳисобловчи тажрибали журналист Т.Раҳматуллаев. – Ривожланган мамлакатларда ҳам кодекслар фақат ўтган асрнинг 70–80-йилларида пайдо бўлиб, кенг таркала бошлади. Бунга айти шу вақтларга келиб керакли замин ва шарт-шароитлар яратилди ва эҳтиёж туғилди».²

¹ Саидов А., Таджикханов У., Одилқориев Х. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Основы государства и права. – Т.: Шарқ, 2002. 41-б.

² Журналист ва ҳуқуқ. – Ўзбекистон Миллий матбуот маркази Самарқанд вилоят бўлими ахборотномаси. 2003 йил, январь, 8-сон. 3-б.

Макола муаллифи журналистнинг ахлоқ кодекси яратилишининг яна бир муҳим аҳамиятини таъкидлайди. «Агар, – деб ёзади у фикрини давом эттириб, – ўзини ўзи чеклаш тамойили ҳаётга татбиқ этилмаса, журналистикани чекловчи бошқа кучларнинг таъсири кучайишини хорижда яхши англай бошлашди. Шунинг учун «ўз-ўзини цензура қилиш», «ўзини ўзи бошқариш» каби иборалар тез-тез ишлатиладиган бўлди».

Дарҳақиқат, ҳар қандай шароитда, ҳар қандай миллий матбуотда журналистлар томонидан меъёрни унутиш, демократияни бевошликка айлантиришга мойиллик, ноҳолислик ва ҳоказо иллатларнинг авж олиши уларга қарши муайян чеклашларнинг, тўсиқларнинг зўрайишига олиб келади. Бу чеклаш ва тўсиқлар аста-секин эркин фикр тўғаноғига айлана боради. Унга қарши курашишнинг бирдан-бир самарали чораси эса, авваламбор, журналистлар томонидан касб одоби талабларига қатъиян риоя қилишларидадир.

Умуман, касб этикаси кодексининг зарур-нозарурлиги, унга эҳтиёж бор, ё йўқлигига доир турфа муносабатларнинг бўлиши табиий, бизнинг бу борадаги нуқтаи назаримиз қуйидагилардан иборат:

- кодекс, биринчи навбатда, журналист фаолиятини ҳуқуқий, ахлоқий жиҳатдан изга солади. Уни мавжуд қонунлар доирасида фаолият юритишга тайёрлайди. Турли мураккаб ҳолат ва вазиятларда қонуний, касбий-инсоний ҳатти-ҳаракат мезонларини белгилаб беради;

- кодекс журналистнинг жамиятдаги ўрни, мавқеи, салоҳиятини мустаҳкамловчи асос, таянч вазифасини ўтайди. Жамият аъзолари ўртасида журналист ўз ички интизомий нормалари мавжуд бўлган касб эгаси эканини намоён этади;

- кодекс психологик жиҳатдан ўз ички интизомини тартиблаштирувчи, ўзи ва касбдошлари томонидан тайёрланган, жамоатчилик томонидан эътироф этилган ҳужжат сифатида журналистлар орасида жиддий таъсир кучига эга бўлади;

- кодекс журналистларнинг фаолият жараёнидаги ҳатти-ҳаракатларига ҳолис баҳо бериш мезонига айланади. Улар-

нинг ҳукукини ҳимоя қилишда, шунингдек, номакбул ҳатти-ҳаракатга йўл қўйган журналистни айбига иқрор қилишда асос вазифасини ўтайди. Янада муҳими, кодексе журналистнинг энг мураккаб ҳолатларда адашиш, чалғишлардан асраб, унга касб одоби меъёрларини эслатади. Кодексининг фавқулодда гуманистик аҳамияти шу ўринда кўринади. Яъни «Кодекс — журналист турли ҳолатларда тўғри йўл топиши учун кафолат эмас. Бу — тўғри йўл топиш учун яратилган имконият».¹ Тайёр кафолатга кўр-кўрона риоя этишдан кўра, мавжуд имкониятдан онгли равишда фойдаланиш эркинлиги журналистнинг ижодий эркинлигини таъминлайди, унинг профессионал нуфузини оширади.

Кодексда ифодасини топган касб одоби шартларига риоя қилиш журналист ижодий маҳоратининг чархланишига кўмак беради. Яна бир жиҳати шундаки, амалда кенг қўлланиладиган мукаммал кодексе журналистнинг ҳам ҳаётий, ҳам ижодий позициясини мустаҳкамлайди, яъни у сира иккиланмайди, икки ва ундан ортик кадрятлар орасида йўлсизликка учрамайди.

Миллий журналистикада мукаммал касб кодексининг мавжудлиги жамиятдаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлиги, халқ ва жамиятнинг барқарор таракқиёт йўли белгилаб олингани далолати ҳамдир.

Жаҳон журналистикаси тарихида касб одоби кодексини яратиш борасида тўпланган тажриба таҳлил этилса, билдирилган мулоҳазалар мазкур тенденция давом этаётганини, жаҳон журналистикасида бежиз кодексининг аҳамиятига катта эътибор қаратилмаётганидан далолат беради.

* * *

Жаҳон журналистикасида XX асрнинг 60–80-йилларида кодексларнинг ялписига кўпайиши кузатилган. Олим В.А. Канкенинг таҳлилига кўра, аср бошларидаги кодекслар илмий ва инженерлик бирлашмалари аъзолари ўртасидаги му-

¹ Профессиональная этика журналиста. Док. и справоч. материалы. — М.: Галерея, 2002. — С. 19.

носабатларни мувофиқлаштириб, уларда асосан ҳаққонийлик, ҳалоллик, самимийлик, иш берувчиларга нисбатан содиқлик фазилатларига алоҳида эътибор қаратилган. XX асрнинг ўрталарида яратилган кодексларга ҳавфсизликни таъминлаш, сихат-саломатлик, фаровонлик, кишиларнинг эрки, ошқора-лик, халқлар ўртасидаги дўстлик қадриятларига алоҳида эъти-бор қаратиш хос бўлган. 70-йиллар кодексларида ўз ваколатла-ри доирасида масъулиятли бўлиш бошқа қадриятлардан кўра кўпроқ қадрлана бошланган.¹ 90-йилларда – асрнинг сўнгиги ўн йилида, муболағасиз айтиш мумкинки, кодекс яратиш бо-расида «портлаш» юз берди.

Бу ҳолни изоҳлаш қийин эмас. Зеро, ўтган асрнинг сўнгиги ўн йилида дунёдаги ғоявий-мафкуравий мувозанат нисбатида тубдан ўзгариш юз берди. Шўролар салтанатининг емирили-ши ва ёш мустақил давлатларнинг вужудга келиши муносаба-ти билан турли мамлакатлар оммавий ахборот воситалари ти-зимида янги давр бошланди. Ёш мустақил давлатлар ўз ички йўналишини демократик-ҳуқуқий изга солишга ўта бошлади. Журналистларнинг касб одоби кодексларини яратишга кири-шилгани эса, юқорида айтилганидек, миллий оммавий ахбо-рот воситалари тизимида ўзини ўзи бошқариш механизмини яратишга бўлган уриниш белгиларидан ҳисобланади.

Ўтмишдан мисол тариқасида келтирилса, Америка газе-та муҳаррирлари жамияти томонидан 1923 йилда Журналисти-ка конунлари кодекси қабул қилинган.² Дунёга машҳур «Вашингтон пост» газетаси 1933 йили Ю.Мейерлар оиласи мулкига – тасарруфига ўтган заҳоти, биринчи навбатда, газе-та эгалари кодексининг ахлоқий нормаларини эълон қилган.³

¹ Қаранг: В.А. Канке. Этика ответственности. – М.: Логос, 2003. – С. 314-315.

² Қаранг: Сиберт С. Ф., Шрамм У., Питерсон Т. Четыре теории прессы. – М.: Национальный институт прессы. Вагриус, 1998. – С. 130.

³ Профессиональная этика журналиста. Док. и справоч. материалы. – М.: Галерия. 2002. – С. 268-272.

Француз журналистлари миллий касба уюшмаси томонидан қабул қилинган «Француз журналистларининг касб бурчлари хартияси» дастлаб 1918 йили қабул қилинган бўлса, 1938 йили унга қўшимчалар киритилган.

Кодекс қабул қилиш ва уни замонлар ўзгаришига монанд такомиллаштириб бориш борасида Миссури штати журналистикаси ўзига хос тажриба мактабини яратган. Штат Радио ва телевизион ахборот дастурлари режалари Ассоциацияси дастлаб 1946 йилда кодекс қабул қилган. Орадан 4 йил ўтиб, унга касб фаолиятининг асосий амалий раҳбарлик йўлланмалари қўшилган. 1973 ва 1978 йилларда эса кодекс тамомила замонавий талаблар асосида янада такомиллаштирилган.

Бу факт шуни кўрсатадики, биринчидан, кодекс мутлак ўзгармас догма эмас, у давр ва жамият ўзгаришларини ўзида акс эттириши зарур, шундагина унинг амалий аҳамияти, таъсир кучи орта боради. Қолаверса, жамиятдаги демократик янгилиниш кайфияти кодексда ўз аксини топади.

Халқаро Журналистлар федерациясининг «Журналист одоби принциплари декларацияси» 1954 йили қабул қилинган. Профессional журналистлар жамиятининг «Ахлокий нормалар кодекси» 1996 йили амалга киритилган. АҚШ профессионал журналистлари жамияти, Америка газета муҳаррирлари жамияти, шунингдек, Бельгия, Швеция, Исландия, Испания, Германия сингари Европа мамлакатларида қабул қилинган касб кодексларининг яратилиш даври ўтган асрнинг 80-йилларига, кўпроқ 90-йилларига тўғри келади. Бундай тенденциянинг ўзига хос сабаблари бор, албатта.

Бош сабаблардан бири, XX асрнинг охирига келиб, ахборот глобаллашуви жараёнлари муқаррар тус олди, бошқачарок таърифланадиган бўлса, ахборот оқимини жиловлашнинг иложи бўлмай қолди, натижада, матбуотни цензура остида тутиб туриш имкони йўқолди, демократик тамойиллар биринчи планга чиқди. Булардан қатъи назар, матбуот эркинлигининг

ўзига хос масъулиятини белгиловчи мезонлар ҳам бўлиши зарур эди. Ушбу заруриятни адо этиш журналистнинг касб этикаси кодекслари ва ҳоказо касб одоби нормаларига, яъни ўзини ўзи бошқаришга қаратилган ҳужжатлар зиммасига тушди. Характерли мисол тариқасида келтирилса, Россия Федерацияси Думаси матбуот эркинлигини чеклашга қаратилган қонун лойиҳаларини яратишга зўр бергани сайин мамлакатдаги оммавий ахборот воситалари тизимида касб кодексларини ишлаб чиқишга эътибор кучайган. Англия Парламентида мана шунга ўхшаш ҳаракатлар зўрайган паллада матбуот соҳасида ўзини ўзи бошқариш тизимини яратиш ташаббуси эълон қилинган ва Матбуотга оид шикоятларни кўриб чиқувчи матбуот қўмитаси ташкил этилган.¹

Кўринадик, жамият жиддий ва тарихий янгиланиш, ўзгаришлар даврини бошдан кечираётган пайтларда оммавий ахборот воситалари соҳасида, бир томондан, ўзини муҳофаза қилиш инстинкти, иккинчи томондан, ижтимоий масъулият туйғуси кучаяди. Касб кодексини яратиш худди шу инстинктнинг ва ушбу туйғунинг муҳим кўринишларидан ҳисобланади.

* * *

Жаҳон журналистикасида касб кодексларининг умумий характериға назар ташланса, уларда кўп жиҳатдан ўхшашликларни кўриш мумкин. Деярли ҳар бир кодексида журналистнинг жамиятда тутган ўрни, унинг касб бурчига садокати, ахборотни ҳаққоний ва холис тарқатиши, ахборот манбаи билан муносабатлари, ахборотни холис тарқатиш билан унга муносабат билдириш ҳукуки ва меъёрлари, айбсизлик презумпциясига риоя этиши ва шу сингари бир қатор нормалар қамраб олинган. Бу – биринчидан.

¹ Профессиональная этика журналиста. – Док. и справоч. материалы. – М.: Галерия, 2002. – С. 13.

Иккинчидан, кодексларнинг фаркли жихатлари шундаки, айрим ҳужжатлар муайян мамлакат миқёсида, айрим ҳужжатлар эса у ёки бу жамиятлар, уюшмалар ёхуд ассоциациялар томонидан қабул қилинган. Шу билан бирга, халқаро ташкилотлар томонидан амалиётга киритилган кодекслар ҳам мавжуд. Муайян таҳририятлар миқёсида, шунингдек, босма оммавий ахборот воситаларида фаолият юритувчи журналистлар учун алоҳида, электрон оммавий ахборот воситаларида фаолият юритувчи журналистлар учун алоҳида мўлжаллаб яратилган кодекслар бор. Бунда босма оммавий ахборот воситасининг, радио ва телевидение журналистikasининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқилган. Фотожурналистикада касб кодекси меъёрларини белгилашга ҳаракатлар қилинган.

Санаб ўтилган турдаги кодекслар ва ҳоказо ҳужжатлар ўртасидаги муайян тафовутлар истисно қилинган тақдирда ҳам оммавий ахборот воситасининг қайси турида фаолият юритаётганидан қатъи назар, журналист ўз ўқувчиси, тингловчиси, томошабини ва ўз ҳамкасблари олдида ҳисобдор. Шундан келиб чиқиб, у қуйидаги бир қатор талабларни ўзининг доимий касб одоби нормаларига айлантирмоғи зарур:

- журналист ўзи таркатаётган ахборотнинг аниқлигига, ҳолислигига жавобгар;
- журналист ўзи таркатаётган ахборотнинг қайси манбадан олаётганлигини (манбанинг ишонччилигини) текшириб қўриши шарт;
- журналист ўзи таркатаётган ахборотнинг қайси ва қандай аудиторияга мўлжалланганини, таркатаётган ахбороти кимларга ижобий, кимларга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини аввалдан билмоғи зарур;
- журналист контекстдан узиб олинган ахборот чала ахборот эканлигини ва бундай ахборот оммани қалғитиши мумкинлигини унутмаслиги керак;

– журналист ахборот бериш ва ахборотни таҳлил қилиш ҳолатлари ўргасидаги фарқни ўзи учун аниқлаб оломоғи зарур;

– журналист ғавқулодда ҳолатларда, сенсацияга айланиб кетиши мумкин бўлган ахборотларни тарқатишда ҳушёрликни, мулоҳазакорликни унутишга ҳаққи йўқ;

– журналист иркий, миллий, этникодий кадриятларнинг, шунингдек, аёлларнинг, ёш болаларнинг, ногиронларнинг шаъни, кадр-қиммати паймол этиши мумкин бўлган ахборотларни тарқатиш нонақбул оқибатларга олиб қилиши мумкинлигини ёдда сақламоғи шарт;

журналист баъзан шахсан ўзига маъқул қелмаган ахборотни ҳам хизмат юзасидан тарқатишга масъул;

– журналист жамиятда фикр қилма-қиллигини таъминлашга имкон яратувчи, фуқароларнинг жамият ҳаётида фаол иштироки йўлида хизмат қилувчи, ижтимоий масъулият туйғусини ҳамеша ёдда сақлашга мажбур бўлган касб соҳиби эканлигини унутмаслиги даркор.

Албатта, ҳеч бир касб кодекси журналист фаолиятидаги барча ҳолатларни тўла-тўқис қамраб ололмайди. Шу боисдан ҳам деярли барча кодекслар ҳажман қисқа, лўнда ёзилган ва уларда асосан журналистлик фаолиятининг энг асосий одоб нормалари баён этилган.

Юқорида санаб ўтилган нормалардан ташқари айрим ҳужжатларда шахс дахлсизлигига урғу берилган бўлса («Журналистлар мажбурияти хартияси» – Италия), бошқа бир ҳужжатда («Этика кодекси» – Латвия) ҳақиқатга зид ахборот бериб юборилган ҳолатларда журналист томонидан зудлик билан оммавий ахборот воситасининг кўринарли жойида узр эълон қилиниши зарурлиги норма сифатида қиритилган.

* * *

Бозор муносабатлари шароитида матбуот ахборотига товар мақоми берилиши хусусидаги фикр-мулоҳазалар кенг тарқаб улгурди. Бу мулоҳаза қўпчилик томонидан эътироф этилмоқда

хам. Бирок «Литва журналистларининг касб кодекси»да (биринчи банднинг ўзида) мазкур ҳолатга ўзгача қараш баён этилган. Яъни «На ноширлар, на журналистлар янгиликларни ўз мулклари деб ҳисобламасликлари керак. Оммабоп ахборотни тарқатишни ташкил этувчилар унга (ахборотга – Х.Д.) товар деб қарамасликлари керак. Ахборот олиш ва тарқатиш имконияти – инсоннинг асосий эркинликларидан биридир».¹ Ушбу кодекснинг 17-бандида «Журналист ижтимоий аҳамиятга эга ахборот билан жамоатчиликнинг қизиқишини қондиришга қаратилган ахборотни фарқлай билмоғи керак» деган норма ҳам зикр этилган.

Мазкур норма замонавий журналистикада келиб чиқаётган, лекин ҳозирча мутлақ ечими топилмаётган масалалардан бирига диққатни тортади. Гап шундаки, матбуот бозорининг тобора авж олиши оммавий ахборот воситаларини, демак, улар орқали эълон қилинаётган ахборотни товар (бозорда сотиладиган буюм) деб эътироф этилишига олиб келаётган бўлса, ахборотнинг, энг аввало, маънавият-маърифат тарқатувчи омил эканлиги бундай қарашларни рад этади. Бундай зиддият бозор ва маънавият тушунчаларининг бир-бирига «бегона»лигига бориб тақалади. Фикримизча, бу ўринда гап ахборотга, умуман, оммавий ахборот воситасига қайси нуқтаи назардан қарашга боғлиқ. Ахборотни фақат пул-лашга мўлжалланган товарга айлантирадиган ҳам, уни маънавий-маърифий воқелик воситаси даражасига кўтарадиган ҳам – журналист.

Мисоллар давом эттирилса, Мальта Матбуот клуби ва Кўрсатувлар институти томонидан ишлаб чиқилган «Этика кодекси»да мувозанат, аниқлик ва ҳалоллик журналист фаолиятининг асосий принциплари сифатида алоҳида моддада баён этилган. «Норвегия матбуоти касб кодекси», Италиянинг «Журналистлар мажбурияти хартияси», Испаниянинг «Журна-

¹ Профессиональная этика журналиста. – Док. и справоч. материалы. – М.: Галерия, 2002. – С. 155.

лист касби деонтология кодекси», Даниянинг «Миллий ахлоқ кодекси» ҳажман бирмунча катта. Бу нуктаи назардан олганда, 1973 йили Германияда қабул қилинган «Публицистика принциплари (Матбуот кодекси)» ҳажман йирик ҳужжатлардан бири саналади. Кодекс 16 бобдан иборат. Боблардан ўрин олган йўриқномаларда матбуот ва журналист касбининг юксак вазифа ва бурчларидан бошлаб, журналист фаолиятининг деярли барча босқичларини камраб олишга ҳаракат қилинган. Чунончи, жамиятни ахборот олиш ҳукукини чеклашга олиб келадиган шартномалар тузилмаслиги, сайловолди тадбирлари, социологик сўровлар натижаларини ва ўқувчилар хатларини эълон қилиш, тузатиш бериш, фотосуратларни чоп этишдаги ҳолислик, тахририят материали ва реклама орасидаги тафовутни саклаш, яширин реклама, кўнгилсиз ва нохуш воқеа-ҳодисалар ҳақида ахборот тарқатиш, табиий офатлар, жиноятлар ва жиноятчиларга доир ахборотларни, фотосуратларни эълон қилиш, айбланувчига қўйилаётган айб ва исботланган айблов ўртасидаги чегарани аниқлаштириб олиш, тиббиёт ва доришуносликка доир маълумотлар, ва ниҳоят, таклифномалар ва совға-саломлар олиш тартибларигача муҳассам. Эътироф этмоқ керак, кўр-кўрона қисқаликка интилгандан кўра ҳажман қағзаликдан чўчимаган ҳолда кодексларнинг мукамаллигини таъминлаш тажрибаси кўпроқ самара келтиради.

* * *

Жаҳон журналистикасида касб кодекси яратиш тажрибаси ҳақида сўз юритилар экан, мазкур жараёнларнинг ўзбек миллий журналистикаси тажрибалари хусусида ҳам тўхталиш жоиз.

Республика оммавий ахборот воситалари соҳасидаги мустақиллик даври ўзгаришлари ўзбек миллий журналистикасида касб этикаси кодексини яратиш эҳтиёжини кун тартибига қўйди. Ўзбекистон Миллий матбуот маркази Самарқанд

бўлими томонидан миллий журналистикада биринчи марта «Журналистларнинг ахлоқ кодекси»ни яратишга уриниш бўлди.¹ Кодекс мукаддимасида қуйидаги эслатмалар баён этилган: «Ушбу Кодекс Ўзбекистон журналистлари касб фаолияти давомида таяниб иш юритадиган ахлоқ нормаларини ўз ичига олади. Оммавий ахборот воситасининг ҳар бир ходими, сиёсий ва бошқа қарашларидан қатъи назар, Кодексда белгилаб қўйилган тамойилларга амал қилади. Чунки эркин ва демократик матбуотнинг ривожланишига манфаатдор ва бунинг учун масъул бўлган журналистлар касб этикаси талабларига таяниб фаолият юргизгандагина зиммасидаги юксак вазифаларни бажаришга қодир бўлади».

Кодекс 23 моддадан иборат. Унда журналист фаолиятининг кўплаб қирралари қамраб олишга ҳаракат қилинган. Юқорида айтилганидек, хорижий давлатларда амалда бўлган кодексларда ҳам журналист фаолиятининг барча босқичлари тўла-тўқис қамраб олинган эмас. Чунки, одатда, кодексда касбга доир фаолиятнинг энг асосий ва муҳим қирралари қамраб олинди, ҳолос. Бундан қатъи назар, кодексда муқаррар қайд этилиши шарт бўлган ҳолатлар ҳам мавжудки, улар четлаб ўтилган кодекс муқаммалликка даъво қилолмайди. Шу маънода мазкур кодексда журналист ва муштарий, журналист ва ахборот манбаси, журналист ва асар қаҳрамонлари, журналист ва муаллиф, журналист ва муҳаррир, журналист ва таҳририят аъзолари, журналист ва касбдошлари орасидаги муносабатда вужудга келиши мумкин бўлган турли ҳолатларга эътибор қаратилгани тўғри.

Ўзбекистонда бирмунча муддат фаолият юритган «Интерньюс» Ўзбекистон ташкилоти қошидаги Радио ва телевидение янгиликлари директорлари ассоциацияси томонидан ҳам республикада дастлабки «Касб ахлоқи кодекси»ни яратишга уриниш бўлди. Унинг мукаддимасида «электрон журналис-

¹ Ҳуқук ва журналист. // Ўзбекистон Миллий матбуот маркази Самарқанд вилоят бўлими ахборотномаси. 2003. январь. 8-сон.

тикада юксак профессионал стандартлардан фойдаланиш, жамиятнинг ишончини ошириш ҳамда журналистларнинг ахборот йиғиш ва тарқатиш эркинлиги тамойилини таъминлаш мақсадида ушбу касб ахлоқи кодекси» қабул қилингани зикр этилган. Унинг «Кириш» қисмида «Электрон оммавий ахборот воситаларининг малакали журналистлари жамиятнинг ишончли вакиллари сифатида фаолият юритишлари, ҳақиқатни излашлари, воқеаларни ҳаққоний, одил ва эркин ёритишлари керак. Улар ўз хатти-ҳаракатлари учун масъулдирлар» деган сўзларни ўқиш мумкин. Бирок миллий ўзбек журналистикасида касб кодексини яратиш йўлидаги мазкур уриниш ҳам кенг оммалашмади. Қолаверса, электрон оммавий ахборот воситалари йўналишида фаолият юритаётган журналистнинг касб одоби нормалари босма оммавий ахборот воситалари журналисти зиммасидаги одоб нормаларидан бирмунча фарқланади. Мисол учун, радиожурналистикада «овоз эффекти ва одоб» тушунчасининг ўзи ҳақида истаганча мулоҳаза юритиш мумкин. Зеро, радиожурналист қандай ахборот бераётгани, у қимларга қаратилгани, ахборот қўннинг қайси вақтида узатилаётгани, эшиттиришнинг характери қандайлиги ёки бўлмаса радио тўлқинлари орқали шов-шувга сабаб бўладиган ахборот бериш, зудлик билан оператив ахборот узатиш одоби нормаларини унутиш зинҳор мумкин эмас.

Тележурналистика одобига доир қийиниш, нутқ маданияти, хатти-ҳаракат, ҳатто кўз қарашлару овозни баланд-паст тутишда ҳам ўзига хос талаблар, шартлар бор.

Шу ва шунинг сингари нормалар касб кодексидан, умумлашма тарзда бўлса-да, ўрин олиши зарур. АҚШда Радио ва Телевизион ахборот дастурлари режиссёрлари ассоциацияси томонидан ишлаб чиқилган касб одоби кодекси камровининг кенглиги билан диққатга сазовор. Чунончи, ахборот дастури учун янгиликларни саралаб олиш ҳукуқи фақат режиссёрга берилган. Ҳар бир станцияда янгиликлар дастури бўйича иш-

лайдиган камида бир нафар малакали ходим бўлиши мажбур килиб белгиланган.¹

Демак, телерадио оркали ахборот дастурини тайёрлаш соҳасида режиссёр бош фигура ҳисобланади ва аҳоли диққатига зарур миқдорда ахборот етказиш масъулияти унинг зиммасига юкланган. Воқеалар ҳақида берилаётган ахборот билан унинг шарҳи ўртасида қатъий чегара бўлиш зарурлиги, узатишга тайёр ҳолдаги ҳеч бир ахборот суҳандон танишмағунига қадар эфирга тарқатилмаслиги (истисно ҳолатлардан ташқари) алоҳида норма сифатида кодексдан ўрин олган.

2006 йилнинг бошларида ташкил топган Ўзбекистон Мустиқил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ўз фаолиятининг бошланишидаёқ ибратли ишга қўл урди. Фонд ўзининг дастлабки тақдирот конференциясидаёқ «Босма ахборот воситалари ва ахборот агентликлари журналистларининг ахлоқ-одоб кодекси»ни ҳамда «Босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари хартияси»ни эълон қилди.²

Ҳар икки ҳужжат бир неча кичик сарлавҳаларга ажратилган, ҳажман ихчам. Характерли хусусияти шундаки, кодекснинг муқаддимасида профессионал журналистга ўзига ҳос таъриф берилган. Чунончи, журналистнинг жамият ва халқ олдидаги бурчи, миллий ва умуминсоний қадриятларга муносабати, демократия ва тараққиётни ривожлантириш йўлида қўшадиган ҳиссаси санаб ўтилган.

¹ Профессиональная этика журналиста. – Док. и справоч. материалы. – М.: Галерия, 2002. С. 59.

² Босма ахборот воситалари ва ахборот агентликлари журналистларининг ахлоқ-одоб кодекси. Босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари хартияси // Оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш – жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим омили. – Т.: Истиқлол, 2006. 73-79-б.

Кодексадаги икки бўлимнинг биринчиси «Журналист ўз вазифасини адо этишда қуйидагиларга амал қилиши шарт» деб аталади. У етти банддан иборат. Журналист олдида қўйилган биринчи талаб «объектив воқеликни рост ақс эттириш орқали одамларнинг ҳаққоний ва рост ахборот олишини кафолатлаши»дан иборат.¹ Дарҳақиқат, воқеликни тўғри ақс эттириш ва кишиларга ҳаққоний ахборот олишини кафолатлаш журналист зиммасидаги бирламчи муқаддас бурч саналади. Шундай улуғ бурчни адо этар экан, у иккинчи бандда зикр этилганидек, «умумэътироф этилган ахлоқ-одоб меъёрлари, шунингдек, ўзаро муносабатлар мезонларига риоя этиши, гўзал инсоний фазилатларни намоён қилиши, инсон шаъни ва кадр-қимматини ҳурматлаши» зарур. Мазкур талаблар ҳам журналистнинг кундалиқ фаолияти чоғида асқатади, албатта. Бироқ сўз юритилаётган Кодекс бандларининг, биринчи навбатда, умумхарактерга эгаллиги яққол сезилади. Яъни уларда конкретликдан кўра умумийлик устун. Мисол тариқасида айтсак, иккинчи бандда «умумэътироф этилган ахлоқ-одоб меъёрлари», «ўзаро муносабатлар мезонлари», «гўзал инсоний фазилатлар» сингари жумлаларнинг ҳар бири ўзича анчагина кенг тушунчалар ҳисобланади.

Қиёс сифатида келтирилса, Беларус Республикасида қабул қилинган «Журналистнинг профессионал одоб кодекси»да нормалар бирмунча аниқ ва лўнда баён этилган. Бу кодекс бўлим ва моддаларининг аталишидаёқ яққол кўзга ташланади. Яъни «Журналист профессионал одоби принциплари» бўлимида «Журналистнинг социал масъулияти», «Ҳаққонийлик ва ҳолислик», «Ҳалоллик», «Умуминсоний қадриятларни ҳурматлаш» моддалари келса, «Профессионал одоб нормаларининг бузилиши» деб номланган бўлимда «Фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқининг бузилишига олиб келадиган хатти-ҳаракатлар», «Фуқароларнинг ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқларининг бузилишига олиб келадиган

¹ Ўша манба. 73-б.

хатти-ҳаракатлар», «Журналистнинг профессионал обрўсига путур етказиш», «Хизмат одоби ва журналистларнинг профессионал ҳамкорлигига путур етказиш» деб номланган моддалар журналист касб фаолияти жараёнининг деярли ҳар бир босқичини камраб олган.¹

Германия матбуот кенгаши ва матбуот бирлашмалари томонидан биргаликда 1993 йили қабул қилинган «Публицистика принциплари (матбуот кодекси)»да ҳам худди шундай ҳолатни кўриш мумкин.² Ушбу кодекс ўзининг изчиллиги, батафсиллиги ва камровининг кенглиги билан диққатга сазовор. Айтиш мумкинки, янги яратиладиган журналистнинг касб кодексларига намуна сифатида ҳам тавсия этиш мумкин бўлган тажриба.

Кодекс 35 кўрсатма-йўриқномадан иборат. Уларнинг ҳар бири журналист фаолиятининг муайян босқичида конкрет ҳолатларда қандай йўл тутиш маъқуллиги, қандай хатти-ҳаракатларга йўл қўйиш мумкин эмаслиги аниқ кўрсатиб ўтилган. Мисол учун, сайловолди талбирларидан ахборот беришдаги кўрсатмалар, сўровномалар натижаларини бериш тартиблари, фотосуратлардан, интервью ва ўқувчилар хатларидан фойдаланиш, тузатишларни эълон қилиш, таҳририят материаллари билан рекламалар орасидаги тафовутни саклаш тартиби, яширин реклама бериш йўриқномаси, махсус чиқишларни эълон қилиш, ҳасталиклар, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларини ёригиш, муҳолифат ва қочқинлар тўғрисидаги хабарларни тарқатиш, юбилейлар, кўнгилсиз ҳодисалар ва фалокатлар тўғрисидаги ахборот ва хатто жиноятлар, жиноятчилар томонидан ёзилган мемуарларни оммалаштириш тартиблари мужассам топган.

¹ Қараг: Профессиональная этика журналистов. Т.1. // Документы и справочные материалы. М.: Галерея, 1999. - С. 93-98.

² Ўша манба. 115-127-б.

Умуман, жаҳон журналистикасида қўлланилаётган касб кодекслари қиёсан таҳлил қилинса, уларда икки хил ёндашиш – журналист фаолиятининг энг майда деталларини камраб олиш ёхуд фаолиятининг умумий йўналишларини ифода этиш билан чегараланиш тажрибаси кузатилади. Миллий журналистика тарихида биринчи марта расман эълон қилинган «Босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари журналистларининг ахлоқ-одоб кодекси»да масала умумий нуқтан назардан ёритилган бўлса, Германия публицистларининг кодекси, ҳозиргина қисман тўхталганимиздек, масалани атроф-лича камраб олингани билан характерланади. Грецияда амал қиладиган «Деонтология принциплари» бор-йўғи 10 банддан, Ирландия Журналистлари миллий кенгаши томонидан амалга киритилган «Ахлоқ кодекси» 12 банддан, Португалия ва Сербияда қўлланилаётган худди шу сингари ҳужжатлар эса атиги 10 банддан иборат.

2017 йилдан Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятида ўзгача жонланиш кузатилди. Жамиятда юз бераётган ислохот жараёнлари нафаси уюшма фаолиятида ҳам ўз аксини топа бошлади. Жумладан, касб этикаси кодексини яратишга киришилди. Кодекс лойиҳаси журналистлар, олимлар, мутахассислар иштирокида муҳокамадан ўтказилди. Ва ниҳоят, барча саъй-ҳаракатлар натижаси ўларок, 2019 йил 17 июль куни бўлиб ўтган *Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг IV конференциясида* қуйидаги «Ўзбекистон журналистларининг касб этикаси кодекси» дунёга келди ва амалиётга киритилди.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ КАСБ ЭТИКАСИ КОДЕКСИ

МУҚАДДИМА

Инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган демократик жамиятни сўз ва ахборот эркинлигисиз тасаввур этиб бўлмаслигини эътироф этиб, биз – Ўзбекистон журналистлари мазкур касб этикаси кодексини (кейинги ўринларда – Кодекс) қабул қилдик.

Кодекс Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (БМТ Бош Ассамблеяси, 1948 йил), Журналистлар одоб-ахлоқи принциплари халқаро декларацияси (Халқаро журналистлар федерациясининг конгресси, 1954 йил), Журналистикада касб этикаси халқаро принциплари (ЮНЕСКО, 1983 йил) ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунчилиги инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилди.

Журналистлар одоб-ахлоқи принциплари халқаро декларацияси (Халқаро журналистлар федерациясининг конгресси, 1954 й) Кодекс журналистлар ва барча оммавий ахборот воситалари ходимлари ўз касб мажбуриятларини бажаришда риоя этиши шарт бўлган маънавий-ахлоқий йўналишларни белгилайди.

1. ЖУРНАЛИСТНИНГ КАСБ МАЖБУРИЯТИ

Ҳаққонийлик, ҳолислик, адолат, фикрлар хилма-хиллиги ва инсон ҳуқуқларига ҳурмат Ўзбекистон журналистлари фаолиятининг асосий қонидаси ҳисобланади.

Журналист ўзининг сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш йўлидаги фаолияти жамият олдидаги бурчи экани ва унинг материаллари жамият манфаатларига хизмат қилиши кераклигини тўлиқ англайди.

Журналист Ўзбекистоннинг амалдаги қонунлари ва халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланиб иш олиб боради, медиа маконда ижтимоий масъулият муҳитини яратган ҳолда соҳада ўзини ўзи бошқариш тизимини вужудга келтириш ва мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшади, журналист обрў-эътибори ва шаънини ҳимоя қилади.

2. ЖУРНАЛИСТНИНГ ИЖТИМОЙ МАСЪУЛИЯТИ

Журналист жамият учун ахборот тўплайди, тайёрлайди, таркатади, шунингдек, фуқароларнинг ўз фикрларини билдиришлари учун эркин майдон яратади.

3. БЕТАРАФЛИК ВА ХОЛИСЛИК

Журналист бетараф бўлади, воқеа-ҳодисаларни ҳолис ва ҳаққоний ёритади, муомала маданияти ва очиклик тамойилларига амал қилади.

Журналист ўз касб мажбуриятларини бажаришда ахборот олишнинг қонунга зид усулларидан (қўрқитиш, таъмагирлик, товламачилик, ифвогарлик, муқофот ваъда қилиш ёки одоб-ахлоқ нормаларига зид бошқа усуллардан фойдаланиш), шунингдек, ўз хизмат ваколатларидан шахсий мақсадлари йўлида фойдаланмайди.

Журналист ҳар қандай шароитда ҳам ёлғон ахборот эълон қилмайди, далилларни бузиб кўрсатмайди ва ижтимоий аҳамиятга эга ахборотни атайлаб яширмайди.

4. АХБОРОТНИНГ ИШОНЧЛИЛИГИ

Ўзи таркатаётган ахборотнинг ишончлилигини текшириш ва ҳолис ахборот тақдим этиш журналистнинг мажбуриятидир. Журналист ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилган ахборотнигина таркатади ва шарҳлайди (қаида иккита мустақил манба орқали ахборотни текшириб кўриши тавсия этилади).

Ишончсиз ва далилларга асосланмаган ахборот тарқатган тақдирда журналист зудлик билан ўз хатосини тан олади, узр сўраб, хатосини тузатиш чорасини кўради.

Журналист фикр ва нуктаи назар хилма-хиллигини ҳурмат қилади.

5. АХБОРОТ МАНБАИ ВА УНИНГ МАХФИЙЛИГИ

Журналист жисмоний ёки юридик шахсларнинг ахборот тақдим этишни рад этиш ёки тақдим этишдан тийилиш ҳуқуқини тан олади.

Журналист ахборот манбаининг рухсатисиз маълумотларни ошкор қилмайди, ахборотдан ғаразли ёхуд учинчи шахс манфаатларини кўзлаб фойдаланмайди.

Журналист махфий йўл билан олинган ахборот манбаига нисбатан касб сирини сақлайди. Журналистдан ахборот манбани ошкор этишга мажбурлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

6. МИЛЛИЙЛИК ВА МАЪНАВИЯТ

Журналист қандай мавзуга қўл урмасин, миллий ўзига ҳослик, миллий маънавият ва ахлокий қадриятларга, шу билан бирга, бошқа миллат ва элатларнинг урф-одат ва маданиятига нисбатан ҳурмат сақлайди. Материални тарқатишда адабий тил қоидаларига амал қилади.

Журналист ҳеч бир халқ ва элатнинг миллий, диний ёки ирқий камситилишига йўл қўймайди.

Журналист мамлакатнинг ахборот маконидаги нуфузи ва жаҳон ахборот майдонидаги имижига путур етказмасликка интилади.

7. ШАХСИЙ ҲАЁТГА ҲУРМАТ. ШАХС ШАЪНИ ВА ҚАДР-ҚИММАТИНИ ҲИМОЯЛАШ

Журналист одамларнинг шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқини ҳурмат қилади. Шахс шаъни ва қадр-қиммати камситилишига йўл қўймайди.

Журналист одамларнинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни фақат уларнинг розилиги ва ҳужжатларнинг сир сақланишига риоя қилган ҳолда эълон қилади.

Журналист ноқонуний йўл ва номақбул воситалар ёрдамида одамларнинг шахсий ҳаёти ҳақида ахборот тўплаш, овоз ёзиб олиш ва материаллар тўплаши мумкин эмас.

Журналист жиноий ишни ёритувчи материални тайёрлаганида айбсизлик презумпциясига амал қилади.

8. ПЛАГИАТ

Журналист ўз фаолиятида плагиатга йўл қўймайди. Плагиат (қўчирмакашлик) ҳеч бир ҳавола кўрсатмай, ўзга манбанинг матни, овози, кадри ҳамда тасвирини ўзлаштириб олишдир.

Журналист бошқа оммавий ахборот воситалари ва журналистлар муаллифлигидаги материаллардан фойдаланганида ёки уларга мурожаат қилганида аниқ манбани кўрсатишга бурчлидир.

9. ЖУРНАЛИСТЛАР БИРДАМЛИГИ

Журналистлар касбий бирдамлик талабларига риоя қилдилар. Журналист профессионал обрў-эътиборига путур етказадиган ва ижтимоий бурчига зид бўлган ишларга қўл урмайди, оммавий ахборот воситаларидан ғаразли мақсадларда ва ҳамкасблари ўртасида келишмовчиликлар келтириб чиқариш йўлида фойдаланмайди.

Профессионал фаолияти учун таъкиб остига олинган журналист журналистлар бирдамлиги туйғуси ва принципларидан келиб чиққан ҳолда ҳамкасблари ҳимоясида бўлади.

10. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ БЎЙИЧА ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Журналист касб этикаси талаблари ва меъёрлари бузилиш ҳолатларини кузатиш, таҳлил қилиш ва тегишли хулоса чиқариш мақсадида оммавий ахборот воситалари бўйича Жамоатчилик кенгаши тузилади.

Жамоатчилик кенгаши низоми Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси конференциясида тасдикланади.

Жамоатчилик кенгаши етти кишидан иборат таркибда беш йиллик муддатга Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси конференциясида сайланади.

Жамоатчилик кенгаши:

- миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган (тарқатилган) материалларни журналистнинг касб этикаси меъёрлари нуктаи назаридан ўрганади, таҳлил қилади, баҳолайди, ҳулоса чиқаради;

- журналистлик фаолияти билан боғлиқ баҳсли ҳолатларга ойдинлик киритилишида ёрдамлашади;

- Кодекс меъёрларига риоя этилмаслик ҳолатлари юзасидан тақдим этилган мурожаатларни кўриб чиқади ва қарор қабул қилади;

Журналист касб этикасига тааллуқли бошқа масалаларни жамоатчилик эътиборига ҳавола этади.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан Жамоатчилик кенгашининг қарори оммавий ахборот воситаларида чоп этилади.

Жамоатчилик кенгаши қарори журналистни интизомий, маъмурий ёки бошқа турдаги жавобгарликларга тортиш учун асос ҳисобланмайди, у тавсия ҳусусиятига эга.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Кодекс матнини тайёрлаш жараёнида шу борадаги жаҳон тажрибаси атрофлича ўрганилди, жамоатчилик томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар инобатга олинди ва ҳар жиҳатдан замонавий талабларга жавоб берадиган ҳужжат қабул қилинди. Яна бир янгилик – этика кодекси талабларининг амалиётда қўлланиш механизмлари яратилди. Яъни жамоатчилик кенгашининг фаолият юритиш тартиби белгилаб қўйилди. Кенгаш ўз зиммасидаги вазифаларни ижро этишга киришди.

Табиий, этика кодексининг қабул қилиниши ишнинг бошланиши, ҳолос. Қийини – унинг ижросини таъминлаш. Яши-

ришнинг ҳожати йўқ, мамлакатдаги оммавий ахборот воситаларининг аҳволи, мавжуд шарт-шароитлар, журналистлар малакаси, контингенти, миллий менталитет, кенг жамоатчилик томонидан, колаверса, марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан матбуотга бўлган муносабат, моддий-ижтимоий, маънавий-ташкилий имкониятлар ва ҳоказо омиллар борасида счимини кутаётган масала ва муаммолар оз эмас. Жамиятда ахборот олиш эркинлиги принциплари ва ҳуқуқларига риоя этиш даражаси, айбсизлик презумпциясига риоя этиш малакаси, матбуот билан боғлиқ маънавий зарар муносабатлари шу каби муаммоларни босқичма-босқич бартараф этиш йўлида этика кодекси ҳали кўп «хизмат» қилишига тўғри келади. Мисол учун, атоқли ўзбек адиби Абдулла Қаххорнинг «Агар ёзувчининг ахлоқ кодекси тузиладиган бўлса, мен ҳалоллик билан шижоатни биринчи модда қилиб кўяр эдим...» деган гапини¹ ҳеч иккиланмай ҳозирги ўзбек журналистикасига татбиқ этиш ва уни шу кунда яратилаётган кодексларимиз меъёрларига бемалол сингдириб юбориш ўринли бўлур эди.

Кодексад зикр этилган жамоатчилик кенгаши зиммасидаги вазифалар хусусида сўз юритилар экан, аynи пайтдаги миллий ва жаҳон ахборот майдонида кузатилаётган жараёнлар ҳақида қисқача тўхталишга тўғри келади.

* * *

Оммавий мулоқот воситалари жадал ривожланиши билан боғлиқ равишда ахборот майдони, у орқали жамиятда мулоқот майдони шу қадар тиғизлашиб бормоқдаки, мазкур ҳолатнинг сиёсий, ижтимоий, молиявий, маънавий-маърифий, ахлоқий ва ҳоказо оқибатларини кузатиш, тегишли хулосалар чиқариш, айникса, зарур таклиф ва тавсиялар бериш мушкул муаммога айланиб бормоқда. Ижтимоий тармоқлар, улар орқали тарқатилаётган ахборотлар, натижада, жамиятда яратилаётган ахборий муҳит ва кайфият ҳозирга қадар фао-

¹ Қаххор А. Асарлар. – 6-том. Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. 302-б.

лият юритиб келаётган анъанавий оммавий ахборот воситаларини деярли бир чеккага суриб қўймоқда. Ҳатто залворли журналист, нуфузли журналистика ушбу янги технологиялар олдиди бир қадар эсанкираш ҳолатига тушмоқда. Профессинал журналистика хаваскорлик журналистикаси олдиди ип эшолмай қолмоқда. Соҳада оммалашаётган тил билан айтганда, биргина «блогер» тушунчаси ахборот майдонини ишғол этишгача бормоқда.

«Интернет журналистикаси» тушунчаси ҳақида сўз борар экан, мазкур чексиз тармоқ имкониятларидан фойдаланувчилар доираси, контингентини таснифлаб олиш масалага самарали ва ҳолис ёндашиш имконини беради.

Интернет журналистикасининг ўзига хосликларидан бири – у **ҳар қандай одам учун** ёзиш, ахборот тарқатиш имконини яратди. Ҳар бир инсон ўз шахсий фикр ва қарашларини эмин-эркин ифода этиш ҳукуки нуқтаи назаридан қаралса, бу мисли қўрилмаган қулайлик. Фуқаролик жамиятининг бош аломатларидан бири ҳам шундаки, кишиларнинг жамиятда кечаётган жараёнлардаги иштироки ортади, ҳар бир киши ўз ўрнини жамият микёсидаги воқеаларнинг марказида деб билади. Бунинг натижасида одамларда ҳар бир воқеа-ҳодиса ҳақида фикр-мулоҳаза айтишга мойиллик қучаяди. Ушбу мойиллик, одатда, оммавий ахборот воситалари орқали юзага чикади. Бирок мавжуд анъанавий матбуот ва оммавий ахборот воситалари ўз зиммасидаги бу вазифани мукамал даражада урдалай оляпти, дея олмаймиз. Қолаверса, бундай имконият яратилган тақдирда ҳам кишиларимизда газета ё журналга фикр-мулоҳаза ёзиш қўникмаси тўла шаклланмаган. Оммавий ахборот воситаларидан чўчиш, бегонасираш ёхуд матбуотга чиқишни жамоатчилик назарига тушиш деб билиш туйғуси қўпчилиликни эмин-эркин ёзишдан тийиб туради.

Интернетда эса айни шундай психологик дискомфортга ўрин қолмайди. Чунки ижодкор ижод чоғида қоғоз билан яккама-якка, юзма-юз қолгани каби интернет «саҳифаси»га ўз қарашларини битаётган киши ўзининг энг шахсий-субъектив (ҳатто қалқаш ва нотўғри қарашларини ҳам)

мулоҳазаларини очик-ойдин изҳор этишдан тортинмайди. Чунки унинг учун ташки ижодий муҳит йўқ ҳисоби, унинг учун муҳит – унинг якка ўзи. Мухбир, публицист, бош муҳаррир бир кишида мужассам топган «тахририят». Ваҳоланки, анъанавий матбуот тахририятларидаги ижодий муҳит журналистлар маҳоратини тинимсиз ошириб бориш, уларнинг касб одоби талабларига риоя этиши борасида бевосита ёки билвосита тарбияловчи катта таъсир кучига эга, интернет олаmidан ташқарига чиқмайдиган «журналист» эса бундай ижобий таъсирлардан четда қолади ва бу ҳол унга ижобийдан кўра кўпроқ салбий таъсир кўрсатади. Оқибатда, жуда кўплаб (сон-саноксиз деса ҳам бўлади) кишиларни оммавий ахборот тарқатиш, оммавий ахборот алмашиш майдонига жалб этган «Интернетда ҳар бир инсон ўзига хос «нашриётчи»га айланади. Бу ҳол эса, ўз навбатида кескин тусдаги, нафрат ғоялари билан суғорилган маълумотнинг ҳеч монеликсиз кенг тарқалишига олиб келади».¹

Шу ўринда бошқа савол келиб чиқади: яъни Интернет тармоғи саҳифаларини «қоралай» бошлаган ҳар қандай киши-ни журналист дейиш мумкинми? «Мисол учун, – деб ёзади ҳуқуқшунос-профессор В.Монахов, – интернетнинг вужудга келиши туфайли оммавий ахборот билан ишловчи анъанавий ва профессионал субъектлар – журналистлар каторига ушбу машғулотнинг минглаб ва ҳатто миллионлаб ишқибозлари келиб қўшилдилар. Уларнинг жуда кўпчиликлари журналист касбининг анъаналари ва нормалари ҳақида заррача ҳам тасаввурга эга эмаслар...»²

Тўғри фикр, журналистикага ёки бўлмаса журналистлик касб-корига заррача алоқаси бўлмаган **сон-саноксиз муаллифларнинг** интернетдаги чиқишлари билан боғлиқ бўлган муаммоларни соҳа муаммоси деб эътироф этиш мантиқдан

¹ *Шамишева И.* Интернет ва бағрикенглик муаммолари // Infocom/uz. Уз. 2005. № 10. 84-б.

² СМИ и Интернет: проблемы правового регулирования. – Автор-составитель проф.В.Н. Монахов. М.: Экопринт, 2003. 8-9-б.

эмас. Назаримизда, бу жиддий мулоҳазага ундайдиган савол. Интернетда кузатилаётган ҳар қандай жараёни «оммавий ахборот воситаси» деб тушуниш хато.¹

«Компьютер журналистикаси» атамаси ҳақида сўз борганда дунё тажрибасида ҳанузгача на бу истилоҳга, на «компьютер ахбороти» атамасига тугал изоҳ топилмаганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. «Мисол учун, Австралия, Канада, Финляндия, Германия, Австрия, Голландияда «маълумотлар», Польша, Жанубий Кореяда «ёзувлар», Японияда эса «электромагнит ёзувлари» истилоҳлари қўлланади».² Дарҳақиқат, агар интернет саҳифаларида кўзга ташланадиган чиқишлар ва уларнинг муаллифлари таснифланса, буткул ўзгача манзара ҳосил бўлади.

Кўринадикки, биз интернет журналистикаси борасидаги муаммолар хусусида бош котираар эканмиз, ушбу гармок оркали сон-саноксиз миқдордаги журналист бўлмаган кишиларнинг фаол муаллифларга айланишлари (блогер киёфасида) билан боғлиқ муаммони назардан четда қолдиришга ҳаққимиз йўқ. Муаммонинг моҳияти шундаки, ҳали шахсий фикр-мулоҳазаларини матбуотда оммабоп тарзда баён этиш кўникмаси ва тажрибасига эга бўлмаган. Қўпол қилиб айтганда, тўртта жумлани эплаб ёзолмайдиган ҳар қандай шахс интернет оркали ўз қарашларини баён этаётгани, айниқса, фикрига у ёки бу кўринишда жавоб ола бошлаши унча-бунча кишини яхши-ёмон маънода шошириб қўяди. Ва бундай муаллифларнинг ҳар бири ўзини журналист (колаверса, халқаро журналист) дея ҳис қила бошлайди. Бунинг устига, интернет «журналисти» анъанавий оммавий ахборот воситаларида оддий ҳол ҳисобланган бош муҳаррир назаридан ўтмайди, натижада, истаган фикрини истаган тарзда, ҳатто ўта ғализ, тахрир талаб мулоҳазаларини ҳам ёзаверишга одатланади.

¹ Кириллов Р. Интернет: проигранная война // Курьер. – 2006. №50. С. 9.

² Ястребов Д.А., Чернышов. Объект и предмет неправомерного доступа к компьютерной информации // Закон и право. – № 8. 2007. – С. 63.

Бошқа бир жиҳат хусусида тўхталадиган бўлсак, матбуотда танкидий руҳда ёзилган мулоҳазалар кўпчиликнинг диққат-эътиборини тортгани каби интернет ўқувчиларини ҳам кўпроқ субъектив танкидий чиқишлар ўзига қаратади.

Масаланинг нозик ва муҳим жиҳати ҳам, яъни интернетнинг моҳиятидаги кўпчиликни ёзишга ундовчи, шахсий-субъектив фикр айтишга йўл очувчи. **журналист бўлмаганларни ҳам журналистга айлантириб қўяётган** омилининг ҳикмати, янгилиги ҳам шунда.

Баён этилган мулоҳазалардан кўринадики, интернет журналистикасида вужудга келаётган ушбу муаммони, яъни журналист бўлмаган, ҳатто анъанавий журналистикадан ҳам йироқ бўлган ва шиддат билан кўпайиб бораётган интернет муаллифлари билан шуғулланишни йўлга қўймоқ керак. Бу тоифа муаллифларни ўқитиш, уларга оммавий ахборот тарқатиш услублари, санъати, маҳорати ва, албатта, одоби юзасидан йўл-йўриқлар бериш ишларини кечиктириб, ё ўз холига ташлаб қўйиб бўлмайди. Бундай муаллифларга интернет орқали оммавий ахборот тарқатишнинг ҳукукий асосларини тушунтириш ҳам кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифадир.

Ўз даврида радио ва телевидение журналистикага техник воситаларнинг кириб келишини бошлаган бўлса, эндиликда интернет замонавий журналистикани қарийб бутунлай техник соҳага айлантириб юборди.

Анъанавий оммавий ахборот воситаларини «тўртинчи ҳокимият» сифатида таърифлаш одат тусини олган бўлса, интернет журналистикаси глобал даражада кишиларни манипуляциялаш воситасига айланиб бормоқда, бир жиҳатдан, оммани йўлга солувчилик, иккинчи жиҳатдан, йўлдан оздирувчилик миссияси авж олмоқда. Шунинг учун ҳам интернет журналистикасида касб этикаси муаммоларининг долзарблиги тўхтовсиз ортиб бормоқда.

Айтмоқчимизки, журналист, журналистика, анъанавий оммавий ахборот воситалари ўзгариб бораётган бир пайтда соҳа мутахассислари олдида ўзгариш, янгиланиш, мосла-

шиш вазифасини кўймоқда. Бу вазифалар бевосита Уюшма қошидаги жамоатчилик кенгашига ҳам тааллуқлидир.

Ана шундай жўшқин бир замонда журналистларнинг касб этикаси борасида қуйидаги нуқтаи назарни ҳулоса-эслатма сифатида келтириш лозим тонулди:

– Кодекс биринчи навбатда, журналист фаолиятини ҳукукий, ахлокий жиҳатдан изга солади. Уни мавжуд қонунлар доирасида иш юритишга тайёрлайди. Турли мураккаб ҳолат ва вазиятларда қонуний, касбий-инсоний ҳатти-ҳаракат мезонларини белгилаб беради;

– Кодекс журналистнинг жамиятдаги ўрни, мавқеи, салоҳиятини мустаҳкамловчи асос, таянч вазифасини ўтайди. Жамият аъзолари ўртасида журналист ўз ички интизомий нормалари мавжуд бўлган касб эгаси эканини намоён этади;

– Кодекс психологик жиҳатдан ўз ички интизомини тартиблаштирувчи, ўзи ва касбдошлари томонидан тайёрланган, жамоатчилик томонидан эътироф этилган ҳужжат сифатида журналистлар орасида жиддий таъсир кучига эга бўлади;

– Кодекс журналистларнинг фаолият жараёнидаги ҳатти-ҳаракатларига ҳолис баҳо бериш мезонига айланади. Уларнинг ҳукуқини ҳимоя қилишда, шунингдек, номақбул ҳатти-ҳаракатга йўл қўйган журналистни айбига иқроқ қилишда асос вазифасини ўтайди. Янада муҳими, Кодекс журналистнинг энг мураккаб ҳолатларда адашиш, чалғишлардан асраб, унга касб одоби меъёрларини эслатади. Кодекснинг фавқулодда гуманистик аҳамияти шу ўринда кўринади. Яъни такрор таъкидлаш жоиз бўлса, «Кодекс – журналист турли ҳолатларда тўғри йўл топиши учун қафолат эмас. Бу – тўғри йўл топиш учун яратилган имконият».¹ Тайёр қафолатга кўр-кўрона риоя этишдан кўра, мавжуд имкониятдан онгли равишда фойдаланиш эркинлиги журналистнинг ижодий эркинлигини таъминлайди, унинг профессионал нуфузини оширади.

Кодексда ифодасини топган касб одоби шартларига риоя қилиш журналист ижодий маҳоратининг чарҳланишига кўмак

¹ Профессиональная этика журналиста. – Док. и справоч. материалы. – М.: Галерия, 2002. – Б. 19.

беради. Яна бир жихати шундаки, амалда кенг қўлланиладиган мукаммал кодекс журналистнинг ҳам ҳаётий, ҳам ижодий позициясини мустаҳкамлайди, яъни у сира иккиланмайди, икки ва ундан ортик кадриятлар орасида йўлсизликка учрамайди. Санаб ўтилган хусусиятлар профессионал журналист макomini ҳаваскор қаламкашлар ёки ҳаваскор блогерларни-кидан юкори кўтаради.

Миллий журналистикада мукаммал касб кодексининг мавжудлиги жамиятдаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг баркарорлиги, халқ ва жамиятнинг баркарор тараккиёт йўли белгилаб олингани далоялати ҳамдир.

Маънавий ўрнатқ бўларли етук журналистларнинг кўпайиши муҳимлиги ҳақида сўз юритган Россия ошқораликни ҳимоя қилиш жамғармаси раиси А.Симонов, «Маънавий авторитетлар маънавий ҳуқуқлар шаклланган жойда пайдо бўладилар» дейди.¹ Чунки журналистнинг шахси мавжуд баркарор меъёр ва талабларнинг бажарилиши асносидагина камол топа (ёки таназзулга юз тутта) боради.

«Интернет журналистикаси» тушунчаси ҳақида сўз борар экан, мазкур чексиз тармок имкониятларидан фойдаланувчилар доираси, контингентини таснифлаб олиш масалага самарали ва ҳолис ёндашиш имконини беради. Интернет чек-чегара билмайди, у орқали тарқатилаётган хабар бир неча сонияда ер юзининг исталган нуктасига етиб боради. Қай йўналишда, қай тарзда ва қай мавзуда ахборот тарқатиш, мулоҳаза ўртоқлашиш, муносабат билдириш тамомила эмин-эркинлик муҳитида амалга оширилади. Бирок савол туғилади: «Тамомила эмин-эркинлик муҳити»ни ким қандай тушунади? Ким қандай англаб етади?

Эркинлик, аввало, шахснинг, қолаверса, жамиятнинг маънавий бойлиги, ҳуқуқи, бирок масъулият-чи? Бу ҳам шахснинг, жамиятнинг бойлиги, ҳуқуқи эмасми? Имконияти эмасми?

Сўзнинг мана шу саволлар билан ниҳояланаётгани бежиз эмас. Зеро, инсоннинг барча фаолиятида, жумладан, матбу-

¹ Ўша манба. Б. 18.

отчилик, журналистлик фаолиятида эркинлик ва масъулият туйғулари бамисоли қўшканот янглиғ ёнма-ён юради, яшайди. Ўзгача касбий кадрият макомига кўтарилади. Энг муҳими, ҳар икки кондош ва жондош туйғу ўзаро муроса-мувозанат йўлини топган тақдирдагина олтин ўрталиқ топилган бўлади. Ушбу мувозанат оламида олтин ўрталиқни топа олган, уни ўз амалиётида қўллай билган журналист зинҳор адашмайди, кокилмайди. Якуний ҳулоса эса аён: журналистикада эркинлик ва масъулият тушунчалари ҳуқуқ ва касб этикасида ўз ифодасини топади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Т.: 1998.
2. Оммавий ахборот воситалари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотнома-си, 2007. 1-сон. Б. 25-38.
3. *Авраамов Д.С.* Профессиональная этика журналиста. – М.: Учеб. пособ., Изд-во МГУ. 2003.
4. *Дўстмуҳаммад Х.* Оммавий ахборот воситаларини ри-вожлантиришнинг демократик андозалари. – Т.: Ўзбекистон. 2005.
5. *Сиберт С. Фред, Шрамм У., Питерсон Т.* Четыре тео-рии прессы. – М.: Вагриус. 1998.
6. *Теплюк В.М.* Свобода и ответственность в деятельности журналиста. Изд-во Дальневосточного университета. Влади-восток, 1985.
7. Профессиональная этика журналиста. (Документы и справочные материалы) М.: Галерея. 2002.

МУНДАРИЖА

Оммавий ахборот воситалари ва ҳуқуқ (Назира Тошнўлатова, Фирдавс Саидов)	3
Оммавий ахборот воситалари ва реклама (Карим Баҳриев)	149
Ижтимоий тармоқлар ҳуқуқ доирасидан ташкарида эмас (Карим Баҳриев)	173
Журналистикада касб этикаси (Ҳушид Дўстмуҳаммад).....	194

Илмий-оммабон нашр

И л д

ЖУРНАЛИСТИКА ҲУҚУҚИ ВА ЭТИКАСИ

**(ОАВ қонунчилиги, қонунларга шарҳлар,
касб этикаси)**

Нашрга тайёрловчи *Х. Дўстмуҳаммад*

Ташки муҳаррир *Л. Абдуқодирова*

Нашриёт муҳаррири *С. Саидмуродов*

Рассом-дизайнер *У. Сулаймонов*

Техник муҳаррир *Л. Хижова*

Кичик муҳаррир *М. Салимова*

Мусаххих *М. Мадаминов*

Компьютерда саҳифаловчи *С. Азизтоева*

Нашриёт лицензияси АИ № 158. 14.08.2009.
Боснишга 2019 йил 23 декабрда рухсат этилди.
Бичими 60x90^{1/16}. Офсет қоғози. «Times New Roman»
гарнитурасида офсет усулида босилди. Шартли босма
табоғи 15,0. Нашр табоғи 12,89.
Адади 1000 нусха. Буюртма № 19-716.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz

2020
AO/07
O'zbekiston

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-25-920-1



9 789943 259201